

Е. А. ЯНЧЕВСКАЯ



**АЁЉЛАР  
УСТ  
КЙЙИМИНИ  
КОНСТРУКЦИЯЛАШ**

687  
Я67

Е. Л. ЯНЧЕВСКАЯ

# АЁЛЛАР УСТ КИЙМИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

Ҳунар-техника билим юртлари  
учун дарслик

*РУСЧА НАШРИДАН ТАРЖИМА*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги нашрга тавсия  
этган*

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1998

687  
АВ7

Ушбу китобда аёллар кийими, кийимлар таснифи ва ассортименти ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Аёллар фигурасининг типавий тана тузилиши ва гавдасини тутишининг қисқача тавсифи берилган. Аёллар уст кийими асосий деталларини конструкциялаш методлари баён этилган. Кийимни моделлаш ва бадний безашга оид айрим масалалар кўриб чиқилган.

Дарслик ҳунар-техника билим юртлари учун мўлжалланган. Ишлаб чиқаришда ишчиларга ҳунар ўргатишда фойдаланса ҳам бўлади.

У/к 2988

Я 67

Янчевская Е. Л.

Аёллар уст кийимини конструкциялаш: Ҳунар-техника билим юртлари учун дарслик: Русча нашридан тарж.—Т.: «Ўқитувчи», 1997—288б.

ББК 37.24-2я722

Я  $\frac{4307000000-188}{353 (04)-97}$  134-97

© Издательство «Легпромбытиздат», 1989.

ISBN 5-645-02733-7

© «Ўқитувчи» нашриёти, русчадан таржима, 1997.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда унинг бутун объектив ва субъектив омилларининг комплексини қамраб олувчи кенг маънодаги иш сифати тушунчаси ўзига хос ўринни эгаллайди. Иш сифати меҳнат сифати, маҳсулот сифати, ишчининг ўз меҳнатига бўлган муносабати мажмуасидан иборат. Режалаштириш органлари, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш системаларининг куч-ғайратлари иш сифатини оширишга қаратилган. Иш сифатини ошириш нафақат муҳим давлат масаласи, балки жамиятнинг бутун ҳаёт тарзини ўзгартирувчи амалий омилдир. Юқори даражали сифатли кийимлар тикмай туриб бугунги кунда илмий-техника тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди.

Бошқа истеъмол маҳсулотлари каби, кийимга нисбатан янада юқори талаблар қўйилмоқда. Ҳозирги даврда кийимнинг шакли, пропорциялари, деталлари, безаклари ва ҳ.к. ечимлари нуқтан назаридан унинг бадий даражаси асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳалаш босқичида кийим сифатини ва уни ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлайдиган асосий жараёнлар кийимни конструкциялаш ва моделлаштиришдир.

Кийимни конструкциялаш—техник ва бадий масалалар ечимини ўз ичига олган мураккаб ижодий жараёндир. Конструкция чизмаларини тузганда конструктив усуллардан бири ёки технологик ишлов методлари орқали шаклнинг тўғри ечимини топиш катта аҳамиятга эга.

Енгил саноат олдида кийим сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қўйилган масалаларнинг ижодий ечими кийимни тайёрлаш жараёнида

муайян операциялар бажарадиган тикувчилик саноатининг мутахассисларини қай даражада тайёрлашга боғлиқ.

«Аёллар уст кийимини конструкциялаш» дарслигида кийимни конструкциялаш соҳасидаги замонавий маълумотлар етарли даражада тизимга солинган ҳолда ифодаланган.

Дарслик маълумотлари «Аёллар уст кийимини конструкциялаш» фани дастурига биноан аёллар ва болалар устки кийимини саноат шароитида ишлаб чиқариш бўйича мутахассислар тайёрлаш учун тузилган.

«Аёллар уст кийимини конструкциялаш» фани кийим тўғрисида умумий маълумотларни, замонавий кийим классификациясини, одам танаси тузилиши тўғрисида қисқача маълумотларни, кийим деталларининг ёйилмасини ҳосил қилиш ҳар хил усулларини, ҳар хил бичимли аёллар устки кийими асосларининг конструкция чизмасини тузиш ва қизлар уст кийимини конструкциялаш хусусиятларини ўрганади.

Ушбу дарсликка тикувчилик ишлаб чиқариш марказий илмий текшириш институтининг (ЦНИИШП) конструкциялаш умумий методикаси ва аёлларнинг ҳар хил бичимли уст кийимлар асосини конструкциялаш бўйича муаллифнинг маълумотлари киритилган.

# 1. КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ МАҚСАДИДА ОЛИНАДИГАН БОШЛАНГИЧ МАЪЛУМОТЛАР

## 1.1. КИЙИМ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1.1.1. Костюм тарихидан

Кийим — одам танасини ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, беркитиб турувчи ва эстетик функцияларни бажарувчи буюм ёки буюмлар мажмуи. Бунга пойабзал кирмайди.

Ассортимент — муайян белгилар бўйича (вазифаси, материали ва ҳ.) мустақил гуруҳга бирлашган буюмлар.

Устки кийим ассортиментига корсет буюмлари устидан кийиладиган, ичдан кийиладиган кийимлар, пальто ва кўйлак-костюм гуруҳларидаги буюмлар киради.

Ушбу дарсликда аёллар устки кийими — пальто-костюм гуруҳидаги кийимларни конструкциялаш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Бу ассортиментдаги буюмлар ҳар хил материаллардан: толалик таркиби ҳар хил бўлган материаллар, табиий ва сунъий мўйна, чарм, потуқима материаллар ва трикотажлардан тайёрланади.



Инсоннинг муайян психологик образини ва тарихий босқични акс эттирадиган аксессуарлар, безаклар, соч турмаклаш ва гримларга мос ҳолда кийим қисмларининг муайян системаси костюм дейилади.

Костюм инсон баркамоллиги босқичлари билан узвий боғлиқ. Маълумки, инсон камолотининг ҳар бир босқичи унинг костюмида, уни кийиш усулида, материалида ва тайёрлаш усулларида ўз аксини топади. Айнан костюм инсоннинг ижтимоий ва алоҳида хусусиятларини, унинг ёши, жинси, характери, эстетик ди-



1.1-расм. XVIII — XX асрларда аёллар костюмининг шакли.

дини ифодалайди. Костюм инсон маданияти даражасини ва унинг савиясини билдириш билан бир вақтда одам яшайдиган муҳитни ҳам акс эттиради (1.1-расм).



Костюм ижтимоий ёки бирон-бир бошқа нарсага мансублиги белгиси билан баҳоланади. Унинг бу белгиси муайян воситалар орқали ифодаланади: шакли, ранги, бичими, газламаси. Костюмни ифодаловчи энг муҳим восита кўз билан кўриб идрок қилинадиган ва даврга

қараб ўзгарадиган унинг шаклидир. Костюм шаклининг ўзгариши, атроф-муҳитнинг янгиланишига қараб, одам эҳтиёжига боғлиқ.

XX асрда «костюм» сўзи дастлабки ўз маъносини бирмунча йўқотди, ҳозир бу сўз тарихий костюм тунунчаси сифатида ёки образни тўлиқ ва ёрқин ифодаловчи тантанали маросимларда кийиладиган кийим ёки ансамбль маъносида ишлатилади. Бундан ташқари, костюм деганда икки-уч қисмдан иборат кийим ассортиментини тушунамиз (юбка, жакет, блузка ва бошқа бирикмалар).

Атрофдаги воқеликни янгилаб туришда доимий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган костюм муайян шаклларининг қисқа давр ичида ҳукмронлиги мода дейилади.

Мода XVII асрда, аниқроғи 1642 йилда пайдо бўлган, бу вақтда французлар мода ва тарғиботнинг ажойиб воситаси — Пандора деб номланган афсонавий (юнон қаҳрамон аёли номи) одам буйи билан барабар мум қўғирчоқ яратишди. Пандора барча Европа давлатларига кемаларда, араваларда, чаналарда саёҳат қилган. Бунда иккита қўғирчоқ қатнашган: раъсий давлат модаси бўйича кийинган катта Пандора ва уй кийимлари намуналарини намоён қилувчи кичик Пандора. Қўғирчоқлар саёҳати шунчалик муҳим ҳисобланар эдики, улар йўлини ҳатто уруш ҳам тўса олмасди. Пандораларни ўтказиб юбориш учун генераллар уруш ҳаракатини тўхтатар эди.

1679 йилда Версаль модаси тўғрисида «Меркуре Галант» номли маълумотлар манбаининг босма нашри чиқди. Бу нашр моделларни, улар деталларини ва аксессуарларини жуда аниқ, табиий ҳолда акс эттирган. Расмларда у ёки бу фаслда қайси кийимни, қайси газламалардан тикиб кийиш тўғрисида кўрсатмалар ҳам берилган.

Мода тарғиботида портрет чизиш катта роль ўйнаган.

XVIII аср, олдинги қироллик асридан фарқли равишда, костюм кийишда киборлар асри бўлди. Тантанали маросимларда кийиладиган кийимлар ўрнига уйда ҳамда меҳмонлар қутишда кийиладиган кўйлақлар, саёҳат ва шаҳар ташқарисига сайр қилишда, овга чиқишда ва рақсга тушишда кийиладиган костюмлар пайдо бўлди.

Аёллар қиёфасида ердаги ҳақиқий ҳаётдан узоқроқ, қўғирчоқдек латиф, образнинг эртақлардаги каби афсонавий хусусиятлари таъкидланади.

Костюмда бундай образнинг яратилиши одам фигурасининг табиий мутаносиблигини кескин ўзгартиб юборди: кичкинагина бежирим бош, тор елкалар, но-зик бел ва шаклан бўрттириб кўрсатилган бўкса чи-зиқлари. Костюмнинг шакли, бичими ва безаклари унинг киши баданини беркитиб туриш ва эстетик ва-зифалари орасидаги ўзаро боғлиқликни мутлақо бу-зади.

70-йиллар охирида XVIII аср санъатида классицизм асосий йўналиш бўлиб қолади. 1789 йилдаги француз буржуа революцияси, саноати ривожланган Англиянинг таъсири феодализмга қарши, гражданлик ғоялари ва инсоний қадр-қийматга тўлиб тошган янги ижтимоий руҳий ҳолатни юзага келтирди. Классицизм бу руҳий ҳолатнинг ўзига хос ифодачиси эди. Ўзининг сипо ва эркин образларида, аниқ геометрик композициялари-да у қайтадан антик ғояларга мурожаат қилди. Лекин 70—80-йиллар костюмида рококо таъсири бутунлай ва батамом бартараф этилмаган эди.

XIX аср муайян маънода аввалги даврлар костюм тарихининг ўзига хос синтези эди.

XIX аср бошланиши санъатда ампир (французча «империя» сўздан) стили пайдо бўлиши билан харак-терланади. Ампир стили классицизмдан турғунлироқ-лиги, серҳашамлиги, ярқироқлиги ва тантаналилиги би-лан фарқланар эди.

Ампир костюмининг силуэти баланд ва хушқад ци-линдрсимон устунлар қиёфасига интилар эди. Костюм композияси турғун, манзарали кўриниши эса конструк-тив тузилишидан устунроқ турар эди.

Француз буржуа революцияси кийим ишлаб чиқа-ришни кенгайтиришга ёрдам берди, бунда кўйлақлар-нинг осонлаштирилган бичимларини топқирлик билан яратишга ва газламаларни кўплаб ишлаб чиқаришга, бу эса ўз навбатида, кийимларни арзон нархда аҳоли-нинг ўрта табақасига сотишга имкон яратди. Ампир стилидаги костюмнинг кенг тарқалишига босиб чиқа-риладиган модалар журналлари ҳам ёрдам берди. XIX аср 30-йиллар костюмига романтизм ўз таъсирини кўр-сатди. Бу давр костюмига бели ёпишган, елкалари па-

сайган ва кенг енглар, узун кенгайтирилган юбкалар характерлидир.

XIX асрнинг 40—50-йиллари аёллар костюмининг силуэт ва шакллари аниқ пропорциялар, елка ва бел табиий чизиқлари, кенгайган бўкса чизиғи билан характерланади.

Костюм тарихининг 60-йиллари иккинчи рококо дейилади. Бу даврдаги аёллар костюмига вазифасига кўра ассортиментининг хилма-хиллиги характерлидир: тонги либослар, сайил учун костюмлар, овқатланишда ва тантанали маросимларда кийиладиган либослар.

XIX аср охирида костюмда Крит ва Япония маданиятининг таъсири сезилади. Костюм моделларини яратишда икки: спортга оид ва оқсуякларга хос бўлган йўналиш ҳукмронлик қилган. Бир томонда фойдалилик устунроқ турса, иккинчи томонда — кўркамлик. Шу пайтда модерн (замонавий, янги) стилда спорт ва кеча либосларини яратишга имкон берадиган клеш юбкали ва енглари катта ҳажмли кийимнинг янги хили пайдо бўлади. Янги стил Англияда яратилди. Аёллар инглиз костюми (блузка, юбка ва жакет) кенг тарқалади.

Мода журналлари мода тарқатувчи манба бўлиб қолаверди. Улар орасида 1829 йилда Эмиль Жирарди асос солган «La mode» журнали алоҳида ўрин эгаллади. Ундаги мода тўғрисидаги мақолалар оммавий фалсафий характерда бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида модалар журналлари ихтисослаша бошлади: уларда андазалар, тикиш, бичиш бўйича амалий маслаҳатлар ва ҳ. ўрин эгаллади.

XIX асрда аёллар костюмида жой олган модерн стили XX асрнинг бошида костюмнинг безаклик ечимига, газламалар ишлатилишига, силуэтига катта таъсир кўрсатишда давом этарди. Улар ичида энг қизиқарлиги S — симон шаклдаги корсет ёрдамида яратиладиган ёнлама силуэт.

XX асрнинг 20-йиллар кийимига туташ чизиқлар, меъёр ҳажмлар мансубдир. Кийимнинг янги қулай турлари пайдо бўлди: кенг ва тўкис пальтолар, жакетлар, ҳар хил шаклли хизмат костюмлари, коржомалар ва махсус кийимлар.

Бу йилларнинг ва 30-йилнинг биринчи ярмидаги моданинг муҳим тарафлари шаклнинг эркинлигидир. Улар ичида энг ўзига хоси «бочонок» силуэтидир.

Уттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида аёллар уст кийимида буксага ёпишиб турадиган, узунлиги болдир ўртасигача тўғри силуэт асосий ва ягона бўлди. 30-йиллар аёлининг идеал қиёфаси — баланд бўйли, қомаги келишган, нозик белли ва тор бўксали, ясси кўкракли фигура. Кийим силуэтлари фигурага мос.

Аёллар уст кийимларининг ассортименти етарли даражада хилма-хил: костюмлар, юбкалар, пальто, аёллар шими.

40-йиллар кийими тиззагача калталашди ва елка ёстиқчаси ёрдамида елкаси кенгайди. Эллиқ белбоғ ёрдамида бел аниқ кўрсатилди. Аёллар уст кийими ассортиментида кўпроғини тўғри ва ёпишиб турадиган силуэтли пальто ва жакетлар ташкил этади.

40-йиллар охири ва 60-йиллар бошланиши кийимларининг силуэт ечими жуда хилма-хил. Аёллар уст кийимига тўғри ва овалсимон ҳамда А-симон силуэтлар тааллуқлидир. Бу йиллар модасига суйри елкалар ва узун юбкалар характерли.

60-йиллар аёллар устки кийимларининг ўзига хос белгиси тўғри ва сал ёпишиб турадиган олди ва орқа томонлари бир оз яссиланган шаклли костюмлардир. Горизонтал ва вертикал рельефлардан тузилган сал ёпишиб турадиган силуэт етакчи силуэтдир.

70-йилларда (биринчи ярми) аёллар устки кийимида тўғри силуэт кенг тарқалган эди. Бу, 60-йиллар шаклига ўхшамаган, унда бир оз суйри геометризация принципи сақланган бўлса ҳам, ҳажмий юмшоқ шакл. Силуэтда кўзга ташланадиган кенг елкалар мувозанатни идрок қилиш учун шаклни паст томонга бир оз кенгайтиришни талаб қилди.

70-йиллар охири ва 80-йиллар бошланишига келиб мода, бичилмаган кийим ва оsonлаштирилган ясси бичиқ дейиладиган нисбатан қисқа даврдан сўнг кўпданкўп хилма-хил бичим ва шакллар билан характерланадиган мураккаброқ нозик чизиқларни тасдиқлашга ўтди. Мода бир хил бўлмай қолади. Бу давр шартли — идеал фигуранинг пропорциялари нозик, аниқ белги-ланадиган бел чизиқлари, овалсимон бўкса чизиқлари, лекни унга кенгайган тўғри елкалар хосдир. Бу тўғри силуэт етакчи бўлганлигидан далолат.

Шаклларнинг турли-туманлик принципи олд бўлак, орт бўлак ва энгларни ҳар хил ҳажмийлик даражасида тузишга ёрдам берган, устки қисм ҳажмларидан

бел, бўкса ва этак ҳажмига ҳар хил кўринишда ўтишни таъминлаган. Айни пайтда ҳар бир аниқ ҳол учун тўғри бурчак пропорциялари ҳар хил — чўзиқ тордан калта кенггача.

80-йиллар кийим шаклига вертикал буйича ҳар хил кўринишлар хосдир — елка соҳаси геометрик шаклда, бўкса соҳасининг шакли юмшоқ овалсимон. Бу фарқ шунчалик контруктив усуллар ёрдамида эмас, белбоғ билан сиқиб боғлаш ва бурмаларни марказга яқинроқ жойлаштириш ҳисобига амалга оширилган.

80-йиллар кийимининг силуэтида энгларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. 80-йиллар кийимида ҳажми катталаштирилган энглар тана шаклини торайтириб кўрсатгани туфайли қомат чўзиқроқ, келишганроқ таассурот қолдирган.

### 1.1.2. Замонавий кийимлар таснифи

Замонавий кийимни вазифасига кўра ич кийим, уст кийим, корсет буюмлар ва бош кийимларга ажратиш мумкин.

Ёшига ва жинсига қараб эркаклар, аёллар ва болалар кийими бўлади. Болалар кийими ўз навбатида ёшига қараб олтига гуруҳга (чақалоқлар, ясли ёшидаги, мактабгача ёшдаги, кичик ёшдаги ўқувчилар, ўрта ёшдаги ўқувчилар, ўспиринлар) ҳамда қизлар ва ўғил болалар кийимига бўлинади.

Кийимлар гуруҳи фаслга ва хомашё турига кўра кичик гуруҳларга ажратилади: бу қишки, кузги-баҳорги, ёзги ва ҳамма мавсумда ҳамда ип, зиғир, тола ипак ва жун газламадан тикилган кийимлар.

Саноатда аёллар кийими бўй узунлиги (146; 152; 158; 164; 170; 176); кўкрак айланаси — размерлари (88, 92, 96, 100..., 136) ва тўлалиқ гуруҳларига (1, 2, 3, 4—нчи) (ОСТ 17—326—81) кўра таснифланган типавий қоматларга мўлжаллаб тайёрланади. Қизлар кийими бўй узунлиги (62, 68, 74, ..., 176) кўкрак айланаси (40, 44, 48..., 96, 100, 104, 108) ва ёшига қараб (ясли ёши, мактабгача тарбия ёши, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, ўрта ёшдаги ўқувчилар ва ўспиринлар) гуруҳларига қараб таснифланади.

Спорт кийимлари синфи спорт турига қараб кичик

синфларга бўлинади, гуруҳлар эса — жинси ва ёш белгилари бўйича.

Махсус кийимлар ГОСТ 12.4.103—83 га мувофиқ ҳимоя қилиш хусусиятлари бўйича гуруҳ ва кичик гуруҳларга бўлинади.

Хилма-хил махсус кийимлар мавжуд бўлиб, аниқ иш шароитини ҳисобга олиб уларни хавфсиз ишлаш учун тавсия қилиш мумкин. Куртка, блузка, сорочка, шим, энгил комбинезон, комбинезон, нимча, фартук, қўлқоплар ва ҳ.к. махсус кийимларнинг асосини ташкил этади.

Муассаса кийимларнинг кичик синфига ҳарбий хизматчиларнинг, махсус муассасалар (денгиз ва дарё флот, темир йўл транспорти) ишчиларининг, мактаб ва билим юртлар ўқувчиларининг расмий кийимлари кирди. Расмий кийимларнинг асосий хиллари: пальто, шинель, китель, куртка, шим, гимнастёрка, костюм, кўйлак, юбка ва ҳ.к.

Қуриб чиқилган кийимлар классификацияси замонавий кийимларнинг турли-туманлиги тўғрисида етарлича далолат беради.

### 1.1.3. Маҳсулот классификаторида тикув буюмлари таснифи ва кодланиши

Маҳсулотни лойиҳалаш ва ҳисобга олиш баъзи босқичларида ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш буюмларнинг деталь ва узелларини кодлаш зарурияти туғилади. Тикув буюмларининг ўнлик эгасиз таснифи маҳсулот классификатори (КП) га киритилган. КПда тикув буюмлари 85-рақам остида мустақил синфга ажратилган. Тикув буюмлари навбати билан синфлар, кичик синфлар, гуруҳлар, кичик гуруҳлар, турлар, кичик турлар ва бошқаларга таснифланади. КП (МК — маҳсулот классификацияси)да ўнлик кодлаш системаси қабул қилинган. Ҳар бир белгининг характеристикасига муайян миқдорда ўнлик разряди ўрин ажратилган.

85-коднинг 1- ва 2-разрядлар — «Тикув буюмлари» с и н ф н.

3-разряд — к и ч и к с и н ф, буюмларнинг ассортимент бўйича таснифи: 1—уст кийимлар, 2—костюм-

кўйлак буюмлари; 3— ич кийим; 4— бош кийим; 5— махсус кийимлар ва ҳ.к.

4-разряд — вазифасига кўра ухшаш ва модель — конструктив ечими яқин бўлган буюмларнинг гуруҳ — тур мажмуи: 1— пальто; 2— калта пальто; ..., 5— кўйлак, ..., 7— сорочка ва ҳ.к.

5-разряд — хом ашё тури бўйича кичик гуруҳ: 1— ип газламалар; 2— зиғир ва аралаш толардан тўқилган газламалар; 3— шойи, синтетик ва аралаш толардан тўқилган газлама ва трикотаж полотнолар ва ҳ.к.

6-разряд — жинси ва ёш белгилари бўйича кийимлар тури: 1—эркаклар учун; 2—аёллар учун; 3— мактаб ёшидаги ўғил болалар учун ва ҳ.к. 7 дан 10 гача бўлган разряд кийимларнинг хиллариаро таснифи.

#### 1.1.4. Кийимга нисбатан қўйиладиган талаблар

Саноат шароитида кийим лойиҳалашда унга қўйиладиган муайян талаблар ҳисобга олинади. Бу талаблар икки гуруҳга бирлаштирилган: истеъмолчи-талаблари ва саноат-иқтисодий жиҳатдан талаблар.

Истеъмолчи талабларига функционал, эстетик, конструктив-эргономик ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Функционал талаблар кийимни вазифасига ва кийиб юриладиган шароитга мослигини ва қулайлигини, шаклини сақлашини ва ҳ.к. билдиради.

Эстетик кўрсаткичлар саноат ривожланишининг ҳозирги босқичида кийимнинг юксак бадий даражаси, унинг сифати етакчи мезонлигини эътиборга олиб унинг шаклининг яққол кўзга ташланиши, унинг газлама билан боғлиқлиги ва танланган ранглари ва ҳ.к. нуқтаи назаридан мода талабларига мувофиқлик даражасини аниқлайди.

Конструктив-эргономик кўрсаткичлар кийим одам қоматига ва уни кийиш шароитига, статика ва динамикада унинг айрим (антрометрик) характеристикаларига ҳамда ва психо-физиологик ўзига хос хусусиятларига мослигини ҳамда гигиеник ва ҳ.к. даражасини аниқлайди.

Саноат-иқтисодий талаблар стандартлаштириш, ишлов беришга қулайлик ва тежамкорликни ўз ичига олади.

Стандартлаштириш — стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёни. Саноат шароитида замонавий конструкциялаш қўйидаги ҳужжатларнинг размерли стандартизациясига асосланган: ОСТ 17-326—81 «Тикув, трикотаж, мўйна буюмлар. Аёлларнинг типик фигуралари. Кийимни лойиҳалаш учун ўлчам белгилари», қизлар кийими—ОСТ 17—66—77 «Тикув, трикотаж, мўйна буюмлар. Қизларнинг типик фигуралари. Кийимни лойиҳалаш учун ўлчам белгилари». Бундан ташқари техник шартлар (ТУ) ва бошқа норматив-техник ҳужжатлардан фойдаланилади.

Аёллар ва қизлар кийимларининг шакллари, бичимлари ва айрим конструктив узел ва деталлари хилма-хил бўлгани учун саноатда стандартлаштириш ўз ифодасини типизация ва унификацияда топган.

Типизация деганда типик конструктив ёки технологик ечим (типик конструктив асос) тушунилади.

Турлараро шакли ва размерлари хилма-хил бўлган деталь ва узелларни кийим сифатига ва ташқи кўринишига таъсир қилмаган ҳолда тип ва размерларнинг энг кам сонига келтириш унификацияни англатади. Астар ва қотирма деталларини ҳамда майда деталларни тайёрлашда унификация қўл келади.

Ишлов беришга қулай бўлган конструктив шакли я шакли содда, ишлов беришда кам меҳнат талаб қиладиган, замонавий технологик жараёнлар қўллашга имкон берадиган ва бичишда режали бўлиши керак. Қатор саноат корхоналарида аёллар уст кийими моделларига сарфланадиган материал ҳажми лойиҳалаш босқичида, яъни эскиз тасдиқлашда ҳисобга олинади. Агар сарфланадиган материал ҳажми рухсат этилган нормадан ошса, модель амалга ошмайди.

Ишлов бериш технологияси прогрессив, яъни замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражасига мос бўлиши керак.

Ишлов беришга қулай бўлган конструкцияни ўз асосига олган унификациялаштирилган технология кийим тайёрлашда такомиллаштирилган ишлов усулларини, янги асбоб-ускуналарни қўллашни таъминлайди ва комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш жараёнларини амалга оширишга ёрдам беради.

Иқтисодий кўрсаткичларда кийимни лойиҳалашга, ишлаб чиқаришни конструкторлик, технологик ва техник тайёрлашга ҳамда кийимни кийишда талаб этиладиган харажатлар акс этади.

Тикув буюмининг *сифат даражаси*, баллар бўйича баҳолашни қўлламасдан, норматив-техник ҳужжатларда келтирилган талаблар асосида истеъмолчи ва саноат талабларига биноан кийим сифат гуруҳларининг бирига (замонавий мода гуруҳи — ПВ, Н — индексли гуруҳ ва БС — кўпчиликка мансуб бўлган гуруҳ) кири-тиб баҳоланади.

Тайёр кийим сифатига ва уни тайёрлаш сифатига бўлган талаблар ҳамда истеъмолчи ва саноат кўрсаткичларини баҳолаш йўллари тикувчилик саноатида жорий этилган стандартлар ва техник шартларда ёритилган.

#### 1.1.5. Тикув буюмларининг конструкцияси туғрисида умумий маълумотлар

Тикув буюмлари конструкцияси деталлар шакли ва сонига, буюмда чоклар ва узеллар жойланишига, кийимнинг тури ва материаллар хусусиятларига ҳамда тайёрлаш усулларига боғлиқ. Буюмнинг конструкцияси, сони ўзгарувчан ва модель тузилишига боғлиқ бўлган деталлардан иборат. Мисол учун, «қуёшсимон» бичимли юбка конструкцияси битта ёки иккита деталдан ба-жарилган бўлиши мумкин, эркаклар костюмининг конструкцияси эса 40 тадан ошиқроқ деталлардан иборат. Тикув буюмлари конструкциясида деталлар андазалари асосий ва ҳосила андазаларга бўлинади. Асосий (авра) материалдан бичилган деталларнинг асосий андазалари конструкцияси бўйича хилма-хилдир. Асосий деталларга орт бўлаклар, олд бўлаклар, енг қисмлари, юбка қисмлари киради. Лекин, умуман олганда, замонавий кийим деталлари, узеллар ва чокларда кўп ўх-шашликларга эга. Ҳосила андазаларга асосий материалдан бичиладиган деталлар андазалари — борт адипи, устки ёқа, енгларнинг манжет, адиплар ва моделга мувофиқ бошқа деталлар; қотирма материалдан бичиладиган деталлар — борт қотирмаси, енглар учининг қотирмаси ва ҳ.к. киради.

Тикув буюмининг шакли уни хилма-хил конфигурация ва размердаги деталларга конструктив жиҳатдан

булиш натижасида тузилади. Бунда асосий деталларнинг (олд ва орт бўлаклар, энглар) конфигурацияси билан материалнинг тури ва буюмнинг шакли орасида узвий боғланиш кузатилади. Аёллар тикув буюмларининг шакли конструктив воситалар ва намлаб-иситиб ишлаш йўллари билан ҳосил қилиниши мумкин. Агар материал таркибида сунъий толалар бўлса, буюмнинг шакли аниқ бир материал хусусиятларига мақбул бўлган фақат конструктив воситалар ёрдамида таъминланади.

Шакл ҳосил қилишда конструктив воситаларга кўрак, бел ва бўкса чизиқларида тўқисликка бериладиган қўшимчалар ҳамда конструктив элементлар киради.

Тўқисликка бериладиган қўшимчалар қиймати буюмнинг силуэти ва ўлчамларига (қомат характеристикаси) боғлиқ; уларнинг чизма участкалари бўйича тақсимланиши эса тикув буюмининг шаклига боғлиқ.

Шаклнинг конструктив элементларига вертикал қирқим ва виточкалар (орт бўлакнинг ўрта қирқими, ён қирқимлар, рельеф ва виточкалар) ҳамда горизонтал чизиқлар (кокеткалар, кесиклар, деталлар — чунтақлар, белбандлар ва ҳ.к.) кириши мумкин.

Тикув буюмлари конструкцияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Уларнинг фарқини қуйидагилар белгилайди: шакли кам ҳажмли сипо, бир текис катталашган ҳажмли, хаёлий шакли ва ҳ.к.; силуэтли — баданга ёпишган, сал ёпишган ҳар хил ҳажмли тўғри, трапециясимон; бичими — классик шаклдаги ўтқазма энгли; эркаклар кўйлаги бичимидаги ўтқазма энгли, реглан ва ярим реглан энгли; яхлит бичилган ва комбинациялашган энгли; в а з и ф а с и — уй кийими (кўйлак), кундалик, спорт кийими ва ҳ.к.

Одам қоматида жойланишига кўра елкада турадиган ва белда турадиган кийимлар фарқланади.

#### Текшириш учун саволлар

1. Ҳозирги шароитда энгил саноат олдида қандай масалалар турибди?
2. Кийим деб нимани айтилади?
3. «Костюм» деганда нимани тушунасиз?
4. XVIII аср (боши, ўртаси, 70-йиллар ва охири) аёллар костюмининг ўзига хос томонларини айтиб беринг.

5. XIX асрнинг ўрталари ва охирида аёллар костюми учун нима характерли?
6. XX аср биринчи чорагининг модасида аёллар костюмида қандай ўзига хос шакллар кузатилади?
7. XX асрнинг 30 ва 40-йилларидаги аёллар костюмининг қандай ўзига хос шакллари мавжуд?
8. XX аср 40-йилларининг иккинчи ярми ва 50-йилларидаги аёллар костюми учун нима хос?
9. Замонавий минший кийим қандай таснифланади?
10. Маҳсулот классификаторида тикув буюмлари қандай таснифланади ва кодланади?
11. Кийимга қандай талаблар қўйилади?
12. Истеъмолчи талабларининг маъноси нимада?
13. Кийимга қўйиладиган саноат-иқтисодий талабларнинг асосий мазмуни нимада?
14. Буюм деталь ва узелларининг унификацияси нима?
15. Технологик конструкция деганда нима тушунилади? Технологик жараёнларни такомиллаштиришда унинг роли қандай?
16. Кийим сифатининг даражаси қандай баҳоланади?
17. Қандай сифат категорияларини биласиз?
18. Тикув буюмларининг қайси деталлари андазалари асосий андазаларга киради?
19. Ҳосила андазаларга буюм деталларининг қайси андазалари киради?
20. Қандай воситалар ёрдамида тикув буюмларининг шакли ҳосил қилинади?
21. Кийим шаклининг конструктив элементлари деганда нимани тушунасиз?
22. Буюм конструкциясини нима характерлайди?

## 1.2. ОДАМ ТАНАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ТУҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Одам танасининг ташқи шаклини ўрганиш билан пластик анатомия фани шуғулланади. Кийимни конструкциялаш мақсадида одамнинг ташқи шаклига таъсир қилувчи тананинг баъзи морфологик характеристикаларини таъкидламоқ лозим. Шундай характеристикаларга асосий ўлчов белгилари, мутаносиблик, тана тузилиши ва гавдани тутиш киради.

Тананинг ҳар қандай морфологик белгисига ўзгарувчанлик хос. Ўзгарувчанликнинг шакли, унинг ифодаланиш даражаси ва унинг йўналиши ҳамма белгиларда ҳар хил; уларга кишининг ёши, жинси, ижтимоий шароити, организм биохимик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари каби қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади [1].

Одамнинг ҳаётий даври ёш деб аталадиган ҳар хил вақт бўлакларидан тузилади. Одамда паспорт бўйича ва морфологик ёш фарқланади. Паспортга кўра ёш

4. 18 Кийимнинг реперлари, тузилиши ва конструкциясини қарайтириш

туғилган сана билан аниқланади ва бир йилдан ошмайдыган вақт даврине уз ичига олади. Морфологик ёш — бу организм усьиши муайян қонуниятлар билан характерланадиган бир неча йиллар даври [1].

1965 йилда Москвада бўлиб ўтган Халқаро симпозиум қабул қилган қизлар ва аёллар ёшларига оид даврий схема 1.1-жадвалда келтирилган.

1.1. Қизлар ва аёллар ёшларига оид даврий схема

Ёш даври	Ёш даврининг муддати	Ёш даври	Ёш даврининг муддати
Чақалоқлик даври	1 ёшгача	Ўрта (катта) ёш	
Кичкинтойлик даври	1—2 ёшгача	биринчи даври	21—35 ёш
Болаликнинг биринчи босқичи	3—7 ёш	иккинчи даври	36—55 ёш
Болаликнинг иккинчи босқичи	8—11 ёш	Кексайган ёш	56—75 ёш
Ўсмирлик даври	12—15 ёш	Қарилик даври	76—90 ёш
Йигитлик даври	16—20 ёш	Ўзоқ яшаган	90 ёшдан юқориси

**Жисмоний ривожланиш.** Морфологияда жисмоний ривожланиш деганда организмнинг куч запасини аниқлайдыган жисмоний яроғлигининг қандайдир шартли ўлчови тушунилади. Жисмоний ривожланиш бу одам ҳаётни давомида ўлчамларининг танасининг шакллари, организм функцияларининг ўзгариш жараёни ҳамдир.

**Асосий ўлчам белгилари.** Тананинг жисмоний ривожланишини урганишда одатда унинг муҳим кўрсаткичлари — сонлар билан ифодаланадиган асосий ўлчам белгилари: тананинг узунлиги (буй), кўкрак айланаси ва тананинг массаси [1] дан фойдаланади. Жисмоний ривожланиш тушунчаси катталар ва болаларда бир хил эмас.

Ҳозирги асрда болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланишида ўсиш суръати тезланиши, яъни *акцелерация* (антропологияда болалар ва ўсмирлар ривожланишининг тезланиши кузатилмоқда). Бу ҳолат катта ёшли аҳолининг размерлари катталанишида ҳам акс этади. Акцелерация — мураккаб кўп комплексли ҳодиса. Унинг сабаблари ҳозиргача етарли аниқланмаган.

Ўсиш суръати тезланишига овқатланиш, ижтимоий гигиеник шароитларнинг яхшиланиши, ҳаёт тарзининг ўзгариши, оммавий спортнинг ривожланиши, асаб системасига радио, кино, телевидение ва ҳ.к. лардан тушаётган катта нағрузка таъсир қилади деб, таъкидлашмоқда.

Тана нинг узунлиги жинсий, ёш, территориял, хусусий ва даврий ўзгарувчанликни акс эттиради.

Антропологлар фикрича, аёллар танасининг тўлиқ узунлиги ўрта ҳисобда 17—18 ёшда, эркекларники эса 18—20 ёшда ўсишдан тўхтайтиди.

Катта ёшдаги аёлларнинг ўрта ҳисобдаги тана узунлиги эркекларникидан кичикроқ. Улар ёши орасидаги фарқ ҳар хил территориял гуруҳларда ўзгармас бўлиб, 8—11 см ни ташкил этади.

Бутун одамзод бўйининг ўртача узунлиги эркекларда 165 см ва аёлларда 154 см [2]. Бизнинг мамлакатимизда, охириги маълумотларга кўра, эркекларнинг ўртача бўйи 167—168 см, аёлларники эса 156—157 см ни ташкил этади.

Одам танасининг узунлиги тахминан 45—50 ёшгача бир хил даражада сақланади, кейинчалик ҳар беш йилда 0,5—0,7 см пасаяди.

Одам танасининг узунлиги ҳатто кун давомида ҳам ўзгарар экан: кечқурунга бориб одатда 1,5—3 см камайган.

Тана ўртача узунлигининг территориял тақсимоти билан мамлакатнинг географик ўрни ва иқлим шароити ўртасида катта боғланиш кузатилмайди. Масалан, кичик бўй Европа, Осиё, Америка, узоқ шимол халқларига ҳам, Жануби-Шарқий Осиё (вьетнамликлар, ҳиндихитойликлар) халқларига ҳам хосдир.

Баланд бўй Шимолий Европа халқларига ва Скандинавия мамлакатларига (шотландлар, норвеглар, шведлар), Болқон ярим ороли халқларига (словаклар, албанлар, греклар) мансубдир.

Мустақил давлатлар иттифоқи ҳудудида эстонлар энг баланд бўйли, якутлар энг паст бўйли ҳисобланади. Улар бўйларига фарқ тахминан 10—12 см.

Охириги 100—150 йиллар давомида кўп мамлакатларда, шу жумладан бизда ҳам, аҳоли танасининг узунлиги кескин катталашгани таъкидланди. Кейинги маълумотларга кўра ўсмирлар танасининг ўртача узунлиги охириги 100 йил ичида ўртача ҳисобда 20 см, мактаб

ёшидаги болаларники 10—15 см, катта ёшдагиларники эса 8—10 см га узайди.

Биологик ва ижтимоий жиҳатдан қатор сабабларга боғлиқ бўлган бу ҳодисани акцелерация тариқасида тушунса бўлади [1].

Кўкрак айланаси. Ёши катталашган сари кичининг кўкрак айланаси катталашади, бу скелет сўнаклари, мушаклар ва тери остидаги ёғ қатламларининг ўсиши билан боғлиқ. Одам кексайган вақтдагина кўкрак айланаси бир оз кичраяди. Ёш даврлари бўйича кўкрак айланасининг катталашishi бир текис эмас. Қизларнинг кўкрак айланаси 18—20 ёшга бориб, ўсмирларда эса — 25—26 ёшга бориб деярли ўзгармайди, лекин кўкрак айланасида турғунлик кузатилмайди, чунки ёш қайтган сари кўкрак айланаси аста-секин катталашади. Кўкрак айланасининг нисбий ўзгармас даври 25—40 ёш орасида кузатилади. 40 ёшдан кейин одатда тери остида ёғ қатламлари кўп тўпланган сари кўкрак айланаси жадал катталашади.

Аёллар кийимининг ҳар хил ассортиментини конструкторциялаш мақсадида мушаклар қаватланиши ва ёғ тўпланишини ҳисобга олган ҳолда I, II, III, IV ўлчам кўкрак айланаларидан фойдаланилади.

Иккинчи кўкрак айланаси  $O_{к11}$  миқдор жиҳатдан энг катта ҳисобланади.

1972 йилгача кийим лойиҳалашда бу кўкрак айланаси фигура ва кийимнинг размерларини аниқлайдиган асосий ўлчам бўлиб келган.

Москва давлат университетининг илмий тадқиқот антропология институти ўтқазган илмий тадқиқотларнинг таҳлили  $O_{к111}$  — учинчи кўкрак айланаси одам танасининг тузилишини кўпроқ даражада акс этилишини ва иккинчи  $O_{к11}$  — кўкрак айланасига қараганда бошқа ўлчам белгилари билан зичроқ боғлиқлигини кўрсатди. Шунинг учун ГОСТ 17521 — 72 ва ГОСТ 17522 — 72 жорий қилингандан кейин кийим лойиҳалашда асосий ўлчам сифатида  $O_{к11}$  қабул қилинди.

Тана массаси. Аёллар танасининг ўртача оғирлиги 64 кг. Янги туғилган қиз боланинг ўртача оғирлиги 3,4 кг. Бир ёшгача чақалоқнинг оғирлиги уч барабар ошади. 1 ёшдан 7 ёшгача тана оғирлигининг ўсиши камаяди, кейин яна кўпайиб 12 дан 15 ёшгача давр ичи-

да максимал даражага (ўсиш 1 йилда 4—5 кг) егади. 17—20 ёшлар орасида аёллар танасининг оғирлиги арзимаган миқдорга ўзгаради. Аёллар тана оғирлигининг нисбий стабиллиги (организм нормал ҳолатда бўлганда) 25—40 ёшда кузатилади. 40 ёшдан кейин аёллар танасининг оғирлиги ортади.

Кўкрак айланаси, бўй ва тана оғирлигининг ўзаро нисбати одамнинг ташқи шакли туғрисида муайян тасаввур ҳосил қилади, лекин етарли даражада тулиқ маълумот бермайди, чунки улар кийим лойиҳалашда эътиборга олмаса бўлмайдиган муҳим морфологик характеристикаларни акс этмайди.

**Тана мутаносиблиги.** Тана айрим қисмлари размерларининг нисбати мутаносиблик деб айтилади. Бунда мутаносиб ўлчамлар назарда тутилади [1].

Тана мутаносиблиги ёшга, жинсга қараб ўзгаради: улар ҳаттоки битта ёш жинсий гуруҳ ичида ҳам ҳар хилдир.

Профессор В. В. Бунак катта ёшли аҳоли ичида кўпроқ учрайдиган учта асосий мутаносиблик типини ажратади:

долихоморф тип қўл-оёқларнинг узунроқлиги ва калта тор тана билан характерланади;

брахиморф тип қўл-оёқлар калта, тана эса узун кенг бўлади;

мезоморф тип, долихоморф ва брахиморф типлар орасида жойлашган ўртача вариант.

Одамлар бўйининг орасидаги фарқ асосан оёқлар узунлигига боғлиқ. Шунинг учун долихоморф тип билан бўйлик одамлар учун кўпроқ хос, брахиморф тип эса — паст бўйлиларга мансуб.

Одам танасининг мутаносиблиги ёши қайтган сари сезиларли даражада ўзгаради. Бош ва тана нисбий размерларининг камайиши ва қўл-оёқларнинг нисбий узайиши натижасида мутаносиблик ўзгариб туради. Бу вазият одам ҳаётининг ҳар хил даврида кийимнинг шакли ва мутаносиблигига таъсир қилади.

**Тана тузилиши.** Наслий ва орттирилган хусусиятларга асосланган одам организмнинг морфологик ва функционал хусусиятлари конституция дейилади. Конституция тана тузилишининг муайян шаклларида ўзифодасини топади.

Жусса тана тузилиш белгиларининг комплекси (қисман функционал) билан характерланади. Тана тузилиши

қатор ташқи белгилар бирикмалари, биринчи навбатда мушаклар ривожланиши ва ҳосил булган ёғ қатлами билан аниқланади. Бу белгиларнинг икки варианты фарқланади: мушакларнинг ривожланиш даражаси (буш, ўртача, кучли) ва орттирилган ёғ қатламининг ҳосил бўлиш даражаси (кам, ўртача, кўп).

Ёғ қатлами ва мушакларнинг ўзгарувчанлиги ўз навбатида тананинг бошқа қисмларининг ўзгаришига олиб келади: кўкрак қафаси, орқа курак ва қориннинг шакли.

Кўкрак қафасининг шакли ясси, цилиндрик ва конуссимон бўлиши мумкин. Қорин шакли — ичига кирган, тўғри ва думалоқ чиққан; орқа курак шакли — умуртқа поғонасининг ҳамма қисмлари бир оз эгилган оддий (нормал); букчайган — умуртқа поғонасининг кўкрак қисми бел қисмига нисбатан кўпроқ эгилган; тўғри — умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмлари сал яссиланиб эгилган.

Бу белгиларнинг ҳар хил бирикмалари одамнинг ҳар хил шаклларини тузади ва уларга мувофиқ тана тузилишининг хилма-хил типлари фарқланади. Улардан бири кўпроқ эркакларга хос бўлса, бошқаси — аёлларга, учинчиси — болаларга мансубдир.

Антрополог П. Н. Башкиров фикрича, тананинг ҳар хил қисмида (белдан юқорида, оёқ-қўлларда) ёғнинг нотекис тақсимланиши аёллар фигурасининг тузилишини аниқлаш масаласини мураккаблаштиради. Шу сабабли баъзи тадқиқотчилар тананинг фақат айрим жойларида тақсимланган ёғ миқдори ва уларнинг ривожланиш даражасига асосланиб бошқа белгиларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олмаган ҳолда аёллар фигурасининг тузилиш типини аниқлайдилар.

Тадқиқотчи Б. Шкерли тавсия қилган ва П. Н. Башкиров ифодалаган аёллар фигурасининг тузилиш типини учта асосий ва битта қўшимча гуруҳ бўйича аниқланади.

Тана тузилишининг I гуруҳи бутун тана бўйича ҳосил булган ёғнинг текис тақсимланиши билан характерланади. Ёғ тақсимланиш даражаси кам, ўртача ва кўп бўлиши мумкин. Шунга биноан бу гуруҳда тана тузилишининг учта варианты фарқланади. *L* — лептозомли (*Leptos* — грек сўзидан — юпқа); *N* — нормал; *R* — рубенс усулидаги.

Тана тузилишининг II гуруҳи ҳосил бўлган ёғнинг нотекис тақсимланиши билан характерланади ва икки вариантга бўлинади:

S — юқори (superior — лотин сўзидан — юқори), тананинг белдан юқори қисмида кўп миқдорда ёғ жойлашиши билан характерланади; ва I — остки inferior. — лотин сўзидан — остки), тананинг остки қисмида кўп-лаб ёғ жойлашиши билан характерланади.

Тана тузилишининг III гуруҳига ёғнинг кўпроқ тана ва оёқ қўлларда нотекис тақсимланган фигуралар таллуқли. У ўз ичига икки вариантни қамраб олади: Tt тип (truncus — лотин сўзидан — тана), кўпроқ ёғнинг танада жойлашиши билан характерланади ва Ex тип (extremities — лотин сўзидан — оёқ-қўллар), ёғнинг кўпроқ оёқ-қўлларда жойлашиши билан характерланади.

Тана тузилишининг IV гуруҳи кўпроқ кўкрак, сон, думба ва бошқа жойларда ёғ тақсимланган таналарнинг қўшимча типларини белгилайди.

Юқорида таъкидлангандан келиб чиқадики, аёллар фигурасининг тузилиши кийим шаклини танлашда муайян мураккабликлар келтириб чиқаради.

**Қомат.** Одам танасининг ташқи шакли ҳар хил. Яшаш шароитининг ва бошқа омилларнинг таъсири айниқса тананинг одатдаги ҳолатида намоён бўлади.


Ҳозирги илм қоматни одам тинч ҳолатда турганда кузатиладиган тананинг мувозанат ҳолатдаги вертикал вазиятларидан бири деб қарайди.

Сагиттал текисликка мулжаллаб қаралган тана ва умуртқа поғонасининг шакллари қоматни аниқлайдиган асосий омиллар ҳисобланади.

Тикувчилик саноатида қабул қилинган классификация бўйича қоматнинг уч асосий типи фарқланади: букчайган, нормал ва кеккайган (1.2-расм, а).

Фигурани у ёки бу қомат типига мансублигини аниқлашда тана юқори қисмининг эгилганлигини аниқлайдиган параметр — гавда ҳолати  $P_k$  ишлатилади.

Қуйида аёллар ўртача бўй, размер ва тўлалик гуруҳидаги фигураларининг қомат типлари келтирилган (НИИШП-Тикувчилик ишлаб чиқариши илмий текшириш институтининг маълумотлари бўйича).



1. 2-расм. Ўртача размер, рост (бўй) ва тўлалик гуруҳидаги фигуранинг гавда ҳолати (а) ва елка баландлигига (б) кўра қомат типлари.

Қомат типи	$P_k$ миқдори, см
Букчайган	$18 \pm 1$
Нормал	$6 \pm 1$
Кеккайган	$4 \pm 1$

«Қомат» тушунчасига НИИШП елка қиялигини аниқлайдиган иккинчи параметр  $B_n$  — елка баландлигини ҳам кiritган.

Қуйида  $B_n$  ўлчамига боғлиқ ҳолда аёллар ўртача бўй, размер ва тўлалик гуруҳидаги фигураларнинг типи келтирилган (НИИШП маълумотларига кўра).

$B_n$ бўйича фигуралар типи	$B_n$ миқдор, см
Паст елкали	$7,7 \pm 0,75$
Нормал	$6,2 \pm 0,75$
Баланд елкали	$4,7 \pm 0,75$

Аёллар елка қиялигининг ўртача бурчаги  $21^\circ$  ни ташкил этади. Қиялик бурчаги ўзгариши билан елка баландлиги ҳам

$B_n$  — вертикал бўйича проекцион ўлчам (бўйин ва елка нуқталар сатҳининг айирмаси).

ўзгаради. Елка баландлиги қисман елка шаклига ҳам таъсир қилади: паст елка бўйинни узунроқ кўрсатади, баланд елка эса — калта кўрсатади.

ОСТ 17-326 — 81 га мувофиқ параметр  $H_k$  фақат бўйлар бўйича ўзгаради — бўй катталашган сари у ҳам ошади,  $B_n$  параметр эса ҳам бўйлар ҳам размерлар бўйича ўзгаради: размер катталашса — камаяди, бўй катталашганда — ошади.

Фигура қомати орт бўлақ ўрта чокиннинг конструктив ечимига ва буюмдаги баланс нуқталар ҳолатига таъсир қилади. Шунинг учун аёлларнинг аниқ фигурасига кийим конструкциялашда аниқ фигуранинг ўлчамларини размер, бўй ва тулалик гуруҳи бўйича унга мувофиқ бўлган типик фигурани ўлчамлари билан солиштириб қоматнинг аниқ миқдори топилиши керак.

Букчайган фигуранинг орқаси кўзга ташланадиган даражада думалоқроқ, кураклар чиққан, елкалар олдинга қияланган, белда бироз эгилиш бор, кўраклар тор, орқа кенгайган, белгача орқа узунроқ, олд калтароқ.

Нормал (шартли-типик) фигура — ўртача вариант, тўғри қомат ва тўғри тиззалар билан характерланади.

Кеккайган фигуранинг орқаси ясси, кураклар чиқмаган, елкалар орқага йўналган, бел кўпроқ эгилган: кўрак кенг, орқа торайган, олд белгача узунроқ, орт белгача калталашган.

#### Текшириш учун саволлар

1. Пластик анатомия нимага ўргангани?
2. Одам танасининг ташқи шаклига қандай омиллар таъсир қилади?
3. Аёллар учун қандай ёш давлари хос?
4. Одамнинг жисмоний ривожланиши деганда нима тушунилади?
5. Акселерация нима?
6. Тананинг ўзгармас узунлиги одамнинг қайси даврига тўғри келади?
7. Тананинг энг катта узунлиги қайси давлатларнинг халқларига мансуб?
8. Қайси халқларга катта тана узунлиги мансуб?
9. Одам танасининг мутаносиблиги нима?
10. Катта ёшли фигураларнинг қандай мутаносиблик типларини биласиз?
11. Фигуранинг қайси ташқи белгилари тана тузилишига таъсир қилади?
12. Аёллар фигураси тузилишининг қайси гуруҳларини биласиз?

13. Одам қомати нима?
14. Қандай қомат типларини биласиз?
15. Сиз  $P_k$  ва  $B_n$  буйича булнадиган қандай қомат типларини биласиз?
16. Букчайган фигураларга нима хос?
17. Кеккайган фигураларга нима хос?

### 1.3. ОДАМ ТАНАСНИНГ УЛЧОВ БЕЛГИЛАРИНИ ОЛИШ МЕТОДИКАСИ

#### 1.3.1. Аҳолини антропометрик тузилишини ўрганиш методикаси

Кийимни оммавий ишлаб чиқариш шароитида уни конструкциялаш мақсадида одам танаси шаклининг нафақат ташқи характеристикаси, балки унинг ўлчам характеристикаларини ҳам билиш зарур.

Ўлчов характеристикалари *ўлчов белгилари* дейилдиган одам фигурасининг қатор айрим ўлчамлари туфайли аниқланади. Қадди-қомати типик фигуралар ўлчамларининг ўртача қийматларини аниқлаш мақсадида Москва Давлат университети қошидаги антропология илмий тадқиқот институти махсус ишлаб чиққан дастурлар буйича аҳолидан кўплаб антропометрик ўлчамлар олиш ишлари ўтказилди.

Одам танасини ва унинг қисмларини ўлчашдан иборат бўлган аҳолини антропометрик ўрганишнинг асосий усулларидан бири *антропометрия* дейилади (юнонча *άνθρωπος* — одам, *μέτρον* — ўлчайман).

Тикувчилик саноатининг мутахассислари одам танасининг шакли ва ўлчамлари ва аҳолининг ҳар хил гуруҳлари орасидаги бу ўлчамлар вариациялари туғрисидаги маълумотларга эга бўлгандагина одам танасининг шакли ва размерларига мос кийим ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу маълумотларни махсус дастур буйича ўтқазилган антропометрик текширишлар натижасида олиш мумкин. Бу текширишлар натижалари размер типологияси асосидир. Шунинг учун бу маълумотлар аҳолини қайтадан ўрганиш туфайли вақт-вақти билан янгиланиб туриши керак.

Размер типологиясини тузиш мақсадида аҳолини антропометрик ўрганишда ҳамма ўлчамлар пойабзалсиз, кийимсиз (эркаклар ва болалар трусиди, қизлар ва ва аёллар эса — труси ва бюстгальтерда) жуссадан олинади.

Ҳар бир ўлчамни олиш техникаси қатъий белгиланган бўлиши керак, агар ўлчам олиш бузилса, олинган натижаларни солиштириб бўлмай қолади [1].

Ҳозирги вақтда одам танасини бевосита ёки билвосита ўрганиш усуллари тананинг ташқи шаклини етарли даражада аниқ характерламайди. Шунинг учун ўлчамлар олиш методикасини мукамаллаштириш ва уларни ўтқазишга керакли махсус мосламалар яратиш мақсадида муттасил изланишлар олиб борилади. Ўлчамлар вертикал ва горизонтал текисликларда олинади. Умуртқа поғонасидан ўтадиган ва одам танасини фаразий ўнг ҳамда чап томонга бўладиган тик текислик ҳамда унга параллел бўлган барча текисликлар *сагиттал* текисликлар дейилади.

Сагиттал текисликларга перпендикуляр ўтган ва танани фаразий олд ва орт бўлақларга бўладиган тик текислик *фронтал* текислик деб юритилади.

Сагиттал ва фронтал текисликларга перпендикуляр ҳамда одам танасини фаразий юқори ва пастки қисмларга бўладиган горизонтал текисликлар *трансверсал* текисликлар деб аталади.

Ўлчамлари олинаётган шахслар қатъий муайян ҳолда туришлари даркор: қоматини одатдаги ҳолатда сақлаб туғри, зўриқмасдан туриш; бош, кўз-қулоқ горизонталидан оғмаслиги; қўллар пастга туширилган, бармоқлар ёзилган, тизза букилмаган, товонлар жуфтлаштирилган ва оёқлар учининг оралиғи — 15—20 см. Осойишталик билан нафас олинади.


Ўлчамлар индексли бош ҳарфлар билан белгиланади. Бош ҳарфлар ўлчамларнинг турларини билдиради: *P* — бўй; *O* — айланалар; *C* — ярим айланалар; *D* — узунликлар, масофалар ва бўйлама ёйлар; *B* — баландликлар; *Ш* — кенгликлар, кўндаланг ёйлар; *Ц* — марказ нуқталари орасидаги масофа; *d* — диаметрлар; *Г* — чуқурликлар.

Индекслар ўлчанадиган жойларни белгилайди:  $V_r$  — кўкрак нуқтасининг баландлиги;  $D_{т.с.}$  — бел чизигининг узунлиги;  $O_{г III}$  — учинчи кўкрак айланаси;  $Ш_c$  — орт кенглиги;  $Ц_r$  — кўкрак безлари учларининг оралиғи ва ҳ. к.

Оммавий равишда антропометрик ўлчамлар ўтқазишда ишлатиладиган махсус асбоблар ва мосламалар аксарияти швейцариялик антрополог Р. Мартин томонидан яратилган.

Кийимни конструкциялаш жараёнида айлана ва буйлама ўлчамларни аниқлашда сантиметрли тасма қўлланади.

Ўлчамларни янада аниқроқ олиш мақсадда, улар одатда муайян антропометрик нуқталарни мўлжаллаб ўлчанади [1.3- расм]:



1.3- расм. Аёл фигурасининг антропометрик нуқталари.

*a* — чўққи нуқтаси — бошни кўз-қулоқ горизонталида туғри тутиб турганда бошнинг энг чўққи нуқтаси;  
*б* — ўйин нуқтаси — еттинчи бўйин умуртқа ўсимтасининг ўткир учи;

*в* — бўйин асосининг нуқтаси — бўйиннинг айлана чизиги елка қиялигини фаразий ўртасидан кесиб ўтган вертикал текислик билан кесишган нуқтаси;

*г* — ўмров суягининг нуқтаси — ўмров суягининг туш суягига бириккан энг юқори нуқтаси;

*е* — туш суягининг ўртасидаги нуқта — туш суягининг ўрта чизигида тўртинчи жуфт қовурғалар учи бириккан сатҳда жойлашган;

*з* — елка нуқтаси — курак суяги акромиал ўсимтасининг юқorigи чети елка бўғими соҳасини фаразий иккига бўлган вертикал текислик билан кесишган нуқтаси;

*и* — тирсак нуқтаси — билак суягининг ташқи томондаги юқorigи учи;

*к* — кўкрак учи нуқтаси — кўкрак безининг учи;

*л* — тизза нуқтаси — тизза қопқоғининг маркази;

*н* — қўлтиқнинг олд бурчаги — қўл пастга туширилган ҳолда қўлтиқ чуқурчасининг олдинги чети ҳосил қиладиган ёйнинг энг баланд нуқтаси;

*о* — қўлтиқнинг орқа бурчаги — қўл пастга туширилган ҳолда қўлтиқ чуқурчасининг орқадаги чети ҳосил қиладиган ёйнинг энг баланд нуқтаси;

*п* — думба нуқтаси — думбанинги энг бўртиқ нуқтаси;

*р* — бел чизигининг баландлик нуқтаси — биқиннинг ичга ботиб турган жойида пастки қовурға билан ёнбош суягининг оралиғида жойлашган.


Аниқ фигурани ўлчашдан аввал одатда қатор ўлчашлар учун дастлабки бўлган бешта нуқта белгилаб олинади: бўйин нуқтаси, бўйин асосининг нуқтаси, елка нуқтаси, қўлтиқнинг орқа бурчаги ва бел чизигининг баландлик нуқтаси. Аниқроқ ўлчамлар олиш мақсадида бел чизиги эластик тасма ёрдамида боғлаб қўйилади.

Чизикли проекцион ўлчамлар (1. 4-расм) полдан антропометрик нуқтагача аниқланади,  $P(I)$  — бўй;  $B_{к.т.}$  (3) — ўмров нуқтасининг баландлиги;  $B_{т.о.ш.}$  (4) — бўйин асоси нуқтасининг баландлиги;  $B_{п.т.}$  (5) — елка нуқтасининг баландлиги;  $B_{с.т.}$  (6) — кўкрак безлари учининг баланд-


лиги;  $V_{п.т.}$  (7) — бел чизигининг баландлиги;  $V_k$  (9) — тизза нуқтасининг баландлиги;  $V_{ш.т.}$  (10) — бўйин нуқтасининг баландлиги;  $V_{з.у.}$  (11) — орқа қўлтиқ бурчагининг баландлиги;  $V_{п.с.}$  (12) — думба ости бурмасининг баландлиги.

Ёйсимон кўндаланг периметрлар (айланалар) трансверсал текисликларда сантиметрли тасма ёрдамида ўлчанади:  $O_{ш}$  (13) — бўйин айланаси;  $O_{г1}$  (14) — биринчи кўкрак айланаси;  $O_{г11}$  (15) — иккинчи кўкрак айланаси;  $O_{г111}$  (16) — учинчи кўкрак айланаси;  $O_{г1V}$  (17) — тўртинчи кўкрак айланаси;  $O_T$  (18) — бел айланаси;  $O_6$  (19) — бўкса айланаси (қорин чизигини ҳисобга олиб);  $O_{61}$  (20) — бўкса айланаси (қорин чиқигини ҳисобга олмай);  $O_{о.бед}$  (21) — сон айланаси;  $O_k$  (22) — тизза айланаси;  $O_n$  (23) — болдир айланаси;  $O_{ш}$  (24) — тўпиқ айланаси;  $O_n$  (28) — елка айланаси ва ҳ. к.

Ёйсимон бўйлама ўлчамлар (баландликлар, узунликлар, масофалар) сантиметрли тасма ёрдамида аниқланади:  $D_{сб}$  (25) — ён томондан бел чизигидан полгача масофа;  $D_{сп}$  (26) — олд томонда бел чизигидан полгача масофа;  $D_n$  (27) — ички томондан оёқ узунлиги;  $V_{пр.п}$  (34) — бўйин нуқтасидан олд томонда биринчи кўкрак айланаси чизигигача бўлган масофа (олд ўмизнинг баландлиги);  $V_r$  (35) — кўкрак баландлиги;  $D_{т.п.}$  (36) — олд томондан бел чизигигача бўлган узунлик;  $V_{пр.к}$  (37) — бўйин нуқтасидан қўлтиқ чуқурлигининг орт бурчаги сатҳигача бўлган масофа (ўмизнинг қия баландлиги);  $D_n$  (38) — елка бўғимининг юқори нуқтасидан ўтган ёй;  $V_{пр.з}$  (39) — кураклар чиқигини ҳисобга олган ҳолда бўйин нуқтасидан биринчи ва иккинчи кўкрак айланасининг чизигигача бўлган масофа (орт ўмиз баландлиги);  $D_{т.с}$  (40) — орқанинг бел чизигигача узунлиги (кураклар чиқигини ҳисобга олиб);  $V_{п.к.}$  (41) — елканинг қиялама баландлиги;  $D_{т.с1}$  (43) — орт бел чизигидан бўйин асоси нуқтасигача бўлган масофа;  $D_{т.п1}$  (61) — бўйин асоси нуқтасидан олд бел чизигигача бўлган масофа;  $D_c$  (49) — бел чизигидан ўриндиқ сағхигача масофа;  $D_{р.лок}$  (62) — қўлнинг тирсаккача узунлиги;  $D_{р.зап}$  (68) — қўлнинг биллак айланаси чизигигача узунлиги;  $D_{ш.к.}$  (70) — бўйин нуқ-



1. 4- расы. Аёл фигурасининг асосий ўлчамлари.



1.4- расм. Аёл фигурасининг асосий ўлчамлари.

Бел айланасининг олд-орқа диаметри  $111 d_{п.з.т.}$ ). Бел чизигининг горизонтал текислигида ўлчанади. Антропометрнинг бир штангаси тана олдига, бел чизигига, иккинчиси эса — орқа томондаги бел чизигига қўйилади.

Белда турадиган буюмлар конструкциялашда кўпинча қўйидаги ўлчамлар олинади:

Ён томондан бел чизигидан полгача бўлган масофа 25 ( $D_{сб}$ ). Бел чизигининг баландлик нуқтасидан бўксанинг ён сатҳи бўйича чиққан нуқталар устидан ўтиб полгача вертикал йўналишда ўлчанади.

Олд томондан бел чизигидан полгача бўлган масофа 26 ( $D_{сп}$ ). Бел чизигидан қорин чиқиғи устидан полгача вертикал бўйича ўлчанади.

Бел чизигидан ўтиргич сатҳигача бўлган масофа 49 ( $D_c$ ). Бел чизигидан ўтиргич горизонтал сатҳигача ён томондан ўлчанади. Ўлчанадиган киши ясси қаттиқ ўтиргичли стулда ўтириши лозим.

Бел чизигидан тиззагача бўлган масофа 71 ( $D_{т.к.}$ ). 10 ўлчам қийматидан 9 ўлчам қиймати айириб аниқланади.

Тизза нуқтасининг баландлиги 9 ( $B_k$ ). Тизза нуқтасининг баландлигини аниқлаш учун вертикал бўйича полдан тизза нуқтасигача бўлган масофа ўлчанади.

### 1.3.2. Одам танаси ўлчамларининг тақсимланиш ва уларнинг ўзгарувчанлик қонуниятлари

Антрополог олимлар В. В. Бунак, М. В. Игнатъев, П. И. Зенкевич, П. Н. Башкиров ва Москва Давлат Университети қошидаги Антропология Илмий Тадқиқот Инститuti ходимларининг кўп йиллик тадқиқотлари аҳоли талабига тула жавоб берадиган ҳар хил кийимлар учун размерлар стандартларини тузиш мумкинлигини исботлаб берди.

Антропологик стандартлаш масалаларини ҳал қилиш учун одам танаси ўлчамларининг тақсимотидаги қонуниятларни аниқламоқ лозим.

**Биринчи қонуният.** Одам танаси кўп ўлчамларининг тақсимоти нормалга жуда яқин.

Нормал тақсимот деганда турли хил ўлчамнинг қиймати билан унинг аҳоли орасида учраш тезлиги ўр-

тасидаги узаро боғланишнинг муайян қонунияти тушунилади.

Утган асрнинг II ярмидаёқ бельгиялик математик ва антрополог А. Кетле нормал тақсимот қонунини антропометрик ўлчамларда қўллаш мумкинлигини аниқлади. Ўлчамларга нисбатан нормал тақсимот қонунини шундай таърифлаш мумкин: бир хил жинсдаги ва ёшдаги истаган танланмаган аҳоли гуруҳида ўлчамлар ҳар хил вариантларининг учраш тезлиги ҳар хил: ўрта ва уларга яқин қийматлар кўпроқ учрайди, ўрта арифметик қийматдан узоқлашган сари ўлчамнинг учраш тезлиги камаяди.

Нормал тақсимот қонуни график шаклда симметрик, бир чўққили, равон эгри чизиқ билан ифодаланади. Бу эгри чизиқ нормал тақсимот эгри чизиғи ёки унинг хусусиятларини баён қилиб берган Гаусс-Ляпунов эгри чизиғи дейилади (1.5-расм).

Эгри чизиқнинг шакли ўртача размерли кишиларда кўпроқ учрашини исботлайди.

**Иккинчи қонуният.** Ҳар бир ўлчам нормал тақсимланган бўлса, ўлчамлар бирикмасига ҳам нормал тақсимланиш хосдир. Бу аҳоли орасида кўкрак айланаси катта ёки кичик бўлган ўрта бўйли кишиларга қараганда ўрта бўйли, кўкрак айланаси ўрта бўлган кишилар кўпроқ учрайди демакдир.

**Учинчи қонуният.** Бу қонуният ўлчамлар орасидаги боғланиш характерини аниқлайди.

Маълумки, бир хил бўйли одамларда ҳамма бошқа ўлчамлари фарқланиши мумкин. Лекин ўлчамлар орасида муайян боғланиш кузатилиши ҳам мумкин. Чунончи, кўкрак айланаси катта бўлган одамларда кўкрак айланаси кичикларга қараганда бел ва бўкса айланалари катталари кўпроқ учрайди. Баланд бўйлиларга қараганда бўйи паст одамларда кичик кўкрак айланалар кўпроқ учрайди. Шу билан бирга кўкрак айланаси бир хил бўлган одамларда ҳар хил бўй ҳам-



1. 5-расм. Нормал тақсимлаш эгри чизиғи.

да бел ва бўкса айланалари кенг даражада ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Бир белгининг ҳар бир муайян қийматига бошқа белгининг битта эмас, балки бир қанча қийматлари мувофиқ келса, бундай боғланиш *корреляцион боғланиш* дейилади. Антропометрик ўлчамларнинг корреляцион боғланиш сабаби шундан иборатки, одам организми чексиз кўп миқдордаги омиллар таъсирида ривожланишда бўлди. Бу омиллар ўлчам белгиларининг ривожланиши ва улар орасидаги боғланиш ҳар хил бўлишига олиб келади.

Корреляцион боғланиш бир белгининг иккинчи белгига аниқ боғлиқлигини назарда тутмайди, шунинг учун бу боғланиш ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Энг катта боғланиш бир текисликда жойлашган белгилар орасида кузатилади (баландликлар — бўй узунлиги билан, айланалар — бир-бири билан). Бўй билан кўкрак айланаси ўртасида боғланиш деярли бўлмайди.

Ундан ташқари, белгилар орасидаги боғланиш характери ҳар хил бўлиши мумкин, яъни битта белги катталашганда унга боғлиқ бўлган бошқаси ё катталашади, ёки кичраяди. Биринчи ҳолда боғланиш мусбат ёки тўғри; иккинчи ҳолда — манфий ёки тескари бўлади.

Белгилар орасидаги боғланиш даражаси *корреляция коэффиценти*  $r_1$  билан тавсифланади. Мусбат боғланишда  $r$  қиймати 0 билан 1 атрофида бўлади. Антропометрик белгиларнинг кўпи ўзаро мусбат боғланган. Бу ҳолда  $0 < r < 1$ .

Ўлчамлар орасидаги корреляцион боғланиш катта (0,75—0,999), ўртача (0,45—0,749), кичкина (0,2—0,45) бўлиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин ( $r=0$ ).

#### 1.4. РАЗМЕРЛИ ТИПОЛОГИЯ ВА РАЗМЕРЛИ АНТРОПОМЕТРИК СТАНДАРТЛАРНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Катта ёшли аҳоли учун размерли типология тузишда (типик фигураларнинг рационал системасини ишларашда) ва размерли типик антропометрик стандартларни тузишда (ҳар бир фигура типига ўлчамларнинг ўртача қиймати) қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

фигура типини аниқлайдиган асосий етакчи ўлчамларни танлаш;

ҳар бир етакчи ўлчамнинг қўшни типавий фигуралар размерлари орасидаги интервални аниқлаш;  
кийимни кўплаб тикиш мақсадида типавий фигураларнинг оптимал сонини топиш;  
ҳамма қолган ўлчамлар асосийсига боғлиқ бўлган қийматини ҳисоблаш.

**Етакчи ўлчамлар.** Типавий фигураларнинг размерли вариантларини аниқлашда асос қилиб олинадиган ўлчамлар етакчи ёки асосий ўлчамлар дейилади. Танланган етакчи ўлчамлар ёрдамида характерланидиган фигура типавий фигура дейилади. Типавий фигуранинг размер характеристикасини батафсил ифодалайдиган ҳамма қолган ўлчамлар ёрдамчи ўлчамлар дейилади (уларнинг қиймати етакчи ўлчамлардан ҳисоблаб топилади).

Етакчи ўлчамлар танлашда уларга қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

айни гуруҳдаги ўлчамлар ичида унинг энг катта ёки энг катта миқдорга яқин ўлчами бўлиши керак;

одам фигурасини ҳар томонлама тавсифлаш мақсадида етакчи ўлчамлар ҳар хил текисликда жойлашган бўлиши лозим;

ҳар бир етакчи ўлчам ўз текислигида жойлашган бошқа ўлчамлар билан юқори даражада боғланган бўлиши керак; айти вақтда икки етакчи ўлчам заифроқ боғланган бўлиши зарур;

кийим конструкциялаш ва уни амалга ошириш нуқтан назаридан етакчи ўлчамлар етарли даражада осон аниқланадиган ва базис ўлчамларга мувофиқ бўлиши керак (базис ўлчамлар бўйича чизма қурилади).

Тиқувчилик саноатида катта ёшли одамга мансуб фигура типини аниқлайдиган етакчи ўлчамлар сифатида кўкрак айланаси ва буй (рост) қабул қилинган. Шу билан бирга кўкрак айланаси айлана — кенглик ўлчамлар ичида энг каттаси, буй эса — узунасига ўлчанган ўлчамлар ичида энг катта қийматлидир.

Кўкрак айланаси ва буй ҳар хил текисликда жойлашган ва улар орасидаги боғланиш даражаси аёлларда катта эмас:  $r_{1.16} = 0,144$ .

Кийим конструкциялашда кўкрак айланаси кийимнинг размерини, буй эса — буюм узунлигини аниқлайди. Шу билан бир вақтда икки етакчи ўлчам катта ёшли киши фигура типини кийим конструкциялаш мақсадида етарли даражада тўлиқ ифодалай олмаслиги аниқланди.

Кўплаб ўтказилган ўлчашлар маълумотлари бўйича, кукрак айланасининг қиймати бир хиллигида бел ва бўкса айланаларининг қиймати қорин чиқиғини ҳисобга олган ҳолда сезиларли ўзгариши мумкин. Аёллар фигурасини тавсифлашда уларнинг ёши бўйича ўзгаришчанлигини акс эттирадиган ва қорин чиқиғини ҳисобга олган бўкса айланаси гоаят муҳим ўлчам. Шу боис аёллар фигурасининг тўлалик кўрсаткичлари бўйича тавсифлайдиган етакчи ўлчам сифатида қорин чиқиғини ҳисобга олган бўкса айланаси қабул қилинган.

**Бефарқлик интервали.** Типавий фигураларнинг сони нафақат етакчи ўлчамларга, балки ҳар бир етакчи ўлчам бўйича ёнма-ён турадиган типик фигуралар орасидаги бефарқлик интервалига боғлиқ.

Кийимда размерлар орасидаги истеъмолчи сезмайдиган фарқ бефарқлик интервали дейилади. Бефарқлик интервалининг мавжудлиги кийимни кўплаб ишлаб чиқаришнинг мажбурий шартидир. Агар бефарқлик интервали нолга яқин бўлса, тикувчилик ва бошқа буюмларни саноатда ишлаб чиқиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Бефарқлик интервали кўп ҳолларда икки томондан чегараланган бўлади. Бу бир хил размердаги кийимни нафақат размерига мос одамлар, балки белгиланган бефарқлик интервали орасида жой олган размери каттароқ ёки размери кичикроқ одамлар кийишлари мумкин демакдир (тикувчилик ва трикотаж буюмлари, кўлқоплар, пойабзал ва ҳ.к.).

Баъзан бефарқлик интервали бир томондан чегараланган бўлади, бу ҳолда буюм муайян размердан кичик бўлмайди, катта томонга эса қатъий чегараланмайди (белбоғлар, белбандлар).

Бефарқлик интервалига қатор омиллар таъсир қилади, жумладан, ўлчамлар қиймати, буюм размерининг бироз ўзгаришини истеъмолчи сезиш даражаси, материалларнинг хусусиятлари ва ҳ.к. Ўлчам қиймати катталашган сари бефарқлик интервали ҳам ошаверади. Тана участкаси кийим размери тебранишига қанчалик сезилувчан бўлса, бефарқлик интервали шунчалик камроқ. Материалнинг чўзилувчанлиги қанча катта бўлса, бефарқлик интервали ҳам катталашади.

Бефарқлик интервали тажриба йўли билан аниқланади. Шунингдек, тикувчилик саноатида кийим конструкциялаш мақсадида етакчи ўлчамларнинг қуйида-

ги бeфapқлик интервали аниқланган: кукрак айланаси буйича —4 см ( $\pm 2$  см); буй буйича —6 см ( $\pm 3$  см); букса айланаси буйича (қорин чиқиғини ҳисобга олиб) —4 см ( $\pm 2$  см).

Кийимларда буйлар буйича бeфapқлик интервали (буйлараро фарқ) кийимнинг узунлиги билан узвий боғланган. Буюм узунлиги буйича буйлараро фарқ буюмнинг хили ва унинг узунлигига боғлиқ ҳолда узгариши керак (1.2-жадвал).

## 1.2. Баъзи кийимларнинг узунлиги буйича буйлараро фарқ

Кийимлар хили ва деталлар	Буюм этагининг жойлашган сатҳи	Буйлараро фарқ, см
Нимча, жакет	Бел чизигигача	1
Жакет, куртка	Букса чизигигача ва пастроқ	1,5—2
Пальто	Тиззагача; тиззадан пастроқ	3; 4
Шим	Узун	4
Энг	Узун	2
	Узунлиги 3/4	1
	Калта	0,5

### Типавий фигураларнинг мақбул сонини аниқлаш.

Кийимни оммавий ишлаб чиқариш учун типавий фигураларнинг мақбул сони талабга жавоб бериш даражаси буйича аниқланади. Шу билан бирга аҳолининг узига хос размерли кийимда эҳтиёжини максимал даражада қондиришда истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олиш керак; яъни кийим размерлар сонини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришнинг кийимлар размерлари сонини камайитиришга қаратилган талабларини ҳисобга олиш лозим.

Демак, размерли типология тузишнинг асосий масаласи энг кўп учрайдиган размерлар, буйлар ва тулаликлар бирикмаларини, яъни аҳоли орасида энг кўп учрайдиган фигуралар типини танлашга қаратилган. Саноатда кийим ишлаб чиқишда ва аҳолини размерга мос кийимга бўлган талабини қониқтиришда мақбул типлар сонини ажратиш керак. Шу мақсадда аҳоли орасида ҳамма ажратилган типларнинг (яъни, етакчи улчамлар бирикмалари буйича қониққанлик) учраиши

фоизини ҳисобламоқ лозим. Булардан кейин учрашиш фоизи кўпроқ бўлган фигуралар типни ажратилади.

**Ёрдамчи (бўйсунувчи) ўлчамлар қийматини ҳисоблаш.** Етакчи ўлчамлар бирикмаларига қараб ажратилган типавий фигуралар учун кийим конструкциялаш мақсадида зарур бўлган бошқа ҳамма ўлчамларнинг қиймати аниқланади.

Типавий фигураларни батафсил характерлайдиган ҳамма ўлчамларнинг абсолют қиймати махсус жадвалларга киритилади ва шундай қилиб *антропометрик размер ва бўйлар антропометрик стандартлари* яратилади.

**Катта ёшли аҳолининг** размерли типологияси ва размерли стандартлари.

Размерли типология ва размерли стандартларни илк бор 1960 йилда МДУ қошидаги антропология илмий тадқиқот институти тузган. Уларга асос қилиб 1956—1957 йилларда ўтказилган кўплаб антропометрик ўлчашлар материалларининг илмий тадқиқотлари натижалари олинган.

60-йиллар охирида умумлашган-ягона *размерли типология яратиш* юзасидан янги ўлчашлар ўтказиш зарурияти пайдо бўлди.

Янги ўлчамлар олишдан мақсад аҳолини ишлаб чиқаришнинг ҳам ички базаси, ҳам импорт тайёр кийимлар билан қониққанлигини яхшироқ таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари айлана ўлчамларнинг (айниқса аёлларда) ва бўй узунлигининг (айниқса катта ёшли аҳолининг кичик ёшли гуруҳларида) ўртача арифметик қийматлари ўсишида катта ўзгаришлар юз берди.

Антропометрик ўлчамлар ҳамма давлатларда (Болгария, Венгрия, Германия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия, Россия) умумий дастур ва услуб бўйича ўтказилди.

Ҳар бир давлатда 18 дан 60 ёшгача бўлган 1,5 мингта эркак ва аёл ўлчанди. Ҳаммаси бўлиб катта ёшли аҳолидан 21 минг киши ўлчанди. Ўтказилган ўлчашларнинг ҳамма маълумотларига Москва университети методикаси бўйича ЭҲМ да математик ишлов берилди.

Давлатлар учун умумий ва алоҳида етакчи ўлчамларнинг ўртача статистик параметрлари ( $M$  ва  $\tau$ ) 1.3-жадвалда келтирилган.

1.3-жадвалнинг маълумотлари етакчи ўлчамлар-

1.3. Аёлларни ўлчаш натижасида олинган етакчи ўлчамларнинг ўртача арифметик қийматлари  $M$  ва ўртача квадрат оғиши  $\sigma$ , см

Давлат	Бўй (1)		Кўкрак айланаси учинчи (16)		Бўкса айланаси, қорин чиқигини ҳисобга олган ҳолда (19)	
	$M$	$\sigma$	$M$	$\sigma$	$M$	$\sigma$
Болгария	157,93	5,68	98,94	8,80	108,36	8,97
Венгрия	159,84	5,93	94,72	8,63	102,93	9,02
Германия	159,25	6,28	99,84	9,81	106,31	10,02
Польша	156,9	5,82	93,66	8,65	103,10	8,99
Руминия	155,67	5,70	93,64	9,08	103,53	9,52
Россия	156,22	5,83	97,35	9,96	106,12	9,35
Чехия ва Словакия	159,60	5,98	96,52	9,00	104,15	9,32
Барча мамлакатлар	157,91	5,89	96,38	9,13	104,97	9,31

нинг абсолют қиймати давлатлар аҳолиси бир-бирдан анча фарқланишини тасдиқлайди. Болгария аҳолиси ўрта бўйли. Польша аёлларининг бўйи ўрта ҳисобда Болгария аёллари бўйи билан тенг. Иттифоқдош республикалар аҳолиси энг кичик бўйли.

Кўкрак айланасининг энг катта ўртача қийматлари Германия ва Болгария аёлларида кузатилади, энг кичиклари — Руминия ва Польша аёлларида. Бўкса айланасининг энг катта ўртача қийматлари Болгария ва Германия аёлларида, энг кичиклари эса Венгрия ва Польша аёлларида кузатилади.

Шу билан бир вақтда ўтказилган ўлчамлар натижасида ҳамма давлатлар аҳолисининг тана тузилиш морфологик типлари ўхшашлиги аниқланди. Айни шу нарса аёллар типларини ва етакчи ўлчамларнинг умумий вариантларини ажратиб олишга имкон берди.

**Етакчи ўлчамларнинг вариантлари.** Учинчи кўкрак айланаси бўйича барча давлатлар учун қуйидаги вариантлар қабул қилинган — 72, 76, 80, ..., 96, ..., 136 (17 та вариант); бўй узунлиги бўйича (рост) — 134, 149, ..., 158, ..., 182 (9 та вариант); бўкса айланаси бўйича — 80, 84, ..., 104, ..., 152 (19 та вариант).

**Антропологик размерли стандартлар [6].** Давлатлар мутахассисларининг биргаликдаги ишининг натижасида стандартизация бўйича тавсия ишлаб чиқилди —

РС 3137—71 «Кийим. Кийим лойиҳалаш учун аёллар ва эркаклар типавий фигуралари ва уларнинг ўлчамлари». ГОСТ 17-522-72 тавсиялари бўйича 509 аёллар типи аниқланган.

Кийим ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ташкилий ша-роитлари ва уни реализация қилиш масалалари давлат стандартларида қабул қилинган ҳамма фигуралар ти-пига кийим ишлаб чиқиш имконини бермайди. Шу-нинг учун стандартлар бўйича тармоқ стандартлари ишлаб чиқилган, жумладан ОСТ 17-326-81 «Тикув, трикотаж, мўйна буюмлар. Аёлларнинг типавий фигу-ралари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчамлар».

Тармоқ стандартларни фигура типларининг кийим ишлаб чиқаришга зарур ва етарли бўлган фигура тип-ларининг сонини аниқлайди, типавий фигураларни тў-лалик ва ёши бўйича гуруҳларга таснифлайди, типавий фигуралар ўлчамларини ўз ичига олади.

ОСТ 17-326—81 га мувофиқ аёллар типавий фигура-лари тўртта тўлалик гуруҳига ажратилган (1, 2, 3, 4). Ўз навбатида 2— тўлалик гуруҳи учта кичик гуруҳга бўлинади, учинчиси эса — иккита кичик гуруҳга. Кичик гуруҳлар сони 9 та\*. Ҳар бир кичик гуруҳда кийим мо-дели ва конструкцияси ишланиши учун типавий фигура ажратилган.

Аёллар типавий фигураларининг ҳар бир размерла-ри кичик гуруҳида кўпроқ учрайдиган ёшдагиларнинг гуруҳи ажратилган (кичик гуруҳ—19—29 ёш, ўртача гуруҳ—30—44 ёш ва катта гуруҳ—45 ва ундан юқори).

Аёллар типавий фигуралари учун кўкрак айланаси ва фигуранинг тўлалик характеристикасига боғлиқмас ҳолда бўй номери билан бўй узунлигининг (абсолют қиймат) нисбати ўзгармас миқдор (1.4-жадвал).

Фигура размерини аниқлайдиган учинчи кўкрак ай-ланаси ва аёллар типик фигурасининг тўлалик гуру-ҳини аниқлайдиган бўкса айланасининг нисбати тўла-лик гуруҳлари бўйича ўзгаради: 1— тўлалик гуруҳи О—О<sub>III</sub>=4 см; 2-тўлалик гуруҳи—8; 3-гуруҳ—12 см; 4 гуруҳ учун 16 см

Аёллар типавий фигураларининг таснифи 1.5-жад-валда келтирилган.

---

\* 1- ва 4-тўлалик гуруҳларининг иккинчи кичик гуруҳи фақат айрим республика ва район аҳолиси учун хосдир.

1.4. ОСТ 17-326-81 га мувофиқ катта ёшли аёллар  
типавий фигурасининг гавдаси узунлиги бўйича таснифи.

Буй номери	Гавданинг ўртача узунлиги, см	Гавда узунлиги ўзгаришининг chegarалари, см
I	146	143—148.9
II	152	149—154.9
III	158	155—160.9
IV	164	161—166.9
V	170	167—172.9
VI	176	173—178.9

**Болалар размерли типологиясининг хусусиятлари [6].**

Болаларнинг умумий размерли типологияси 1966 йилдан 1970 йилгача туқимачилик, трикотаж ва тикувчилик саноати соҳасидаги илмий тадқиқотлар режаси бўйича ишлаб чиқилган. Бу ишда ҳамма давлатлар мутахассислари қатнашган.

Болалар размерли типологиясини ишлашда етакчи ўлчамлар сифатида буй ва учинчи кўкрак айланаси қабул қилинган. Бефарқлик интервали буй бўйича — 6 см  $[\pm 3]$  ва кўкрак айланаси бўйича — 4 см  $[\pm 2]$ .

Буйлар бўйича вариантлар шундай танланганки, улар катталарники билан узлуксиз буйлар қаторини тузади, яъни 74, 80, 86, 96, ..., 176 см қизлар учун.

Ишлаб чиқилган размерли типологияга асос қилиб еттита давлат антропометрик тадқиқотлари олинган.

3 ёшдан 18 ёшгача 31,5 мингта иккала жинсдаги болалар ўлчамлари олинган.

Олинган маълумотлар қайта ишланиши натижасида РС 3138-71 «Кийим. Қизлар ва ўғил болалар типавий фигуралари ва уларнинг ўлчамлари» стандартлаш бўйича тавсиялар тузилган. Ҳамма давлатлар қизлари учун 109 та типавий фигура аниқланган. 87 та типавий фигура ҳамдўстлик мамлакатларида учрайди.

ГОСТ 17916-72 «Қизлар типавий фигуралари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчамлар» асосида стандартлар Давлат комитети қарорига биноан ЦНИИШП ОСТ — 17-66—77 «Тикув, трикотаж, мўйна буюмлар. Қизлар типавий фигуралари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчамлар» тармоқ стандарти ишлаб чиқилди. Келтирилган тармоқ

1.5. Аёллар типавий фигураларининг кўкрак айланаси, бўй, тулалик ва ёш гуруҳлари бўйича таснифи

Тулалик гуруҳининг рақами	Ёш гуруҳи	Ўлчами	Кўкрак айланаси бўйича ўлчамлар қиймати, см															
			84	88	92	96	100	104	108	112	116	120	124	128	132	136		
1 нчи	Кичик	Букса айланаси	88	92	96	100	104	108										
	Ўрта		—	—	—	146	—	—										
	Қатта	Буй	152	152	152	152	152	152										
			158	158	158	158	158	158	158									
			—	164	164	164	164	164	164									
	—	170	170	170	170	170	170											
Ўрта	Букса айланаси								112	116	120	124						
Қатта	Буй								152	—	—	—						
2 нчи	Кичик	Букса айланаси	92	96	100	104	108	112										
			146	146	146	146	—	—										
			152	152	152	152	152	152										
	Ўрта	Буй	158	158	158	158	158	158										
			164	164	164	164	164	164										
			—	170	170	170	170	170										
	—	—	—	176	175	176												
	Ўрта	Букса айланаси								116	120	124	128					
	Қатта	Буй								152	152	152	152					
										158	158	158	158					
										164	164	164	164					
									170	170	170	170						

davomi

4—Д 2899

3 нчи	Ўрта	Букса айланаси											132	132	140	144		
	Қатта	Буй												152	152	152	152	
															158	158	158	158
															164	164	164	164
	Ўрта	Буй	96	100	104	108	112	116										
			—	146	—	—	—	—										
152			152	152	152	152	152											
Қатта	Буй	158	158	158	158	158	158											
		164	164	164	164	164	164											
Ўрта	Букса айланаси								120	124	128	132						
4 нчи	Қатта	Буй								152	152	152	152					
										158	158	158	158					
										164	164	164	164					
	Ўрта	Буй	100	104	108	112	116	120										
			152	152	152	152	152	—										
			158	158	158	158	158	158										
—	164	164	164	164	164	164												
Ўрта	Букса айланаси												124	128	132	136		
Қатта	Буй								152	152	152	152						
									158	158	158	158						
									164	164	164	164						

Эслатма: Аниқланган гуруҳларда кийим модели ва конструкцияси тузиладиган типавий фигураларининг кўкрак ва букса айланаларига мос бўй характеристикаси тагига чизиқ чизилган. Кичик ёлдаги 1-тулалик гуруҳи аёлларига кўкрак айланаси 92 см ва бўйи 164 см га мос типавий фигурага кийим модели ва конструкцияси тузишга йул қўйилган.

стандартида қуйидагилар қарор топган: типавий фигураларнинг мақбул сони, қизлар типавий фигураларининг таснифи; ОСТ 17-326—81 га ўхшаш ўлчамлар қиймати.

Қизлар учун бўйлар гуруҳининг тахминий чегараси 1.6-жадвалда келтирилган.

#### 1.6. Қизлар учун бўй гуруҳлари

Бўй гуруҳининг номери	Бўй, см
I	80, 86 <sup>1</sup> , 92, 104, 110
II	116, 122, 128, 134, 140, 146
III	152, 158
IV	164, 170, 176 ва ундан катта

Қизлар типавий фигураларининг бўй, кўкрак айланаси ва ёш бўйича гуруҳлар таснифи 1.7-жадвалда ОСТ 17-66—77 га 3-номерли тўлдирувчи маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилган.

**Кийим размерларини белгилаш.** Аҳолининг бирлашган размерли типологияси ишлаб чиқилгани ва у амалга ошгани сабабли болалар ва катталар учун кийимларнинг размер белгиларини унификациялаш бўйича катта ишлар ўтказилган.

Буюмнинг товар ёрлиғидаги размерли белгилари типавий фигура етакчи размери белгиларининг тўлиқ қиймати билан ифодаланади: бўйи, кўкрак айланаси, бўкса айланаси — аёллар кийимлари учун, бўй, кўкрак айланаси — болалар кийимлари учун.

Бўйи 158 см, кўкрак айланаси 96 см, бўкса айланаси 104 см бўлган типавий фигура учун тикилган аёллар кийимининг ўлчам белгиларига мисол: 158-96-104.

Бўйи 134 см, кўкрак айланаси 68 см бўлган қиз боланинг типавий фигураси учун тикилган болалар кийимини ифодалашга мисол: 134—68.

Ўлчам кўрсаткичларида ўлчам белгиларини ифодалашнинг қабул қилинган тартиби мажбурий ҳисобланади. Кийим размерини рақамлар орқали ифодалашни пиктограмма билан тўлдириш мумкин. Пиктограммада етакчи ўлчам белгилари ҳам кўрсатилади.

#### Текшириш учун саволлар

1. Аҳолини антропометрик ўрганиш деганда нимани тушунасиз? У қандай мақсадда ўтказилади?



2. Антропометрия нима?
3. Антронометрик ўлчамлар ўтказишга қандай талблар қўйилади?
4. Ўлчамлар хилига қараб улар қандай белгиланади?
5. Фигуранинг қандай антронометрик нуқталарига ўлчам олишда ориентирланади?
6. Фигуранинг қайси ўлчамлари чизиқли ўлчам? Улар қайси текисликда ўлчанади?
7. Ёй кундаланг периметрларига қайси ўлчамлар киради? Улар қайси текисликда ўлчанади? Бунда ўлчаш асбобларидан фойдаланилади?
8. Қандай ўлчамлар чизиқли — проекцион ўлчамларга киради? Бу ўлчамлар қандай ўлчаш асбоблари ёрдамида олинади?
9. Мартин системасидаги металл портатив антропометр қайси ўлчамларни олишда ишлатилади?
10. Қандай ўлчамларни олишда катта қалин циркуль ишлатилади?
11. Қайси ўлчамлар сантиметрли тасма ёрдамида ўлчанади?
12. Диаметрлар қандай ўлчанади?
13. Қайси ўлчам фигура размерини аниқлайди?
14. Мактаб ёшигача, мактаб ёшидаги ва ўсмирлар ўлчамларини олишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
15. Ясли ёшидаги болалар ўлчамларини олиш дастури нимаси билан фарқланади?
16. Ўлчамларни нормал тақсимлаш деганда нима тушунасиз?
17. Ўлчамларнинг қандай боғланиши корреляцион боғланиш дейилади?
18. Антропометрик ўлчамлар орасидаги боғланиш даражаси нима билан аниқланади?
19. Катта корреляцион боғланиш деганда нимани тушунасиз?
20. Кичик корреляцион боғланиш деганда нимани тушунасиз?
21. Размерли типология нима?
22. Размерли типологияни тузишда қандай асосий масалалар ҳал қилинади?
23. Қайси ўлчамлар етакчи ўлчам дейилади?
24. Етакчи ўлчамлар танлашда қанақа талаблар қўйилади?
25. Аёлларнинг қандай фигураси типавий фигура дейилади?
26. Қандай ўлчамлар бўйсунувчи (ёрдамчи) ўлчамлар дейилади?
27. Бефарқлик интервали нима?
28. Бефарқлик интервалига қандай омиллар таъсир этади?
29. Бизда етакчи ўлчамлар бўйича бефарқлик интервалининг қандай қийматлари қабул қилинган?
30. Буюм бўйлар орасидаги фарқ буюм узунлиги билан қандай боғланган?
31. Бефарқлик интервали қандай аниқланади?
32. Аҳолини антропометрик ўрганиш нима?
33. Қайси давлатлар аёлларнинг кўкрак айланаси қиймати энг катта?
34. Қайси давлатлар аёлларнинг букса айланаси қиймати энг катта?
35. Қайси давлат аҳолиси энг паст бўйли?
36. Қайси давлат аёллари энг баланд бўйли?
37. Қайси ҳужжатларда аёллар ва қизлар кийимини лойиҳалаш учун ўлчамлар қиймати акс этган?
38. Кийимни оммавий тикиш мақсадида нечта аёллар типавий фигуралари қабул қилинган?

39. Саноатда кийим тикиш мақсадида аёллар фигураларининг нечта гуруҳи ва кичик гуруҳ қабул қилинган?

40. Бўйлар бўйича аёллар типавий фигураларининг таснифи қандай? Уларнинг қиймати-чи?

41. Аёлларнинг қандай фигуралари 1- ва 2-тулалик гуруҳига мансуб?

42. Аёлларнинг қандай фигуралари 3- ва 4-тулалик гуруҳига мансуб?

43. Болаларнинг размерли типологиясини ишлаб чиқишда қандай ўлчамлар етакчи ўлчамлар тариқасида қабул қилинган?

44. Болалар кийимини ишлаб чиқишда бўйлар бўйича неча гуруҳ қабул қилинган?

45. Болалар кийимида бўйлар гуруҳининг қандай чегаралари қабул қилинган?

46. Ёшлари бўйича қизлар учун кийим таснифи қандай?

47. Аёллар кийимининг размерли кўрсаткичларини белгилашда ўлчам кетма-кетлиги қандай?

48. Қизлар кийимининг размерли кўрсаткичларини белгилашда ўлчамлар кетма-кетлиги қандай?

### 1.5. КИЙИМДАГИ ҚУШИМЧАЛАР

Елкада турадиган кийим ҳам, белда турадиган кийим ҳам танага унинг ҳамма нуқталари бўйича ёпишиб турмайди ва танадан бир хил масофада ажралмайди, одам танасининг юзаси айрим жойларида контурлари ва размерлари бўйича кўпинча одам кийган кийимига айнан ўхшамайди ва умуман монанд ҳам эмас.

Газламадан, чарм ва қаватланган материаллардан тикилган ҳар қандай кийим ўз размерлари бўйича одам танасининг размерларидан каттароқ. Одам танаси ва кийимнинг ички размерлари орасида ҳаво қатлами ҳосил бўлади. Бу қатлам бемалол ҳаракат қилиш ва нафас олишни, одам организми нормал фаолият кўрсатиши учун, ҳамда муайян силуэтли шакл яратиш учун ҳам керак.

Ҳаво қатламининг миқдори кийим фигурага қанчалик ёпишиб туриш даражасига боғлиқ.

Елкада турадиган кийим фигурага ёпишиб туриш даражасига кўра баданга ёпишиб турадиган, сал ёпишиб турадиган ва ҳар хил даражада бемалол туриши мумкин.

Кийим баданга қай даражада ёпишиб турмасин, унинг ички размерлари ҳар доим тана размеридан каттароқ бўлади. Кийимнинг размерлари одам танасининг размерларидан катта қиймати *қўшимчалар* дейилади. Улар катта *П* ҳарф билан белгиланади. Қўшимчалар

берилган жой индекслари билан белгиланади. Вазифасига кўра: минимал зарур (техник) ва декоратив-конструктив қўшимчалар бўлади.

Минимал зарур қўшимча  $P_{\text{тех}}$  бемалол нафас олиш, бемалол ҳаракат қилиш ва иссиқлик алмашилиши учун муайян ҳаво қатламини ҳосил қилади.

$P_{\text{тех}}$  қийматга тананинг размерлари динамикада статикадаги размерларига нисбатан ўзгариши таъсир қилади. Бу қўшимча асосан кўкрак сатҳида кийимнинг эни бўйича кўзда тутилгани сабабли уни аниқлашда етакчи омил бўлиб кўкрак айланаси чуқур нафас олгандаги ва тинч ҳолатдаги кўрсаткичлар орасидаги фарқ бўлиши керак (1,5 см) [7].

МДУ қошидаги антропология илмий тадқиқот институтини маълумотлари бўйича одам ҳар хил ҳаракат қилганда унинг танасининг айрим қисмлари чуқур нафас олгандагига нисбатан кўпроқ ўзгаради. Энг кўп ўзгаришлар кенглик ўлчамларида кузатилади  $Ш_c$ ,  $Ш_r$ .

Орқа кенглик ўлчами  $Ш_c$  қўллар кўтарилганда ва олдинга узатганда катталашади ( $\approx 30\%$ ), бу вақтда ўлчам  $Ш_r$  камаяди. Ва аксинча, қўлларни орқага бурганда ва куракларни яқинлаштирганда  $Ш_c$  ўлчам бир оз камаяди,  $Ш_r$  эса катталашади ( $\approx 10\%$ ).

Бўйлама ўлчамлар қўллар кўтарилганда ва танани олдинга энгаштирганда маълум даражада ўзгариши кузатилади. Лекин бемалол ҳаракатланиш учун кийимларнинг бўйлама размерларига қўшимча берилмайди, чунки бу модел пропорцияларини бузади. Кийимнинг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда узунлигининг ўзгариши унинг силуэт шаклини умуман ўзгартириб юбориши мумкин. Кўпинча елкада турадиган кийимнинг конструкцияси кийимнинг фигурада осон сурилишини таъминлайди, хизмат пайтида кийиладиган кийимни кийиш шароити ҳам, одатда, узунроқ кийимни талаб қилмайди.

Кийимнинг эни бўйича бемалол ҳаракат қилиш ва нафас олишини таъминлайдиган қўшимчани кийимнинг вазифасига қараб танлаш керак. Қўшимчалар маиший кийимларда деярли бир хилда бўлиши, лекин махсус кийимларда эргономик кўрсаткичларни ҳисобга олиш шarti билан маълум даражада катталашини мумкин.

Одам танасининг атрофида муайян микроқлим ҳосил қиладиган ҳаво қатлами орқали кийимда нормал

иссиқлик алмашинуви ва тери орқали нафас олиш таъминланади. Толалар таркиби ҳар хил бўлган газлама-лардан тайёрланган кийимда микроиқлим ҳосил қилиш учун, проф. Ф. Ф. Эрисман маълумоти бўйича, ҳаво қатламининг қалинлиги: жун газламадан тикилган кийимларда 2,5 Н, шойи газламалардан тикилганларда 3 Н ва ип газламалардан тикилганларда — 3,25 Н (Н — газлама қалинлиги) қилиб олинади [7].

Тикувчилик ишлаб чиқариш марказий илмий текшириш институтининг (НИИШП) тавсиялари бўйича кўкрак айланасига техник қўшимча кийимнинг хилига боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади, демак унинг «қаватли-лигига» ҳам боғлиқ. Устки кийимларда қўшимчанинг қиймати: аёллар ва қизлар жакети учун — 3 см, кузги, баҳорги ва ёзги пальтолар учун — 4 см қилиб олинади.

Бел ва бўкса айланаларига бемалолликка бериладиган техник қўшимча, бу параметрларнинг ўзгариши чегаралангани ва бу соҳада ҳаракат кўлами камроқлиги сабабли, уларнинг қиймати кўкрак айланасига бериладиган қўшимчадан камроқ бўлиши керак.

Бу қўшимчаларнинг амалий нисбатлари куйидагича: ёпишиб турадиган силуетли буюмларда бел чизигига бериладиган қўшимча (0,5 — 0,75)  $P_r$  ва сал ёпишиб турадиган силуетли буюмларда (0,75 — 1)  $P_r$ ; ёпишиб турадиган силуетларда — бўкса чизигидаги қўшимча 0,5  $P_r$  ва сал ёпишиб турадиган силуетларда — 0,75  $P_r$ . Тўғри силуетли буюмларда  $P_r$  ва  $P_6$  моделнинг ҳажми ва шакли билан аниқланади. Келтирилган қўшимчалар маълум даражада шаклнинг силуети ўзгаришига мувофиқ ўзгаради.

Кўкрак чизигига бериладиган қўшимчанинг *декоратив— конструктив қисми*  $P_{дк}$  костюм моделининг эскизида берилган шаклини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу қўшимча деярли ҳар вақт одам фигурасида ижодий изланишлар натижасида аниқланади. Костюмнинг шакли одам билан узвий боғлиқ бўлгани учун, уни фақат одамнинг образи, пропорциялари ва пластикасига боғлиқ ҳолда кўрилади [3]. Шу боис санъаткор моделлар ва конструктор модел шаклини ишлаганда уни ҳаракатда — пластикада тасаввур қилиши керак ва буюмнинг аниқ шаклини ҳал қилишда модел мўлжалланган кимсани размер ва ёш характеристикасига боғлаб қиймат  $P_{д.к.}$  ни асослаб танлаши лозим.

Муайян бичим усуллари ва фаразий идрок қилиш қонунлари туфайли кийимда одам фигураси, шакли ва силуэти билан бирорта геометрик фигурага яқинлашиб, ҳар хил кўриниши мумкин.

*Шакл ва силуэт* — моданинг икки асосий характери-каси бир-бири билан узвий боғланган. Вақт бўйича ўзгариб, улар модани ҳаракатга солади.

Кийимнинг асосий силуэтлари фигурада қандай туриш даражаси бўйича аниқланиши мумкин (унинг шаклини так-рорлаши, яқинлашиши ва контрастлиги): ёпишиб турадиган кийим белдан юқори қисми ҳажмининг ва юбканинг ҳар хиллиги, сал ёпишиб турадиган (белга ҳар хил даражада ёпишиб туради); тўғри (кўпроқ ёки камроқ даражада ёпишиб туради) пастга томон кенгайган (трапециясимон).

Ҳар хил силуэт шаклдаги кийим конструкциясини туз-ганда конструктив-декоратив қўшимча  $P_{дк}$  га катта аҳамият берилади.

Техник қўшимчадан фарқли равишда,  $P_{дк}$  да нафақат эни, балки узунлиги бўйича қўшимча кўзда тутилади.

Модага мос кийимлар шаклини лойиҳалашда амалий мақ-садда кўкрак чизиғи бўйича қўшимча —  $P_r$ , бел —  $P_r$ , бук-са —  $P_e$ , елка айланаси —  $P_{оп}$  мода йўналишига мослаб етакчи моделлаш ташкилотлари томонидан (ОДМО—модел-лаш уйи ва ЦОТШЛ — Марказий тажриба техник тикувчи-лик лабораторияси) берилади.

Кийим силуэти шаклини асосий қўшимча  $P_r^*$  аниқлайди. Буюмнинг муайян шакли сақланганда бу қўшимчанинг қий-мати кескин ўзгармайди. Силуэтли шаклнинг ҳажми ўзга-риши билан  $P_r$  маълум даражада миқдор жиҳатдан ўзга-ради. Силуэтли шаклнинг ҳажми ўзгармаганда бу қўшим-чанинг миқдори конструкция чизмасининг участкалари ўрта-сида (орқа, ўмиз ва олд бўлак) қайтадан тақсимланади.

1. 8-жадвалда кейинги ўн йил давомидаги мода тавсия-ларини ҳисобга олган ҳолда  $P_r$  нинг ўртача қийматлари келтирилган.

1. 8-жадвалда келтирилган қўшимчалар кўкрак айланаси 96 см ва бўйнинг ўртача қийматлари 158 — 164 см бўлган фигураларга мўлжалланган ўтказма энгли буюмларга тавсия қилинади.

---

$$* P_r = P_{тех} + P_{д.к}$$

Аниқ фигурага мўлжалланган кийим учун  $P_r$  миқдорини аниқлашда қуйидаги тавсияларга амал қилмоқ лозим:

1. Размери ва бўйи ҳар хил бўлган фигураларда муайян шаклдаги кийимдан бир хил фаразий таассурот сақламоқ учун келтирилган қўшимчаларни баланд бўйли, размери катта бўлмаган фигуралар учун 0,5 см катталаштириш керак ва паст бўйли, кўкрак айланаси катта фигуралар учун 0,5 см кичрайтирилади ( $O_r$  нинг ҳар 4 см га ва бўйнинг ҳар 6 см га) [12].

### 1.8. Ҳар хил силуетли аёллар устки кийимлари учун $P_r$ нинг ўртача қийматлари

Кийимнинг хили	Ёпишиб турадиган	Сал ёпишиб турадиган	Тўғри	Трапеция-симон
Жакет	5,5—6,5	6,5—7,5	7,5—8,5	5,5—6,5
Кузги-баҳорги ва ёзги пальто	6,5—7,5	7,5—8,5	8,5—9,5	6,5—7,5

2. Газламанинг қалинлиги ва тузилишига қараб қўшимчалар дифференциялаб танланади. Газлама қанчалик юпқа бўлса, силуетли шаклнинг чегарасида қўшимча шунча кам бўлади ва аксинча.

3. Силует шакли бир хил, лекин бичими ҳар хил бўлган кийимдан муайян фаразий таассурот қолдириш учун қўшимча кўпайтирилади: яхлит енгли ва реглан енгли, ҳажми катта бўлмаган кийимлар учун—2 см гача, комбинациялашган бичим учун эса—1 см гача [12].

4. Қишки иссиқ қатламли кийимлар учун қўшимчалар 18-жадвалнинг унга тўғри келадиган хонасидан олинади (кичик миқдори) ва 3,2  $h$  қўшилади ( $h$  — иссиқ тутувчи қатлам қалинлиги).

Охирги вақтларда кийимлар ҳажми маълум даражада катталашади. Шу билан бир вақтда кичик ҳажмли кийимлар ҳам сақланиб қолмоқда (айниқса, бу аёллар кийимига тааллуқли).

Агар кичик ҳажмли буюмлар учун қўшимчалар юқорида келтирилган ўртача қийматларнинг чегарасида бўлса (1.8-жадвал), катта ҳажмли кийимлар учун (бир хил силуетли шакл чегарасида) улар тахминан 50—70% катталашган. Ҳажмнинг бундай катталашishi унинг конструкциясини қайтадан ишлашни талаб

қилади (ўмиз чуқурлашади, унинг сатҳида енг кенгайди ва бошқа элементларнинг шакли ўзгаради).

Кўкрак чизиги бўйича болалар кийимида бемалолликка бериладиган  $P_r$  қўшимчаларга келганда, улар муайян ёш — — жинсий гуруҳлар учун тавсия этилган тадбирларга бинотан кийим шакли билан боғлиқ бўлиши керак.

Болалар кийимини моделлаш ва конструкциялаш бешта ёш бўйича бўлинган гуруҳларда бажарилгани туфайли, кўкрак чизиги бўйича бемалоллик қўшимчалари  $P_r$  кийим хилини ва ёш — жинсий гуруҳларни ҳисобга олиб фарқланади (1. 9-жадвал).

Конструкция чизмасини ҳисоблаганда  $P_r$  қийматини чизмаинг кўкрак чизигидаги участкалар бўйича тақсимланиши (орт булак, ўмиз, олд булак) катта аҳамиятга эга (1. 10-жадвал).

Кўкрак чизигидаги олд ва орт булаклар участкаларидаги бемалолликка бериладиган қўшимчалар 1.11-жадвалда келтирилган.

Бел ва бўкса ярим айланаларига кийим бемалол туришига бериладиган қўшимчалар унинг силует шакли билан узвий боғлиқ ва улар миқдорини асосан модел аниқлайди. Уларнинг тахминий қийматлари 1.12-жадвалда келтирилган.

Конструкциянинг бошқа участкалари бўйича бериладиган техник қўшимчалар 1.13-жадвалда келтирилган.

### 1.9. Қизлар устки кийимлари учун $P_r$ миқдорлари (16).

Ёш бўйича гуруҳлар	Пальто учун $P_r$ қиймати, см	
	кузги-баҳорги	қишки
Ясли ёшидаги	12—15	14—16
Мактабгача ёшдаги	11—14	13—15
Кичик мактаб ёшидаги	10—13	12—14
Катта мактаб ёшидаги	9—12	11—13
Ўсмирлар		
84—92	8—11	10—12
96—108	6,5—9,5	8,5—10,5

Эслатма. Мактаб ёшидаги болалар учун пальто чизмасини тайёрлашда  $P_r=9$  см қилиб олинади. Олд ва орт булаклар деталлари конусимон кенгайтирилганда  $P_r$  жадвалдаги миқдоргача ўсиб боради.

ЦНИИШП методикаси кийимнинг пастки қаватларининг (пакетнинг) қалинлиги билан боғлиқ бўлган чизманинг баъзи участкалари бўйича яна қўшимчалар кўзда тутлади. Бу қўшимчалар қиймати 1.14-жадвалда келтирилган.

1.10.  $P_1$  нинг чизма участкалари бўйича кўкрак чизигида улушларда тақсимланиши

Кийим гуруҳи	Орт бўлак	Ўмиз	Олд бўлак
Аёллар	0,2—0,3	0,8—0,5	0—0,2
Болалар	0,3	0,4	0,3

1.11. Ҳар хил силуэтли кийимларнинг орт бўлак  $P_c$  ва олд бўлак  $P_n$  участкаларида кўкрак чизиги бўйича бемалолликка бериладиган қўшимчалар, см.

Пальто	Епишиб турадиган силуэт		Сал ёпишиб турадиган силуэт		Тўғри силуэт	
	$P_c$	$P_n$	$P_c$	$P_n$	$P_c$	$P_n$
Кузги-баҳорги	1,5—1,7	1,2—1,4	1,7—2,0	1,4—1,6	2,3—2,5	1,8—2,0
Қишки	2,0—2,2	1,7—1,9	2,2—2,5	1,9—2,1	2,8—3,0	2,3—2,5

Э с л а т м а. Қишки кийимларнинг бемалол туришига қўшимчалар иссиқ тутадиган қатламни ҳисобга олган ҳолда келтирилган.

1.12. Ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган буюмларнинг бел  $P_7$  ва бўкса  $P_6$  ярим айланаларига кийим бемалол туришига бериладиган қўшимчалар, см.

Пальто	Ёпишиб турадиган силуэт		Сал ёпишиб турадиган силуэт	
	$P_7$	$P_6$	$P_7$	$P_6$
Кузги-баҳорги	8—10	5 дан бошлаб	10—12	6 дан бошлаб
Қишки	10—12	7 дан бошлаб	12—14	8 дан бошлаб

1.13. Ёқа, енг ўмизлари ва белгача узунликка қўшимчалар (9, 10), см.

Кийимлар тури	Орт бўлак ёқа ўмизининг кенглигига, Пш.г.с.	Орт бўлак ёқа ўмизининг баландлигига, Пв.г.с	Ўмиз бека малоллигига чуқурлиги буйича, Пс.пр	Белгача узунлик а	
	Орт бўлак, Пд.т.с	Олд бўлак, Пд.т.п			
<b>Аёллар кийими</b>					
Жакет	1—1,5	0,2	2,5—3	0,5	0,8
Кузги-баҳорги пальто					
иссиқ тутувчи қатламсиз бир қават иссиқ тутувчи қатлам билан	1,5—2	0,3—0,4	3—4	0,9	2,5
Қишки пальто	2,5—3	0,5—0,6	3,5—4,5	1,8	3,3
	2,5—3	0,5—0,6	3,5—4,5	1,8	3,3
<b>Кизлар кийими</b>					
Жакет, куртка	1—1,5	—	2—2,5	—	—
Кузги-баҳорги пальто					
иссиқ тутувчи қатлам билан бир қават иссиқ тутувчи қатлам билан	1,5—1,8	—	3—4	0,9	2,4
Қишки пальто	1,5—1,8	—	3—4	1,35	2,85
	2,5—3	—	3—4	1,8	3,3

1.14. Кийимнинг остки қаватлари қалинлигига қўшимча, см

Пальто	Орт бўлак ёқа ўмизининг асоси кутарилишига Пв.г.с	Орт бўлакнинг елка нуқтасига Пп.с	Олд елка нуқтасига Ппп	Енг қиямасининг баландлигига ўтказилган енг чокини эгиб утишига, Пв.ок	Елка ёстиқчасига қалинлигига модель бўйича Ппл	Елка ёстиқчасига ўмиз узайтиришига Пу.п
Кузги-баҳорги иссиқ тутадиган қатламсиз Шунинг ўзи бир қават иссиқ тутадиган қатламли	1	0,9	1,1	1	0—1	0—2,5
Қишки	1—1,5	1,35	1,6	1,2	0—1	0—2,5
	1—1,5	1,8	2	1,2	0—1	0—2,5

Елка айланасига бериладиган қўшимча кийим турига, силует шаклига ЦНИИП маълумоти буйича, 1.15-жадвал ва кийим хилига мос енг шаклига

1.15. Ҳар хил силуэтлар шаклидаги буюмлар учун енг кенглигига, яъни елка айланасига қўшимчалар, см

Пальто	Ёпишиб турадиган силуэт	Сал ёпишиб турадиган силуэт	Тўғри силуэт
Кузги- баҳорги	10—11	10,5—11,5	11—12
Қишки	12—13	12,5—13,5	13—14

1.16. Ҳар хил буюмлар учун енг шаклига боғлиқ ҳолда елка айланасига қўшимча  $P_{c-p}$

Енг	Жакет, куртка	Кузги- баҳорги пальто	Қишки пальто
-----	---------------	-----------------------	--------------

Аёллар кийими

Тор	6—7,5	7—8,5	9—10,5
Ўртача	8—9,5	9—10,5	11—12,5
Кенгайган	10—11,5	11—12,5	13—14,5
Кенг	12—13,5	13—14,5	15—16,5

Қизлар кийими

Ўртача	—	10,5—12	11,5—13
Кенгайган	—	11,5—13	12,5—15

Э с л а т м а: Келтирилган  $P_{o-p}$  қийматларни ўмиз чуқурлиги нормал, ҳажми катта бўлмаган кийимлар учун тавсия этиш мумкин. Кийимнинг умумий ҳажми катталашган сари ўмиз чуқурлашади ва  $P_{o-p}$  кескин катталашади.

Қуйида ўмиз узунлигининг ҳар 1 см га енг қиямасининг кириштириш нормаси  $H$  келтирилган.

Газамалар	Енг қиямасини кириштириш нормаси, см
Синтетик толалар аралашган жунли костюмбоп	0,08—0,09
Ингичка толали жунли костюмбоп	0,09—0,1
Қисман шерсть, янгичка толали ва юпқа мовут пальтобоп, жун костюмбоп мовутлар, тоза жундан пальтобоп юпқа мовут	0,1
Жунли пальтобоп; қалин мовутли драплар, қисман шерсть мовут драплар	0,125
Юпқа мовут, тоза жундан юмшоқ драплар	0,15

## Текшириш учун саволлар

1. Нималар кийимда қўшимчалар дейилади?
2. Нима кийимда техник қўшимча дейилади?
3. Техник қўшимчанинг вазифаси нимадан иборат?
4. Буюм шаклини тузишда қўшимчанинг декоратив-конструктив роли қандай?
5. Қайси қўшимча асосий ҳисобланади? У нималардан иборат?
6. Кийимнинг силуэти нима?
7. Аёллар устки кийимнинг қандай асосий силуэтларини биласиз?
8. Иссиқ тутувчи қатламли буюмларда кўкрак чизиги бўйича бемалоллик қўшимчасининг миқдори қандай?
9. Қизларнинг бир турдаги кийимида бемалоллик қўшимчасининг ҳар хил бўлиши нимага боғлиқ?
10. Конструкция чизмасининг участкалари бўйича (орт булак умиз ва олд булак)  $P_{г}$  тақсимои доимийми?
11. Кўкрак чизиги бўйича иссиқ тутувчи қатламга бериладиган қўшимча нимага тенг ва конструкция чизмасининг участкалари бўйича у қандай тақсимланади?
12. Бел ярим айланасига бериладиган қўшимча нимага боғлиқ? Ва бу қўшимча витачкалар ва ён чоклар шаклига қандай таъсир кўрсатади?
13. Ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган силуэтли буюмларда букса айланасининг бемалоллик қўшимчасининг қиймати нимага тенг?
14. Қишки пальто ва жакетда орт булак ёқа умизининг кенглиги қўшимчаси нимага тенг? Бу қийматларнинг мос тушмаслиги нимага боғлиқ?
15. Аёллар жакети ва қизлар жакети учун  $P_{с.пр}$  миқдори нимага тенг?
16.  $P_{с.пр}$  кийим шакли билан қандай боғланган?
17.  $P_{о.п}$  қийматга қандай омиллар таъсир этади?
18. Аёллар буюмларида ва қизлар буюмларида  $P_{о.п}$  қийматида фарқи борми?

## 2. Кийим деталларининг ёйилмасини олиш усуллари

Кийим конструкциялашдан асосий мақсад кийим лойиҳалашда ишлатиладиган газламалардан ва бошқа материаллардан буюмнинг фазовий шаклини яратишда ва бу масаланинг тескари ечими эскизда ёки модель намунасида берилган кийим деталларининг ёйилмасини қуришдир.

Кийим деталларининг ёйилмасини олишнинг икки усули мавжуд: кийимнинг тахминий ёйилмасини олишга имкон берадиган усуллар ва кийимнинг анча аниқ ёйилмасини олиш имконини берадиган усуллар (тайёр намуна бўйича).

Кийим, ҳаттоки танага ёпишиб турадиган ҳам, одам

фигурасининг силлиқланган контури каби қонуний текислик эмас, унинг силуэти фақат фаразий геометрик фигурага яқинлашади: кийим деталларининг аниқ ёйилмасини олишнинг имкони йўқ. Умумий шакл ва унинг айрим элементлари ўлчаб кўриш жараёнида аниқланади. Кийим деталларининг аниқлиги бу ҳолда бажарувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Демак, эскизда берилган кийим деталларининг ёйилмасини олиш усули тахминийдир. Кийим конструкциясини ишлашда қўлланадиган саноатдаги ҳамма конструкциялаш методикалари ва системалари тақрибий ёйилма усулларига киради.

Ёйилма фақат тайёр кийим намунасида — моделдан олингандагина ёйилманинг аниқроқ усули тўғрисида гапириш мумкин, чунки бунда тикилаётган кийим ҳосил қилган юзалар ўлчамларига эга бўламиз.

## 2.1. ЯҚҚА ТАРТИБДА ВА ОММАВИЙ ТАРЗДА КИЙИМ ИШЛАБ ЧИҚИШДА КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

Техник ҳужжатларда акс этган, ўлчамлари ва ишлов усуллари кўрсатилган, ўзаро боғлиқ ва ўзаро жойлашган, андазалар кўринишида келтирилган кийимнинг тузилиши тикув буюмнинг *конструкцияси* дейилади.

Саноат шароитида ишлаб чиқаришда буюм конструкциясига қуйидаги талаблар қўйилади: конструкция чизмалари бўйича ишланган кийимнинг ташқи кўриниши модель намунасига қатъий мос бўлиши; кийим одам фигурасида яхши ўтириши; конструкция технологик, яъни кийимнинг минимал таннархини ва юқори меҳнат унумини таъминлайдиган илғор усуллар қўлланиши ва тайёрлашда кам меҳнат талаб қилиши зарур.

Маиший хизмат шароитида конструкциянинг технологиклигига катта аҳамият бериш керак. Бунда технологик конструкция қуйидагиларни кўзда тутиши керак: кийиб кўриш сонини биттагача қисқартириш мақсадида кийимнинг фигурада максимал даражада аниқ ўрнашуви; кийиб кўриш жараёнида одам фигурасида буюмнинг ўрнашувини аниқлашга бериладиган қўшимчанинг оптимал миқдори; буюмни тикиш жараёнида машинада ишлов усулларини ва оқилона методларини максимал даражада қўллаш.

Конструкциялаш ишлари тикувчилик саноатида катта аҳамиятга эга бўлган жараён, чунки у маълум даражада буюмлар сифатини олдиндан аниқлабгина қол-

май, балки технология, механизация ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни мукамаллаштиришда ҳал қилувчи воситадир.

Ҳозирги пайтда саноатда кийимни конструкциялаш конструкторлик ҳужжатларининг ягона системасига (КХЯС) мувофиқ бажарилади. ЕСКД беш босқичдан иборат бўлиб, лойиҳа-конструкторлик ишларининг структурасини аниқлайди.

Биринчи босқич — техник топшириқни ишлаб чиқиш. Унда кийимнинг вазифасигина эмас, балки сифат кўрсаткичлари ва конструкторлик ҳужжатлар босқичларининг ишланиши, уларнинг таркиби аниқланган ҳамда кийимга бўлган талаблар ўз аксини топган бўлиши керак.

Иккинчи босқич — вазифаси бир хил ёки бир-бирига яқинроқ бўлган ўхшаш моделларнинг таҳлили асосида техник тақлифнинг ишланиши. Энг юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган ўхшаш моделларнинг эталон қаторини тузиш натижасида техник тақлифлар тайёрлаш, моделлар серияси конструктив ўхшашларининг таҳлили бўйича, яъни янги тузилган моделларнинг рақобат бардошлиги ва ўзгача мазмунини кўрсатадиган тақлифлар тузилади.

Учинчи босқич — эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда буюмнинг тузилиши (конструкцияси) ва унинг асосий параметрлари туғрисида умумий таассурот берадиган принципиал-конструктив ечимлар бўлади.

Тўртинчи босқич — моделнинг техник лойиҳасини ишлаш. Техник лойиҳа — лойиҳаланаётган модель туғрисида тўла маълумотга эга бўлган (асосий деталлар конструкциясининг чизмаси) ва лойиҳаланаётган буюмнинг тузилишини аниқлайдиган асосий конструктив узелларнинг технологик карталарига оид конструкторлик ҳужжатлар мажмуи.

Бешинчи босқич — иш (конструкторлик) ҳужжатларини ишлаш. Ҳозирги пайтда бу иш андазалар комплекти илова қилинган техник рўйхатни тузишдан иборат.

Майший хизмат шароитида кийимни лойиҳалаш ўзига хос хусусиятларга эга. У аниқ фигуралар учун ишланади. Шу билан бирга, кийим умумий шакли нуқтаи назаридан, унинг айрим элементлари, образли ва рангли ечими ва ҳ.к. замонавий мода талабларига мос бў-

лиши керак. Лекин булар етакчи моделлаш ташкилотлари, Моделлар Уйи, республикалар моделлар уйлари томонидан жуда аниқ методик раҳбарлик қилиш шартли билангина таъминланиши мумкин.

Кийим лойиҳалаш жараёни маиший хизмат системасида уч даражада бажарилиши мумкин.

Биринчи даража — етакчи моделлаштириш ташкилотлари томонидан мода йўналиши бўйича методик тавсиялар ва мода йўналишини намоён қилувчи моделлар коллекциялари, охириги мода шаклидаги буюмларни конструкциялаш бўйича асосий методик қўлланмалар ҳамда база конструкторлик ҳужжатлар (истиқболли база конструкцияларининг андазалари, техник рўйхати билан) ва рассом-моделшуноснинг иш моделлари папкасининг намунаси ишлаб чиқилади. Маиший хизмат корхоналарининг экспериментал бўлим мутахассислари ҳар йили бу ҳужжатларни олишади.

Иккинчи даража — етакчи моделлаштириш ташкилотларидан олинган ҳужжатлар асосида экспериментал бўлимлар мутахассислари томонидан модага мувофиқ бўлган ассортиментдаги модалар коллекцияси ишлаб чиқилади. Бунда ассортиментли коллекция моделига конструкторлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади, янги ишлаб чиқилган моделлар эскизи билан рассомнинг папкаси тўлдирилади ва кўпайтирилган ҳужжатлар янги бичим ва ишлов бериш усулларининг илғор йўллари мутахассисларга ўргатилгандан сўнг ишлаб чиқариш бўлимларига (ателье) етказилади.

Учинчи даража — ательеларда маиший хизмат корхоналари экспериментал бўлимларидан келган конструкторлик ҳужжатлари ва рассом — модельшуноснинг иш папкасидаги моделлардан фойдаланиб аниқ фигураларга конструкция ишлаб чиқилади.

## 2.2. КИЙИМ КОНСТРУКЦИЯЛАШ СИСТЕМАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Кийим конструкциялаш моделлаш қаторида тикувчилик саноатининг юксак жараёни бўлиб, буюм сифатини маълум даражада олдиндан аниқлабгина қолмай, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш ва технологияни мукамаллаштиришда ҳал қилувчи моментдир.

Айни пайтда мамлакатимиз ва чет эллардаги тикувчилик саноатининг корхоналари кийим конструкциялаш-

нинг асосан икки хил системасидан фойдаланади: муляж системаси — мураккаб конструктив шаклларни ва моделларнинг айрим деталларини тайёрлаш учун ва ҳисоб-графикли системанинг ҳар хил вариантлари.

Муляж система буйича конструкция газлама ёки қоғозни одам фигурасига ёки манекенга қадаш тўфайли олинади, сунгра қоғоз текисликка ёзилади ва буюм деталларининг контури чизилади, шу билан бирга деталлар узеллари туташтирилиб контур чизиқларнинг тўғрилиги текширилади.

Конструкциялашнинг ҳисоб-график системаси ҳар хил вариантларда мавжуд. Буюмнинг чизмаси фигура ўлчамлари ва уларга мувофиқ қўшимчалар асосида эскизда берилган моделнинг конструкцияси қурилиши билан характерланади. Шу билан бирга, чизмалар тайёрлашнинг хилма-хил усуллари (вариантлари) мавжуд. Ишлатиладиган конструкциялаш усуллари асосан ҳисоблаш формулаларининг структураси ва график қуриш усуллари билан фарқланади. Ҳисоблаш формулалари ҳар хил даражада асосланган.

Конструкциялаш системаларида ишлатиладиган ҳисоблаш формулаларини Г. Л. Трухан ўтказган таҳлили шуни кўрсатдики, ҳисоблаш формуласининг исталган биттаси уч хилдан бирига тегишли экан.

Биринчи хилга деталь  $P$  айрим участкасининг размери унга мос бўлган фигуранинг ўлчами  $M$  ва қўшимча  $\Pi$  орқали аниқланадиган формулалар киради:

$$P = M + \Pi$$

Формуланинг бу хилдан фойдаланиб, кийим детали участкасининг размерини аниқ топиш ижрочининг қобилиятига қараб кийимнинг шакли ва силуэтига мувофиқ бўлган деталнинг муайян участкасида бемалоллик қўшимчасининг қийматини тўғри аниқлашга боғлиқ.

Иккинчи хилга деталь  $P$  даги айрим участкаларнинг размери деталнинг бу участкаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ўлчам белгиси  $M'$  орқали аниқланадиган формулалар киради:

$$P = aM' + b\Pi + c,$$

бу ерда  $a, b, c$  — фигура ўлчами ва деталь аниқланадиган участкасининг размери орасидаги мўлжалланган боғлиқлик коэффициентлари.

Бу кўринишдаги формулалар ёрдамида кийим деталларини топилган размерларининг аниқлиги фигура

билан кийим деталларининг размерлари орасидаги боғланиш қанчалик амалда тўғри аниқланганига боғлиқ. Бу боғланиш доимий эмас ва муайян кийим моделларига ва муайян тана тузилишига тааллуқлидир.

Учинчи хилига деталь айрим участкаларининг размери  $P$  чизмада аввал аниқланган деталнинг бошқа размерлари  $P'$  орқали аниқланади.

$$P = aP' - b$$

Биринчи ва иккинчи хил формулаларга қараганда, бу хилдаги формуланинг аниқлиги камроқ. У, бир томондан, деталнинг аниқланадиган участкасининг размери аввал аниқланган размер орасидаги боғланиш тўғрилигига, иккинчи томондан — аввал аниқланган кесманинг улчамига боғлиқ равишда аниқланади.

Деталь размерларини аниқлашда асосан биринчи хил формулаларни ишлатадиган методика энг мақбул ҳисобланади.

Лекин, кийим юзасининг ёйилмасини тузиш мураккаблиги туфайли, биринчи хил формулалар буюмнинг фақат баъзи узунлик ва кенглик бўйича улчамларини аниқлаш мумкин. Кийим конструкциялашда орасидаги масофалар биринчи хил формула бўйича аниқланган қатор вертикал ва горизонтал чизиқлардан тузилган базис тўрнинг қурилишини ажратиб чиқариш тасодиф эмас.

Базис тўр ярим цилиндр ён юзасининг ёйилмасига ўхшайди (2.1-раем). Бу ёйилмани исталган қуришига (олд ва орт бўлақлар ёйилмаси) келтириш иккинчи ва учинчи хил формулалар ёрдамида ҳамда лойиҳаланаётган шаклнинг мураккаблиги туфайли хилма-хил график усуллари ёрдамида бажарилади.

График приёмлар ҳамда иккинчи ва учинчи хилдаги формулалар, одатда, у ёки бу муаллифнинг шахсий тажрибаси натижасидир. Айрим муаллифлар ишлаб чиққан кийим конструкциялаш усуллари чегараланган моделлар сонини ва кийимлар бичимини, асосан, амалий бичиш усулларини ёритган. Ҳар бир муаллиф чизма қуриш учун мўлжалланган ўз ҳисобларини маълум даврда тавсия этган. Ҳар хил конструкциялаш системалари орасида биридан бирига ўтиш йўқ эди, уларнинг ҳар бири ўз ҳолича бўлган, мода ўзгариши билан бitta система кетса, бошқаси пайдо бўлган.



2. 1-расм. Аёллар елкаги кийими чизмасининг базис тури.

чамларига,  $I_k$  ва  $B_{II}$  ўлчамларнинг амалий қийматларига асосланган эди.

Чизмалар қуриш методикаси ва техникасига типик методика принципиал янгилик киритмади.

Кейинчалик конструкциялаш системаларини мукаммаллаштириш принципал жиҳатдан янги асосда олиб борилди. Мамлакатимизда ўтказилган оммавий антропометрик изланишлар (1956—58 й.й.), илмий жиҳатдан асосланган размерли типология ва янги конструкциялаш методикаси — кийим конструкциялаш НИИШП умумий методикасини ишлаб чиқишга етарли маълумот берди.

Умумий методиканинг ҳисоблаш формуллари ЦНИИШП нинг маиший кийим конструкциялаш ва асортимент лабораториясининг экспериментал ҳамда антропометрик маълумотлари таҳлили ва математик ишловлар натижасидир. Шунинг учун умумий методикага асос қилиб олинган бу усул ҳисоблаш-аналитик усул дейилади. Бу усулга биноан одам фигурасининг силлиқлашган контурининг геометрик ёйилмалари, пропорционал ҳисоблашлардан батамом кечиб, фигуранинг натурал ўлчамлари бўйича, ўлчамларга мос бемалоллик (түкислик) ва декоратив-безатувчи қўшимчалар билан қурилади. Биринчи хилдаги формулалар ягона методиканинг ҳисоблаш формуллари ҳисобланади.

Саноатда кийим конструкциялаш усулларини мукаммаллаштиришга уринишлар кўп бўлган. 1956 йилда ЦНИИШП да эркаклар кийимини конструкциялаш типик усули бунёд этилиб, конструкциялаш системаларини мукаммаллаштириш устида олиб борилган ишлар натижаси бўлди. Бу методика қатор Моделлар уйлариинг умумийлаштирилган тажрибасидир. Унда эркаклар буюмларининг типик конструкцияси фигураларнинг уч хил типдаги тана тузилишига берилган эди. Ушбу методика фигураларнинг ҳисобланган ўл-

чамларига,  $I_k$  ва  $B_{II}$  ўлчамларнинг амалий қийматларига асосланган эди.

Конструкциялашда умумлашган-ягона методиканинг фарқловчи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари чизмаларининг тайёрланиш ва ҳисоблаш формулаларининг структураси ўзгармасдан қолади, фақат баъзи параметрларгина — ўзгарувчан миқдорлар коэффициентлари ҳамда буюм турига, фигуранинг жинсий хусусиятларига боғлиқ ҳолда эркин ҳадларнинг абсолют қийматлари ўзгаради;

берилган кириштириш қиймати бўйича енг ва ўмизнинг ҳамма элементларини аниқ ҳисоблаш мумкин;

барча чизмалар чок ҳақисиз тузилади;

аҳолининг шахсий буюртмаси бўйича кийим тайёрлаш шароитида қўллаш мумкин.

Янги размерли типология янги антропометрик маълумотлар берди, аввал бор фигураларнинг аввал олинган ўлчамларига бир оз тузатиш киритди, булар, табиийки, қатор ҳисоблаш формулаларида улар билан боғлиқ параметрларнинг ўзгаришига сабаб бўлди.

Янги ўлчамлардан фойдаланиш ўлчамларни максимал даражада қўллаш туфайли ҳисоблаш формулаларини бир оз соддалаштиришга имкон берди.

Шундай қилиб, қизлар ва аёллар кийимини конструкциялашнинг бунёд этилган янги методикалари қуйидагиларни кўзда тутди:

янги антропометрик ўлчамлардан максимал даражада фойдаланиш;

аёллар (ОСТ 17-326—81) ва қизларнинг типавий фигуралари (ОСТ 17-66—77) ўлчамларининг абсолют қийматларидан фойдаланиш;

кийим деталларининг размерлари уларга мувофиқ бўлган ўлчамларнинг абсолют қийматлари, тўқислик қўшимчалари, кийим остки қатламининг қалинлиги ва қўшимчаларидан иборат бўлган биринчи хил формулалардан аниқланиши;

ҳар хил омилларга боғлиқ ҳолда (кийим ассортименти, материаллар хусусиятлари, технология, мода йўналиши) қўшимчалар қийматини аниқлаш;

деталларнинг шаклланиш жараёнида намлаб-иситиб ишлов беришдан минимал даражада фойдаланиш. Кийимнинг шакли конструктив воситалар ёрдамида таъминланади, бунда ишлов бериш жараёнида кам меҳнат сарфланади.

ЦОТШЛ ЦНИИШП умумлашган-ягона методикаси асосида аҳоли якка буюртмаси бўйича тайёрланадиган аёллар ва эркаклар кийимини конструкциялаш ягона методи ишлаб чиқди. Ягона метод умумлашган-ягона методикадан айрим ҳисоблаш формуллари фигура ўлчамларига алмаштирилганлиги ёки формулалар бир оз қисқартирилганлиги билан фарқланади. Конструкциянинг принципиал схемаси ўзгартирмай қолдирилган.

Бу методга ЦНИИШП нинг сўнги конструкциялаш методикалари ҳисоблаш формуллари тузилиши ва фойдаланадиган ўлчамлар сони жиҳатдан анча яқинлашади.

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимини конструкциялаш ягона методикасининг яратилиши натижасида конструкцияни икки ташкилий қисмга бўлиш имкони пайдо бўлди. Биринчи ташкилий қисм асос конструкцияси, иккинчиси — кийим шакли модага мослигини ифодаловчи конструкция.

Ҳар йили ЦНИИШП методикаси ва ягона методга қўшимча қилиб техник тикувчилик лабораторияси томонидан ҳисоблаш формуллари ва база конструкциянинг умумлашган-ягона техник тилига кийимнинг янги, модага мосроқ шакллари қайтадан ўтқазилади. Бу ҳам оммавий ишлаб чиқариш шароитида, ҳам аҳолининг шахсий буюртмаси бўйича кийим тайёрлаш шароитида кийимнинг бадиий даражасини сезиларли кўтарди.

### **2.3. МОДЕЛЬ НАМУНАЛАРИ БУЙИЧА КИЙИМ ДЕТАЛЛАРИНИНГ ЕЙИЛМАСИНИ ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДЛАРИ**

Кийимни оммавий ишлаб чиқариш шароитида, моделлар серияси бир вариантда ишлаб чиқилганда, модель намунаси тайёр бўлгандан сўнг андазалар аниқланиши керак. Шу билан бирга тикувчилик саноатининг механизация ва автоматизация масалалари кийим деталларининг ишлов беришга қулай конструкцияси яратишни талаб қилади. Кийим деталларини ишлов беришга қулай конструкциясини уларнинг шакли ва размерларини инженерлик методлари ёрдамида аниқлашда ҳосил қилиш мумкин. Бу методларни қўллаш учун кийим кийғазиладиган юзанинг шакли маълум бўлиши керак. Бу юза кийим деталларини конструкциялашда модель намунаси сифатида берилиши мумкин.

Бу йўналишда енгил саноатнинг икки етакчи олий билим юрти ишламоқда: Москва енгил саноат технология институту ва Киев енгил саноат технология институту.

МТИЛП чебишев тўрида кийим деталларининг ёйилмасини лойиҳалаш методини ишлаб чиқди [13]. Бу усул ҳар хил юзалар учун зич ёпишиб турадиган газлама қобиқлар ёйилмасини қуришни таъминлайди. Газлама бирор жисмнинг қобиғи бўлганда унинг тузилишидаги рўй берган ўзгаришлар характерига илк бор академик Л. П. Чебишев эътибор берди. «Кийим бичиш тўғрисида» деган ишида (1878 й) ҳар хил юзалар учун зич ёпишиб турадиган газлама қобиқларнинг ёйилмасини қуриш мумкинлигини математик тарзда исботлади.

Кийим деталлари ёйилмасини ҳисоблашдан асосий мақсад берилган юзани ясси материал билан қобиқлашни таъминлайдиган, ёйилмасининг минимал юзаси ва энг кам чоклар миқдорига эга бўлган кийим деталларининг оқилона шаклини аниқлашдир. Газлама тўрсимон материал бўлгани туфайли эгри юзада у ҳар бир тўртбурчакнинг (танда ва арқоқ иплардан тузилган катаклар) қарама-қарши томонлари бир-бирига тенг бўлган эгри чизиқли тўр ҳосил қилади. Юзада қарама-қарши томонлари тенг бўлган тўртбурчаклар ҳосил қилган тўр чебишев тўри дейилади (2.2-расм, а) унда:

$$a_0b_0 = a_1b_1 = a_2b_2 = a_3b_3 = \dots,$$

$$1 - 2 = a_1a_2 = b_1b_2 = \dots,$$

Бундан чебишев тўрининг бир-бирини кесиб ўтадиган икки чизиги юзада унинг ҳамма чизиқларининг жойлашишини етарли аниқлаб беради, чунки алоҳида олганда ҳар бир катакнинг чизиқлари бир-бирига нисбатан параллел жойлашган. Шунинг учун чебишев тўри истаган юзада тўр чизиқларини параллел кўчириш йўли билан қурилиши мумкин. Қурилиш муайян бўлиши учун тўрнинг дастлабки чизиқлари тариқасида ортогонал геодезик чизиқлар қабул қилинади (геодезик чизиқ — юзадаги икки нуқта орасидаги энг қисқа масофа). Юзада берилган икки ортогонал геодезик чизиқдан координаталарнинг тўғри бурчакли ўқи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Чебишев тўри қурилаётганда юзага туширилган (2.2-расм, а га қаранг) дастлабки ортогонал геодезик чизиқлари


$Ox$  ва  $Oy$  да орасидаги интервал кўп бўлмаган қатор нуқталар  $(1, 2, \dots, a, b)$  белгиланади. Марказдан ўтказилгани каби  $1$  ва  $a_0$  нуқталардан  $O1 - O_{a_0}$  геодезик радиуслар билан геодезик айланаларнинг ёйлари ўтказилади, бу ёйлар кесишган жойида  $a_1$  нуқта ҳосил бўлади.  $a_1$  ва  $2$  нуқталардан ўша радиус билан геодезик айланаларнинг ёйлари ўтказилади,  $a_2$  нуқта ҳосил бўлади ва ҳ. к. Шундай қилиб юзада чебишев түри курилади. Юзага туширилган чебишев турининг ҳамма координата чизиқлари узунлигини ўлчаб, уларни текисликка тўғри бурчакли координата ўқларига кўчириш мумкин. Натижада текисликда  $OA, AB$  ва  $BO$  (2.2-расм, б) чизиқлар билан чегараланган чебишев турининг ёйилмаси ҳосил бўлади.

Газламадан олинган қобик ёйилмасини ҳисоблашнинг аналитик усули кўп меҳнат талаб қилади. П. Л. Чебишев усулидан фойдаланиб қобиклар ёйилмасини ҳисоблаш ва қуриш учун кийим кийдириладиган юзанинг эгрилиги тўғрисидаги маълумотларга, энг қисқа масофаларнинг аниқ қийматларига эга бўлиб мураккаб математик ҳисоблашлар бажариш керак.

#### 2.4. ЁРДАМЧИ ТҮР УСУЛИДА КИЙИМ ДЕТАЛЛАРИНИНГ ЁЙИЛМАСИНИ ҚУРИШ

Кийим деталларининг ёйилмасини аниқлашда академик П. Чебишев усули бўйича газламадан ёпишиб турадиган қобиклар қуриш принципига асосланган деталлар ёйилмасини аниқлашнинг энг содда варианты — ёрдамчи турлардан фойдаланиш усулидир [13].

Ёрдамчи тур воситасида кийим деталларининг ёйилмаси қуйидагича бажарилади. Моделнинг ички шакли манекенга кийдирилган модель намунасининг юзасида ҳар бир деталда рангли иплар билан чок чизиқлари ва дастлабки координата ўқлари белгиланади. Чоклар чизиқлари модель намунасининг чоклари бўйича жойлашади. Заруриятга қараб чизиқлар ва чоклар жойлашиши аниқланади ва ортиқча чоклар олиб ташланади. Деталларда дастлабки координата ўқларининг жойлашиши геодезик бурчаклик (2.2-расм, в) ёрдамида шундай аниқланадики, улар ортогонал ва геодезик чизиқлар бўлиб, бичишнинг техник шартларига биноан, деталларда газламадаги танда ва арқоқ ипларининг йўналишини аниқлайдиган нуқталардан




2. 2-расм. Юзада чебишев турини аниқлаш.

бир хил масофада ўтиши керак. Бу масофалар бурчаклик ёрдамида ёйиладиган юзаларда геодезик чизиқларни ўлчаш орқали текширилади\*. Масалан, бичиш техник шартларига биноан икки қисмидан иборат орт бўлакнинг танда иплари бел чизигидан этаккача ўрта чизиққа параллел ўтиши керак. Агар ўқ  $OX$  бел сатҳида берилган бўлса (2.3-расм, а) шу ўқ бўйича  $O$ ,  $A$  нуқталар орасидаги масофа ўлчанади ва орт бўлак эстагида  $BC$  масофа текширилади. Агар  $OA$  ва  $BC$  масофалар тенг чиқмаса координата ўқларининг жойи аниқланади. Координата ўқларидан ташқари ёрдамчи турнинг юза билан мос келишини (масалан,  $D$ ,  $E$ ,  $F$  нуқталар) текшириш мақсадида ҳар бир деталда қатор назорат нуқталари белгиланади.

Кейин юза устига мос тушиши учун ёрдамчи тур — канва тайёрланади. Турга рангли қалам билан туғри бурчакли координата ўқлари туширилади, бу ўқларда

\* Геодезик бурчаклик энсиз (5—6 мм) юпқа қоғоз танасидан тайёрланади. Бурчаклик кийимда учрайдиган истаган шакл ва размердаги юзада жойлашган ортогонал геодезик чизиқларнинг узунлиги ва жойлашини етарли даражада аниқ қилиб белгилашга ёрдам беради.




2.3- расм. Буюм намунасининг юз-сидаги ёрдамчи тўр (а), чебишев тўридаги деталнинг ёйилмаси (б).

*D, E, F* назорат нуқталари топилади ва тўрда уларнинг ўрни белгиланади. Шу билан бирга тўр устига  $3 \times 3$  дан  $5 \times 5$  см гача ўлчамли тўғри бурчакли каттаклар туширилади. Кейин тўр деталь устига координата ўқлари ва назорат нуқталари бўйича тўғноғич билан маҳкамланади. Тўр деталь юзасига шундай зич жойлаштириладики, тўрнинг иплари раvon, тўғри бурчакдан оғиши минимал миқдорда бўлсин, тўрнинг ўзини эса технологик талабларга мувофиқ кириштиришини тақсимлаш ёки танда ва арқоқ ипларининг орасидаги бурчак ўзгариши ҳисобига чоклар бўйича чўзиш мумкин бўлсин. Тўрда қалам билан чоклар ўрни белгиланади; тўр юзадан олинади ва тўғри бурчакли координата ўқлари белгиланган миллиметрли қоғозга ёйилади. Тўр чизиқлари миллиметрли қоғоз чизиқлари устига тушмоғи шарт. Тўрдан чоклар чизиғини қоғозга кўчириб, чебишев тўрида деталь ёйилмаси олинади (2.3-расм, б).

Газламанинг чўзилиши ёки кириштириш миқдори ёйилма олингандан сўнг ёйилмада ва юзада чоклар чизигининг бир хил участкаларини ўлчаш йўли билан аниқланади.

Ёйилманинг майдони қобиқнинг чоклар чизигига нисбатан дастлабки координат ўқларининг жойланишига боғлиқлигини ҳисобга олиш даркор. Агар қобиқ таркибий қисмларининг дастлабки ўқлари уларнинг симметрия ўқлари устига тўла тушмаса, ёйилманинг майдони дастлабки симметрия ўқлари бўйича жойлашган қобиқ ёйилмасининг майдонидан каттароқ бўлади. Масалан, яхлит орт бўлакда ўқ ҚОУ симметрия ўқи бўйича жойлашади, икки қисмли орт бўлакда эса — куракларнинг энг чиққан нуқтасидан ёки ёқа ўмизининг юқори нуқтасидан ўтадиган тик чизик бўйича ўтади.

Силуэти ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган кийимларнинг орт бўлагиде ўқ  $OX$  бел айланасининг сатҳида  $OY$  ўққа ортогонал (2.4-расм, а) белгиланади. Шакли тўғри бўлган кийимларда ўқ  $OX$  юқори таянч юзасининг пасида, курак энг чиққан қисмининг сал пастроғида жойлашади.



2.4-расм. Қийим юзасида жойлашган дастлабки координата ўқлари:

Яхлит ёки ён қисми қирқилган олд бўлак ёйилмасини аниқлаганда ўқ  $OY$  бортнинг конструкциясига

\* Чизикнинг тиклигини ипга осилган оғирлик ёрдамида аниқлаш мумкин.

боғлиқ ҳолда ҳар хил жойда жойлашади. Адипи қир-қилган олд бўлакда  $OY$  ўқ шундай белгиланадики, у кўкракнинг энг бўртиб чиққан қисмидан ўтсин (2.4-расм, б).

Яхлит адипли олд бўлакда бу ўқ (2.4-расм, в) орт чизиғидан ёки олд ўтар чизиқ устидан ўтади. Чоклари кўкрак чизиғи устидан ўтадиган аёллар кийимида ҳам ўқ  $OY$  худди шундай жойлашади. Олд бўлакнинг ён қисмида  $OY$  ўқ тахминан деталь ўртасидан шоқул бўйича ўтади.

$OX$  ўқ бел сатҳида, айрим ҳолларда кўкрак сатҳида жойлашади (2.4-расм, б, в да  $O'X'$  ўққа қаранг).

## 2.5. ЁРДАМЧИ ЁЙИЛИШ ЧИЗИҚЛАРИ УСУЛИ

Ишлаб чиқариш шаронтида деталларнинг узил-кесил шаклини аниқлаш ҳамда қобиқларнинг нисбий аниқ ёйилмасини олиш билан боғлиқ бўлган кийим юзасини ўрганиш учун ёрдамчи ёйилиш чизиқлари (ЁЧ) усулидан фойдаланиш тавсия этилади.


Газламанинг тузилиш хусусиятларини ҳисобга олиб (танда ва арқоқ ипларининг йўналишини) тайёр кийим намунасининг ўлчамлари бўйича деталнинг етарли даражада аниқ чизмасини қуриш мумкин.

Деталь чизмасини ЁЧ усули ёрдамида тайёрлаш жараёнини қуйидагича кўрсатиш мумкин. Модель намунасида (ҳар бир деталда) қатор характерли нуқталар белгиланади (2.5-расм, а, б).  $A, 1, B, 2, B, 3, 4$ — орт бўлакда,  $A_1, A', 5, A_2, 6, 7, 8$ — олд бўлакда. Бу нуқталардан танда ва арқоқ иплари бўйича сирма қа-виқлар ўтқазилади.

Шундай қилиб, намуна тайёрлаб, сирма қатор кесмаларнинг узунлиги ўлчанади ва деталь чизмасини қуришга киришилади.

Чизма қуришда танда ипи бўйича ўлчанган кесмалар вертикал жойлаштирилади, уларга тўғри бурчак остида арқоқ ипи йўналишида ўлчанган кесмалар жойлаштирилади (бичганда танда ва арқоқ иплари ортогонал жойлашади).

2.5-расм, в, г да олд ва орт бўлакларнинг чизмалари келтирилган. Орт бўлак чизмасини қурганда дастлабки чизиқ сифатида  $1-1$  олинган, олд бўлак чизмасида эса —  $A_1A_1$ , лекин бошқа чизиқлар ҳам қабул қилиниши мумкин.



2. 5-расм. ЛР системаси бўйича олд ва орт булақлар конструкциясининг чизмаси.

10 ва OA кесмалар орт бўлақ чизмасида (2,5-расм, в) A нуқтанинг ўрнини белгилайди. 10' OB кесмалар B нуқтанинг ўрнини белгилайди. B<sub>1</sub> нуқтанинг ўрнини 10, O<sub>1</sub>B<sub>1</sub> кесмалар аниқлайди. Кесма B<sub>1</sub>B<sub>1</sub> витечка кенглиги BB'ни аниқлайди (B<sub>1</sub>B<sub>1</sub>=BB') ва ҳ.к.

Олд бўлақ чизмасида (2,5-расм, г) A<sub>1</sub>A<sub>2</sub> ва A<sub>2</sub>A' кесмалар ўлчаб олиниб (намунада A<sub>1</sub>A<sub>2</sub> ва A<sub>2</sub>A' тенг) ёқа ўмизининг юқори нуқтаси белгиланади. Олд бўлақ елка нуқтаси 5 нинг ўрнини A'5' ва 5'—5 кесмалар аниқлайди. Деталдаги бошқа нуқталарнинг ўрни шунга ўхшаш аниқланади ва олд бўлақ витечкаси қурилади. 7 нуқтадан витечканинг устидан ва остидан арқоқ йўналишида сирма қавиқ юритилади ва дастлабки чизиқ билан кесишган нуқталари 7' ва 7'' белгиланади. Кесма 7' ва 7'' ён қирқимидаги витечканинг кенглигини аниқлайди. 8 нуқтанинг ўрнини A<sub>1</sub>A' ва 8'—8 кесмалар аниқлайди.

Кийим деталларининг чизмасини ЁЧ усули бўйича қуриш, кийим деталларининг ёйилмасини ёрдамчи турдан фойдаланиб қургандек, кириштириш ва намлаб-иситиб ишлов бериш қийматларини аниқлашга имкон беради.

Агар модель намунасини тайёрлашга мўлжалланган газламада танда ва арқоқ ипларининг анча-мунча оғиш нуқсонлари бўлса ва газлама чузилувчан бўлса ЁЧ

узулидан фойдаланиш қийинлашади. Бундай ҳолларда кийим деталларининг қурилган чизмасида аниқлик камроқ бўлади.

## 2.6. ЭҲМ дан ФОЙДАЛАНИБ КИЙИМ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Саноат буюмларининг автоматлашган лойиҳалаш системаларини яратиш бўйича тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда бу муаммони ечиш масаласи кийим конструкциялашнинг бутун ижодий жараёнини техник характердаги қатор элементларга дифференциялашган табақалашган ва уларнинг математик ҳамда мантиқий операцияларини етарли даражада осон автоматлаштириш мумкин бўлган муайян тартибга солишга олиб келади.

Саноат-шароитида ЭҲМ қўлланадиган кийим конструкциялаш жараёни ЕСКД да келтирилган лойиҳа-конструкторлик ишларининг типавий босқичлари бўйича қурилади.

Кийим деталларини машина ёрдамида лойиҳалашда одам бажарадиган ва ЭҲМ дан фойдаланиб информация ҳамда дастурли таъминот системалари бажарадиган босқичлар ажратилиши мумкин [14]. Бу системада ишларнинг бир турига модель тўғрисида бир марта бериладиган маълумот талаб қилинади, бошқа системаларда эса маълумотдан кўп марта фойдаланилади.

Ишлар характерига ва кийимнинг автоматлаштирилган лойиҳалаш жараёнига (АППО — КААЖ) нисбатан аввал қўйилган талабларга кўра барча техник ва, имкони борича, ишнинг ижодий элементларини ечишда ЭҲМ дан максимал даражада фойдаланишга интилиш керак.

Кийим машина ёрдамида ахборотларни ҳисоблаш марказларида лойиҳаланади. Ахборотларни ҳисоблаш марказининг таркиби уч бўлимдан иборат: ахборот билан таъминлаш хизмати (АТХ), техник марказ ТМ ва конструкторлик — моделлаш ташкилоти (КМТ) [14].

Ахборот билан таъминлаш хизмати маълумотнома ёки саноатда ишлатиладиган бир тизимга солинган материал асосида стандарт ахборот ишлаб чиқади. АТХ қуйидаги маълумотларни тайёрлайди: ҳамма ёш жинсий гуруҳлар фигураларининг антропометрли ўлчамлари; фигура ўлчамларидан намуна ўлчамларига (бемалоллик қўшимчаси) ўтишни характерлайди-

ган дастлабки маълумотлар; кийим асосий деталларини қуриш тўғрисида маълумот; асосий деталлар бўйича деталларнинг ҳосила андазаларини қуриш тўғрисида маълумот; андазаларни техник кўпайтириш тўғрисида маълумот. АТХ да база асосни қуриш учун методика ва типавий инженерлик ечимларининг алгоритмлари яратилади.

Техник марказ конструкцияларни ҳисоблайди, янги модель деталларининг андазалар комплектини чи-зади, ҳосила деталлар андазаларини ҳисоблайди ва қуради, андазаларни техник йўл билан кўпайтиради ва ёйилмалар тайёрлайди, иш ҳужжатларини тайёрлайди.

Иш ҳужжатлари техник ифода ва андазалар чизмаси кўринишида ишлаб чиқаришга юборилади.

Конструкторлик-моделлаштириш таш-килоти моделга бир марталик ахборот тайёрлайди. Моделнинг эскиз лойиҳасини тайёрлашда чизманинг техник турини [14] ва айрим деталларнинг амалга оширса бўладиган вариантлари муайян тизимда кел-тирилган типавий конструктив — бадий элементлар каталоглари фойдаланишга тавсия этилади. Мисол учун, уст кийимлар учун мўлжалланган каталогга қай-тарма ёқалар, ёқалар, бортлар, қопқоқлар, қўйма чўн-таклар ва бошқа элементларнинг ҳар хил вариантлари киритилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, каталог-да асосий деталларнинг типавий конструктив ечими, уларнинг бўлиниш характери, материаллар тўғрисида-ги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Моделнинг ўзини ёки унинг айрим конструктив эле-ментларини фаразий идрок қилиш мақсадида тасвирли экран бор ЭХМ график дисплейи назарда тутилади. Тасвир берадиган ва уни тузатадиган айрим алгоритм экранда лойиҳаланаётган кийимнинг тасвирини олишга имкон беради, унда зарур бўлганда ёруғлик пероси ёрдамида ўзгартириш киритиш мумкин.

Кийим констукциялашда ЭХМ дан фойдаланиш иш-ларини Украина енгил саноатининг илмий тадқиқот институти Киев тўқимачилик ва енгил саноати институ-ти (КТЕСП) билан бирга олиб борди.

Тикувчилик ишлаб чиқариш марказий илмий текши-риш институти (ЦНИИШП) ўз навбатида ЭХМ дан фойдаланиб кийим конструкциясини тузиш учун дастур ишлаб чиқди. Унда дастлабки маълумотлар сифатида ти-павий фигуранинг силлиғлашган контури ёйилмасининг

параметрлари ва қўшимчалар қабул қилинган. Кийим деталларининг қурилиши ҳисоблашда асосий деб олинган координата уқларига нисбатан характерли нуқталарни белгилаб олиб амалга оширилади.

База асоснинг ва конструкция айрим элементларининг тайёр конструктив ечими бўлган ҳолдагина яхши натижалар олиш мумкин, масалан, буюмнинг текширилган андазаларида белгиланган нуқталар координатлари берилганда.

Агар олинган модель конструкцияси лойиҳачининг талабларига мос бўлмаса, машина (ЭХМ) моделнинг янги конструктив шаклининг таҳлили ва изланиш ишларини ҳозирча уддалай олмайди.

Кийим деталларини ЭХМ дан фойдаланиб лойиҳалашда конструкциялаш жараёнининг ҳамма босқичларида меҳнат унуми маълум даражада ошади ва технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришда катта имкониятлар очилади.

Саноат шароитида конструкторлик ҳужжатларининг ягона системаси тузилиши буйича янги модель яратиш муддати тахминан 2,5 марта қисқаради.

#### Текшириш учун саволлар

1. Кийим деталларининг ёйилмаси олинadиган қандай усуллар мавжуд?
2. Саноатда ишлатиладиган кийим конструкциялаш методикаси ва системалари ёйилмалар ҳосил қилишнинг қайси усулига тааллуқли?
3. Тикув буюмнинг конструкцияси деб нимага айтилади?
4. Ишлаб чиқариш шароитида буюм конструкциясига қандай талаблар қўйилади?
5. Ишлаб чиқариш шароитида буюмнинг қандай конструкцияси ишлов беришга қулай дейилади?
6. Якка буюртма тарзида тикилган кийимнинг ишлов беришга қулай конструкцияси қандай талабларга жавоб бериши керак?
7. ЕСКД нима? Лойиҳа-конструкторлик ишларида унинг роли қандай?
8. ЕСКД нинг структураси қандай? ЕСКД лойиҳа-конструкторлик ишларидан қанча босқичини ўз ичига олади?
9. Эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш ЕСКД нинг қайси босқичида амалга оширилади?
10. Конструкторлик ҳужжатларини тузиш қайси босқичда амалга оширилади?
11. Саноат шароитида ва маиший хизматда кийим лойиҳалашдаги фарқ нимада?
12. Буюм конструкциясини ишлаб чиқишда қандай конструкциялаш тизимидан фойдаланилади?
13. Конструкциялаш системаларининг қандай ҳисоблаш форму-

дёлари биринчи хилга киради? Чизманинг қайси ўлчамлари аниқланаётганда улардан фойдаланилади?

14. Деталь участкаларини аниқлайдиган ҳисоблаш формулаларининг қайсиниси иккинчи хилга киради?

15. Учинчи хил формулалар қандай?

16. Ягона методикага қандай фарқловчи хусусиятлар хос?

17. Тикувчилик ишлаб чиқариши илмий текшириш институти ИНИИШП нинг охириги конструкциялаш методикаларининг ишланмасига нима асос қилиб олинган?

18. ОТШЛ ягона методи НИИШП ягона методикасидан нимаси билан фарқланади?

19. Модель намуналари бўйича кийим деталларининг ёйилмасичи лойиҳалашга нима асос қилиб олинган?

20. Геодезик чизиқ нима?

21. Ёрдамчи тўр усули билан кийим деталларини қуриш деганда нимани тушунасиз?

22. Кийим деталларини ёйилма чизиқлари методи бўйича қуришнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

23. ЭХМ дан фойдаланиб кийим лойиҳалашда техник марказ ва лойиҳалаш — моделлаштириш ташкилотларининг роли қандай?

24. Кийим деталларини лойиҳалашда ЭХМ нинг аҳамияти қандай?

### 3. АЁЛЛАР УСТ КИЙИМИ КОНСТРУКЦИЯСИНING ЧИЗМАСИНИ ИШЛАШ

#### 3.1. КИЙИМ ДЕТАЛЬ ВА УЗЕЛЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ УНИФИКАЦИЯСИ

Журналдаги расм ёки эскиз бўйича конструкцияни ишлаш бу бадий ва техник масалалар ечимини ўзичига олган бадий конструкторлик изланишдир.

Бадий масалалар ечимига буюмнинг модага мос бичимини ва шаклини яратиш, яхлит деталь ва унинг қисмларининг ўзига мос пропорцияларини топиш, буюм деталларида ритми аниқлаш киради.

Техник масалалар ечимига ҳисоблаш формулалари ва график усуллар ёрдамида фигурада буюмнинг тўғри ўрнашувини таъминлайдиган конструкцияни олиш, кийишда қулайлик, ишлаб чиқаришда хом ашё ва меҳнатни режали сарфлаб энг кўп самарадорликка эришиши киради.

Билимдонлик билан ва режали конструкцияни ишлаш учун: кийимда замонавий мода йўналишини билиш; моделнинг расми ёки эскизини бемалол таҳлил қила олиш ва қандай конструктив воситалари орқали сидуэт, шакл, бичим, модель элементларининг ечимини аниқлаш; тикувчилик саноатида қабул қилинган катта ёшпилар ва болаларнинг типологияси, антропометрия,

одам психологияси соҳасида билимларга эга бўлиш; кийим конструкциялаш методларини, газлама ва бошқа материалларнинг физик-механик ва технологик хусусиятларини, кийим лойиҳалашда, унификациялашган деталь ва узеллардан фойдаланиб режали ишлов бериш усулларини аниқлаш; янги ускуналарни ва уларнинг технологик имкониятларини билиш; ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларини ечиш; конструкциянинг технологиклиги ишлов беришга қулайлигини ҳисобга олиш зарур.

Тикувчилик буюмлари деталь ва узелларини унификациялаш (бир хиллаштириш) ишлаб турган ускуналардан тўлароқ фойдаланишга, технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришга ҳамда тикувчилик буюмларининг деталь ва узелларига ишлов бериш учун янги махсус автоматик ҳамда ярим автоматик аппаратлар яратишга имкон беради.

Кийим конструкциясини унификациялаш шундан иборатки, ҳар қайси типдаги кийимларнинг деталь ва узелларининг хилма-хил шакллари буюмга юқори сифат ва яхши ташқи кўриниш бериш борасида замин яратувчи битта оқилдона шаклга келтиради.

Буюмнинг асосий деталлари (орт ва олд бўлақлар, енг) ҳам, майда деталлари (қопқоқлар, қоплама чўнтақлар, кўринмалар, адиплар ва ҳ.к.) ҳам унификацияланади.

Тикувчилик буюмларининг деталь ва узелларининг унификацияси ОСТ 17-744—78 «Уст кийимларнинг унификацияланган ағдарма деталлари» ва ОСТ 17-745—78 «Унификацияланган витачкаларнинг асосий параметрлари» келтирилган.

Енгил саноатнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболларига кўра айни соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг олдида маҳсулотнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифат даражасини кўтариш бўйича масалалар турибди.

Айни ҳолда деталь ва узеллари унификацияланган бир конструктив асосда ишланган моделлар серияси юксак ўрин эгаллаши керак. Ушбу усулнинг моҳияти, ташқи кўриниши ҳар хил, лекин асосий деталлари умумий база конструкцияга, бир гуруҳдаги барча моделлар умумий силует шаклига, монтаж бирикмалари умумий конструктив чизиқларга эга бўлган моделлар гуруҳини ишлаб чиқишдан иборат.

Ташқи кўриниши бўйича хилма-хил моделлар ҳар хил воситалар: турли рангли газламалар ишлатиш; майда деталлар ва хилма-хил ассортиментдаги безаклардан фойдаланиш; турли шаклдаги ёқалар, чўнтаклар, белбандлар, камар тутгичлар, безак чокларни қўллаб яратилади.

Моделлар гуруҳини кенгайтириш учун асосий деталларнинг конструкциясига мақсадга мувофиқ ўзгаришлар киритиш керак: олд бўлакнинг бир қисми ўзгаририлса қайтарма ёқанинг шакли ҳам ўзгаради. Кукрак витачкаси рельеф чокига қўшилиб ёки майда тахлама бўлиб тугалланиши мумкин. Рельеф ва чокларда қийиқ жойлар, кесимлар, тахламалар лойиҳаланган бўлиши мумкин. Енглар қиямасининг конструктив чизигини қатъий сақлаган ҳолда, ҳар хил композицион ечимга эга бўлиши мумкин.

Чоклар, рельефлар ва майда деталлар ишланишида ҳар хил усулларни қўллаш орқали ташқи кўриниши хилма-хил моделлар яратишга эришиш мумкин.

Саноатда ишлаб чиқариш учун моделлар сериясини тузганда конструктив асослар қўлланиши бир моделнинг ишланишига сарфланадиган вақтни 15—20% га қисқартиришга ёрдам беради, шу билан бирга юқори даражали сифат таъминланади.

3.1-расмда бир конструктив асосда ишланган аёллар кузги-баҳорги пальтолариининг моделлари келтирилган.

Қўлланманинг ушбу бўлимида ҳар хил шаклдаги конструктив асослар, бичимлар ва буюмларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар кўриб ўтилган.

Қийим бичимларининг хилма-хиллиги билан характерланади. Қийимнинг бичими асосан энг конструкциясига боғлиқ (утқазма, яхлит бичилган, реглан ва улар комбинацияларининг ҳар хил вариантлари).

Утқазма энг қонуний равишда классик ҳисобланади, чунки у кўп йиллар давомида моданинг намояндаси бўлиб келди ва одатда, катта бўлмаган ҳажмдаги буюмлар учун хосдир.

Ҳар хил бичимли буюмлар конструкциясининг тузилиши утқазма энгли асоснинг чизмасида амалга оширилади.



3.1-расм. Бир конструктив асосда ишланган аёллар кузги- баҳорги пальтосининг эскизлари.

## 3.2. ОРТ ВА ОЛД БУЛАКЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ЧИЗМАСИНИ ҚУРИШ

### 3.2.1. Дастлабки маълумотлар

Асос конструкциясининг чизмасини ҳисоблаганда дастлабки маълумотлар тариқасида типавий фигура-лар ўлчамлари ва буюмнинг силуэтли шаклига мос бўлган қўшимчалар қабул қилинади. Конструкциянинг чизмасини яратишга асос қилиб олинган ўлчамлар сони ҳамма методикаларда ҳар хил.

Кийим ишлаб чиқиш саноатида конструкцияни иш-лаш учун ЦНИИШП нинг ягона конструкциялаш ме-тодикаси тавсия этилади. Янги размерли типология асосида қурилган методикаларнинг асосий хусусияти катталар ва болалар аҳолисининг типавий фигуралари-нинг (ОСТ 17-326—81; ОСТ 17-66—77) ўлчамларини максимал даражада ишлатишдан иборат. Конструкция-лар чизмалари ўлчамлардан фойдаланиб чизилади, бунда пропорционал ҳисоблаш тўла инкор этилади.

Барча методикаларда конструкция чизмаси қурили-шида дастлабки чизиқлар сифатида олд ва орт томон-дан фигуранинг симметрия чизиғи (марказий сагиттал текислик) ва бел чизиғи (ЦНИИШП методикаси) қа-бул қилинган.

Эскизда берилган буюм конструкциясини ишлаш жараёнини иккита: берилган размер, бўй ва тўлалик гуруҳи бўйича асосий конструкция ва берилган эскизга мувофиқ конструкцияга бўлиш мумкин. Ўз навбатида, елкали буюмнинг конструктив асосини қуриш буюмнинг асосий габаритларини аниқлайдиган базис тўрни; ел-ка бандининг контур чизиқларини; олд ўтар чизиқ ва орт ўрта чизиқларни; этак қирқимини ўз ичига олади. Эскиз бўйича конструкция ишлаганда эскиз хусусият-лари билан боғлиқ бўлган барча ўзгаришлар чизма асосига киритилади. Бу горизонтал ва вертикал бўли-нишлар, улар қирқимлари, чоклари, бортлари, ёқа, чўн-таклар, энгларини безашдир.

Асос конструкциясининг чизмаси чизилаётганда ҳи-соблаш учун дастлабки маълумотлар тариқасида аёл-лар фигурасининг ўлчамлари (ОСТ 17-326—81), эр-кинлик қўшимчалари ва ишлов бериш учун қўшимча-лар қабул қилинади [9].

ЦНИИШП ва ЦОТШЛ методикалари бўйича кон-струкция чизмасини тайёрлашда аввал кийимнинг эни

бўйича дастлабки ҳисоблашлар ўтказилади. Конструкциядаги дастлабки ҳисоблашлар енгнинг исталган кенглигига мос буюм ўмизининг кенглигини ва исталган қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда олд ва орт бўлақларнинг кенглигини аниқлашга имкон беради.

Муаллиф [12] тавсия этган конструкция чизмасининг қуриш усули дастлабки ҳисобни назарда тутмай, кўкрак чизиғи бўйича қўшимчага, унинг буюмнинг лойиҳаланаётган шаклига мувофиқ конструкция чизмасининг участкалари бўйича тақсимланишига ва ўмиз кенглигининг тахминий минимал миқдорига таянади.

ЦНИИШП конструкциялаш умумий методикаси бўйича [9] дастлабки маълумотлар тариқасида 28 ўлчам, ЦОТШЛ конструкциялаш умумий методи бўйича — 26 та, [12] методи бўйича — 24 ўлчам тавсия этилади.

Кўкрак чизиғи ва чизма участкалари бўйича тўқислик қўшимчалари 1.8 — 1.11-жадвалларда келтирилган. Бел чизиғи бўйича  $P_T$  ва бўкса чизиғи бўйича  $P_6$  конструкция чизмасининг бошқа участкалари бўйича кийимнинг остки қатламларининг қалинлигига қўшимчалар  $P_{o, n}$  1.12 — 1.16-жадвалларда келтирилган.

Чизма қуришнинг асосий тузилиши ўтказма енгли кийимларнинг барча моделлари ва хиллари учун сақланиб қолади, лекин чизма фақат айрим участкаларининг қурилиши буюмнинг шакли ва силуети ўзгаришига мос ҳолда ўзгаради.

### 3.2.2. ЦНИИШП метолиси кабуўйича конструкция чизмасини ҳисоблаш ва тузиш

ЦНИИШП методикаси бўйича елкали буюмлар конструкциясини ишлаш [6,9] дастлабки ҳисоблашлардан бошланади. Бунинг учун қуйида кўрсатилган ўлчамлар керак:

$V_{т. о. ш}$	$C_{г II}$	$B_{г}$	$D_{р лок}$
$V_{п. т}$	$C_{г III}$	$L_{т. п.}$	$d_{г. р.}$
$V_{с. т}$	$C_{т}$	$D_{т. с}$	$P_{к}$
$V_{л. т.}$	$C_{б}$	$D_{т. с I}$	$Г_{т. I}$
$V_{ш. т}$	$O_{п}$	$D_{ш. т. I}$	$Г_{т. II}$
$C_{ш}$	$Ш_{п}$	$Ш_{г}$	$d_{п. з. г}$
$C_{г I}$	$B_{пр. II}$	$Ш_{с}$	$d_{г. з. т}$

Ўлчамлар қийматлари 17-326 — 81 — ОСТ дан, кийим гавдада бемалол туриши учун қўшимчалар қиймати эса 1.11 — 1.15-жадваллардан олинади.

Дастлабки ҳисоблаш жараёнида қуйидаги қийматлар аниқланади, см:

Енг ўмизи чуқурлиги сатҳида енгнинг эни:

$$Ш_{\text{енг}} = O_{\text{п}} + P_{\text{о.п}} - 88 - 104 \text{ размерлар};$$

$$Ш_{\text{енг}} = 1,25 O_{\text{п}} + P_{\text{о.п}} - 9^* - 108 - 120 \text{ размерлар};$$

$$Ш_{\text{енг}} = 1,75 O_{\text{п}} + P_{\text{о.п}} - 29,5^* - 124 - 136 \text{ размерлар};$$

ёпиқ енг ўмизининг баландлиги,

$$B_{\text{пр}} = d_{\text{в.р}} + P_{\text{с.пр}} + P_{\text{пл}} + 1;$$

енг қиямасининг баландлиги;

$$B_{\text{ок}} = B_{\text{пр}} (1 + H) + P_{\text{в.ок}};$$

енг қиямасининг узунлиги:

$$D_{\text{ок}} = 1,51 (0,5 Ш_{\text{рук}} + B_{\text{ок}});$$

енг ўмизининг узунлиги:

$$D_{\text{пр}} = D_{\text{ок}} / (1 + H);$$

енг ўмизининг кенглиги:

$$Ш_{\text{пр}} = 0,6^{**} (D_{\text{пр}} - P_{\text{у.г.}}) - (B_{\text{пр}} - P_{\text{пл}});$$

орт бўлак кенглиги:

$$Ш_{\text{сп}} = Ш_{\text{с}} + P_{\text{с}} + (0,3 - 0,5) + Ур;$$

бу ерда (0,3 — 0,5) чизмада срт урта чизиғи ўтқазилганда кўкрак чизиғи бўйлаб орт бўлак кенглиги қисқарган масофасини қоплайди;

олд бўлак кенглиги:


$$Ш_{\text{пол}} = Ш_{\text{г}} + (C_{\text{гII}} - C_{\text{гI}}) + P_{\text{п}} + Ур.$$

Аёллар пальтоси (жакети) орт ва олд бўлақлар конструкциясининг чизмаси. Барча тўлалик гуруҳларидаги кичик-размерлар (88 — 104) (3.2-расм, а), 2-тўлалик гуруҳидаги катта размерлар (108 — 136) ва 3-тўлалик гуруҳининг (108 — 120) размерларидаги кийимлар конструкциясини тузиш учун (3.2-расм, б) қуйидаги конструктив кесмалар аниқланиши лозим, см:


\* Размердан размерга енг кенлигига 1,4 см ўзгарувчанлик таъминлайдиган  $O_{\text{п}}$  олдидаги коэффициентни туғрилайдиган эркин ҳад.

\*\*  $D_{\text{пр}}$  олдидаги коэффициент 0,58 дан 0,62 гача ўзгариши мумкин. Айни пайтда ўмиз кенлиги 0,01  $D_{\text{пр}}$  миқдорга катталашганда ўмиз баландлиги 0,5 см га ўзгаради. Шу коэффициент 0,62 га тенг бўлганда ўмиз баландлигини аниқлайдиган формулада эркин ҳад 0 га тенг.

4000 W



3. 2- расн. ЦНИИШП методкаси буйича сал ёпишиб турадиган силуэт



б

ли аёллар пальтоси конструкциясининг чизмаси (а) ва катта размердаги аёллар пальтоси конструкциясининг чизмаси (б).

$$TA_0 = D_{т.с} - П_{д.т.с} - Ур,$$

орт ўрта чизик қиялигининг бошланиш нуқтаси:

$$A_0У = 0,3 D_{т.с}$$

бўкса чизигининг ҳолати:

$$TB = 0,5 D_{т.с}$$

Ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган кийимлардаги ўртаси қирқилган орт бўлак. Бел сатҳида орт бўлак ўрта чизигининг эгилиши (3.3-расм, а):

$$TT_1 = 2,6; УУ_1 = A_0У.$$

Орт ўрта чизигининг  $A_0$  горизонталда силжиши:

$$A_0A_{01} = П_k - Г_{т1} - У_1У_2.$$

Ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган кийимларда қирқилган орт бўлак ўрта чизиги  $A_{01}$ ,  $У$ ,  $T_1$  нуқталар орқали вертикал бўйлаб ўтади.

Тўғри силуэтли буюмларда ўртаси қирқилган орт бўлак (3.3-расм, б). Ёрдамчи кесма  $TT_1 = 2,6$  см.

Орт ўрта чизигининг  $A_0$  горизонталда силжиши.

$$A_0A_{01} = П_k - Г_{т1} - 1.$$

Орт ёқа ўмизи асоси нуқтасининг кўтарилиши  $A_{01}A_{02} = 0,7$  см.

Орт бўлак ўртаси қирқилган тўғри силуэтли буюмларда орт бўлак ўрта чизиги  $A_{02}$ ,  $У$  нуқталар орқали вертикал бўйлаб ўтади.

Орт бўлаги қирқилмаган барча силуэтли буюмларда (3.3-расм, в). Ёрдамчи кесма  $TT_1 = 2,6$  см. Орт ўрта чизиги  $A_0$  нуқтадан вертикал бўйлаб ўтади. Орт бўлак ёқа ўмизи асос нуқтасининг кўтарилиши  $A_0A_{02} = 0,9$  см.

Орт бўлак ўрта чизигининг кўтарилиши барча силуэтлар учун  $A_{01}A(A_{02}A) = П_{п.г.о}$ .

Орт бўлак ўрта чизиги қурилгандан сўнг кийим узунлиги аниқланади (3.2-расм а, б):  $АН = Д - Ур$  (бу ерда  $D_c$  — модель ёки кийимлар узунлиги шкаласи бўйича олинган кийим узунлиги).

Орт бўлак кенглиги  $A_0a$  дастлабки ҳисобдан олинади. Вертикал  $a$  горизонтал  $T$  билан кесишган нуқта  $T_2$  белгиланади.

Орт бўлак ёқа ўмизининг кенглиги орт бўлак ўрта чизиги  $A$  нуқтасида тикланган перпендикулярга қўйилади.

$$AA_1 = \frac{1}{3} C_{ш} - П_{ш.г.с}.$$

Орт бўлаги қирқилмаган катта размерли буюмларда ёқа ўмизининг кенглиги ўмиздан чиққан витечка кенглигида катталаштирилади. Бу витечканинг кенглиги орт бўлак ўрта чизиги вертикалдан  $A_0 a$  горизонтал бўйича оған масофага ( $P_k - \Gamma_{т1}$ ) тенг.

Орт бўлак ёқа ўмизининг баландлиги  $A_1 A_2 = 0,15 C_{ш}$  —  
—  $P_{в. г. с.}$

Орт бўлаги қирқилмаган катта размерли буюмларда ўмиздан йўналган витечканинг ҳолатини  $AA_8 = 3 - 4$  см кесим аниқлайди (3.2-расм, б га қаранг). Витечканинг йўналиши моделга мувофиқ аниқланади, унинг узунлиги 7—8 см.

Ўмиз кенглиги  $T_2 T_3$  ва олд бўлак кенглиги  $T_3 T_{01}$  дастлабки ҳисоблашлардан олинади. Олд ўтар чизиги кичик размерли буюмларда (3.2-расм, а га қаранг) вертикал бўйича  $T_{01}$  нуқтадан ўтказилади.

Катта размерли буюмларда (3.2-расм, б га қаранг) олд ўтар чизикнинг ҳолатини  $T_2 T_{01} = Ш_{пр} + Ш_{юл} + 5$  кесим аниқлайди.

Ўмиз ва олд бўлак қийматлари ҳам дастлабки ҳисоблардан олинади. Чизмада олд бўлак орт бўлакка киришини йўқотмоқ учун кесим 5 см узайтирилади. Бел чизигининг сатҳида олд бўлакнинг кенглиги кесим  $T_{01} T_3$  орқали аниқланади.

Ёрдамчи  $\Gamma_0$  нуқтанинг  $T_{01}$  вертикалдаги ҳолатини  $T_{01} \Gamma_0 = B_{с. т} - B_{л. т}$  кесим аниқлайди. Олд ўтар чизикнинг вертикалдан оғиш миқдори

$$\Gamma_0 \Gamma_{01} = 0,5 [(d_{п. з. т.} - \Gamma_{т1}) - d_{п. з. г.}]$$


формула бўйича аниқланади.

$\Gamma_{01}$  ва  $T_{01}$  нуқталардан ўтган чизик — ўтар чизик. Ўтар чизикқа узунлиги  $Ц_r - Ц_{ц. г}$  (пальто ва жакетлар учун) ўлчамга тенг бўлган горизонтал  $T$  билан туташгунча перпендикуляр ўтказилади. Бу перпендикулярнинг горизонтал  $T$  билан туташган нуқтаси  $T_6$  белгиланади, олд ўтар чизик билан —  $T_4, T_3$  нуқтадан ўтар чизикқа параллел тўғри чизик ўтказилади.

Олд бўлакда букса чизигининг ҳолати:

$$T_{01} B_2 = TB = 0,5 D_{т. с.} \text{ (3.2-расм, а га қаранг);}$$

$$T_4 B_2 = 0,5 D_{т. с} \text{ (3.2-расм, б га қаранг).}$$



3. 3-расм. Ҳар хил силуетли буюмларда орт булак ўрта чизигини қуриш.

Кичик размерли буюмларда бел чизигининг сатҳида кўкрак марказининг ҳолати:

$$T_{04}T_6 = \Pi_{\Gamma} - \Pi_{\alpha, \Gamma}.$$

Кўкрак марказининг ўтар чизикдаги ҳолати:

$$T_{04}\Gamma(T, \Gamma) = (D_{\Gamma, \Pi} - B_{\Gamma}) + 0,5\Pi_{\Gamma, \Gamma, \Pi} + У\rho.$$

Кўкрак маркази нуқта  $\Gamma$  дан ўтар чизикда тикланган перпендикулярда жойлашган:

$$\Gamma\Gamma_1 = \Pi_{\Gamma} + \Pi_{\alpha, \Gamma}$$

Орт булак ёқа ўмизининг кенглигига тенг масофада олд ўтар чизикқа параллел тўғри чизик ўтказилади.

Олд булак ёқа ўмизининг юқори нуқтаси

$$T_6 \Gamma_1 A_3 = D_{т. п. 1} + [D_{т. с. 1} - (D_{т. с.} - P_{п. т. с.} - U\rho_c)] + \\ + P_{д. т. п.} + U\rho_{п}$$

бу ерда  $D_{т. с. 1} - UT_1$  тўғри чизиққа  $T_1$  нуқтадан кутарилган перпендикуляр бўйича орт бўлак ёқа ўмизининг  $A_2$  юқори нуқтасигача бўлган масофа. Орт бўлаги қирқилган тўғри силуэтли буюмларда бу масофа ёқа ўмизининг асоси кутарилган қийматга  $A_{01}A_{02}$  қисқартирилади.  $U\rho_c$  ва  $U\rho_{п}$  — орт ва олд бўлақларнинг ишлов ҳақлари.

$A_4A_4 - A_3$  нуқтадан ўтар чизиқнинг давомига туширилган перпендикуляр.  $A_4A_5 = 0,45 C_{ш}$  олд ёқа ўмизининг чуқурлиги.

Вертикал  $A_3$  даги ёрдамчи нуқталар:

$$T_6 \Gamma_1 A_{31} = D_{т. п 1} + P_{д. т. п} + U \cdot \rho_{п.}$$

$$A_{31}A_{30} = (B_{т. о. ш} - B_{п. т}) + (P_{д. т. п} - P_{п. п}) - 0,5 P_{у. п} - 1,5,$$

бу ерда 1,5 см елка чокининг орт томонга ўтиши, моделга мувофиқ.

Олд бўлак елка нуқтасининг ҳолати  $A_{31}P_3 = Ш_{п}$  кесма орқали аниқланади;  $A_3B_3$  — кўкрак витачкаси ёпиқ ҳолдаги тайёр олд бўлакнинг елка чизиги.

Кўкрак витачкасининг елка чизигидаги ҳолатини  $A_3A_6 = \left(\frac{1}{4} - \frac{1}{3}\right) A_3P_3$  кесма аниқлайди;  $A_6\Gamma_1$  — кўкрак витачкасининг ўнг томони.

$\Gamma_2$  нуқтанинг ҳолати  $\Gamma_1\Gamma_2 = B_{г} - B_{пр. п}$  кесма билан ифодланади.

Кўкрак витачкасининг кенглиги  $\Gamma_2\Gamma_{21} = (C_{г11} - C_{г1}) - 0,5$ . Кўкрак витачкасининг томонлари узунлиги бўйича тенглаштирилади:  $\Gamma_1A_7 = \Gamma_1A_6$ . Кўкрак витачкаси очиклигида олд бўлак елка нуқтасининг ҳолати икки ёй ёрдамида аниқланади:  $A_7P_4 = A_6P_3$ ;  $\Gamma_1P_4 = \Gamma_1P_3$ .

Орт бўлак елка нуқтасининг ҳолатини аниқлаш учун ёрдамчи нуқта  $P_0$  формула бўйича аниқланади:

$$TP_0 = (B_{ш. т} - B_{п. т}) + P_{п. т. с.} + 0,5 P_{у. п} - 1,5 + U\rho$$

бу ерда 1,5 орт томонга елка чокининг ўтиши (моделга мувофиқ).

Орт бўлаги қирқилган тўғри силуэтли ва орт бўлаги қирқилмаган барча силуэтли буюмларда  $TP_0$  кесма орт ёқа

Ўмизининг асосидаги нуқта кўтарилиши миқдорига ( $A_{01}$ ,  $A_{02}$ ,  $A_0A_{02}$ ; 3.3-расм б, в, ларга қаранг) кўтарилади.

УТ<sub>1</sub> тўғри чизиқнинг давомида  $P_0$  нуқтадан кўтарилган перпендикулярда (3.2-расмлар а, б га қаранг)  $A_2$  нуқтадан  $A_3P_3$  (олд бўлак чизмасидан) радиусга тенг ёй чизилади.  $P$  нуқта ҳосил бўлади.  $A_0P$  — орт бўлак елка қирқимининг чизиғи.

$PP_1$  — дазмоллаб кириштириш миқдори 0,7 — 1,2 см ёки витачка кенглиги 2 — 3,5 см га тенг.

$T_2$  нуқта орқали ўтказилган вертикалда 25 — 30 см ўлчаб қўйилади. Ҳосил бўлган  $P_5$  нуқтадан ёрдамчи горизонтал ўтказилади. Бу горизонтал олд бўлак кенглигини аниқлайдиган тўғри чизиқ билан туташган нуқта  $P_6$  белгиланади.

Орт ўмизнинг чуқурлиги:

$$P_1P_5\Gamma_5 = 0,56 D_{\text{пр}} - 0,5 Ш_{\text{пр}} - \Delta l.$$

бу ерда  $\Delta l = 0,5 (P_1P_5 - P_4P_6) -$  ўмиз чуқурлиги.

$\Gamma_5$  горизонтал олд бўлак кенглигини аниқлайдиган тўғри чизиқ билан кесишган нуқтага  $\Gamma_6$  белги қўйилади.  $\Gamma_5\Gamma_6$  — ўмиз чуқурлигининг чизиғи.

Олд ва орт бўлақларнинг ўмиз чизиқларини аниқлайдиган ёрдамчи нуқталар:

$\Gamma_5\Gamma_8 = 0,5 Ш_{\text{пр}} + 1$ ; катта размерларда чизмада орт ва олд бўлақларнинг орасидаги узилиш ҳисобига  $\Gamma_8$  нуқта ораси 5 см тенг бўлган икки ҳолатга эга бўлади:

$$\Gamma_5\Gamma_8 = 0,5 Ш_{\text{пр}} + 1 \text{ — орт бўлак учун;}$$

$$\Gamma_6\Gamma_8 = 0,5 Ш_{\text{пр}} - 1 \text{ — олд бўлак учун;}$$

$$\Gamma_5\Gamma_1 = 0,15 Ш_{\text{пр}} + 1,5; \Gamma_6\Gamma_1 = 0,15 Ш_{\text{пр}};$$

$$\Gamma_6\Gamma_7 = 5,5 - 6; 3 - 4 = 0,5 - 1,2.$$

Кичик размерли буюмларнинг ўмиз чизиғи  $P_1, 1, \Gamma_8, 2, P_7, 4, P_4$  нуқталар орқали, катта размерларда эса  $P_1, 1, \Gamma_8$  ва давоми  $\Gamma_8, 2, P_7, 4$  ва  $P_4$  нуқталар орқали ўтказилади.

Орт бўлак ўмизини дазмоллаб кириштиришга берилган қўйим  $P_1P_8$  0,5 — 0,8 см.

$P_2P_8$  — елка чизиғи бўйича кириштириб дазмоллаш мулжалланган ҳолдаги елка чизиғи. Агар елка чизиғида витачка кўзда тутилган бўлса, у ҳолда:

$$A_2 a_1 = \left( \frac{1}{4} - \frac{1}{3} \right) A_2 P; \quad УИ = 0,4 \text{ Ш}_c;$$

$a_1 a_2 = 2 - 3,5 \text{ см}$ ; витачка узунлиги 7 — 8 см.

$A_2 P$  ва  $I_1 I_1 (I_1 P_8)$  ёйлар кесишган нуқтада нуқта  $P_{81}$  жойлашган.  $A_2 P_{81}$  — ёпиқ витачкада елка чизиғи.  $A_2 a_3 = A_2 a_1$ ;  $I_1 a_4 = I_1 a_3$ .

Ўмиз чуқурлигининг чизиғида жойлашган ён чизиқнинг ҳолати  $\Gamma_8 \Gamma_{10} = 4$  (модель бўйича) кесма билан аниқланади.  $\Gamma_{10}$  нуқтадан ўтказилган вертикал ўмиз чизиғи билан кесишган нуқта  $\Gamma_{11}$  билан белгиланади (орт бўлак ён чизиғининг бошланиши),  $TT_{04}$ -горизонтал билан эса —  $T_8$  нуқта.

Ўмизнинг чуқурлик чизиғида жойлашган ён чизиғининг ҳолатини  $\Gamma_6 \Gamma_7 = \text{Ш}_{\text{пр}} - \Gamma_5 \Gamma_{10}$  кесма аниқлайди; бўкса чизиғидаги орт бўлакнинг кенглигини эса —  $B_1 B_3 = T_1 T_8$  кесма.  $B_1 B_3$  кесма бир оз кенгайтирилиши мумкин ( $\approx 1 \text{ см}$ ).

Олд бўлакнинг кенглиги  $B_2$  нуқтада утар чизиққа перпендикуляр чизиқда қўйилади:  $B_2 B_6 = (C_6 + P_6) - B_1 B_3$ .

Тўғри силуэтли буюмларда бўкса чизиғидаги олд бўлакнинг кенглиги модель бўйича аниқланади.

$\Gamma_7 B_6$  тўғри чизиқ бел чизиғи билан кесишган нуқта  $T_{11}$  билан белгиланади. Катта размерли буюмларда олд бўлакнинг бел чизиғи  $T_{11}$ ,  $T_6$ , ва  $T_4$  нуқталар орқали ўтади.

Бел чизиғидан юқорида жойлашган орт ва олд бўлакларнинг ён чизиқлари узунлиги бўйича тенглаштирилади:  $T_{11} \Gamma_{13} = T_8 \Gamma_{11}$ .  $\Gamma_{13}$  — олд бўлак ён чизиғининг учи.

Бел чизиғи бўйича витачкалар йиғиндиси  $\Sigma B$  қуйидагига тенг:

$\Sigma B = (T_1 T_8 + T_{11} T_{04}) - (C_T + P_T)$  — кичик размерли буюмлар учун;

$\Sigma B = (T_1 T_8 + T_{11} T_4) - (C_T + P_T)$  — катта размерли

буюмлар учун,

бу ерда  $T_1 T_8$  ва  $T_{11} T_{04}$  ( $T_{11} T_4$ ) чизмадан ўлчаб олинади.

Орт бўлак витачкасининг ўрни  $T_1 T_{13} = 0,4 Aa$  кесма орқали аниқланади. Орт бўлак витачкасининг кенглиги 0,15  $\Sigma B$  га тенг. Витачканинг узунлиги (модель бўйича).

Бел чизиғида орт бўлак  $T_8 T_9$  ва олд бўлак  $T_{11} T_{12}$  нинг эгиклиги 0,2  $B$  бўйича бир-бирига тенг.

Ён чизиқлар  $T B$  участкада бел чизиғидан  $T_9 B_3$  ва  $T_{12} B_6$

кесмаларнинг  $\frac{1}{3}$  масофасида бир оз (0,5 — 1 см) га бурттириб утказилади.

Бўкса чизигидан этаккача орт булак ён чизигининг ҳолати ( $B_7, B_9$  ва  $H_1$  нуқталар)  $B_3$  нуқтадан пастга вертикал бўйича  $B_3B_7 = 10$  см ва  $B_7B_9 = 0 — 1$  см кесмалар орқали аниқланади.

$B_3B_9$  тўғри чизик  $H$  нуқтадан утказилган горизонтал билан кесишган жойда  $H_1$  нуқта ҳосил бўлади.

Бўкса чизигидан этаккача олд булак ён чизигининг ҳолати ( $B_8, B_{10}$  ва  $H_2$  нуқталар) куйидаги кесмалар орқали аниқланади:

$B_6B_8 = B_3B_7$  — олд ўтар чизикқа параллел пастга йўналган тўғри чизик;

$$B_8B_{10} = B_7B_9 = 0 — 1.$$

$T_{12}B_6H_2 = T_9B_3H_1$ ; катта размерли буюмларда  $H_2$  нуқтанинг ҳолати чўнтак чизигида жойлашган витачка қурилгандан сўнг аниқланади.

Чўнтак чизигининг ўрни (моделга мувофиқ);

$$T_3K = \frac{1}{4} D_{т.с} - 6 — жакет учун;$$

$$T_3K = \frac{1}{4} D_{т.с} - 5 — пальто учун.$$

Чўнтакка кириш узунлиги  $K_4K_{41}$ :

$$K_4K_{41} = 0,15 C_{г11} + 7 — жакет учун;$$

$$K_4K_{41} = 0,15 C_{г11} + 8 — пальто учун.$$

Чўнтак охири учларининг ўрни ( $K_4$  ва  $K_{41}$  нуқталар):

$$KK_4 = 3/4 K_4K_{41}; KK_{41} = 1/4 K_4K_{41}.$$

Катта размерли буюмларда витачка чўнтак чизигида лойиҳаланади. Шу мақсадда  $T_6$  нуқтадан пастга ўтар чизикқа параллел тўғри чизик утказилади, чўнтак чизигининг давоми билан  $K_5$  нуқтада кесишади,  $K_5K_3$  — ўтар чизикқа перпендикуляр. Чўнтак чизигидаги витачканинг томонлари тенглаштирилади ( $K_5K_3 = K_5K_1$ ). Кейин белдан этаккача олд булакнинг ён чизиги орт булакнинг ён чизиги билан тенглаштирилади ( $T_{12}K_1 + K_3B_6B_{10}H_2 = T_9B_3B_9H_1$ ).

Олд булак пастки қисмининг ўрта чизикдаги ҳолати:

$$T_{01}H_5(T_4H_5) = T_1H + 1,5 + Ур.$$

Олд бўлақда витачкалар ўрта чизигининг жойлашиши: олд витачка — нўқта  $K_4$  дан  $0,5 - 1$  см чапроқда, ён витачка —  $K$  ва  $T_3$  нўқталардан ўтказилган тўғри чизиқда, лекин  $3$  см чапроқ силжиши мумкин.

Олд витачканинг кенглиги  $0,2 \Sigma B$  га тенг, ён витачка —  $0,15 \Sigma B - 0,25 \Sigma B$ .

Витачкалар моделга мувофиқ шакллантирилганда уларнинг максимал кенглиги ўлчам  $D_{т.с}$  билан аниқланадиган бел чизигидан тепароқ жойланиши мумкин.

### 3.2.3. [12] методи бўйича конструкция чизмасини қуриш

Одам фигурасининг еттинчи умуртка поғонасига мувофиқ бўлган нўқта  $A$  да (3.4-расм,  $a$ ) тўғри бурчак қурилади. Бу нўқтага нисбатан куйидагилар аниқланади: ўмиз чуқурлиги (такрибан кўкрак чизиғи), бел чизиғи, бўкса чизиғи, этак чизиқлари, орт бўлақ кенглигини аниқлайдиган чизиқ, олд ўрта чизиғи, олд бўлақ кенглигини аниқлайдиган чизиқ.

Ўмиз чуқурлиги  $AG = B_{пр.з} + P_{с.пр} + P_{сут}$ , бу ерда  $P_{сут}$  — газламанинг хилига (тузилишига), кийимнинг турига, коматга қараб кириштириб дазмоллаш ҳақи кеккайган фигуралар учун  $1$  см, типавий фигуралар учун — тахминан  $1,5$  см, букчайган фигуралар учун —  $1,5 - 2$  см; кокетка бўлганда кириштириб дазмоллаш ҳақи кокетканинг чизиғига ўтказилади.


Бел чизигининг ҳолати:  $AT_0 = D_{т.с}$ ;  $T_0T = P_{д.т.с}$ .

Бўкса чизигининг ҳолати:  $TБ = 0,5 D_{т.с}$ .

Этак чизигининг ҳолати:  $АН = D_{ш.к} + P_{п.и}$ , бу ерда  $P_{д.и}$  мода йўналиши бўйича аниқланади.

Пальтода ёқа ўмизи асосининг кўтарилиши кўзда тутилади:  $AA_0 = 0,5 - 0,7$  см.

Белгиланган нўқталар  $A_0$ ,  $G$ ,  $T$ ,  $Б$  ва  $H$   $АН$  дан вертикалга перпендикуляр бўлган горизонтал чизиқлар ўтказилади.  $A$  нўқтадан ўнгга орт бўлақ кенглиги  $Aa = Ш_c + P_{т.с}$  ва буюм кенглиги  $A_{aI} = C_{гIII} + P_{г}$  ўлчаб қўйилади.  $a_1$  нўқтадан чапга олд бўлақ кенглиги қўйилади:  $a_1a_2 = Ш_{г} + (C_{гII} - C_{гI}) + P_{ш.н}$ .



3. 4-расм. Сал ёпишиб турадиган силуетли аёллар пальтосини чизмаси [12].

Иссиқ тутувчи катламли буюмларда  $A_a$ ,  $A_{a_1}$  ва  $a_1 a_2$  чизма участкаларининг ҳисобида иссиқ тутувчи қатлам қалинлиги эътиборга олинади. Бу қўшимчалар иссиқ тутувчи қатламнинг қалинлиги  $h$  га боғлиқ ва чизма участкалари бўйича тақсимланади:

$$A_a = 0,6 h; A_{a_1} = 3,2 h; a_1 a_2 = 0,6 h.$$

Базис түри қурилаётган пайтда ўмиз кенглигига эътибор бермоқ лозим.

Кўкрак чизиғи бўйича ёпишиб турадиган тор енгли буюмлар учун ўмиз кенглигининг минимал миқдори 3.1-жадвалда келтирилган.

3.1. Типавий фигурали буюмлар учун ўмиз кенглигининг минимал миқдори, см

Буюм хили	Буюм размери, см						
	88	92	96	100	104	108	112
Жакет	11,5	12,1	12,7	13,3	13,3	14,5	15,1
Кўзги- баҳорги пальто	12,3	12,9	13,5	14,1	14,1	15,3	15,9
Қишки пальто							
1 қават ватин	13,1	13,7	14,3	14,9	15,5	16,1	16,7
2 қават ватин	13,9	14,5	15,7	15,7	16,3	16,9	17,5

Эслатма: Типавий фигуралар учун буюмларда ўмиз кенглигининг размерлараро фарқи 0,6 см.

Шақли профилланган буюмларда чизма участкалари бўйича  $P_r$  қуйидагича тақсимланади: орт бўлак кенглигига — 0,2  $P_r$ , ўмиз кенглигига — 0,8  $P_r$ . Олд бўлак кенглигига қўшимча берилмайди.

$A_{a_1}$  тўғри чизикдаги  $a$ ,  $a_1$  ва  $a_2$  нуқталардан  $\Gamma$  нуқтадан ўтказилган горизонтал билан кесишгунча перпендикулярлар туширилади, уларга мувофиқ  $\Gamma_1$ ,  $\Gamma_3$ ,  $\Gamma_4$  нуқталар ҳосил қилинади.

$a_1$  нуқтадан пастга ўтказилган вертикал чизик олд бўлакнинг ўрта чизиғи — ўтар чизигидир.

Орт бўлак чизмаси (3.4,  $a$  ва 3.5-расмлар). Ёқа ўмизи.  $A_0$  нуқтадан (яхлит орт бўлакда) ва  $A_0$  (чок бўлса) ўнгга ёқа ўмизининг кенглигига тенг кесма қўйилади ва  $A_1$  нуқта ҳосил бўлади.

$$A_0(A_0)A_1 = C/3 + P_{ш.г.с.}; A_0A_0' \approx 0,5 \text{ см.}$$

$A_1$  нуктадан  $A_0(A_0)A_1$  кесмага перпендикуляр кўтарилади, унда ёқа ўмизининг баландлиги  $A_1A_2$  қўйилади, у (0,12 — 0,15)  $C_{ш} + P_{г.с.}$  (0,12  $C_{ш}$  — тўғри елкали буюмлар учун; 0,15  $C_{ш}$  — елка ёстиқчасиз буюмлар учун).

88 — 104 размерли буюмлар учун  $A_1A_2$  кесма  $A_1A_2 = D_{т.с1} - D_{т.с} + P_{в.г.с.}$  формула бўйича ҳисобланиши мумкин.

Елка қирқими. Орт бўлак қирқими чизигининг ташқи учини аниқлаш учун  $A_2$  нуктадан ўнгга  $Ш_n$  елка кенглигига тенг радиус билан ёй ўтқазилади,  $T_0$  нуктадан эса тепага елка қия баландлиги  $B_{п.к}$  га тенг радиус билан иккинчи ёй ўтқазилади. Ёйлар кесишган жойда  $\Pi$  нукта орт бўлак елка чизигининг ташқи учи ҳосил қилинади. Иссиқ тутувчи қатламли буюмларда ёйлар радиуси тенг:  $A_2\Pi = Ш_n; T_0\Pi = B_{п.к} + 0,6h$ .

$A_2$  ва  $\Pi$  нукталар устидан тўғри чизик ўтқазилади ва унда  $\Pi_1$  нуктанинг ҳолати топилади. Шу мақсадда куракларга мос бўлган буюмда чиқик ҳосил қилиш учун елка чизиги бўйича кириштириш киймати ёки витачканинг кенглигини билиш шарт.


Елка қирқимидаги витачканинг кенглиги гавдага ва газламанинг тузилишига боғлиқ. Унинг тахминий кийматлари 3.2-жадвалда келтирилган.

Витачканинг кенглигини аниқлаб, формула бўйича  $\Pi_1$  нуктанинг ҳолати аниқланади.  $A_2\Pi_1 = Ш_n +$  витачка кенглиги.

$A_2$  нуктага нисбатан елка қирқимидаги витачканинг ўрнини  $A_2И = (1/4 \text{ } 1/3) Ш_n$  кесма аниқлайди.

3.2. Гавдага ва газламанинг тузилишига боғлиқ бўлган елка қирқимидаги витачканинг кенглиги, см.

Газламанинг тузилиши	Гавда		
	Кеккайган	Нормал	Букчайган
Юмшоқ ва ғовак	1,5—2	2—2,5	2,5—3
Қаттиқ ва қуруқ	1—1,5	1,5—2	2—2,5



3. 5-расм. Тўғри силуетли аёллар пальтосида кўкрак витачкеси ён қирқимлар, борт ва чўнтакнинг шаклланиши [12].

Агар гавда букчайган бўлса, витачка елка қирқимининг ўртасига яқинроқ жойлашади, бу ҳолда  $A_2I = \Pi_2 2$

Агар гавда елкаси ва орти анча кенг бўлса, иккита витачка қўйиш мақсадга мувофиқ: бири ёқа ўмизида, иккинчиси елка қирқимида. Уларнинг орасидаги масофа моделга мувофиқ аниқланади.

Тайёр буюмда витачканинг йўналишини унинг  $II_2$  томони аниқлайди. У исталгандай бўлиши мумкин, лекин кўпроқ — орт булак ўрта чизигига параллел. Витачканинг узунлиги  $II_2 = (3-4) II_1$ , лекин 6 см дан кам эмас.

Витачка чап томонидаги юқори нуқта қўйидагича аниқланади.  $A_2$  нуқтадан  $A_2\Pi$  га тенг радиус билан ўнг томонга ёй чизилади,  $I_2$  нуқтадан эса  $I_2I_1$  радиус билан иккинчи ёй чизилади ва уларнинг  $O'$  кесишган нуқтаси  $A_2$  нуқта билан тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади, бу чизиқ витачканинг чап томон давомини  $I_3$  нуқтада кесиб ўтади. Витачканинг томонлари тенглаштирилади:  $I_2I_3 = I_2I_4$ .

Агар гавда кураклари чиққан ёки елкалари олдинга қайтирилган бўлса  $A_2\Pi_1$  кесма 1—1,5 см га узайтирилади.

Агар буюмда елкалар ёстиқча ҳисобига тўғри бўлса, чизманинг асоси қурилгандан кейин унга буюмнинг елкаси шаклига мос ўзгариш киритилади.

Орт булак ўмизи. Орт булак ўмиз чизигини ўтказиш учун  $\Pi_3$ ,  $I$  ва  $\Gamma_r$  ёрдамчи нуқталар аниқланади.  $\Pi_3$  нуқтанинг ҳолатини  $a\Gamma_1$  вертикал чизиққа  $\Pi_1$  нуқтадан туширилган перпендикуляр аниқлайди.

$\Gamma_1$  нуқтадан тепага  $\Gamma_1\Pi_3 = \Pi_2\Gamma_1/3$  кесма қўйилади.  $\Pi_3$  нуқта сал тепароқ жойланиши мумкин, унда  $\Gamma_1\Pi_3 = (\Pi_2\Gamma_1/3) + 2$ .

$\Gamma_2$  нуқта ўмизнинг ўртасида жойлашади. Кесма  $\Gamma_1 I = 0,2 \Gamma_1\Gamma_4 + (0,3 - 0,7)$  ва  $\Pi_3\Gamma_1\Gamma_2$  бурчакнинг биссектрисасида жойлашган.

$I$  нуқтанинг ҳолати буюмда қўлларнинг бемалол ҳаракатига таъсир қилади.  $\Gamma_1 I$  кесманинг каттароқ миқдори бемалолроқ ҳаракатни таъминлайди. Агар гавда тик, яъни кеккайган бўлса,  $\Gamma_1 I$  кесма қўшимчасиз олинади, букчайган бўлса — максимал қўшимча билан.

$\Pi_1$ ,  $\Pi_3 I$  ва  $\Gamma_2$  нуқталар равон эгри чизиқ билан таштирилиб, орт булакнинг энг ўмизи ҳосил қилинади (ён чизиқ ўмиз ўртасида бўлса). Агар ён қирқим орт томонга

сурилган бўлса, орт бўлак ўмизининг узунлиги ён қирқим сурилган миқдорга камаяди. Шу билан бирга олд ўмизининг узунлиги шу миқдорга катталашади.

Олд бўлак чизмаси (3,4-а ва 3,5-расмларга қаранг)  $a_1\Gamma_3$  чизик  $H_3$  нуқтада этак чизиғи билан кесишгунча пастга узайтирилади;  $a_1H_3$  — олд бўлак ўрта чизиғи.

Олд бўлак ёқа ўмизининг юқори нуқтасини аниқлашдан бошлаб қурилади, лекин дастлаб олдда бел чизиғининг ўрни аниқланади. Шу мақсадда  $\Gamma_3$  нуқтадан чапга  $\Gamma_3\Gamma_6 = C_r + 1$  — жакет учун;  $C_r + (1 - 1,5)$  кузги-баҳорги пальто учун;  $C_r + (1,5 - 2)$  — қишки ва ҳар мавсумда кийиладиган пальто учун кесма ўлчаб қўйилади.

$\Gamma_6$  нуқта орқали тепага ва пастга вертикал чизик ўтказилади, у бел чизиғи билан кесишган нуқта  $T_6$  билан белгиланади.

Олдда бел чизиғининг ҳолати буюмнинг конструкциясига ва берилган фигура тузилиш хусусиятларига боғлиқ. Тананинг нормал тузилишида бели қирқилмаган устки кийимлар учун бел чизиғи  $T_6T_6 = 1$  см масофага туширилади, бели қирқилган буюмларда — 1,5 см  $T_6$  нуқта орқали ўнг томонга  $T_6$  нуқтада ўрта чизик билан кесишгунча горизонтал ўтказилади.

Ёқа ўмизининг юқори нуқтаси  $A_3$  бел чизиғига нисбатан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_6A_3 = D_{т.п1} + P_{д.т.п} + (D_{т.с1} + P_{д.т.с} - D'_{т.с.1}),$$

бу ерда,  $P_{д.т.п} - P_{д.т.с}$  ва ишлов ҳақиға қўшимчани; материаллар қаватланишини ва қалинлигини ўз ичига олади;  $D'_{т.с1}$  — бел чизиғидан орт бўлак ёқа ўмизининг юқори нуқтасига ҳақиқий масофа (орт бўлак) ёқа ўмизи кенглигига тенг  $T_1m$  масофада ўрта чизикқа параллел қилиб ўлчанади:  $D'_{т.с1} = mA_2$ .

Ишлов беришга, материаллар қаватланишига ва қалинлигига қуйидаги қўшимчалар қабул қилинган, см: жакет учун — 1,2 — 1,5; кузги-баҳорги пальто — 1,5 — 2, қишки пальто — 2 — 2,5; шаль ёқали қишки пальто — 2,5 — 3.

Олд бўлак ёқа ўмизи.  $A_3$  нуқтадан чап томонга горизонтал чизик ўтказилади ва унда  $A_3A'_3$  кесма қўйилади. Бу кесманинг узунлиги олд бўлак ўртасининг конструкциясига, гавдага боғлиқ ва 0 дан 1,5 см гача оралиқда бўлади. Агар олд бўлак яхлит бўлса,  $A_3A'_3 = 0$ . Агар олд

булак икки қисмдан иборат бўлса, букчайган, елкалари олдинга қайрилган гавда учун  $A_3A'_3 = 0$ ; нормал гавдали фигуралар учун  $A_3A'_3 = 0,5 - 0,7$  см ва елка пояси очик кеккайган фигуралар учун  $A_3A'_3 = 1 - 1,5$  см. Олд булакнинг ўрта чизиги  $A'_3$ ,  $\Gamma_3$  ва  $H_3$  нуқталар устидан ўтади.

Олд булак ёқа ўмизининг кенглиги

$$A'_3(A_3)A_4 = AA_1(A_0A_1);$$

ўмиз чуқурлиги  $A'_3A_5 = 0,45 C_{ш}$  ёки  $A'_3A_5 = A_3A_4 + 1$ .

Ўмиз қирқимининг чизиги қуйидагича ўтказилади.  $A_1$  ва  $A_5$  нуқталардан  $A_3A_5$  ёқа ўмизининг чуқурлигига тенг радиус билан  $A_3$  нуқта томонга икки ёй ўтказилади ва улар кесишган нуқтасидан шу радиус билан  $A_4$  нуқтадан  $A_5$  нуқтагача ёқа ўмизининг чизиги ўтказилади. Моделга мувофиқ ўмизни чуқурлаштириш мумкин ( $A_5A_6$  кесма).

Адип қайтармасининг нуқтаси  $A_7$  олд булак ўртасига нисбатан силжиган бўлиши мумкин.  $A_7$  нуқтанинг ҳолати ёқа узунлигига боғлиқ.

Кўкрак витачкаси. Кўкрак витачкасининг қурилиши одатда унинг учи — нуқта  $\Gamma_7$  ни аниқлашдан бошланади. Бунинг учун  $A_4$  нуқтадан  $T_6\Gamma_6$  вертикалда  $V_r - (D_{т.п} - D_{т.пл})$  га тенг радиус билан ёй чизилади ва  $\Gamma_7$  нуқта ҳосил қилинади.

$T_6\Gamma_6$  чизиқ  $A_3A_4$  горизонтал чизиқнинг давоми билан  $A_8$  нуқтада кесишади.  $\Gamma_7$  нуқтани марказ қилиб  $A_4$  нуқтадан чапга ёй чизилади ва унда  $A_6P_7$  кесма қўйилади. Унинг узунлиги витачка кенглигига тенг, яъни  $A_8P'_7 = 2 (C_{гп} - C_{г1}) + 1$ .

Агар мода бўйича буюмнинг шакли кўкрак сатҳида кенгайган ва бир оз яссиланган бўлса (шакли юмшоқ буюмлар) кўкрак витачкасининг кенглиги  $A_8P'_7$  1 — 3 см га кичрайтирилади (буюмнинг кўкрак чизиги бўйича кенглигига ва яссиланган даражасига қараб).

$P_7$  нуқтадан ўнгга  $P'_7A_9 = A_4A_8$  кесма қўйилади.

Олд булак ўмизи. Олд енг ўмизининг юқори нуқтасини аниқлаш учун  $\Gamma_4$  нуқтадан  $\Gamma_4a_2$  чизиқ бўйича тепага  $\Gamma_4P_4 = P_2\Gamma_1$  кесма ўлчаб қўйилади ( $P_2\Gamma_1$  — ўмизда витачкасиёки кириштириш ҳақисиз орт булакнинг ўмиз чуқурлиги).  $\Gamma_4$  нуқтадан тепага  $\Gamma_4P_6 = 0,3 Ш_{пр} + 1,2$  кесма ўлчаб қўйилади.

$P_6$  нуқтадан  $P_4$  нуқта орқали чапга ёй чизилади.  $A_0$  нуқтадан шу ёйда  $Ш_{II}$  га тенг масофа ўлчаб қўйилади ва  $P_5$  нуқта ҳосил булади.

$A_9$  ва  $P_5$  нуқталар олд булакнинг елка чизигини ҳосил қилиб тўғри чизик орқали туташтирилади. У билан витачканинг чап томони кесишган жой  $P_7$  нуқта билан белгиланади. Витачканинг томонлари тенглаштирилади ( $\Gamma_7 A_{10} = \Gamma_7 F_1$ ) ва буюмнинг силуэтига, шаклига мослаб ҳамда намлаб-иситиб ишлов беришни ҳисобга олиб чизиклари аниқланади.

Ёпишиб турадигин силуэтли, ҳажми катта бўлмаган ва кўкраклари аниқ ифодаланган буюмларда витачка қуйидагича аниқланади. Унг томони  $\Gamma_7 A_{10}$  кесманинг ўртасида  $0,3 - 0,5$  см эгилиб ўтади. Витачканинг чап томони аниқланганда  $\Gamma_7 P_7$  кесма уч қисмга бўлинади:  $\Gamma_7 b = bb_1 = b_1 P_7$ ;  $b$  нуқтадан ўнгга перпендикуляр кўтарилади  $bb_2 = 0,5 - 0,7$  см.

Витачка томонлари аниқланганда унинг учи  $\Gamma_7$  нуқтага  $2 - 2,5$  см етмайди, шу билан бирга  $\Gamma_7$  нуқта ҳосил бўлади.

Тўғри силуэтли буюмларда витачканинг томонлари бир оз тўғриланади, яъни  $b_1 b_2 = 0,3 - 0,5$  см; унг томони ўртасида эгилмайди, лекин  $A_{10}$  ва  $P_7$  нуқталар ўмиз томонга бир оз ( $0,5 - 0,7$  см) силжийди.

$P_6 \Gamma_4 \Gamma_2$  бурчак биссектрисасида  $\Gamma_4 2 = 0,2 Ш_{пр}$  кесма белгиланади. Қўллари орқага оingan кеккайган фигуралар учун  $\Gamma_2 2$  кесма чизмада тахминан  $0,5$  см га катталаштирилади, букчайган фигуралар учун эса  $-0,2 - 0,3$  см кичрайтирилади.

$P_5$  ва  $P_6$  нуқталар ёрдамчи чизик орқали туташтирилади.  $P_5 P_6$  кесма ўртасидан бўлинади ва 3 нуқта ҳосил бўлади. 3 нуқтадан  $P_5 P_6$  кесмага  $1$  см га тенг перпендикуляр 3 — 4 кўтарилади.  $P_5$ , 4,  $P_6$ , 2 ва  $\Gamma_2$  нуқталар орқали олд булакнинг енг ўмизи ўтказилади. Ўмизнинг шакли буюмнинг шакли ва ҳажмига боғлиқ.

Этак чизиги. Олд бўлак ўртасининг узунлигини  $T_8 H_4$  кесма билан аниқлайди.  $T_8 H_4 = T_1 H_1 + (1 - 1,5)$ , бу ерда  $1 - 1,5$  см — барча ишлов бериш учун қўшимча.

Чизманинг давоми моделнинг эскизига боғлиқ. Чизма қуришнинг шу босқичида шакллантирувчи конструктив элементларнинг хусусиятлари ва жойланиши аниқланади: орт ўрта чизик, ён қирқимлар, рельефлар, витачкалар, яъни вертикал қирқимлар.

Орт бўлак ўрта чизиғи. Орт бўлак яхлит бичилган ёки чокли бўлиши мумкин. Унинг конструктив ечимига буюмнинг шакли, шу жумладан орт бўлак тузилиши ва гавда тузилиши таъсир қилади.

Яхлит бичилган орт бўлакнинг ўрта чизиғи қуйидагича қурилади.  $T$  нуқтадан ўнг томонга бел чизиғи бўйича  $TT_1 = 1,5-2$  см (агар буюмнинг силуэти сал ёпишиб турадиган ёки ёпишиб турадиган бўлса) кесма қўйилади.  $A_0$  ва  $T_1$  нуқталар (3.5-расмга қаранг) тўғри чизиқ билан туташтирилади ва бўкса чизиғи билан  $B_1$  нуқтада ва этак чизиғи билан  $H_1$  нуқтада кесишгунча пастга давом эттирилади.

Ўртада чоки бор орт бўлак ўрта қирқими қуйидагича қурилади (3.4-расм,  $a$  га қаранг). Дастлаб бўйин нуқтасига нисбатан кураклар сатҳи аниқланади:  $AУ = 0,4 D_{т.с}$ ;  $TT_1 = 1$  см. Нормал гавдали фигуралар учун орт ўрта қирқим чизиғи  $A_0$ ,  $У$  ва  $T_1$  нуқталар орқали ўтади,  $УT_1$  тўғри чизиқнинг давоми бўкса чизиғини  $B_1$  нуқтада ва этак чизиғини  $H_1$  нуқтада кесиб ўтади. Ўмиз чуқурлигининг чизиғи билан кесишган нуқтаси  $G'$  билан белгиланади.

Аёллар жакети ва пальтолари конструкциясида  $A_0$  нуқта типавий фигуралар учун ўнгга 0,5 см ( $A_0$  нуқта) ва букчайган фигуралар учун — 1 см сурилади. Ўрта чизиқ  $A'_0$  нуқтага келтирилади ва орт бўлакнинг бутун елка қисми чапта 0,5 см сурилади.

Ўрта чоки бор орт бўлакларда ўрта қирқимдаги қўшимча витачка ҳисобига буюм фигурага кўпроқ ёпишиб туриши мумкин;  $T_1T'_1 = 1-1,5$  см.  $T_1T'_1$  кесма тенг иккига бўлинади, ҳосил бўлган нуқта  $B_1$  нуқта билан бирлаштирилади ва этак чизиғини  $H_1$  нуқтада кесиб ўтгунча давом эттирилади. Айни ҳолди ўрта қирқим чизиғи  $A'_0$ ,  $У$ ,  $T'_1$ ,  $B_1$  ва  $H'_2$  нуқталар орқали равои туташтирилади.

Бел, бўкса ва этак чизиқлари қуйидаги кесмаларга перпендикуляр ўтқазилади:  $A_0H_1$ — орт бўлак яхлит ҳолида;  $УH_1$ — ўртада чок бўлганда.

Уст кийимнинг муайян шаклини яратишда ўрта чок, одатда, конструктив роль бажаради, шунинг учун у конструктив жиҳатдан ҳар хил бўлиши мумкин. Агар ўрта чок кесим билан тугалланса, унинг белдан этаккача чизиғи қўшимча витачкали вариантга ўхшаш шаклланади. Кесим учун эни бўйича қўшимча 5—6 см, узунлиги моделга мувофиқ аниқланади.

Уртаси тахламалик орт бўлакнинг кесимларига қу-  
йидаги қўшимчалар берилади: бир томонлама тахлама  
учун  $A_0$  нуқтанинг сатҳида 4—6 см, этак сатҳида —7—  
9 см, қарама-қарши тахламалар учун — тахминан икки  
баравар кўпроқ. Агар газлама йўл-йўл ёки катак гулли  
бўлса, бутун узунлиги бўйича қўшимча бир хил бўли-  
ши керак.

Орт бўлак бичилаётганда тахламаннинг букилган  
зийи танда ипнинг йўналиши бўйича қўйилади. Орт бў-  
лак ўртасида чоклик ёки этагига кенгайган бўлса танда  
ипи ўрта чизиққа параллел ўтади (этакнинг кенгайиши  
ҳисобга олинмайди). Этак 10 см гача кенгайиши мум-  
кин.

Ён қирқимлар. Ён қирқимларнинг жойланиши  
ва шакли буюмнинг шакли билан узвий боғлиқ ҳамда  
бичимиға, чоклар бор-йўқлигига ва шаклиға таъсир қи-  
лувчй қатор омилларға боғлиқ.

Ён қирқимларнинг юқори нуқтаси орт бўлак енг ўми-  
зининг уринмасига нисбатан ҳажми катта бўлмаган ва шак-  
ли аниқ буюмларда  $\Gamma_1\Gamma_5 = \left(\frac{1}{8} - \frac{1}{4}\right) \Gamma_1\Gamma_4$  кесма орқали  
аниқланади.

Орт томондан шакли яссироқ буюмларда  $\Gamma_1\Gamma_5 = \left(0 - \frac{1}{8}\right)$   
 $\Gamma_1\Gamma_4$ .

Бир чокли ёки кўкрак ва курак марказларидан ўтган  
аралаш рельефли ҳамда енги бошқача бичимли шакли юм-  
шоқ буюмларда  $\Gamma_1\Gamma_5 = \left(\frac{1}{4} - \frac{1}{2}\right) \Gamma_1\Gamma_4$ .

Агар ён чок орт томонға силжиган бўлса, буюмнинг  
шакли эса етарли даражада аниқ бўлса, буюмнинг олд  
бўлагиға қўшимча чок ёки витачкалар киритиш керак.

Ён қирқимнинг юқори нуқтасидан ўмиз чизиғи бўйича  
тепаға ва бел чизиғига пастға вертикал чизиқ ўтқазилади.  
Ўмиз чизиғи билан кесишган нуқта  $\Gamma'_5$ ; бел чизиғи билан  
кесишгани эса —  $T_2$  билан белгиланади.

Силуэти ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган буюмларда бел  
чизиғидаги ён чизиқнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида кўкрак  
чизиғи бўйича буюмнинг кенглиги билан бел чизиғи бўйича  
орт ўрта чизиқдан олд ўрта чизиққа масофалар орасидаги  
фарқ аниқланади, бу фарқ ён чоклар ва витачкаларға кирити-  
лади:  $\sum B = (C_{гил} + nП_r) - (C_r + П_r) - TT_1$ .

Аниқланган  $\Sigma B$  қиймат бел чизиғида жойлашадиган вертикал чоклар ва витачкаларнинг размер ҳамда шаклини аниқлайди. Шу билан бирга  $\Sigma B$  ҳар хил тақсимланиб, гавданинг тузилишига ва буюмнинг шаклига боғлиқ.

Силуэти ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган аёллар кийими асосий чизмасида тўртта витачка лойиҳаланади: биттаси орт бўлакда, олд ва ён витачкалар олд бўлакда ҳамда битта ён қирқимда.

$$\text{Витачка ҳар бирининг кенглиги} \left( \frac{1}{5} - \frac{1}{4} \right) \Sigma B.$$

Олд ва орт бўлаклар ён қирқимининг бел чизиғидаги ҳолати қуйидагича аниқланади:  $T_2 T_3 = \frac{1}{8} \Sigma B$ ;  $T_2 T_4 = \frac{1}{8} \Sigma B \leq 2$  см.

Олд ва орт бўлаклар ён қирқимининг бўкса чизиғидаги ҳолати қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:  $B_1 B_2 = \Gamma \Gamma_5$ ;  $B_3 B_4 = (C_6 + П_6) - B_1 T_2$  (бу ерда  $B_1 B_2$  — орт бўлак бўкса чизиғидаги кенглиги;  $C_6 + П_6$  — тайёр буюмнинг бўкса чизиғи бўйича олд бўлак ўрта чизиғидан олд бўлак ўрта чизиғигача).

Агар  $B_4$  нуқта ортиқча чапга сурилган бўлса,  $B_2$  нуқтанинг ўрнини ўзгартиш ҳисобига тўғриланади. Бунинг учун  $B_4$  нуқта ўнг томонга 1—1,5 см сурилади, ундан кейин  $B_2$  нуқта ҳам шу масофага сурилади.

Агар буюмнинг этаги кўз билан чамалаб қараганда торайган бўлса, этак чизиғи бўйича олд ва орт бўлакларнинг кенглиги бўкса чизиғидаги олд ва орт бўлакларнинг кенглигига тенг, яъни,  $H_1 H_2 = B_1 B_2$ ;  $H_3 H_5 = B_3 B_4$ .

Агар буюмнинг этаги тораймаган бўлса, буюмнинг узунлигига қараб олд ва орт бўлакларнинг этаги бўйича кенглиги қуйидагича аниқланади:  $H_1 H_2 = B_1 B_2 + (2 - 8)$ ;  $H_3 H_5 = B_3 B_4 + (2 - 8)$ . Агар модель бўйича этак кенгроқ бўлса, деталлар конуссимон кенгайтирилади.

Агар ён қирқим чоки орт бўлак томонга сурилган бўлса, орт бўлак ён чизиғи  $g_1$ ,  $g$ ,  $T_3$ ,  $B_2$  ва  $H_2$  нуқталар орқали раvon ўтади;  $\Gamma_5 g = \Gamma \Gamma'$ .  $g_1$  нуқта икки чизиқ кесишган нуқтада:  $\Gamma_5$  нуқтадан ўтган горизонтал ҳамда  $T_3$  ва  $g$  нуқталардан ўтган тўғри чизиқда ҳосил қилинади. Орт ўмиз чизиғи  $g$  нуқтага келтирилади. Олд бўлак ён қирқими раvon қилиб  $\Gamma_5$ ,  $\Gamma_4$ ,  $B_4$  ва  $H_5$  нуқталардан ўтқазилади. Агар ён қирқим бўкса чизиғидан ортиқроқ чапга сурилган бўлса, ўмиздан

чиққан қирма ён витачка ҳисобига у бир оз тўғриланади ва учи чапга сурилади.

Витачкалар ва ён қирқимлар конфигурацияси (3.4-расм, б) уларнинг кенглигига боғлиқ ва қуйидагича бўлиши мумкин: думалоқлашган — маълум даражада ёпишган бўлса; тўғриланган — меъёрда ёпишиб турган бўлса; дуксимон — сал ёпишиб турган бўлса.

Ҳажми ҳар хил тўғри силуэтли буюмларда орт бўлакнинг ён қирқими  $\Gamma_2$  ва  $B_2$  (3.5-расм, в га қаранг) нуқталардан утиб этак чизиғи билан  $H_2$  нуқтада кесишади, олд бўлакнинг ён чизиғи эса  $\Gamma_2$  ва  $B_4$  нуқталардан ўтиб тўғри чизиқ бўйича этак чизиғи билан  $H_5$  нуқтада кесишади ( $B_2$  ва  $B_4$  нуқталарнинг ҳолати ён қирқимларнинг учига мувофиқ аниқланади). Мода талабига мувофиқ бел чизиғининг тобий сатҳида ёки бир оз тепароқ ён қирқимларни чизиш охирида бир оз ёпишиб турадиган қилиш мумкин. Ён чизиқлар конфигурацияси бўкса чизиқдан этаккача мода талабларига ва тана тузилишининг хусусиятларига кўра тўғри чизиқ ёки мураккаб эгри чизиқ бўлиши мумкин (3.5-расм).

Агар ён чоклар тахлама ёки қирқим билан тугалланса, бўкса чизиғидан этаккача унинг йўналиши тик чизиққа (бичганда) яқин бўлиши лозим. Эни бўйича тахламага қўшимча, чок ҳақини ҳам қўшиб 5—8 см берилади (бир томонлама тахламада, 3.4-расм, а); узунлиги бўйича қўшимча моделга мувофиқ аниқланади. Агар тахлама қарама-қарши бўлса, тўғри бурчак шаклида қўшимча газлама парчаси бичиш керак. Унинг узунлиги тахламанинг узунлигига, эни эса тахлама берилган қўшимчанинг икки баробарига тенг (3.4-расм б). Агар ён чок елпигичсимон газлама билан тугалланса, аввал бу тахламанинг шакли аниқланади. У тўғри ёки конуссимон шаклли қўшимча газлама бўлаги бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда қўшимча газлама бўлагининг эни икки ҳисса тахламанинг қўшимчаси елпигичдаги тахламалар сонига кўпайтмасига тенг. Шу билан бирга клин (қўшимча газлама бўлаги) ўртасидан букланиб дазмолланади. Иккинчи ҳолда елпигичсимон клиннинг шакли шакл излаш жараёнида аниқланади.

Э т а к ч и з и ғ и. Одатдаги узунликдаги буюмларда орт бўлакнинг этак чизиғи ўрта қирқимга тўғри бурчак

остида ўтқазилади. Ён чизиқ белдан этакча  $TН$  кесма узунлигига тенглаштирилади. Олд бўлакнинг этак чизиғи  $H_4$  ва  $H_5$  нуқталар орқали ўртасидан сал бўртириброк ( $0,4—0,7$  см) ўтқазилади.

Бел чизиғидаги витачкалар. Олд ва орт бўлакларда витачкалар ўрни буюмнинг умумий шакли билан боғлиқ. Шакли юмшоқ буюмларда олд ва орт витачкалар кураклар ва кўкрак марказларидан ўтадиган чизиқлар бўйича жойлашади. Олд ва орт деталлар яссиланган сари ва буюм фаразий кенгайганда белдаги витачкалар ўмиз томон сурилади. Сурилиш даражаси ҳар хил — 2 см дан деталь энининг  $\frac{1}{4}$  қисмигача.

Витачкалар ўрта чизиғининг энг четдаги ҳолати олд бўлак ўртасига нисбатан  $T_6$  нуқта бўйича аниқланади, орт бўлак ўртаси формула бўйича аниқланади:  $T_1T_5 = = 0,4 ГГ_1$  (3.4- расм, б).

Витачканинг томонлари ўрта чизиғига нисбатан симметрик қўйилади. Витачка баландлиги модель шаклига қараб белгиланади. Витачканинг кенглиги  $\frac{1}{5}$  дан  $\frac{1}{4} \Sigma B$  га тенг. Лекин буюмнинг шаклига боғлиқ ҳолда бошқа ечимлари ҳам бўлиши мумкин. Витачканинг баландлиги бел чизиғига нисбатан аниқланади ва 10 — 12 см ва ундан каттароқ олинади. Шу билан бирга витачканинг тепадаги ва пастки учлари  $ГГ_3$  чизиқдан ва бўкса чизиғидан 2 см дан яқинроқ жойлашмаслиги керак.

Сал ёпишиб турадиган буюмларга, ёпишиб турадиган буюмларга қараганда, торроқ ва узунроқ витачкалар характерли, шунинг учун улар кўпинча рельефларга алмаштирилади.

Тайёр буюмда витачка ва рельефлар чизиғининг йўналишини, одатда, деталнинг ўртасига яқинроқ жойлашган томони аниқлайди, иккинчи томони эса буюмнинг шаклини ифодалашга ёрдам беради.

Бел чизиғи бўйича қўшимчанинг ( $Л_7$ ) бир хил қийматига эга бўлган қатор буюмлар кўзга ҳар хил кўриниши мумкин. Бунга олд ёки орт бўлак ўртасига яқинроқ жойлашган витачка ёки рельеф томонининг йўналиши билан эришилади. Ён витачка, одатда, ўмиз  $a_2Г_4$  га уринманинг давомида жойлашади.  $a_2Г_4$  чизиқнинг давоми бел чизиғи билан кесишган нуқта  $T_7$  билан белгиланади. Ён витачканинг кенглиги бел чизиғидаги  $T_7$  нуқтага нисбатан симметрик жойланади (агар ён қирқим орт бўлак ўмизнинг уринма чизиғига нисбатан

ён  $\Gamma_1\Gamma_4$  кесманинг  $\frac{1}{4}$  қисмига қадар  $\Gamma_2$  нуқта томонга сурилган бўлса). Агар ён чизик  $\Gamma_1$  нуқтага яқинроқ ёки орт ўмиз уринмасидан чапроқ жойлашган бўлса, ён витачка ҳам ўша йўналишда ўмиз тагига сурилади, ўмиз тагида муайян шакл ҳосил бўлади.

Агар ён қирқим ўмиз ўртасида бўлса, ён витачка лойиҳаланмайди, чунки буюмнинг юмшоқ шакли кураклар ва кўкрак чизиклари марказидан ўтган рельефлар орқали таъминланиши мумкин.

Ён чўнтак қирқими. Аёллар устки кийимида қоплама чўнтаклар қаторида хилма-хил безатилган ва ҳар хил жойлашган қирқма чўнтаклар ҳам кенг қўлланади. Ён чўнтакнинг ўйилиш чизиги моделга мувофиқ аниқланади, лекин асосда қўйидаги формулалар бўйича аниқланиши мумкин:  $T_7K = D_{т.с}/4$  — пальто учун,  $TT_7K = D_{т.с}/4 - (1 - 2)$  — жакет учун.

Горизонтал жойлашган чўнтакнинг ўйилиш чизиги  $H_1H_5$  этак чизигига параллел қилиб  $K$  нуқтадан ўтади.

Чўнтак оғзининг катталиги  $K_1K_2$  (қирқимнинг узунлиги) 96 размерли буюмлар учун тахминан қўйидагига тенг: пальто учун — 15,5 см; жакет учун — 14,5 см.

Қирқма чўнтак олд учининг ҳолати:  $KK_1 = 0,5 K_1K_2 + 2$  см.

Чўнтак ён учининг ҳолати ( $K_2$  нуқта) моделга мувофиқ ёки юқорида келтирилган қийматларга мувофиқ аниқланади.

Қирқма чўнтак бўлганда олд витачканинг ҳолати аниқланади ва унинг пастки учи қирқим сатҳида жойлашган бўлиб,  $K_1$  нуқтага нисбатан чапга 0,5—1 см сурилади. Олд витачканинг ўрта чизиги вертикал ўтқазилади. Қолган барча ечимлар буюм шаклига боғлиқ.

Вертикал ёки қия жойлашган чўнтакнинг ҳолатини модель композицияси аниқлайди. Шу билан бирга қирқма чўнтакнинг юқори нуқтаси  $T_6T_7$  кесманинг тахминан ўртасида бел чизигидан 3—6 см пастроқ жойлашган (3.5-расмга қаранг).

Қоплама чўнтакка келганда, унинг шакли ва жойланиши буюмнинг шакли ва ҳажмига боғлиқ. Ҳажми катта бўлмаган шакли ясси буюмларда, одатда, кийимда энсиз тўгрибурчак шаклидаги олд бўлак ўрта қирқимига яқин маълум даражада пастроқ жойлашган (букса чизиги сатҳидан пастроқ) энсиз, шакли аниқ, узунасига чўзиқроқ чўнтаклар ишлатилади. Бу буюмни



3.6 - расм. Размерлари катталаштирилган чўнтақтар хиллари,



3. 7-расм. Аёллар пальтосида тақилмалар хиллари.

узунчоқ тўғри тўртбурчак шаклда қилиб кўрсатади. Елка поясига яқинроқ сурилган устки қоплама чўнтак (ёки иккита) бу таассуротни кучайтириши мумкин (3.6-расм). Бундай чўнтаклар фақат безак вазифасини бажаради, чунки уларнинг аниқ шаклини ўзгартмасдан ичига ҳеч нарса солиб бўлмайди.

Ҳажми катта, шакли юмшоқ буюм ўзига мос газламаларни талаб қилади; бундай газлама етарли даражада юмшоқ ва қалин бўлиши лозим. Бундан келиб чиқадики, деталларнинг ўлчамлари ҳам каттароқ бўлиши керак. Айни ҳолда чўнтаклар ён чокларга бир оз сурилган, оғзи кенгроқ, ўлчамлари маълум даражада каттароқ бўлади. Улар олд бўлакда етарли даражада баланд ёки, аксинча, паст жойлашган бўлиши мумкин. Бундай чўнтаклар буюмни катталаштириб кўрсатади (3.6-расм, б, в, г).

Борт чизиғи. Борт чизиғи тақилма хилига қараб қурилади. Агар буюм бир бортли марказий тақилмаси юқоригача бўлса, бортнинг узунлиги бўйича кенглигига бериладиган қўшимча буюмнинг турига боғлиқ, см: жакет учун—1,5—3 см; кузги-баҳорги пальто учун 4—5; қишки пальто учун 5—6.

Агар буюм асимметрик тақилмали бўлса икки бортли), одатда тақилма қайтармали бўлади (қайтарманинг шакли чизмада эскизга мувофиқ чизилади). Айни ҳолда борт кенглигининг қўшимчаси юқори измдан этаккача берилади, бортнинг юқори қисми эса модель эскизига мувофиқ ёқа қайтармасининг букланиш чизиғига нисбатан кўзгудаги акс каби қурилади (3.5-расмга қаранг).

Бундай буюмларда борт кенглигининг қўшимчаси қуйидагича олинади: жакет учун—6—8 см; кузги-баҳорги пальто учун—7—9 см; қишки пальто учун 8—10 см. Агар молния тақилма кўзда тутилган бўлса, олд бўлак ўртасига 1,5—2 см қўшимча берилади.

Асимметрик тақилмали буюмларда изманинг олд чети бортнинг четидан тугма диаметрининг ярмиси плюс 1 см га тенг масофада жойлашади, агар модель бўйича бошқа ечим назарда тутилмаган бўлса.

Агар буюмнинг марказий тақилмаси юқоригача етadиган бўлса, изманинг олдинги чети бортнинг чети томонга ўтар чизиқдан 0,5 см масофада жойлашади. Изманинг узунлиги тугма диаметри плюс 0,2—0,3 см га тенг.

Агар тугмали тақилма утқазма қопқоқли бўлса, измалар қатъий утар чизиқда бўйлама жойлашади. Тақилмаси юқоригача чиққан буюмларда юқори изма четдан 2,5—3 см пастда жойлашади. Измани борт четидан 4 см дан ортиқ масофада жойлаштириш тавсия этилмайди — айна ҳолда тақилма ўз функциясини йўқотади.

Тақилманинг хусусияти буюмнинг ҳажми билан боғлиқ. Ҳажми кичик, ёпишиб ёки сал ёпишиб турадиган шаклли кийим одатда нисбатан сони кўпроқ майда ўлчамли ўртача тугмаларга тақилади, улардан биттаси бел чизигида, иккинчиси эса кўкрак чизигида жойлашиши керак (3.7-расм).

### Текшириш учун саволлар

1. ЦНИИШП методикаси бўйича аёллар елкали кийимининг конструкция чизмасини қуришда ҳисоблаш учун қандай ўлчамлардан фойдаланилади?

2. Биринчи тур формулалар ёрдамида базис тўрнининг қандай ўлчамлари аниқланади?

3. Чизма қуришда базис тўрнинг қайси чизиқлари дастлабки чизиқлар ҳисобланади?

4. Орт бўлак ўрта чизигининг конструкциясига қандай омиллар таъсир қилади?

5. Орт бўлак ёқа умизининг қурилишига кийим тури қандай таъсир қилади?

6. Шакли юмшоқ ва елкаси ёстиқчали буюмларнинг елка қирқимининг қурилишида қандай фарқ бор?

7. Орт бўлак елка нуқтасининг ҳолати қандай аниқланади?

8. Олд бўлак ёқа умизининг юқори нуқтаси қандай аниқланади?

9. Чизмада ёқа умизининг ҳолатига кийимнинг тури қандай таъсир кўрсатади?

10. Олд бўлак ёқа умизининг кенлиги ва чуқурлиги нимага боғлиқ?

11. Буюм тақилмаси билан адип қайтармаси учи орасида қандай боғланиш бор?

12. Олд бўлак елка нуқтасининг ҳолати қандай аниқланади?

13. Ён қирқимлар ҳолатига буюмнинг шакли қандай таъсир қилади?

14. Бел сатҳида буюмнинг ёпишиб туриш даражаси билан вятчалар ва ён чизиқлар шаклининг орасида қандай боғланиш бор?

15. Орт бўлак этагининг утар чизигидаги ҳолатига нима таъсир кўрсатади?

16. Асимметрик ва марказий тақилмали аёллар уст кийимида измалар қандай жойлашади?

17. Тақилмаси планкада бўлган аёллар уст кийимида измалар қандай жойлашади?

### 3.3. ЕНГЛАРНИ ҚОНСТРУКЦИЯЛАШ

Буюмнинг энги унинг бичимини аниқлайдиган асосий конструктив элементдир.

Енглар умумий конфигурацияси бўйича, айрим участкаларининг шакли, энг ўмизига ўтқазилш ва қатор бошқа кўрсаткичларига кўра фарқланади.

Енгнинг бичими ва шакли кийим шакли ва ҳажмига узвий боғлиқ. Кичик ҳажмли буюмларда асосан ўтқазма энг қўланади. Катталашган ҳажмли буюмларда кўпроқ яхлит бичилган энглар, реглан ва эркаклар кўйлагининг энгига ўхшаш энглари ишлатилади.

Бичими бўйича энглари қуйидагича таснифланади: ўтқазма, эркаклар кўйлагининг энгига ўхшаш энглари, реглан, ярим реглан, яхлит бичилган ва комбинациялашган (3.8-расм).

Ўтқазма энг вертикал шаклда, ўмизлар остида ҳалтимсиз, елка нуқтаси энг юқори нуқта бўлган қўлнинг контури бўйича жойлашган ўмизга тикилади.

Бундай энг қонуний равишда классик энг ҳисобланади, чунки у кам ўзгарган ҳолда модага мувофиқ кийимлар коллекциясида ҳар доим ўрин эгаллайди.

Эркаклар кўйлагининг энгига ўхшаш энглари юқоридаги энгдан ўмиз ости бир оз кенглиги, бўйлама чокларнинг бир оз узунлиги ва энг қиямасининг баландлиги кичрайгани ҳисобига энгнинг юмшоқ шакли билан фарқланади ва одатда, ён чоклар ўмиз ўртасида жойлашган бўлиб буюм ҳажмини маълум даражада катталаштиришни талаб қилади. Шунинг учун бу энгни очиқ ўмизга ўтқазилш имкони яратилади.

Реглан энг ўтқазма энгнинг ўз ҳолича бир тури. Унинг қиямасига олд ва орт бўлақларнинг елка қисмлари қўшилиши натижасида энг юқори қисми ўз конфигурациясини ўзгартиради ва янги шакл — реглан ҳосил бўлади. Бу энг очиқ ўмизга ўтқазилади. Бундай бичим буюм ҳажмининг кенгайишини талаб қилади ва ўзида спортга оид ва юмшоқлик элементларини намоён қилади.

---

\* Елка нуқта — елка бўғимини фарзий иккига бўладиган вертикал текислик билан курак акромиал ўсимтасининг юқори ташқи четин кесилган нуқта. Бу нуқтада классик ечимдаги ўтқазма энг худди елка поясига осилгандай туради.



3. 8-рәсм. Еңгә һәр хил бичимли аёллар уст кийиминиңг эскизлари.

Ярим реглан энг юқорида қайд этилган энг бичимлари орасидан (реглан ва ўтқазма энглар) ўрин олган.

Яхлит бичилган энглар битта бўлак газламадан (мўлжалланган ўмиз чизиғи бўйича чоксиз) олд ва орт деталлари билан бирга бичилади, бунда буюмларнинг елка соҳасида юмшоқ пластик кўриниш таъминлайди.

Комбинациялашган энг юқоридаги бичимли энглар комбинациясининг варианты билан характерланади. Энглар комбинациясининг вариантлари хилма-хил бўлиши мумкин.

### 3.3.1. ЦНИИШП методикаси бўйича ўтқазма энг конструкциясининг чизмасини ҳисоблаш ва қуриш

Аёллар кийимида айрим жойлари ҳар хил даражада ўзгартирилган классик ечимдаги ўтқазма энгнинг конструкцияси кенг қўлланади.

Икки чокли энгнинг чизмасини қуриш учун (3.9-расм) қуйидаги кесмалар аниқланади, см: энг қиямасининг баландлиги:

$AP = B_{ок} = B_{пр} (1 + H) + P_{в.ок}$  (дастлабки ҳисоблашлардан); тирсак чизиғининг ҳолати:

$$OL = D_{р.лок} - P_{в.ок} - P_{п.л} + Ур;$$

энг учининг ҳолати:

$OH = D_{рук} - 1,5 + Ур$ , бу ерда 1,5 энг учининг қиялиги ҳисобига кейинчалик энгни узайтириш миқдори.

$P$ ,  $L$  ва  $H$  нуқталар орқали горизонталлар ўтқазилади.

Икки букланган энгнинг кенглиги  $OO_1$  0,5  $Ш_{рук}$  га тенг ( $Ш_{рук}$  — дастлабки ҳисобланишлардан олинади).

$P_1$ ,  $P_2$  ва  $P_3$  ёрдамчи нуқталар ҳолати  $PP_1 = P_лP_2 = PP_3 - 0,5 (0,5 Ш_{рук} - Ш_{пр})$  кесмалар орқали аниқланади;  $P_1$ ,  $P_2$  ва  $P_3$  нуқталарда  $P_1P_3$  чизиққа перпендикулярлар кўтарилади.

$P_4$  ва  $P_5$  нуқталарнинг ҳолати:

$P_1P_4 = 0,25 Ш_{рук}$ ;  $PP_5 - PP_4$ ;  $P_5$  — энг қиямаси горизонтал билан уринган нуқтаси.

$P_6$  ва  $P_7$  нуқталарнинг ҳолати:

$PP_6 = P_лP_5$ ;  $P_6P_7 = 0,5 P_{рук}$ .  $P_7O_2 \perp P_4O_6$ . Тўғри чизиқ  $O_2P_4P_1$  нуқтадан кўтарилган перпендикуляр билан кесишган нуқтаси  $O_3$  билан белгиланади.  $O_2P_6$  ва  $O_1P$  кесмалар кесишган нуқта  $P_8$  билан белгиланади.

$O_4$  ва  $O_5$  нукталар ҳолати:

$$O_2O_4 = 0,5 \quad O_2O_3;$$

$$O_4O_5 = 2 \text{ см} — O_2O_3$$

кесмага перпендикуляр.

$P_9$  нукта  $P_8P_4$  ва  $ОН$  кесмалар кесишган жойни аниқлайди.

$P_8$  нуктадан ўтқазилган горизонталнинг ҳамда  $P_2$  ва  $P_3$  нукталардан ўтқазилган вертикалларнинг кесишган нукталари  $P_{10}$  ва  $P_{11}$  билан белгиланади.

$O_6$  нукта  $P_9O_1O$  бурчак биссектрисасида жойлашган.  $O_1O_6 = 2 — 3$  см.

$P_{10}$ ,  $O_6$ ,  $O_2$ ,  $O_5$ ,  $O_3$ ,  $P_9$ ,  $P_5$  ва  $P_{11}$  нукталарни бирлаштириб энг қиямасининг чизиғи ҳосил қилинади.


$P_{11}P_7$  тўғри чизик энг қиямасининг остки қисм йўналишини аниқлайди.

Энг олд ўтар чизиғининг эгилиши  $ЛЛ_1 = 1 — 1,5$  см.  $P_9Л_1Н$  — олд ўтар чизик.  $Л_1P_9$  тўғри чизик  $P_6P_4$  горизонтал билан кесишган нукта  $P_{11}$  билан белгиланади.  $Н_1$  нуктанинг энг учи чизиғидаги ҳолати  $НН_1 = 15$  см кесма орқали  $Н_2$  нукта эса (енг учининг қиялиги) —  $Н_1Н_2 = 2$  см кесма билан аниқланади.

Энг учининг кенглиги ёйилган ҳолатда моделга мувофиқ ёки формуладан ҳисобланади.

$$Ш_{руқ.вн.} = 0,5 Ш_{руқ} + 10.$$

Тирсак ўтар чизиғининг энг учидаги ҳолати  $НН_3 = 0,5$   $Ш_{руқ.вн.}$  кесма орқали аниқланади. Тирсак ўтар қисмининг кенглиги энг учининг чизиғида  $Н_3Н_9$  кесмага тенг. Тирсак ўтар қисмининг кенглиги энг учининг чизиғида 0 га тенг, ёки 1 см дан катта бўлиши керак.



3. 9-расм. ЦНИИШП методикаси бўйича энг конструкцияси асосининг чизмаси.

$P_{13}, P_{14}, L_2, L_3, H_4, H_5$  нуқталарнинг ҳолати:  
 $P_n P_{13} = P_n P_{14} = L_1 L_2 = L_1 L_3 = H H_1 = H H_5 - 2 -$   
 — 2,5 бу ерда 2 — 2,5 см — олд утар қисмининг кенглиги.  
 $H_6 H_9$  — енг остки қисмининг чизиғи; нуқта  $H_6$  дан  $L_2 H_9$   
 тўғри чизиққа тикланган  $H_6 H_7$  перпендикуляр.  $H_7 H H_8 H_9$  —  
 енгнинг устки қисмининг чизиғи:  $P_{15} P_{16} - P_{15} P_2$  тўғри чизиқ-  
 қа  $P_{15}$  нуқтадан кўтарилган перпендикуляр.

Енг устки қисми қиямаси  $P_{16}$  нуқтага келтирилади.

$P_4 H_3$  тўғри чизиқ тирсак чизиғи билан кесишган нуқта  
 $L_4$  билан белгиланади.

Тирсак чизиғида тирсак утар чизиғининг ҳолати —  
 $L_4 L_5 = 1, 5 - 2$  см. Тирсак чизиғидаги тирсак утар қис-  
 мининг кенглиги —  $A_5 L_6 = L_5 L_7 = 1,5 - 2$  см.

Енг қиямаси ва ўмизи бўйича кертикларни тақсимлаш  
 (3.10-расм).

Кертиклар ҳолати (назорат белгилари) чизмада ўлчанган  
 енг қиямаси билан ўмиз узунлигининг айирмаси  $P_{\text{пос.ф}} =$   
 $= D_{\text{ок}} - D_{\text{рп}}$  тариқасида аниқланган ҳақиқий кириштириш  
 микдорига боғлиқ.

Ўмиз узунлиги  $P_1$  нуқтадан  $P_4$  нуқтагача ўлчанади. Орт  
 ўмизни кириштириб дазмоллашга қўшимча ( $P_1 P_8$ ) ҳисобга  
 олинмайди. Енгда олд остки кертик —  $P_9$  нуқта. Ўмизда  
 унга  $P_{91}$  нуқтада назорат белгиси мос келади. Бунда  
 $P_6 P_{90} = P P_9 + 0,5$ , бу ерда  $P P_9$  — енг чизмасидан олинади  
 (3.9-расм);  $P_{90} P_{91}$  (3.10-расм) — горизонтал:  $P_{91}$  — олд бўлак  
 ўмизининг горизонтал билан кесишган нуқтаси.

Ўмиз ва қияма бешта участкага бўлинади — I, II, III,  
 IV, V.

Олд ўмиздаги олд тепа кертик — нуқта 4. Енгда унга  
 нуқта 4I мувофиқ келади.

$P_9 4I = P_9 4 + 0,13 P_{\text{пос}}$  (бу ерда  $P_9 4$  — олд бўлак чиз-  
 масидан олинган кесма).


Ён қиямасидаги юқориги кертик — нуқта  $P_{41}$ . Ўмизда  
 унга нуқта II<sub>4</sub> мос келади.

$4I P_{41} = 4 P_4 + 22 P_{\text{пос}}$  (бу ерда 4  $P_4$  — олд чизмаси-  
 дан олинган кесма).

Енгнинг олд чокига мувофиқ келган ўмиздаги кертик  
 — нуқта  $P_{16}$

$P_{91} P_{16} = P_9 P_{16} - 0,06 P_{\text{пос}}$  (бу ерда  $P_9 P_{16}$  — енг чизма-  
 сидан олинган кесма), Енгнинг тирсак чокига мувофиқ бўл-  
 ган ўмиздаги кертик — нуқта  $P_{01}$

$P'_{16} P_{01} = P_{15} P_{11} - 0,24 P_{\text{пос}}$  (бу ерда  $P_{15} P_{11}$  — енг чиз-



3. 10-расм: Енг ўмизи ва қиямасида назорат белгиларининг (керикларнинг) жойлашиши

масидан олинган кесма). Ўмизнинг  $P_{01}P_1$  участкасига мувофиқ бўлган  $P_{10}P_{41}$  қияманинг участкасида  $0,35 P_{\text{пос}}$  кириш тирилади.

Шундай қилиб, кириштиришни ҳисобга олиб ўмиз ва енг қиямасининг участкалари қуйидагича аниқланади:

$$I - P_9A1 = P_{91}A + 0,13 P_{\text{пос}};$$

$$II - 41 P_{41} = 4 P_1 + 0,22 P_{\text{пос}};$$

$$III - P_{91}P_{16}^* = P_9P_{16} - 0,06 P_{\text{пос}};$$


$$IV - P_{16}^*P_{01} = P_{15}P_{11} - 0,24 P_{\text{пос}};$$

$$V - 0,30 P_{\text{пос}},$$

### 3.3.2. [11, 12] методи бўйича ўтқазма енг конструкциясининг чизмасини қуриш

Ўтқазма енг конструкциясининг чизмаси [11,12] методи бўйича қўлнинг ўлчамлари ва ўмизнинг параметрларига тўлиқ мослаб қурилади. Енг қиямасини ўмиз билан тўғри туташтириш мақсадида уларнинг размери ва шакли бир-бирига мос бўлиши зарур. Енг қиямаси билан ўмизни тўғри туташтириш учун унинг узунлиги билан вертикал диаметрини аниқлаш керак.

Чизмада ўмиз узунлиги  $D_{\text{пр}} P_1$  нуқтадан  $P_5$  нуқтагача (3.11-расм) қиррасига қўйилган металл рулетка ёрдамида ўлчанади.



3. 11-расм. Ҷмизда энг ассининг чизмаси ва энг кенгайтирилиши билан боғлиқ Ҷмиз ўзгаришлари:

*a* — Ҷми ; *б* — ўзгаришлар киритилган Ҷмиз; *в* — энг асоси.

Очиқ Ҷмизнинг вертикал диаметрини аниқлаш учун Ҷмизнинг юқори нуқталарини ( $P_1$  ва  $P_5$ ) бирлаштирадиган кесма ўртасидан бўлинади, яъни  $P_1O = 0,5 P_1P_5$ .  $O$  нуқтадан Ҷмиз чуқурлигининг чизигига перпендикуляр туширилади. Олинган  $OO_1$  кесма очик Ҷмизнинг вертикал диаметри бўлади.

Энг қиямасининг баландлиги  $O_1O_2$  ёпиқ Ҷмизнинг вертикал диаметрига мос келиб, келтирилган формула бўйича аниқланади:  $O_1O_2 = OO_1 - (2,75 - 3)$ , бу ерда  $2,75 - 3$  см минимал кириштириб дазмоллаш билан ўрнатилган энг қиямасининг баландлиги минимал миқдорига эга бўлган Ҷмизга ўрнатилган энгга тааллуқли қиймат ( $88 - 104$  размерлар учун).

Энг Ҷмизга тикилган чок ҳақи энг томонга ётқизиб дазмолланганда  $O_1O_2$  кесма қуйидаги қийматларга эга бўлади, см:

$O_1O_2 = OO_1 - 2,5 - 88 - 92$  размерлар;

$O_1O_2 = OO_1 - 2 - 96 - 100$  размерлар;

$O_1O_2 = OO_1 - 1,5 - 104$  размердан катта.

Ўмиз чуқурлигининг сатҳидаги энг кенглиги икки хил усулда аниқланади:

*Биринчи усул.* Энг кенглиги ўмизнинг узунлигига  $D_{пр}$  ва энг қиямасининг баландлигига  $O_1O_2$  боғлиқ ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ш_{рук. расч.} = 0,5 [1,25 (D_{пр} + P_{пос}) - 1,6 O_1O_2 - 1,8],$$

бу ерда  $P_{пос}$  — энг қиямасининг киритиш ҳақи; у газлама тури ва ўмиз узунлигига боғлиқ, яъни  $P_{пос} = D_{пр}H$ .

Қуйида ўмиз узунлигининг 1 см га тўғри келадиган энг қиямасининг кириштириш нормаси келтирилган.

Газламалар	Кириштириш нормаси, см
Таркибида 30 % дан ортиқ синтетик толали костюмбоп жун газлама	0,04 — 0,06
Таркибида 30 % гача синтетик толалн костюмбоп жун газлама	0,06 — 0,08
Костюмбоп соф жун газлама	0,08 — 0,1
Пальтобоп соф жун юпқа мовут, костюмбоп мовут газлама	0,1 — 1,12
Қисман жундан қалин мовут ва юпқа мовут драплар, пальтобоп жун газламалар	0,12 — 0,14
Соф жундан юмшоқ юпқа мовут драплар	0,15 — 0,16

Шундай қилиб, ўмизга бурмасиз ва тахламасиз тикилган энгнинг чоки аёллар уст кийимларида энг томонга ётқизишли шарти билан энг қиямасининг кириштириш миқдори ўмиз узунлигининг 4 дан 16 фоизгача оралиқда бўлади. Каттароқ кириштириш нормаси энг қиямасининг юқори қисмини тўлароқ кўрсатади.

*Иккинчи усул.* Энгнинг исталган кенглиги елка айланасининг ўлчамига  $O_n$  ва энг тўқислигига бериладиган қўшимча  $P_{о.п}$  га боғлиқ ҳолда келтирилган формула бўйича аниқланади:

$$Ш_{рук. жел} = 0,5 (O_n + P_{о.п}).$$

Қўшимча  $P_{о.п}$  энг шакли ҳосил бўлишида ва одатда, янги мода йўналишининг тавсияларида келтирилишини ҳисобга олганда, бу усул ҳам текшириб турилади.

Агар энгнинг ҳисобланган кенглиги исталгандан камроқ бўлса, бу ҳолда энг исталган кенгликкача катталаштирилади.

Лекин энг қиямасининг ҳисобланган кирриштириш ҳақини сақламоқ учун ўмиз кенглиги исталган ва ҳисобланган  $0,4 \Delta_{рук}$  энг кенглигининг фарқига катталаштирилади, ўмиз чуқурлиги эса  $0,4 \Delta_{рук}$  миқдорга чуқурлаштирилади. Ўмизни маълум даражагача кенгайтириш мумкин. Шунинг учун ўмиз олд ва орт булакларининг юқори қисмига қушимча қилиб қўйилган хиштак кўринишида кенгайтирилиши мумкин:

$$e_1 e_2 = \Gamma_5 e_3 = 0,5 \Delta_{рук}; \Gamma_1 \Gamma'_1 = 0,4 \Delta_{рук} \quad (3.11\text{-расм, б}).$$

Ён қирқимларнинг учидан 4,5 — 6 см пастроғини ва нуқталар билан бирлаштирган ҳолда ён қирқимларнинг фақат юқори қисми ўзгаради.

Агар ўмиз сатҳидаги буюмнинг бундай кенгайиши маъқул бўлмаса, энг чизмаси қурилгандан кейин ҳақиқий кирриштириш миқдори ҳисоблангандаги миқдор билан таққосланади. Уларнинг фарқи энг қиямасидаги витачкага олинади. Агар моделда кўзда тутилган бўлса, ўмиз сатҳида энг конуссимон кенгайтирилиши мумкин.

**Энг асосининг чизмаси.**  $O_1$  нуқтада кесишган икки ўзаро перпендикуляр чизиқлар ўтқазилади (3.11-расм, в).  $O_1$  нуқтадан тепага ўмиз чизигида ўлчанган энг қиямасининг баландлигига тенг кесма қўйилади.  $O_2$  нуқтадан пастга энг узунлиги қўйилади:  $O_2 M = D_{рук, зап} \pm m$ , ёки  $O_2 M = D_{р, жел}$  (бу ерда  $m$  — мода талабларига боғлиқ бўлган киймат).

$O_2$  ва  $M$  нуқталардан горизонтал чизиқлар ўтқазилади.

$O_1$  нуқтага нисбатан чап ва ўнг томонларга симметрик равишда ўмиз сатҳидаги энг кенглигининг ярмига тенг кесмалар қўйилади ва  $P_n$  ҳамда  $P_n$  нуқталар ҳосил бўлади. Бу нуқталар орқали тепага ва пастга  $O_2 M$  чизиққа параллел вертикал чизиқлар ўтқазилади ҳамда  $O_2$  нуқтадан ўтқазилган горизонтал билан  $O_3$  ва  $O_4$  нуқталарда,  $M$  нуқтадан ўтқазилган чизиқ билан эса  $M_1$  ва  $M_2$  нуқталарда кесишади. Кейин энг қиямасини ўтқазиш учун ёрдамчи нуқталарнинг ҳолати аниқланади:

$$P_n P'_6 = \Gamma_4 P_6 \quad (3.11\text{-расм, а ва б ларга қаранг}); P'_6 l = 0,5^*;$$

$$P_n P_3 = \Gamma_1 P_3; P_3 P'_3 = P'_6 l.$$

\* Уст кийимларнинг  $P_{оп} < 8$  см булган ўтқазма энглариини конструкцияда  $P_{оп}$  нинг хар 1 см камайишига  $P_6$  нуқтада энг қиямасининг кенглиги 0,2 см ошади.

Кейин  $O_5$  ва  $O_6$  нуқталарнинг ҳолати аниқланади;  $O_3O_5 = 0,5$   $O_2O_3 - 2$ ;  $O_2O_6 = 0,5$   $O_2O_4$ .

$1$ ,  $O_5$  ва  $P'_3$ ,  $O_6$  нуқталар ёрдамчи чизиклар орқали бирлаштирилади.  $O_2O_5$  бурчак биссектрисасида  $O_32 = 2 - 2,5$  см кесма белгиланади;  $O_2O_6P'_3$  бурчак биссектрисасида  $O_33 = 1 - 2$  см кесма қўйилади.  $1$ ,  $2$ ,  $O_2$ ,  $3$  ва  $P'_3$  нуқталар орқали енг қиямасининг юкори қисми ўтқазилади. Енг қиямасининг пастки қисмини қуриш учун  $1'$ ,  $P'_1$ ,  $\Gamma'_2$ ,  $4$ ,  $5$  ва  $6$  нуқталарнинг ҳолати аниқланади:

$P'_61' - P'_61$  ( $P'_6$  нуқтадан чапга);  $P_3P'_3 - P_3P'_3$  ( $P_3$  нуқтадан ўнгга);  $P'_nP'_2 = 0,5$   $Ш_{пр} + P'_61 = 0,5$   $\Gamma_1\Gamma_4 + P'_61$ .

$P_3$  ва  $\Gamma_2$  нуқталар тўғри чизик билан бирлаштирилади ва ҳосил бўлган кесма ўртасидан бўлинади. Бўлинган нуқта  $4$  билан белгиланади.  $4$  нуқтадан перпендикуляр  $4 - 5$  кўтарилади:

$P'_34 - 0,5$   $P'_3\Gamma'_2$ ;  $4 - 5 = 1 - 2$  см;  $P_п6 - \Gamma_42 + P'_61$ .

$1'$ ,  $6$ ,  $\Gamma'_2$ ,  $5$  ва  $P_3$  нуқталар (3.11-расм, в) равон эгри чизик орқали бирлаштирилади ва енг қиямасининг пастки қисми ҳосил бўлади.

Енг учини қуриш учун  $M_1$  ва  $M_2$  нуқталардан тепага ва пастга  $1,5$  см қўйилади ва ҳосил бўлган  $M_1$  ва  $M_2$  нуқталар тўғри чизик билан бирлаштирилиб тўғри енгнинг тайёр ҳолдаги учи олинади.

Енг узунлиги бўйича ва уни торайган ҳолда, учининг кенглиги  $M'_1$  нуқтадан чапга  $M'_1M'_2$  чизик бўйича қўйиб  $M_3$  нуқта билан белгиланади. Бу вариантдаги енг учининг чизиғи  $M'_1M'_3$  кесма.

Кейин тирсак чизигининг сатҳи аниқланади:  $P'_6Л = 0,5$   $P'_6M'_1$ .

$M_3$  ва  $P_л$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштирилади ва тирсак чизиғи билан кесишган нуқтаси  $Л'$  билан белгиланади. Сўнгра тайёр енгнинг контури аниқланади. Таркибида синтетик толали газламалар учун тирсак чизиғи бўйича олд ўтар чизикнинг эгилиши  $ЛЛ_1 - 0,5 - 0,7$  см ва ҳамма бошқа газламалар учун  $- 1 - 1,5$  см.

$P_п$ ,  $Л_1$  ва  $M'_1$  нуқталар тўғри чизиклар орқали бирлаштирилиб енгнинг олд ўтар чизиғи олинади.

Тирсак ўтар чизиғи  $P_3$ ,  $P_л$ ,  $Л'_2$  ва  $M_3$  нуқталар орқали равон ўтади. ( $Л'Л'_2 = 1 - 1,5$  см енг шаклига боғлиқ ҳолда.)

Аёллар уст кийимида энгларнинг конструкцияси шакли ва технологиясига боғлиқ ҳолда бир чокли, икки чокли ва камдан-кам уч чокли бўлиши мумкин.

Бир чокли энгда (3.12-расм, а) остки чок ҳар хил жойланиши мумкин. Чок энгнинг ўртасида жойлашган (учи  $O_1$  нуқтада), лекин олд ўтар чизиқ томонга сурилган бўлиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолда олд ўтар қисмининг эни энгнинг ўмиз ости кенглигининг ярмисига, учининг кенглиги эса тайёр ҳолдаги энгнинг ярмисига тенг. Агар газлама етарли даражада зич ва қаттиқ бўлса, олд ўтар қисмининг эни юқорида ва пастда 3—4 см гача торайиши мумкин.

Аёллар уст кийимида бир чокли энг узунлиги ва пастки учи бўйича ҳар хил шаклга эга бўлиши мумкин, лекин кўпинча энг учига бир оз торайган бўлади. Учига торайиш даражасини энгнинг, ўмизнинг ва умуман буюмнинг шакли аниқлайди.

Агар чок, энгнинг эни бўйича ўртасида жойлашган бўлса,  $O_1$ ,  $L_3$  ва  $M'$  нуқталар орқали равон чизиқ ўтказилади. Бунда  $P_n O_1 = 0,5 P_n P_n$ ;  $L_1 L_3 = 0,5 L_1 L_2$ ;  $M_1' M' = 0,5 M_1' M_3$ , 7—8 кесма эса 1—1,5 см га тенг.

Кейин энг чизмаси олд ўтар чизиққа нисбатан ёйилади:  $P_n P_1 = P_n O_1$ ;  $L_1 L_4 = L_1 L_3$ ;  $M_1' M_4 = M_1' M'$ .  $M_4$  нуқтадан  $M'$  нуқтадан ўтказилган горизонталда жойлашади.

Олд қирчимнинг учи  $P_n L_1$  чизиққа  $P_n$  нуқтадан кўтарилган перпендикуляр билан  $P_1 L_4$  чизиқ кесишган  $P_1'$  нуқтада жойлашган. Энг чизмасининг чизиғи  $P'$  нуқтагача давом эттирилади.

$M_1$  ва  $M_1'$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади. Кейин энг чизмаси тирсак ўтар чизиғига нисбатан ёйилади:  $P_n P_2 = P_n O_1$ ;  $L_2 L_5 = L_2 L_3$ ;  $M_3 M_5 = M_3 M'$ ;  $P_n P_2'$  кесма  $P_n P_2'$  чизиққа  $P_n$  нуқтадан кўтарилган перпендикулярда жойлашган.  $L_2$  нуқтадан  $L_2 M_3$  чизиққа витечканинг пастки томони бўлган перпендикуляр кўтарилади.  $L_2 L_5 = L_2 L_3$ .

$L_5$  ва  $M_5$  нуқталар тўғри чизиқ орқали туташтирилади. Тирсак ўтар чизиғи етарли даражада равон бўлиб витечка кўринмаслиги учун унинг учи, кенглигига боғлиқ ҳолда ўтар чизиққа 1—2 см етқазилмайди.

Агар ўмиз сатҳидаги энг кенглиги билан учининг фарқи катта бўлса, витечканинг кенглиги катта бўлиши мумкин (3 см дан каттароқ). Бу ҳолда иккита: бири тирсак чизиғида, иккинчиси эса 2—3 см ундан

юқорироқ ёки пастроқ витачка ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Икки чокли энглар буюмнинг ва уларнинг шаклига қараб конструктив ҳал қилинади: улар тирсак ва олд ёки устки ҳамда остки қисмлардан иборат бўлиши мумкин.


Икки чокли энгнинг биринчи варианты ўзининг шакли бўйича тирсак соҳасида ифодали шаклни ҳосил қилишга имкон беради. Иккинчи вариант (классик шакл) кўпроқ уст кийимда қўлланади, у тирсак соҳасида ифодали ёнлама кўринишни ҳосил қилишга ёрдам беради. **Тирсак ва олд бўлақлардан тузилган икки чокли энг чизмаси.** Бу вариантдаги энгнинг чизмаси (3.12-расм, а даги штрихли чизиқларга қаранг) тирсак чизиғида витачкали бир чокли энг асосида қурилади. Устки чок энг қиямаси бўйича кириштириб ўтқазилгани, ўмиз сатҳида энгнинг кенглигини, энгнинг узунлиги бўйича шаклини ўзгартиришга имкон яратади, лекин асосий чизмага нисбатан энг қиямасиниқг баландлигини 0,5—0,7 см кўтаришни талаб қилади.

Энг қиямасининг юқори қисмида 2,5—4,5 см кенгликдаги витачкалар лойиҳаланади. Агар буюм елка ёстиқчасиз бўлса,  $O_2$  нуқтага нисбатан витачканинг кенлиги қуйидагича тақсимланади:  $O_2O'_2 = 1,5—2,5$  см;  $O_2O'_2 = 1—2$  см.

Агар буюм елка ёстиқчали бўлса, витачка кенлиги  $O_2$  нуқтага нисбатан симметрик тақсимланади. Энг чокига ўтадиган витачканинг узунлиги ва шакли энгнинг шаклига боғлиқ.  $O_1$  нуқтадан чапга ва ўнгга энгнинг шаклига боғлиқ ҳолда кесмалар қўйилади:  $O_1O'_1 = O_1O''_1 = 0,5—1,2$  см.

Энг олд қисмининг юқори чизиғи  $O'_2$ ,  $O'_1$  ва  $M'$  нуқталар орқали ўтқазилади, тирсак чизиғи эса —  $O_2$ ,  $O_1$  ва  $M'$  нуқталар орқали.

«Овал» силуэт шаклидаги уст кийимларда ва бошқа ўхшаш шаклларда тирсак соҳасида энгнинг ҳажми катталаштириб кўрсатилади ва бу ҳолда конструкция чизмасига энг учидан тирсакка йўналган витачка киритилади. Айни ҳолда олд қисмининг устки қирқими аввалги вариантга ўхшаш ўтқазилади ( $O_2$ ,  $O'_1$  ва  $M'$  нуқталар орқали), тирсак қисми эса —  $O_2$ ,  $O'_1$  ва  $M$  нуқталар орқали. Энг учидаги витачканинг кенлиги  $M'M$  тирсак қисмининг учига  $M_5$  нуқтадан чап томонга  $M_5$  нуқтагача қўшилади, яъни  $M_5M_5 — M'M$ ;



3. 12- расм. Ўтқазма енг варианты:

*a* — бир чокли; *b* — устки ва остки бўлақлардан тузилган икки чокли.

$M'_5$  ва  $L'_5$  нуқталар тирсак қирқимининг конфигурациясини бир оз ўзгартириб тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади.

**Устки ва остки қисмлардан тузилган икки чокли енг чизмаси** (3.12- расм, *b*). Бундай енгда чоклар ичкарига сурилиб, енг шаклига ва газламанинг хусусиятига боғлиқ ҳолда олд ва тирсак ўтар чизиқларидан маълум масофада жойлаштирилади.

Олд чокнинг чизиғи  $P_n$ ,  $L_1$ ,  $M'_1$  олд ўтар чизиқдан чап томонда, аёллар кийими учун ўзгарувчан бўлган олд ўтар қисмининг  $P_n P_1$  кенлигига тенг масофада жойлаштирилади. Қаттиқ газламалардан тайёрланадиган кийимлар учун  $P_n P_1 = 0 - 2,5$  см; ўртага ва юмшоқ газламали буюмлар учун  $P_n P_1$  ўлчам 4 см гача бўлиши мумкин. Одатда олд-

ўтар қисмининг кенлиги узунлиги бўйича бир хил олинади:  $L_1 L_4 = M'_1 M_4 = P_n P_1$ :

$M_4$ ,  $L_4$  ва  $L_4$ ,  $P_1$  нуқталар тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилади.  $L_4 P_1$  тўғри чизиқ енг қиямаси билан  $P'_1$  нуқтада кесишгунча тепага давом эттирилади.

Тирсак чокининг чизиғи тирсак ўтар чизиғидан ( $P_3$ ,  $P_4$ ,  $L_3$ ,  $M_3$ ) ўнг томонга, тирсак ўтар қисмининг кенлигига тенг масофада жойлаштирилади. Бу масофа ҳам аёллар кийими учун ўзгарувчан қиймат бўлиб, тирсак соҳасидаги енгнинг шаклига, газламанинг толалар таркибига ва енг учидagi тирсак чокининг шаклига боғлиқ. Тирсак ўтар қисмининг ўмиз чизиғи сатҳидаги кенлиги  $P_n P_2 = 2 - 6$  см; учиди —  $M_3 M_5 = 0 - 2$  см (тахминан  $\frac{1}{3} P_n P_2$ ).

Намлаб-иситиб ишлов беришга кам мослашган газламалардан тайёрланган буюмларда тирсак чокида қирқими бўлган, тор енгларда ва тирсак чизиғидан учига кенгайган енгларда тирсак ўтар қисмининг кичик миқдорлари олинади.

Юмшоқ газламалардан тайёрланган (узунлиги бўйича озгина кенгайган) оддий енгларда тирсак қирқимида енгнинг устки қисми кириштирилади, шу билан бирга тирсак соҳасида етарли даражада ифодали шакл ҳосил бўлади.

$P_2$  нуқтадан тепага  $P_n P_n$  чизиққа  $P'_3 5$  енг қиямаси билан  $P'_2$  кесишгунча перпендикуляр кўтарилади.

$P'_2$  ва  $M_5$  нуқталар тўғри чизиқ билан туташтирилади, уни тирсак чизиғи билан кесишган нуқтаси  $L'_5$  билан белгиланади:  $L'_5 L'_5 = 1 - 1,5$  см.

Тирсак чокининг контури  $P'_2$ ,  $L'_5$  ва  $M_5$  нуқталар орқали шакллантирилади. Шундай қилиб, енг ости қисмининг  $P'_2$ ,  $5$ ,  $G'_2$ ,  $P'_1$ ,  $T_4$ ,  $M_5$ ,  $L'_5$  ва  $P'_2$  нуқталар орқали ўтган контури ҳосил қилинди. Кейин енг юқори қисмининг контури аниқланади. Бу мақсадда ўтар чизиқлар нисбатан енг чизмасининг ёйилмаси тузилади.

Енг устки қисмининг олд қирқими (олд ўтар чизиққа нисбатан ёйилмаси). Олд ўтар қисм:  $P_n P_4 = L_1 L_6 = M'_1 M_6 = P_n P_1$ .  $M_6$  нуқта  $M_4$  нуқтадан ўтқазилган горизонталда жойлашган.

\* Елка айланаси соҳасида ( $O_n$ ) енг шаклига ва газламалар хусусиятига боғлиқ ҳолда кириштириш ҳақи  $P_6 P_6 = 0,7$  см ўринли бўлиши мумкин.

$P'_6 P_n P_4$  бурчак иккига бўлинади ва бурчак биссектрисаси-  
да  $P_n$  б кесмага тенг бўлган  $P_n$  б кесма қўйилади.  $M_6, L_6$  ва  
 $L_6, P_4$  нуқталар тўғри чизиқлар орқали туташтирилади.  
 $L_6 P_4$  кесма  $P_4$  нуқтадан юқорига кўтарилади.

Олд қирқимнинг юқори нуқтаси  $P'_4 P'_1 L_4$  тўғри чизиққа  
 $P_1$  нуқтадан кўтарилган перпендикулярни  $L_6 P_4$  чизиқнинг да-  
воми билан кесишган нуқтада олинади. Енг қиямаси 1 ва 6'  
нуқталар орқали  $P'_4$  нуқтагача ўтқазилади. Устки қисмининг  
олд қирқими  $P'_4, P_4, L_6$  ва  $M_6$  нуқталар орқали ўтади.

Енг устки қисмининг тирсак қирқими (тирсак  
ўтар чизигига нисбатан ёйилмаси)  $P_n P_5 = P_n P_2$ .

$P_5$  нуқтадан тепага  $P_2$  нуқтадан ўтқазилган горизонтал  
билан  $P_6$  нуқтада кесишгунча  $P_4 P_5$  чизиққа перпендикуляр  
кўтарилади.

$P_6$  ва  $P'_3$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади  
ва енг қиямасининг тирсак қисми ҳосил бўлади.

Тирсак чизигида тирсак қирқимининг ҳолати ( $L_7$  нуқта):  
 $L_2 L_7 = L_2 L'_5$ .


Енг учининг сатҳида тирсак қирқимининг ҳолати ( $M_7$  нуқ-  
та):  $M_3 M_7 = M_3 M'_5$ .

$P_6, P_5, L_7$  ва  $M_7$  нуқталар раvon чизиқ орқали туташ-  
тирилади ва енг устки қисмининг тирсак қирқими ҳосил бў-  
лади.

Енг учи 3.12-расм, б да кўрсатилгандек  $M_7, M, M'_1$  ва  
 $M_6$  нуқталар орқали ўтади.

**Уч чокли енг чизмаси.** Уч чокли енгнинг ҳам аёллар  
уст кийим моделларини ишлаб чиқишда ўз ўрни бор.  
Унинг вариантларидан бирини устки ва остки қисмлар-  
дан тузилган енг конструкциясидан фойдаланиб олиш  
мумкин (3.12-расм, б).

Енгнинг устки қисмида устки қирқимларнинг контури  
чизилади. Қўрилаётган вариантда қирқимлар чизиги шундай  
жойлаштириладики, енг қиямасининг юқори қисмидаги ви-  
тачка енг ўмизига ўтқазилган пайтда кириштириш ҳақини  
бир оз камайтиришга имкон бериши керак (сунъий чарм,  
синтетик тодалар таркибидаги газламалар ва ҳ. к.), шу би-  
лан бирга енгнинг узунаси бўйича ва тирсак сатҳида унинг  
умумий ҳажми катталашмаслиги лозим. Енг устки олд қис-  
мининг юқори қирқими  $O_2, O_1, (O'_1), L_3$  ва  $M'$  нуқталар ор-  
қали ўтқазилади, енгнинг устки тирсак қисмининг юқори  
қирқими  $O''_2, O_1, (O'_1), L_3$  ва  $M'$  нуқталар орқали ўтқазила-  
ди (штрих чизиқларга қаранг);  $O_1 O'_1 = O_1 O''_1 = 0 - 0,7$  см.



3. 13- расм. Елкаси ростланган буюмлар енг қиямасининг шакли:

a — g — буюмлар вариантлари; d — g — енг қиямаси конструкциясининг ечими;  
 a' — a вариант учун; b' — b вариант учун; v' — v вариант учун; g' — g вариант учун.

Енг шакли буюмнинг елка поясининг шаклига ва буюмнинг умумий шакли билан узвий боғлиқ. Енг орқали шаклга хос юшоқлик ёки унинг келишганлиги ифодаланади. Елка пояси бир оз кенгайган ва тўғри елкали буюмларда енг қиямасининг конструктив шакли ҳар хил. Шу билан бирга ўмиз тўғриланади, елка қирқимлари 1—2 см қисқартирилади. 3.13- расмда қиямаси ҳар хил шаклдаги енгларнинг конструктив вариантлари келтирилган.

## Текшириш учун саволлар

1. Енглarning қандай бичимларини биласиз?
2. Қандай енг классик шаклдаги ўтқазма енг ҳисобланади?
3. Эркаклар кўйлагининг енгига ўхшаш ўтқазма енгнинг ўзига хослиги нимада?
4. Реглан енг учун нима хос?
5. Ярим реглан енг учун нима хос?
6. Қандай енг яхлит бичилган енг дейилади?
7. Енгнинг қандай бичими комбинациялашган дейилади?
8. Енг қиямасининг баландлиги қандай аниқланади?
9. Ҳиз сатҳида енгнинг кенглиги қандай аниқланади?
10. Ҳиз сатҳидаги енг кенглигига енг қиямасининг кириштириш ҳақи қандай таъсир қилади?
11. Енг қиямасининг узунлиги билан енг Ҳизининг узунлиги орасида қандай боғланиш бор?
12. Енг қиямасининг кириштириш ҳақи чизманинг участкалари бўйича қандай тақсимланади ва енг Ҳизи ҳамда қиямаси бўйича назорат белгилари (кертиклар) қандай жойлаштирилади?
13. Газлама хусусиятлари билан олд ўтар қисмининг кенглиги орасида қандай боғланиш бор?
14. Бир чокли енглр учун нима хос?
15. Енглarning қайси варианты икки чоклининг тирсак соҳасида етарли даражада ифодали шаклни ҳосил қилишга имкон беради.
16. Газлама хусусиятлари билан тирсак ўтар қисмининг орасида қандай боғланиш бор?
17. Уч чокли егни икки чокли енгнинг қайси варианты асосида ҳосил қилиш мумкин?
18. Буюмнинг елка пояси билан енг шаклининг ўртасида қандай боғланиш кузатилади?
19. Елка пояси тўғри бўлган буюмларга енг қиямасининг қандай конструктив вариантларини тавсия этиш мумкин?

### 3.3.3. Ўтқазма енгли ва Ҳизи чуқурлаштирилган аёллар кийими конструкциясининг хусусиятлари

Кийимнинг ушбу бичими конструктив ечимига кўра бир оз мураккаблашган. Ҳиз чуқурлаштирилганда одатда, буюмнинг умумий кенглиги (юмшоқликка) ортади, Ҳиз сатҳида енг кенгайди. Бу ҳол енг қиямасининг баландлиги кичрайишига ва енгнинг бўйлама қирқими узайишига таъсир қилади ва уларнинг ҳисобига ҳаракатнинг бемалоллиги таъминланади.

Ушбу бичимли буюмларда муайян қонуният кузатилади [12]: Ҳиз чуқурлиги билан енг қиямаси баландлиги орасида; енг қиямаси баландлиги билан бўйлама қирқимнинг узунлиги орасида; енг қиямаси баландлиги билан Ҳиз сатҳидаги енг кенглиги орасида; енг қиямасининг баландлиги билан газламанинг хусусиятлари ўртасида. Бундан келиб чиқадики, бу бичимли буюм-

лар конструкциясини ишлаганда фақат биргина маънога эга бўлган ечим бўлиши мумкин эмас.

Чуқурлашган ўмиз таги ҳар хил шаклда бўлиши мумкин (овалсимон, тўғри бурчакли ёки ўтмас бурчак кўринишида). Енг юқори чокларининг ечими ўмиз шаклига қараб ўзгаради. Ўмизнинг чуқурлиги енг қиямасини кириштириш миқдорига таъсир қилади: ўмиз чуқурлашган сари енг қиямасининг баландлиги кичраяди, кириштириш миқдори ҳам камаяди. Булардан ташқари, ўмиз чуқурлиги олд бўлак томондан буюмнинг бир оз яссиланишига, буюм олд ва орқа томонларининг кенгайишига ва буюмнинг елка пояси кенгайишига (елка чоклари узайиши ва уларнинг олд томонга ўтиши) таъсир қилиб, буюм ҳажмийлигини оширади.

Ўтказма энгли ва чуқурлашган овалсимон ўмизли аёллар уст кийимининг чизмасини қуриш. Конструкция чизмаси кўкрак чизиги бўйича ўртача қўшимчалар  $P_r$  миқдорини ҳисобга олиб, ўтказма энгли буюмнинг асосий чизмасида бажарилади (3.4-расм).

Ушбу бичимли буюмнинг чизмасини бажариш учун ўмизни қўшимча чуқурлаштириш,  $P_r$  ни катталаштириш ҳисобига буюм кенгайтирилиши, кўкрак витачкасини торайтириш, орт бўлак елка қирқимининг кириштириш ҳақи 1 см гача камайтилиши, елка чоки олд томонга ўтиши, елка чоклари узайтилиши даркор.

Бу ўзгаришлар буюмнинг шакли ва вазифасига ҳамда газламанинг хусусиятлари ва қалинлигига боғлиқ ҳолда ҳар хил даражада ҳисобга олиниши мумкин.

Чизманинг тузилиш схемасига киритилган буюмнинг берилган шаклига мос ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

1. Шакл юмшоқроқ, ҳажмдор бўлгани сари ўмиз чуқурлиги  $G_2G'_2$  (3.14-расм, а) катталашади. Чуқурлашиш 2 см дан бошланиб бел чизигигача етиши мумкин, бошқа ечим ҳам бўлиши мумкин.

2. Ён қирқимларнинг учини 1,5 — 2,5 см суриш ҳисобига буюм кенгайтирилади. Бу бичимдаги буюмларнинг ён чоки ўмизнинг ўртасида жойлаштирилади. Ҳаммаси бўлиб  $P_r$  қиймат 3 — 5 см катталаштирилади. Кенгайтириш ён қирқимларнинг булун узунлиги бўйлаб кўзда тутилиши мумкин, лекин хиштак орқали ҳам кенгайтириш мумкин, бу

ҳолда олд ва орт булақлар ён қирқимларининг учларини янги ҳолати олд ва орт булақлар билан учидан 5 — 6 см масофада бирлашиб кетади.  $\Gamma_2'g = \Gamma_2'g_1 = 1,5 — 2,5$  см\*.

3. Олд булақни яссилантириш мақсадида кўкрак витачкаси қисман ўмизга ўтқазилиши орқали кичрайтирилади. Витачканинг ўтқазилган миқдори унинг ярмисигача бўлиши мумкин. Витачканинг қолган кенглиги елка қирқимидан ёқа ўмизига ёки ён қирқимга ўтқазилади, ушбу витачка тайёр кийимда сақланиб қолади. Витачканинг ўмизга ўтқазилган қисми эса ўмиз чизигини бир оз узайтиришга ва ўмиз атрофида олд булақнинг яссиланишига хизмат қилади.

Витачка ўмизга қўйидагича ўтқазилади. Ўмиз чизигида  $v$  нуқта белгиланади, ва у  $\Gamma_7$  нуқта билан тўғри чизиқ орқали туташтирилади  $\Gamma_7$  нуқтадан  $\Gamma_7$  кесмага тенг радиус билан ёй чизилади ва витачканинг ёнлари билан кесишган нуқталар  $v_1$  ва  $v_2$  билан белгиланади. Ёйнинг  $v_1v_2$  кесмаси бу участкада витачканинг кенглигидир, унинг бир қисми ўмиз чизигига ўтқазилиб  $v'$  нуқта олинади:  $vv' = \frac{1}{3} - \frac{1}{2} v_1v_2$ .

Шундай қилиб ўмиз бир оз узайтирилади. Кейин елка қирқими  $A_9P_5'$  нинг йўналиши аниқланади.  $P_7A_9 = A_4A_8$ ;  $A_9P_5' = \Sigma_{п}$ ;  $v'P_5' = vP_6$ . Витачканинг қолган қисми график ёки макет усулида ёқа ўмизига ёки ён қирқимга ўтқазилади. Ана шу витачка айни бичимли тайёр кийимнинг витачкасидир.

4. Елка қирқим олд томонга 1,5 — 2 см сурилади. Бунда кириштириш ҳақи 1 см га камайирилади:  $A_9C = A_2A_1$ ;  $P_5P_5' = P_1P_1'$ ;  $A_4C' = A_9C$ . Витачканинг ёнлари тенглаштирилади:  $\Gamma_7C_2' = \Gamma_7C_2$ . Витачканинг узунлиги қисқартирилади:  $\Gamma_7\Gamma_7' = 3 — 4$  см.

5. Елка қирқимининг узайтирилиши, одатда, орт ва олд булақларнинг нуқталари  $P_3$  ва  $P_6$  да кенгайиши натижасида ўмиз чизиқларини тўғриланишига олиб келади. Елка қирқимлари 6 см гача узайтирилиши мумкин, яъни  $P_1'P_1'' = 0 — 6$  см.

Агар  $P_1'P_1'' > 3$  см, елка қирқимларининг учи 0,5 — 1,5 см пастга туширилади.

Олд ва орт булақларининг кенгайиши ихтиёрий, ҳатто ўмиз тирқишсимон шаклда бўлиши мумкин, яъни  $P_3P_3' =$

\*Агар ўмиз тирқишсимон бўлса, ўмиз сатҳида енг кўпроқ ёки камроқ кенгайирилиши мумкин.

$= P_1 P_0' = 0,5 - \frac{1}{2} Ш_{пр}$ . Тиркишсимон ўмизда энг қиямасининг баландлиги ногга яқин (5 см гача).

Юқорида қайд этилган бичимли буюмлар энгининг конструкцияси газламанинг хусусиятлари ва ўмизнинг параметрлари билан узвий боғлиқ. Конструкция ҳисобининг дастлабки маълумотлари қуйидагилар: ўмиз узунлиги  $D_{пр} = P_1' z + P_2' z_1$ ; ўмиз чуқурлиги  $P_2 \Gamma_1$ ; энг қиямаси бўйича кириштириш ҳақи  $P_{пос}$ , агар  $V_{ок} \leq 6$  см бўлса, ноъ (0) га тенг;  $V_{ок} > 6$  см да  $P_{пос} = 0,5 - 1$  см; ва  $V_{ок} > 10$  см да  $P_{пос} = 1,5 - 2$  см.

Энг чизмасининг қурилиши қияманинг баландлигини аниқлашдан бошланади. Ўмизи чуқурлашган аёллар уст кийимида энг қиямаси  $O_2 O_2$  нинг максимал баландлиги (3.14-расм б)  $OO_1$  минус 2,5—3,5 см га тенг бўлиши мумкин, лекин, агар қўшимча чуқурлаштириш 4 см дан ошмаса, қўпинча 0,5  $P_2 \Gamma_1$  қилиб олинади. Агар чуқурлик 10 см гача бўлса, энг қиямасининг баландлиги 8—10 см бўлиши мумкин; агар ўмизнинг чуқурлиги 10 см гача бўлиб, бел чизигигача етса, энг қиямасининг баландлиги 3—8 см ни ташкил қилади.

Ўмиз сатҳидаги энг кенглиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_1 P_2 = 1,25 (D_{пр} + P_{пос}) - 1,6 O_1 O_2 - 1,8.$$



Тайёр буюмда энгининг кенглиги  $P_{п} P_{л} = 0,5 P_1 P_2$ .

Агар ўмиз сатҳидаги энгининг кенглиги етарли бўлмаса ёки, аксинча, катта бўлса, исталган катталиқ ( $Ш_{рук. жел.}$ ) олинади ва унга мослаб энг қиямасининг баландлиги  $O_1 O_2$  қуйидаги формула бўйича қайтадан ҳисобланади:

$$O_1 O_2 = [1,25 (D_{пр} + P_{пос}) - Ш_{рук. жел.} - 1,8] / 1,6^*$$

Қиямаси баланд бўлмаган энгининг конструкциясида энг кенглиги шундай ҳам аниқланади:  $O_2$  нуқтадан (3.14-расм, в)

\* Уст кийим куп қаватли бўлимини ҳисобга олган ҳолда, унинг энги баландроқ қиямали, лекин жуда кенг қилинмийди. Куздан кечирилаётган энг варианты қўшимча чуқурлаштирмасдан асос чизмаси ўмизнинг параметрларига мослаб тузилади. Кейин чизмага ўмизни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги ўзгаришлар киритилади: энг қиямасининг баландлиги елка узайтирилган миқдорга пасайтирилади (3.14-расм а ва б лар)  $OO'' = P' P''$ ; ўмиз остидаги энг кенглиги қияма узайтирилган миқдорга кенгайтирилади ( $z_2 z_2$  ва  $z_3 z_1$ ). Айни пайтда  $P_3 z_2$   $P_6 \Gamma_1 = P_6 \Gamma_2$ . Чуқурлаштирилган ўмизнинг қолган кесмалари  $z_2 z_2$  ва  $z_3 z_1$  қиямага қўшиб қўйилади:  $P_2 P_4 = z_2 z_2$ ;  $P_1 P_6 = z_3 z_1$ ;  $P_4 P_4 = P_3 P_3 \approx 1$  см.




Ўмиз узунлигининг ярмисига тенг радиус билан, яъни  $0,5 (P_1e + P_{51}e_1)$  энг кенглигининг чизигида кертиклар белгиланади ва  $P_1, P_2$  нуқталар ҳосил бўлади:

$$O_1P_n = 0,5 O_1P_1; O_1P_n = 0,5 O_1P_2.$$

Агар ўмиз сатҳидаги энг кенглиги берилган бўлса,  $O_2$  нуқтанинг ҳолати  $0,5 D_{пр}$  тенг радиуслар орқали  $P_1$  ва  $P_2$  марказлардан аниқланади.

Энг қиямасининг баландлиги аниқлангандан сўнг  $O_2$  нуқтадан (3.14-расм,  $a$  ва  $b$ ) пастга энг узунлиги ўлчаб қўйилади.  $O_2M = D_{рук} - P_1P_1 \cdot O_1$ ,  $O_2$  ва  $M$  нуқталардан горизонтал чизиқлар ўтқазилади:  $A_1P_n = O_1P_n = 0,5 P_nP_n$ ;  $O_1P_1 = O_1P_2 = 0,5 P_1P_2$ .



3.14- расм. Ўтқазма энгли ва овалсимон чуқурлашган ўмизли аёллар уст кийимининг чизмаси:

$a$  — елкали буюмининг танаси;  $b$  — баланд қиямали энг варианты;  $a$  — паст қиямали энг варианты.

$P_n$  ва  $P_l$  нуқталардан тепага вертикал чизиклар ўтказилади ва  $O_2$  нуқтадан ўтказилган горизонтал билан кесилган нуқталар  $O_3$  ва  $O_4$  билан белгиланади.

$1$  ва  $P_3$  нуқталарнинг ҳолати энг қиямасининг баландлигига боғлиқ: агар  $O_1O_2 = 0,5 P_2\Gamma_1'$  бўлса;  $P_n1 = P$ ,  $P_3 = 0,5 O_1O_2$ ; агар  $O_1O_2 > 13$  см бўлса,  $1$  ва  $P_3$  нуқталарнинг ҳолати энг қиямаса энг баланд бўлган ўтқазма энг чизмаси қурилгандек аниқланади.

$P_2$ ,  $P_3$ ,  $O_2$ ,  $1$  ва  $P_1$  нуқталар тўғри чизиклар орқали бирлаштирилади. Энг қиямасининг чизигини ўтқазмиш учун қуйидаги ёрдамчи кесмалар аниқланади, см:

$$\begin{aligned} P_12 &= 0,5 P_11; 1-3 = 0,5 1O_2; \\ O_24 &= 0,5 O_2P_3; P_35 = 0,5 P_3P_2; \\ 2-2' &= 1 \dots 1,5; 3-3' = 1 \dots 1,5; \\ 4-4' &= 1 \dots 1,5; 5-5' = 0,5 (2-2'). \end{aligned}$$

Бу кесмаларнинг узунлиги энг қиямасининг баландлигига бевосита боғлиқ.

$P_2$ ,  $5'$ ,  $P_3$ ,  $4'$ ,  $O_2$ ,  $3'$ ,  $1$ ,  $2'$  ва  $P_1$  нуқталарни равоён бирлаштириб, энг қиямасининг чизиги ҳосил қилинади (3.14-расм, в).

Бўйлама қирқимлар ва учининг чизиги тўғри ўтқазма энг чизмаси бажарилгандек шаклланади, лекин бошқа ечим ҳам бўлиши мумкин.

Ушбу бичимли буюмларнинг конструкциясини ўрганишда ўмизнинг параметрлари билан энг ўртасида муайян боғланиш кузатилди. Ўмиз чуқурлиги ошган сари, одатда, ўмиз сатҳида энгнинг кенглиги катталашади, шу билан бирга моделда қўшимча юмшоқлик ва ҳажмийлик ҳосил бўлади. Моделлар ҳар хил вариантларининг энг қиямасининг баландлиги 5 дан 20 см гача ўзгариши мумкин, айни пайтда елка қирқими 3—8 см узаяди. Замоनावий кийимда энг қиямаса ўмизга кириштирилмасдан ўтқазилиши характерли. Айни пайтда ўмизга ўтқазилган энг чоки ёриб дазмолланади, бу елкадан энга равоён ўтишни таъминлайди.

Кенгайган елка поясини энг қиямасининг ҳисобига ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бунда қияма елка поясидан баланд бўлмай, елка чокининг давомидек кўринади. Бунга елка нуқтасига нисбатан елка пояси кенгайган миқдорига ўртасидан бўлинган қияма бўлақларини икки томонга суриш йўли билан эришилади (3.13-расмда ўтқазма энг қиямасининг елка поясининг шаклига боғлиқлиги кўрсатилган).

Бурчаксимон чуқурлашган ўмизли буюмларнинг чизмасини қуриш. Чизма аввалги моделнинг чизмасига ўхшаш тегишли силуэтни ўтказма энгли буюмнинг чизмаси асосида қурилади. Ўмизнинг пастки қисми ва энгнинг юқори қисми чизиқларининг шаклида бир оз фарқ булади.

Ўмиз аниқ шаклга эга бўлмоғи керак, шундай ўмиз ҳосил қилмоқ учун унинг пастки қисми торайтирилади (3.15-расм. а):  $\Gamma_1 \Gamma_1'' = \Gamma_4 \Gamma_4'' = 0,7 - 1$  см.

Спорт стилидаги буюмларнинг елка қирқими ҳам табиий узунликда, ҳам елка чоклари олдга ўтқазилган ва ўтқазилмаган, лекин узайтирилган бўлиши мумкин. Халқ услубида бажарилган буюмларда елка чоклари бир оз кичрайган бўлиши мумкин:  $P_1 O' = P_5 P_{51} = 1 - 2,5$  см.

Қурилаётган буюмнинг энг чизмасини қуриш принципи аввалги вариантдаги энгнинг чизмасини қуришдек қолади (3.15-расм. б). Энг қиямасининг максимал баландлиги  $O_1 O_2 = 0,5 P_2 \Gamma_1'$  (3.15-расм. а). Ўмизнинг чуқурлик сатҳидаги энгнинг кенглигини аниқлашда ўмизнинг  $\Gamma_1''$  ва  $\Gamma_4'' z_1$  участкалари ҳисобга олинмайди, чунки энг қиямаси фақат олд ва орт булақлар ўмизининг пастки бурчакларигача туташтирилади:  $\Gamma_1''$  ва  $\Gamma_4''$  нуқталар.

Ўмизнинг пастки участкалари ( $\Gamma_1''$  ва  $\Gamma_4'' z_1$ ) энгнинг бўйлама чокларининг юқори қисмлари билан бирлаштирилади, яъни чизмада (3.15-расм. а ва б)  $P_1 P_1' = \Gamma_4'' z_1$ ;  $P_2 P_2' = \Gamma_1'' z_1$ .

Энгнинг кенлиги ўмизнинг чуқурлиги сатҳида қуйидаги формула бўйича аниқланади:


$$P_1 P_2 = 1,25 [(P_1 \Gamma_1'' + P_5 \Gamma_4'') + P_{\text{пос}}] - 1,6 B_{\text{ок}} - 1,8,$$

бу ерда  $P_{\text{пос}}$  — энг қиямасини кириштириш учун қўшимча;  $B_{\text{ок}} \leq 6$  см бўлганда  $P_{\text{пос}} = 0$ ;  $B_{\text{ок}} > 6 - 10$  см да  $P_{\text{пос}} = 0,5 - 1$  см;  $B_{\text{ок}} > 10$  см да  $P_{\text{пос}} = 1,5$  см.

Агар кесма  $P_n P$  кичик ёки катта бўлса, у исталган миқдорда ( $Ш_{\text{рук жел}}$ ) олинади ва қуйидаги формула бўйича унга мувофиқ бўлган энг қиямасининг баландлиги қайтадан ҳисобланади:


$$O_1 O_2 = \{1,25 \cdot [(P_1 \Gamma_1'' + P_5 \Gamma_4'') + P_{\text{пос}}] - 2Ш_{\text{рук жел}} - 1,8\} / 1,6 \text{ (овалсимон чуқурлашган ўмизнинг қурилишига қаранг).}$$

Агар энг қиямасининг баландлиги 10 см дан катта бўлса, энг бўйлама қирқимларининг юқори қисмида эркин ҳаракатни таъминлаш учун яхлит бичиладиган хиштак қурилади.



Бу пайтда енг қиямасининг чизиги ўз шаклини бир оз ўзгартиради. Шу мақсадда  $P_1$  ва  $P_2$  нуқталардан тепага  $P_1P_4 = P_2P_5 = 1 - 1,5$  см кесмалар ўлчаб қўйилади. Енг қиямасининг чизиги, 3.15-расм, б да кўрсатилгандек,  $P_4$  ва  $P_5$  нуқталарга ўтказилади. Кейин  $P_1$  ва  $P_2$  нуқталарнинг ҳолати аниқланади (3.15-расм, а ва б лар):  $P_4P'_1 = \Gamma_4\sigma_1$ ;  $P_5P'_2 = \Gamma_5\sigma_2$ .

$P_4$   $P_5$  нуқталардан ўтказилган ёйларда  $P_1$  ва  $P_2$  нуқталардан хиштакнинг кенглиги ўлчаб қўйилади:  $P'_1P''_2 = P'_2P''_1 = 2 - 6$  см.  $P'_1$  ва  $P''_2$  нуқталар  $P_4$  ва  $P_5$  нуқталар билан тўғри чизиқлар орқали кейин енгнинг бўйлама қирқимлари билан раво чизиқлар билан туташтирилади. Енг қиямасининг  $P_5$ ,  $P_3$  ва  $P_4$ , 1 нуқталари орасидаги участкалар ва бўйлама қирқимларнинг юқори участкалари сал чўзилади.



3. 15-расм. Ўмизи — бурчаксимон чуқурлашган аёллар уст кийимининг чизмаси: а — буюм танасининг чизмаси; б — енг чизмаси.

Агар модель миллий костюм анъанасида бажарилса, конструкция деталларининг шакли содда бўлиши керак (оддий геометрик шаклларга яқин). Бу мақсадда конструкцияда қирқма ён бўлақларнинг ҳар хил вариантлари, туғри бурчакли деталлар — қопламалар, тик кўтарилмали деталлар ва ҳ.к. ишлатилади.

Буюмнинг бу вариантида чизмада олд ва орт бўлақларнинг уринмалари пастга бел чизиғи билан  $T_1$  ва  $T_4$  нуқталарда (3.15-расм, *a*), бўкса чизиғи билан  $B_6$  ва  $B_7$  нуқталарда, этак чизиғи билан  $H_6$  ва  $H_7$  нуқталарда кесишгунча давом эттирилади. Агар буюм сал ёпишиб турадиган бўлса, унинг ён чизиқларида витачкалар шакллантирилади:  $T_1T_3 = T_4T_5 = 1-1,5$  см.

Орт бўлақнинг ён чизиғи  $G_1$ ,  $G_3$ ,  $B_6$  ва  $H_6$  нуқталар орқали шаклланади.  $H_6H_6$  кесма моделга мувофиқ аниқланади. Олд бўлақнинг ён чизиғи  $G_4$ ,  $G_6$ ,  $B_7$  ва  $H_7$  нуқталар орқали утқазилади. Бунда  $H_7H_7$  кесма модель бўйича аниқланади. Қирқма ён бўлақнинг ён қирқимларидаги витачкаларидаги кенглиги  $T_1T_3 - T_4T_5 \approx 1$  см. Кейин қирқма ён бўлақнинг бўкса чизиғидаги эни аниқланади. Бу мақсадда  $G_2$  нуқтадан пастга перпендикуляр туширилади ва бўкса чизиғи билан кесишган нуқта  $b$  билан белгиланади. Бўкса чизиғининг сатҳида ён бўлақнинг эни  $b_1b_2 = (C_6 + P_6) - BB_6 - B_3B_7$ ;  $b_5 - bb_2 = 0,5 b_1b_2$ . Қирқма ён бўлақнинг этак чизиғидаги эни моделга мувофиқ аниқланади.

Қирқма ён бўлақдаги хиштақнинг узунлиги узгарувчан. Унинг максимал қиймати — тирсак чизиғигача. Хиштақнинг узунлиги қўллар бемалол ҳаракатига боғлиқ. Хиштақ қанчалик узунроқ бўлса, буюмда қўллар шунчалик бемалолроқ кўтарилади. Бу вариантдаги буюмнинг энги чуқур ўмизли (бурчакли хиштақсиз) буюмлар энгига ўхшаш қурилади, чунки айни ҳолда, энг хиштагининг ўрни қирқма ён бўлақнинг яхлит бичиладиган хиштағи орқали тўлади. Бунда  $P_2L' = G_1L$ ;  $P_1L'' = G_4L$  (3.15-расм, *a*, *b* лар). Қирқма ён бўлақ олд ва орт бўлақларга уланганда бир томонлама тахламалар, безак чоклар ва ҳ.к. лойиҳаланган бўлиши мумкин.

#### Текшириш учун саволлар

1. Буюмнинг шакли билан энгнинг шакли орасида боғланиш борми?
2. Эркаклар кўйлагининг энгига ўхшаш бичимли энглар чизмасини қуришда қандай ўзига хос хусусиятлар бор?
3. Ўмиз чуқурлиги билан энг қиямасининг баландлиги орасида тахминан қандай боғланиш кузатилади?

4. Чуқурлашган ўмизли буюмларда энг қиямасининг кириштириш ҳақи унинг баландлигига нисбатан қандай ўзгаради?

5. Энг қиямасининг баландлиги чуқурлашган ўмизли буюмлар энгининг чизмасига қандай таъсир кўрсатади?

6. Бурчаксимон шаклли чуқурлашган ўмизли буюмлар энгининг конструкциясининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

7. Қирқма ён бўлакли ва чуқурлашган ўмизли буюмлар энгининг ва ўмиз конструкциясининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

8. Буюм елка поясининг шакли билан энг қиямаси орасида қандай боғланиш бор? Бу боғланиш қандай конструктив воситалар орқали таъминланади?

9. Утқазма энгли буюмларда ўмиз шакли ва энг қиямаси конструктив ечимининг қандай вариантларини биласиз?

10. Ўмизли чуқурлашган буюмларда утқазма энгининг конструкцияси ўмизининг чуқурлик даражасига боғлиқ ҳолда қандай ўзгаради?

11. Чуқурлашган ўмизли буюмларда энг қиямасининг баландлиги қандай (минимал) қийматга эга ва ўмизнинг қандай шакли бу қийматларга мос?

#### 3.4. ЁҚАЛАРНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

**Ёқа** — кийимнинг энг кўзга ташланиб турадиган деталларидан бири бўлиб, бошқа йирикроқ деталларга қараганда тез-тез ўзгариб туради. Ёқа мода янгиликларини, умуман мода йўналиши тўғрисида маълумот тарқатувчидир.

Қатор сабабларга кўра ёқаларнинг шакллари хилма-хил, улардан қуйидагилар асосийлари ҳисобланади:

ёқанинг олд ва орт бўлақлар билан уланиши (утқазма ёки яхлит бичилган);

ёқанинг бўйинга нисбатан ҳолати (ёпишиб турадиган ёки бўйиндан маълум масофада жойлашган);

ёқанинг тиқилмага боғлиқлиги (тиқилмаси юқоригача ёки қайтармагача бўлган).

Ёқанинг ҳар қандай вариантыда унинг фақат ўмиз билан уланиш чизиғи ва тўғри бурчакнинг юқори нуқтасига нисбатан ёқанинг ўртаси кўтарилган баландлиги конструктив аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Қолган участкалари моделга ва ўмизга уланиш чизиғининг дастлабки тузилишига боғлиқ. Шуни таъкидламоқ керакки, ёқанинг ўмиз билан уланадиган чизиғи қанча тўғрироқ бўлса, ёқанинг кўтармаси шунча баландроқ бўлади ва ёқа бўйинга кўпроқ ёпишиб туради.

Ёқаларнинг баъзи вариантларида кўтармаси юқори четининг (буқланган зийи) шакли (айниқса калта юнгли мўйнадан тикилган ёқаларда) ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ёқанинг ўртаси тўғри чизиқдан тепага кўтарилган

сари, унинг кўтармаси кичраяди, чунки қайтармасининг чизиғи ошаверади. Ёқа уланиш чизиғининг конфигурацияси олд ва орт бўлақларнинг ўмиз чизиғи билан устма-уст тушганда кўтарма йўқ бўлиб кетади ва ёқа яссиланади.

Қуриш принципи бўйича ёқаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

тақилмаси юқоригача етадиган буюмларнинг ёқалари (тик ёқалар, қайтарма ва кўтармали қайтарма ёқалар);

борт қайтармаси билан боғлиқ бўлган ёқа ўмизи очиқ буюмларнинг ёқалари;

ясси ва фантазия ёқалар.

### 3.4.1. Тақилмаси юқоригача етадиган буюмлар ёқалари

Бу гуруҳдаги ёқаларнинг чизмаси, асосан ёқа ўминининг чизмасидан алоҳида бажарилади (яхлит бичилган тик ёқалар бундан истиснодир).

Учи  $O$  нуқтада бўлган тўғри бурчак чизилади (3.16-расм, а).

**Ўтқазма тик ёқа.** Вертикал чизиқда  $O$  нуқтадан тепага кўтарманинг баландлиги (эни) ўлчаб қўйилади ва  $B$  нуқта ҳосил бўлади. Одатда  $OB=3-5$  см, лекин ўмиз чуқурлашганда ва кенгайтирилганда бу қиймат каттароқ бўлиши мумкин.


$O$  нуқтадан ўнг томонга горизонтал бўйича олд ва орт бўлақларнинг ёқа ўмизига тенг кесма ўлчаб қўйилади:

$$OA = l_{г.с.} + l_{г.о.}$$

Агар кўтарма борт четигача уланса,  $A$  нуқтадан ўнг томонга борт кенглигини қўйиб  $A'$  нуқта белгиланади.

Кўтарманинг юқори қирқими  $B$  нуқтадан ёқанинг ўмизга ўтқозиш чизиғига параллел ўтқазилади ва  $A$  нуқтадан кўтарилган перпендикуляр билан кесишган нуқта  $A_1$  ҳосил қилинади.

Тўғри бурчак кўринишидаги тик ёқанинг бундай варианти бўйиндан (тепа чети) маълум масофа жойлашган бўлади. Кўтарманинг юқори чети бўйинга ёпишиб туриши учун чизмага қуйидаги ўзгаришлар киритилди (3.16-расм, б).  $O$  нуқтадан ўнг томонга  $OO_1=OA/3$  кесма қўйилади.  $O_1$  нуқтадан  $A$  нуқта орқали тепага ёй чизилади ва унда  $OB$  минус 1 см га тенг кесма ўлчаб қўйилади ( $A_1$  нуқта). Кейин  $O_1$  ва  $A_1$  нуқталар ёрдамчи тўғри чизиқ орқали туташтирилади.  $A_1$  нуқ-



3. 16. расм. Тақилмаси юқоригача етадиган буюмлар ёқаларининг чизмаси:

*a* — ўтказма тик ёқа; *b* — бўйича ёнишиб турадиган ўтказма тик ёқа; *в* — воронкасимон ўтказма тик ёқа; *г* — орт ва олд бўлақлар билан ёхлит бичилган тик ёқа.

тадан тепага  $O_1A_1$  кесмага перпендикуляр кўтарилади, бу чизик бўйича кўтарманинг эни қўйилади ( $A_2$  нуқта).

Ёқа ўмизга уланиш чизиғи  $OO_1A_1$  ва юқори қирқим чизиғи  $BA_2$  ўзаро параллел равишда раvon ўтказилади.


**Воронкасимон шаклн ўтказма тик ёқа.** Агар кўтарма воронкасимон бўлса (3.16-расм, *в*), унинг юқори қирқими узайтирилади. Бу мақсадда кўтарманинг ўрта чизиғи  $O$  нуқтага нисбатан 4—5 см кўтарилади ва  $B$  нуқта билан белгиланади, бу чизик бўйича кўтарманинг баландлиги  $BB_1 = 3—5$  см белгиланади:  $BA = l_{г.с.} + l_{г.п.}$ . Кейин  $B$  ва  $A$  нуқталар ёрдамчи чизик орқали туташтирилади, бу чизикда  $B$  нуқтадан ўнг томонга орт ёқа ўмизининг узунлиги ўлчаб қўйилади ва  $O_1$  нуқта ҳосил бўлади.  $O_1$  нуқтадан тепага кўтарманинг юқорисининг кенгайтирилган даражасини ва елка чокларининг устида кўтарма шаклини аниқлайдиган чизик ўтказилади,  $B_2$  нуқта олинади;  $O_1B_2 = BB_1$ .  $B$  ва  $O_1$  нуқталар ўртаси эгилган (0,5—0,7 см) раvon чизик орқали бирлаштирилади.  $B_1B_2$  чизик ўз шакли бўйича  $BO_1$  чизикни такрорлайди.

Воронкасимон тик ёқа қайтарманинг юқори қирқими узайтиришни талаб қилади. Бу мақсадда  $B_2$  нуқтадан ( $B_1B_2$  чизиқнинг давомида) ўнг томонга 1,5 см ўлчаб қўйилади ва  $B_3$  нуқта олинади.  $B_3$  ва  $O_1$  нуқталар бирлаштирилади ва унга  $B_3$  ва  $O_1$  нуқталардан пастга перпендикулярлар туширилади. Бунда  $O_1A' = O_1A$ ;  $B_3A_1 = O_1A$ .  $BO_1$  ва  $O_1A'$  кесмалар мажмуи  $W$  га тенг бўлади.  $O_1$  ва  $A'$  нуқталарни бирлаштирадиган чизиқнинг шакли тик ёқанинг олд шаклига боғлиқ  $B_3$  ва  $A_1$  нуқталар орасидаги кўтарманинг тепа чизиғи  $O_1A'$  участкага ўхшаш ўтказилади. Агар кўтарма бортнинг учигача ўтказилса,  $A'$  нуқтадан ўнг томонга бортнинг эини қўйиб  $b$  нуқта олинади.

**Олд ва орт бўлақлар билан яхлит бичилган тик ёқа** (3.16-расм, з). Бундай тик ёқанинг чизмаси ўмиз кенгайтирилиши шarti билан қурилади:  $A_2O = A_1C = 1,5-2,5$  см.

Бунақа ёқали орт бўлақнинг чизмасини қуриш учун  $A_0$  ва  $O$  нуқталар тўғри чизиқ орқали туташтирилади.  $A_0$  ва  $O$  нуқталардан тепага  $A_0O$  тўғри чизиққа кўтарманинг баландлиги ўлчаб қўйилган перпендикулярлар кўтарилади:  $A_0O_1 = OO_2 = 4-6$  см. Кейин  $O_1$  ва  $O_2$  нуқталар,  $O_2$  нуқта ва елка чизиғи равон чизиқлар орқали туташтирилади. Агар орт бўлақнинг ўртаси яхлит бўлса,  $O_2$  нуқта ўнг томонга  $O_1O_1$  қийматга сурилади ва янги нуқта  $O_2$  елка чизиғи билан равон туташтирилади. Қуриш натижасида ҳосил бўлган ўмиз кенглигининг ортиқча қисми ўмиз бўйлаб жойлашган витачкаларга олинади; лекин ёқа бўйинга ёпишиб турмаслиги мумкин, бу ҳолда витачка қўйилмайди. Бунда  $O'_2$  нуқта  $O$  нуқтадан тепага ўтказилган вертикал чизиқдан ўнг томонга ўтмаслиги керак.

Олд бўлақ кўтармасининг чизмасини қуришда ўмиз чуқурлиги 1,5—2,5 см га кичрайтирилади ва ўмизнинг янги контури чизилади. Устки кийимларда ёқанинг бундай варианты, одатда, бортнинг четигача лойиҳаланади ( $b_1$  нуқта). Бу ҳолда  $C$  ва  $b_1$  нуқталар тўғри ёрдамчи чизиқ орқали бирлаштирилади ва унга нуқталардан (модель бўйича) кўтарманинг баландлиги белгилаб перпендикулярлар ўтказилади ва уларга мувофиқ  $C_1$  ва  $C_2$  нуқталар олинади.  $C_1$  нуқта  $C$  нуқтадан ўтказилган вертикалдан тахминан 1—2 см ўнгроқ жойлашган бўлиши керак.  $CC_1$  кесма  $OO_2$  кесмага тенг.  $b_1C_2$  кесманинг узунлиги эса моделга мувофиқ аниқланади. Уст кийимларда буюм фигурага яхшироқ ёпи-



3. 17-расм. Қайтарма ёқалар чизмаси:

*a* — ўртаси кўтармали; *б* — тенг баландликли қирқма кўтармали; *в* — қирқилмаган тенг баландликли кўтармали.

шиб туриши учун ёқанинг ўмизи олдиндан милкка ўтказиб, 1—1,5 см кириштириб дазмолланади. Кириштириб дазмоллаш ўрнига қомат хусусиятларига ва моделга мувофиқ ёқа ўмизида жойлашган витачка қилиши мумкин.

**Ўртаси кўтармали қайтарма ёқа.** Ёқанинг ушбу варианти ёқанинг ўртасида учларига камайиб кетадиган кўтарма ҳосил қилинади. Учи *O* нуқтада жойлашган тўғри бурчак чизилади (3.17-расм, *a*). Ёқанинг кўтарилган ўртаси баландлиги кўтарма ўртасининг баландлигига таъсир этади:  $OB = 3-12$  см.  $OB$  қанчаллик кичик бўлса, кўтарма шунчалик баландроқ бўлади ва аксинча. Кўтарманинг баландлиги  $BB_1 = 2-4,5$  см. Ёқа ўртасининг кенглиги  $BB_2$  моделга мувофиқ аниқланади. Умумий ҳолда  $BB_2 = 7-15$  см.

Ёқа ўмизга ураниш чизигининг шакли катта аҳамиятга эга. У буюмда ёқа ҳолати қайтармаси кўтармасини аниқлайди.

*B* нуқтадан ўнг томонга олд ва орт бўлақлар ўминининг узунлигига тенг радиус орқали ёй чизилади. Бу ёй тўғри бурчакнинг горизонтал томони билан кесишган нуқтаси *A* билан белгиланади. *B* ва *A* нуқталар ёрдамчи тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади. *BA* кесма ўртасидан бўлиниб *1* нуқта белгиланади, ундан  $1-2 = 1-3$  см перпендикуляр кўтарилади.  $1-2$  пер-

пендикулярнинг узунлиги тайёр кийимда ёқа ҳолатини аниқлайди: кесма  $1-2$  кичрайган сари, ёқа бўйинга шунчалик кўпроқ ёпишиб туради ва аксинча, у катталашган сари, ёқа ўмиз бўйича шунча равон ётади.

Кейин  $A$  нуқтадан  $BA$  тўғри чизикқа перпендикуляр кўтарилади. Олд учларининг шакли ва қайтармасининг чизиги моделга боғлиқ, лекин типавий ечим бўйича  $AA_1 = BB_2 + 1$  см;  $AA_2 = 1-5$  см.

$B_2$  ва  $A_2$  нуқталар моделга мувофиқ равон чизик орқали туташтирилади.  $A$  ва  $A_2$  нуқталар  $A_2$  нуқтанинг жойлашишига боғлиқ ҳолда равон ёки тўғри чизик орқали бирлаштирилади.

**Узунлиги бўйича тенгбандликли кўтармали қайтарма ёқа.** Бу типдаги ёқаларнинг кўтармаси қирқма ёки яхлит бичилган бўлиши мумкин.

Агар ёқа қирқма кўтармали қилиб лойиҳаланса (3.17-расм, б) аввал учи  $O$  нуқтада жойлашган тўғри бурчак қурилади.  $O$  нуқтадан қуйидаги кесмалар ўлчаб қўйилади:  $OB = 3,5-4,5$  см;  $OA = l_{г.с} + l_{г.п}$ ;  $OO_1 = OA/3$ .

Марказ  $O_1$  нуқтадан  $A$  нуқта орқали тепага ўтказилади ва унда  $AA_1 = OB_1 - 1$  см кесма ўлчаб қўйилади. Бундан кейин  $O_1$  ва  $A_1$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштирилади.  $A_2$  нуқтадан  $OB$  кесмага тенг перпендикуляр кўтарилади ва  $A_2$  нуқта белгиланади.

$B$  ва  $A_2$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштирилади. Ҳосил бўлган кесма ўртасидан бўлинади ва  $1$  нуқта қўйилади.  $1$  нуқтадан  $BA$  кесмага перпендикуляр кўтарилади ва унда  $1-2 = 1,2-1,5$  см кесма белгиланади.

$A_2$  нуқтадан тўғри бурчакнинг вертикал томонига перпендикуляр туширилади ва  $O'$  нуқта ҳосил бўлади. Бу нуқтага нисбатан қуйидаги маълумотлар бўйича ёқанинг қайтармаси қурилади:  $O'B_1 = 6-7$  см;  $B_1B_2 = OB + (2,5-3$  см);  $B_1I' = 0,5 B_1A_2$ ;  $1'-2' = 1-2$  см;  $B_1, 2', A_2 = B, 2, A_2$ .

Ёқанинг олд учлари ва қайтармасининг шакли моделга боғлиқ.  $O_1A_1$  чизикнинг давомида ўнг томонга борт кенлиги қўйилади:  $A_1b = 3-4$  см.

Қирқилмаган кўтармали ёқа (3.17-расм, в) қуйидаги маълумотлар бўйича қурилади:  $OB = 2-5$  см;  $BB_1 = 3-4$  см;  $B_1B_2 = BB_1 + (2,5-3$  см).

Ёқа ўмизга уланадиган чизик қуйидагича қурилади.  $BA$  кесма уч қисмга бўлинади:  $B1 = 1-2 = 2A = BA/3$ .

1 ва 2 нуқталардан шу кетма-кетликда тепага ва пастга перпендикуляр ўтказилади:  $1-3 \approx 0,5$  см;  $2-4 = 0,3$ , см.

$B$ , 3, 4 ва  $A$  нуқталарни равои бирлаштириб ёқанинг ўмизга уланадиган чизиғи олинади. Ёқанинг учлари ва қайтармасининг шакли моделга боғлиқ.

### 3.4.2 Очиқ ўмизли буюмлар ёқалари


Ёқаларнинг бу типни мураккаброқ, чунки бу тип борт қайтармаси билан боғлиқ ва тўғри қурилган ёқа қайтармасининг чизиғи орқали олдиндан берилган борт қайтармасининг шаклини таъминлаши керак. Шунинг учун ёқанинг чизмаси бевосита олд бўлакнинг чизмасида қурилади (3.18-расм,  $a$ ).  $A_4$  нуқтадан елка чизиғининг давоми бўйича ўнг томонга кўтарма баландлиги  $A_4\phi = 2-4$  см ўлчаб қўйилади. Кейин борт қайтармасининг бошланиш нуқтаси  $L$  нуқта аниқланади.  $У$   $\phi$  нуқта билан тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади. Бу чизиқ ёқа ўмизини  $\Phi$  нуқтада кесиб ўтади.

Ёқанинг кўтармаси баландлашган сари, у кўпроқ бўйинга ёпишиб туради ва аксинча, кўтарма қанча кичик бўлса ёқа шунча камроқ бўйинга ёпишади ёки ундан маълум масофада жойлашади.

Кейин олд бўлак чизмасида модель эскизига тўлиқ мос ҳолда борт қайтармасининг шакли ва ёқанинг олд учи раскеп чизиғи билан белгиланади ва  $L$  нуқтага ёқа ўмизининг чизиқлари, борт ва унинг қайтармасининг шакли аниқланади.

Ёқанинг бир қисми ҳамда адип қайтармаси билан бирлашган чизиғи раскеп дейилади. Раскеп кенглиги  $\Phi A_7$  моделга мувофиқ  $0-7$  см гача бўлиши мумкин. Агар  $\Phi A_7 = 0$  бўлса, раскеп йўқолади ва ёқа борт қайтармасининг букланиш чизиғидан бошлаб уланади. Бундай ёқа, одатда, бўйинга ёпишиб турмайди (3.18-расм,  $b$ ).

Ёқа ўмизи очиқ бўлган буюмлар ёқаларининг чизмаси кейин қўйндагича қурилади:  $L$  нуқтадан ёқа ўмизига уринтириб ўтказилган тўғри чизиқ тепага, елка чизиқдан ташқарига давом эттирилади. Елка чизиғи билан кесишган нуқта  $\Phi_1$  билан белгиланади, ёқа ўмизига уринган нуқта эса  $\Phi_2$  билан  $\Phi_1$  нуқтадан тепага орт ёқа ўмизининг узунлигини ўлчаб қўйилиб  $\phi$ , нуқта



.18- расм. Очиқ ёқа умизили буюмларга мўлжалланган ёқалар чизмаси.

олинади.  $\Phi_2$  нуқтадан марказдан ўтказилгандек  $\sigma_1$  нуқта орқали чап томонга ёй ўтказилади ва бу ёйда моделга ва гавда тузилишига қараб маълум даражада қайтарманинг узунлигига таъсир этадиган кесма қўйилади, аynи пайтда  $\sigma_2$  нуқта ҳосил бўлади. Гавданинг тузилишига қараб  $\sigma_1\sigma_2$  кесманинг узунлиги қуйидагича олинади, см: 2,5—3—кеккайган фигуралар учун; 3,5—4—типик фигуралар учун; 4,5—5—букчайган фигуралар учун.

$\sigma_2$  ва  $\Phi_2$  нуқталар аввал тўғри кейин 0,4—0,6 см эгилиш билан раvon бирлаштирилади.

$\sigma_2$  нуқтадан ёқа ўтказиш чизиғига перпендикуляр равишда ўрта чизиқ ўтказилади. Унда кўтарманинг баландлиги  $\sigma_2\sigma_3$  ва моделга мос қайтарманинг кенглигига тенг  $\sigma_3\sigma_4$  кесма қўйилади.


Ёқанинг ўмизга уланиш чизиғи  $\sigma_2$ ,  $A_1$ ,  $\Phi_2$ ,  $\Phi$  ва  $A_7$  нуқталар орқали ўтказилади. Бунда  $A_1A_4 = 1 - 2$  см.

Ёқа уланиш чизиқларининг олд участкалари, одатда, олд ёқа ўмизи ва унинг давоми билан устма-уст тушади ( $A_7$  нуқта қанча пастроқ бўлса, ёқа шунча узунроқ бўлади).

Ёқа олд учининг ҳолати ( $\sigma_6$  нуқта) моделга мувофиқ аниқланади. Қайтарманинг чизиғи ҳам моделга мувофиқ аниқланади. Типик ечим бўйича елка чокларининг сатҳида ёқанинг кенглиги унинг ўртаси кенглигига тенг, яъни  $\sigma_1\sigma_3$  чизиқнинг йўналиши ёқанинг орт бўлакка уланиш чизиғига параллел.

Ёқанинг олд учлари моделга мувофиқ шаклланади.

Жакет ёқасининг чизмаси (3.18-васм, в) аввалги вариантдаги ёқанинг чизмасига ўхшаш қурилади. Ундан қуйидагилар билан фарқ қилади: адип қайтармасининг букланиш чизиғи қаттиқ, яъни тўғри ва аниқ ёқа адип қайтармаси билан узвий боғлиқ;  $b_1b_2$  кесманинг узунлиги кўтарманинг баландлиги плюс 1 см га тенг (қайтармаси чўзиб



дазмолланмаган ёқада);  $v_2v_3$  —  $A_1v$ ;  $v_3v_4$  кесма қайтарманинг энига тенг.

Олд учлари ва қайтарманинг чизиғи моделга мувофиқ шаклланади. Ёқанинг ўртасидан елка қирқим сатҳигача қайтарманинг чизиғи ёқанинг орт ўмизга уланиш чизиғига параллел ўтказилади. Елка қирқимдан  $v_6$  нуқтагача  $v_5v_6$  кесманинг ўртасидаги чизиқ бир оз ўйиб (0,6—0,8 см) ўтказилади.

Буюмнинг ёқа ўмизи чуқурлашганда ёқа ўтказиш чизиғи, жакетга қараганда, юмшоқроқ бўлиши керак. Бу мақсадда  $A_4A_6$  участканинг ўртасида (3.18-расм, г) 1,5—2,5 см кенгликда витачка лойиҳаланади. Шу пайтда  $G_3A_6 \approx 5—6$  см.

Чизманинг қолган участкалари аввалги вариантга ўхшаш чизилади.

Шол ёқанинг чизмаси (3.18-расм, д) қўйидагича қурилади.  $A_4$  нуқтадан чап томонга  $A_3A_4$  чизиқнинг давомига (орт бўлак чизмасидан) орт ёқа ўмизининг кенглиги ўлчаб қўйилади ва  $O$  нуқта ҳосил бўлади.  $O$  нуқтадан  $A_4O$  кесмага перпендикуляр кўтарилади ва ундан ёқа ўртасининг кўтарилиш баландлиги белгиланади (баланд елкали букчайган фигуралар учун — 4 см, елка баландлиги нормал қоматли фигуралар учун — 5 см ва паст елкали букчайган фигуралар учун — 6 см) ва  $B$  нуқта қўйилади.

Ёқанинг ўрта чизиғи  $BA_3$  кесмага перпендикуляр ўтказилади.

Кўтармасининг баландлиги:  $BB_1 \approx A_4v = 2,5—3$  см.

Қайтарманинг кенглиги  $B_1B_2$  моделга мувофиқ танланади, лекин  $BB_1 + (3—4$  см) дан кам эмас.

Классик шаклли шол ёқада қайтарма чизиғи бортга ўтиб кетади. Бундай ёқанинг шакли кўп сонли вариантларда намоён бўлиши мумкин. Хилма-хиллик борт ва қайтарма чизиқларини ҳамда борт қайтармасининг букланиш чизиғини ҳар хил шакллантириш туфайли яратилади.

### 3.4.3. Ясси ва фантази ёқалар

Ясси ва фантази ёқаларнинг конструкцияси бевосита елка қирқимлари бирлаштирилган олд ва орт бўлақларнинг андазаларида қурилади. Бу мақсадда  $A_2$  ва  $A_4$  нуқталар (3.19-расм) устма-уст туширилади.  $P_1$  ва  $P_5$  нуқталар эса 1,5 — 2,5 см бир-бирининг орқасига ўтқа-

зилади. Кейин ўмиз ҳам ҳисобга олинган ҳолда олд ва орт бўлақларнинг ёқа ўмизининг атрофи чизиб чиқилади.

Асос чизмасига нисбатан ёқа ўмизининг шакли моделга мос ўзгарган шаклга эга бўлиши мумкин. Ясси ёқанинг ўтказиш чизиғи олд ва орт бўлақларнинг ёқа ўмизи контурлари бўйлаб чизилади.

Ёқа ўртасининг кенглиги ( $AB$  кесма) ва уялари ( $A_5O$  кесма) моделга мувофиқ танланади.  $B(B')$  ва  $O(O')$  нуқталар равон чизик орқали туташтирилиб ясси ёққа қайтармасининг чизиғи олинади. Ёқанинг олд учи ўрта чизикқа тахминан 4—6 см етказилмайди, ўмизда ёқа бошланиш нуқтаси ўтар чизикда жойлашади. Агар б нуқта бир оз пастга

ва чапга сурилган бўлса, яъни ёқани ўмизга ўрнатиш чизиғи ўзгарса, ёқа олд томонда бир оз кўтармага эга бўлади.

Агар  $A$  нуқта тепароқ ва чапроқ сурилса ( $A'$  нуқта) ёқа орт томондан кичик кўтармага эга бўлади.  $A'B'$  кесма ёқа ўмизга уланадиган чизикқа перпендикуляр бўлиши керак.

Бу асосда қайтармасининг чизиғини кенгайтириш йўли билан фантази ёқалар ҳам қурилиши мумкин.



3. 19-расм. Ясси ёқанинг чизмаси.

#### 3.4.4. Мўйна ёқалар

Мўйна ёқаларнинг шакли мўйнанинг фактурасига ва юнгининг баландлигига боғлиқ.

Узун тукли сунъий ва узун юнгли табиий мўйнали ёқаларнинг баланд кўтармаси одатда баланд қилиб лойиҳаланмайди ва аксинча, калта тукли мўйнадан тайёрланган ёқаларнинг ясси шакли ишлатилади.

Мўйна ёқаларнинг чизмасини қуриш мақсадида 3.20-расм, а да келтирилган ёқанинг чизмасини асос қилиб олиш мумкин.

Мўйна ёқалар, одатда, бўйинга ёпишиб турмайди. Бу икки йўл орқали таъминланади: елка чоклари соҳасида ўмизни кенгайтириш ва ёқа ўмизини бир оз чуқурлаштириб, ёқанинг уланиш чизиғи бўйлаб ви-  
тачкалар киритиш. Ёқа ўмизининг кенгайтирилиши

моделга боғлиқ ҳолда 2 см ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Орт томонда ўмиз чуқурлиги тахминан 1 см, олда эса —1—2 см бўлиши мумкин. Лекин моделга мувофиқ ҳолда бошқа ечим бўлиши ҳам мумкин.

Ўмиз билан уланиш чизиғи бўйлаб жойлашган витачканинг кенлиги 1,5—2 см қилиб олинади, узунлиги эса кўтарманинг улчамига боғлиқ. Витачкаларнинг сони ва уларнинг ўрни ёқанинг улчами ва шаклига боғлиқ (3.20-расм, б, в). Одатда витачкалар ёқа бўйиндан узоқроқ бўлган участкаларда жойлаштирилади. 3.20-расм, г, д, е ларда ёқанинг ўмизга бириктирилган чизиғи бўйлаб витачкалар ва ўмиз кенгайтирилиши қўлланган ва бўйиндан маълум масофада жойлашган ёқаларнинг ечими келтирилган. 3.20-расм, в да келтирилган ёқа эса фантази типда, у буюмнинг елка поясини аниқ ифодалайди ва жуда кенгайтирилган (елка қирқимининг ўртасигача) ўмизга мос қўрилган.


Бу ёқанинг кўтармасини букланиш чизиғи бўйича узунлиги бир оз қисқартирилса калта тукли мўйнадан ёқанинг етарли даражада ифодали шаклини ҳосил қилиш мумкин ва шу билан қайтарманинг ёпишиб турмайдиган чизиғи ҳосил бўлади. Кўтарманинг букланиш чизиғи бўйича уландиган ва қайтарма чизиғига камайиб кетадиган витачкалар қуриш орқали мақсадга эришилади (3.20-расм, г).

Ёқа қайтармасининг контури бўйлаб жойлаштирилган катта бўлмаган витачкалар ҳисобига ёқанинг ажойиб ечими олиниши мумкин. Агар бу ёқа катталашган ҳажмда ишланган бўлса (3.20-расм, в да кўрсатилган вариантга ўхшаш), равон, юмшоқлик эффектидан ташқари буюмнинг елка поясини таъкидлаб кўрсатади. Витачкалар кенлиги тахминан 1 см атрофида, улар орасидаги масофа 2—4 см (3.20-расм, д).

Қоракўл, қоракўлга ва бошқа калта тукли мўйналар хили симметрик ва асимметрик учли ёқаларнинг фантази ечимларини яратишга имкон беради.

Ҳар хил вариантдаги ёқаларнинг ечими ушбу принципга асосланган. Айни ҳолда, ёқа учларини бемалол ўзгартириш мақсадида ёқа ўмизга ўрта чизиққа 4—6 см етказмасдан ўтказилади.




Тик мўйна ёқа ҳам (3.20-расм, е) фантази ечимларда қўлланиши мумкин, бу мақсадда ёқа чуқурлашган ва кенгайган ўмизга мослаб лойиҳаланади. Кўтарманинг баландлиги 7,5—8,5 см, газламадан



3. 20. — расм. Мўйнали ёқалар чизмаси.

тайёрланган тик ёқаларга нисбатан, бу ёқанинг тепа чети бўйиндан каттароқ масофада жойлашади. Ушбу ёқанинг чизмаси юқори чети бўйинга ёпишиб турадиган тик ёқанинг чизмасига ўхшаш чизилади. Тепа қирқимнинг узунлигига ва натижада кутарманинг тепа қирқими бўйинга ёпишиб туриш даражасига таъсир этадиган олд учининг ( $AA_1=0,5 OB$ ) баландлиги билан фарқ қилади.

Тик мўйна ёқа бемалол бойланадиган учли ҳам бўлиши мумкин, бу ҳолда буюмнинг ўмизи билан уланданда фантази ёқа кўринишида чизилади.



### Текшириш учун саволлар

1. Буюмда ёқанинг шаклига қандай омиллар таъсир этади?
2. Ёқа қўтармасининг баландлигига тўғри бурчакнинг учига нисбатан ёқа ўртасининг ҳолати қандай таъсир этади?
3. Чизмасини қуриш принципи бўйича Сиз ёқаларининг қандай конструктив ечимларини биласиз?
4. Тақилмаси юқоригача бўлган аёллар уст кийими ёқаларининг чизмасини қуришнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Тақилмаси юқоригача бўлган буюмлар ёқаларининг қандай конструктив вариантларини биласиз?

6. Буюмда ёқанинг шаклига ёқанинг ўмиз билан уланиш чизиги қандай таъсир кўрсатади?

7. Кутармаси яхлит бичилган ёқалар қурилишининг қандай узига хос хусусиятлари мавжуд?

8. Борт қайтармаси билан боғлиқ бўлган ёқалар қандай қурилади?

9. Борт қайтармаси билан боғлиқ ёқаларнинг қандай вариантларини биласиз?

10. Адип қайтармасининг узунлиги билан ёқанинг орт бўлак ўмизига уланиш чизиги орасида қандай боғланиш бор?

11. Ясси ёқалар конструкциясининг қурилиши қандай принципга асосланган?

12. Мўйнанинг хили билан ёқа конструкцияси орасида қандай боғланиш кузатилади?

13. Мўйна ёқалар конструкциясининг қандай вариантларини биласиз?

14. Утқазма тик мўйна ва газлама ёқалар конструкциясининг қурилишида фарқ борми?

15. Ёқаларнинг қандай конструкцияларини газламадан, шунингдек мўйнадан бажарса бўлади? Бажарса бўлса, конструкция, газламанинг тузилиши ва мўйнанинг тури орасида қандай боғланиш кузатилади?

16. Ёқанинг букланиш ва кутармаси чизиқлари бўйлаб витачкалар ёрдамида ёқаларнинг қандай вариантларини ҳосил қилиш мумкин? Ушбу вариантда тайёрланган ёқада материалнинг роли қандай?

### **3.5. ЦНИИШП МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА САЛ ЁПИШИБ ТУРАДИГАН АЁЛЛАР ҚУЗГИ-БАҲОРГИ ПАЛЬТОСИ КОНСТРУКЦИЯСИНING ЧИЗМАСИНИ ҚУРИШ УЧУН ҲИСОБЛАР**

Ҳисоблар учта тўлалик гуруҳига мансуб аёллар типавий фигуралари учун тузилган (1.5-жадвалга қаранг). 3.3-жадвалда келтирилган ўлчамлар 17-326—81 ОСТга мувофиқ олинган. Қўшимчалар ЦНИИШП маълумотлари [6, 9] ва истиқболли мода тавсияларига кўра қабул қилинган (3.4-жадвал). Жунли-камволь костюмбоп ҳамда таркибида синтетик толали (30% гача) газламалар тавсия қилиниши мумкин. 3.5-жадвалда конструкциянинг дастлабки ҳисоби, қуриш учун ҳисоблар эса 3.6-жадвалда келтирилган.

### 3.3. Саноат шароитида конструкция тузиш мақсадида аёллар типавий фигураларининг ўлчамлари

Ўлчамларнинг шартли белгилари	Типавий фигуралар ўлчамларининг қийматлари, см					
	158—96—100	158—96—104	164—112—120	164—128—136	158—96—108	164—112—124
1	2	3	4	5	6	7
<i>B</i> <sub>т.о.м.</sub>	134,6	134,6	140,6	141,2	134,5	140,6
<i>B</i> <sub>п.т.</sub>	129,5	129,6	135,5	136,5	129,7	135,6
<i>B</i> <sub>с.т.</sub>	114,2	114	118,2	117,4	113,9	118,1
<i>B</i> <sub>л.т.</sub>	98,8	99	103,9	104,6	99,2	104,1
<i>C</i> <sub>ш</sub>	18,2	18,4	19,9	21,3	18,6	20
<i>C</i> <sub>ГI</sub>	45,5	45,7	51,7	57,3	45,9	51,9
<i>C</i> <sub>ГII</sub>	50,2	50,4	58,2	66	50,6	58,4
<i>C</i> <sub>ГIII</sub>	48	48	56	64	48	56
<i>C</i> <sub>т</sub>	37,6	38,6	47	57,1	39,6	47,7
<i>C</i> <sub>б</sub>	50	52	60	68	54	62
<i>O</i> <sub>п</sub>	29,9	30,5	35,3	39	31,1	35,8
<i>Ш</i> <sub>п</sub>	13,1	13,1	13,6	13,9	13,1	26,8
<i>B</i> <sub>р.п</sub>	24,7	24,9	26,7	28,6	25,1	26,8
<i>B</i> <sub>г</sub>	35,2	35,4	39,4	43,4	35,6	39,4
<i>D</i> <sub>т.п</sub>	51,9	51,8	55,7	58,3	51,7	55,4
<i>D</i> <sub>т.с.</sub>	39,3	39,2	40,7	41,5	39,1	40,6
<i>D</i> <sub>с.с.I</sub>	42,2	42,1	44,2	45,5	42	44,1
<i>D</i> <sub>т.п.I</sub>	43,3	43	46	47,9	42,7	45,8
<i>Ш</i> <sub>г</sub>	17	17,1	18,9	20,4	17,2	19
<i>Ц</i> <sub>г</sub>	10,1	10,2	11,4	12,8	10,3	11,4
<i>Ш</i> <sub>с</sub>	18,2	18,3	20,1	22	18,4	20,2
<i>D</i> <sub>р.лок</sub>	30,8	30,8	32,6	33,1	30,8	32,6
<i>d</i> <sub>в.р.</sub>	10,9	11	12,1	13	11,1	12,2
<i>П</i> <sub>к</sub>	6,3	6,2	6,5	6,5	6,1	6,4
<i>Г</i> <sub>ГI</sub>	4,9	4,8	4,7	4,4	4,7	4,6
<i>Г</i> <sub>т.II</sub>	4,7	5,3	5,8	5,9	5,9	6,4
<i>d</i> <sub>п.з.г.</sub>	26	26,1	30,8	26,2	35,8	30,9
<i>d</i> <sub>п.з.т.</sub>	20	20,8	26,7	21,6	33,6	27,3
<i>B</i> <sub>п.к*</sub>	42,8	42,7	45,2	42,6	46,8	45,1
<i>B</i> <sub>пр.з</sub>	17,4	17,5	18,7	17,6	19,8	18,8
<i>D</i> <sub>ш.к.</sub>	92	92	93,3	92	97	93,3
<i>D</i> <sub>р.зап</sub>	53,7	53,7	56,4	53,7	56,9	56,4
<i>O</i> <sub>зап</sub>	16,2	16,4	17,6	16,6	18,6	17,8

\* Бу ва кейинги ўлчамлар [12] методи бўйича конструкция тузишда қўлланади.

3.4. Кузги- баҳорги пальто учун (иссиқ тутувчи қатламсиз) қўшимчалар

Тўқисликка		Пакет қалинлиги	
Шартли белгиси	Қиймати, см	Шартли белгиси	Қиймати, см
<i>П<sub>с</sub></i>	1,7—2	<i>П<sub>п.г.с.</sub></i>	1
<i>П<sub>п</sub></i>	1,4—1,6	<i>П<sub>д.т.с.</sub></i>	0,9
<i>П<sub>т</sub></i>	10—12	<i>П<sub>д.т.п.</sub></i>	2,5
<i>П<sub>б</sub></i>	6	<i>П<sub>п.с.</sub></i>	0,9
<i>П<sub>с.пр</sub></i>	3—4	<i>П<sub>п.п.</sub></i>	1,1
<i>П<sub>ш.г.с.</sub></i>	1,5—2	<i>П<sub>в.ок</sub></i>	1
<i>П<sub>в.г.с.</sub></i>	0,3—0,4	<i>П<sub>пл</sub></i>	0—1
<i>П<sub>о.п.</sub></i>	10,5—11,5	<i>П<sub>у.п.</sub></i>	0—2,5
<i>Н</i>	0,125—0,15	<i>П<sub>ц.г.</sub></i>	0,8

Эслатма. Ҳисоблашларга қўшимчаларнинг максимал миқдори қабул қилинган.

3.5. Сал ёпишиб турадиган силуэтли аёллар кузги- баҳорги пальтоси  
конструкцияси чизмасининг дастлабки ҳисоби

Конструктив бўлаги ёки узелининг белгиси	Ҳисоблаш формуласи	Типавий фигуралар учун қиймат, см					
		158-96-100	158-96-100	164-112-120	164-128-136	158-96-108	164-112-124
$Ш_{рук}$	$O_n + P_{o.n}$	41,9	42,5	—	—	43,1	—
	$1,25 O_n + P_{o.n} - 9$	—	—	47,1	—	—	47,8
	$1,75 O_n + P_{o.n} - 29,5$	—	—	—	49,7	—	—
$B_{пр}$	$d_{в.р} + P_{спр} + P_{пл} + 1$	16,9	17	18,1	19	17,1	18,2
$B_{ок}$	$B_{пр} (1 + H) + P_{в.ок}$	20,4	20,6	21,8	22,8	20,7	21,9
$D_{ок}$	$1,51 (0,5 Ш_{рук} + B_{ок})$	62,5	63,2	68,4	73,5	63,9	69,1
$D_{пр}$	$D_{ок} / (1 + H)$	54,3	55	59,4	63,9	55,5	60
$Ш_{пр}$	$0,6 (D_{пр} - P_{у.п}) - (B_{пр} - P_{пл})$	15,1	15,5	17	18,8	15,7	17,3
$Ш_{сп}$	$Ш_c + P_c + (0,3 - 0,5) + Y_p$	20,4	20,5	22,3	24,2	20,6	22,4
$Ш_{пол}$	$Ш_r + (C_{гп} - C_{гп}) + P_n + Y_p$	23,8	23,9	27,5	31,2	24	27,6
$P_r$		11,3	10,9	10,8	10,2	12,3	11,3

Эслатма: Ишлов бериш учун қўшимча  $Y_p = 0,5$  см.

3.6. Сал ёпишиб турадиган силуэтли аёллар кузги- баҳорги пальтоси  
конструкцияси чизмасини тузиш учун ҳисоблашлар

Чизмадаги белгилар	Конструктив участка	Ҳисоблаш формуласи	Типик фигуралар учун ҳисоблар натижалари, см					
			158-96-100	158-96-104	164-112-120	164-128-136	158-96-108	164-112-124
Олд ва орт бўлақлар (3.2 ва 3.3-расмлар)								
$ТА_0$	Бўйин нуқтасининг ҳолати	$D_{м.с} + P_{д.т.с.} + Y_p$	41,2	41,1	42,6	43,4	41	42,5
$A_0Y$	Ўрта чизиқ қиялигининг бошланиши	$0,3 D_{т.с.}$	11,8	11,8	12,2	12,4	11,7	12,2
$ТБ$	Букса чизиғининг ҳолати	$0,5 D_{т.с.}$	19,6	19,6	20,3	20,7	19,5	20,3
$ТТ_1$	Орт бўлақ ўрта чизиғининг бел чизиғида сурилиши	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6
$УУ_1$	$У_1$ нуқтанинг ҳолати	$A_0Y$	11,8	11,8	12,2	12,4	11,7	12,2
$A_0A_{01}$	$A_0$ горизонталда ўрта чизиқнинг сурилиши	$P_k - Г_{т1} - У_1 У_2$	0,3	0,3	0,5	0,7	0,3	0,5
$A_{01}A$	Орт бўлақ ўртасининг кутарилиши	—	1	1	1	1	1	1
$АН$	Буюмнинг узунлиги	$D_{мод} + Y_p$	$D_{мод}$ — моделга мувофиқ ёки буюмлар узунлиги шкаласидан					
$A_0a$	Орт бўлақ кенглиги	$Ш_{сп}$ (дастлабки ҳисобдан)	20,4	20,5	22,3	24,2	20,6	22,4
$AA_1$	Орт бўлақ ёқа ўмизининг кенглиги	$1/3 C_{ш} + P_{ш.г.с}$	8,1	8,1	8,6	9,1	8,2	8,7
$A_1A_2$	Орт бўлақ ёқа ўмизининг баландлиги	$0,15 C_{ш} + Ш_{в.г.с}$	3,1	3,2	3,4	3,5	3,2	3,4

$T_2T_3$	Ўмиз кенглиги	$Ш_{пр}$ (дастлабки ҳисоблашлардан)	15,1	15,5	—	—	15,7	—
$T_2T_{04}$	Олд урта чизиқнинг ҳолати	$Ш_{пр} + Ш_{пол} + 5$	—	—	49,5	55	—	49,9
$T_3T_{04}$	Олд булак кенглиги	$Ш_{пол}$ (дастлабки ҳисоблашлардан)	23,8	23,9	—	—	24	—
$T_{04}T_3$	Олд булак кенглиги	$Ш_{пол}$ (дастлабки ҳисоблашлардан)	—	—	27,5	31,2	—	27,6
$\Gamma_{04}\Gamma_0$	$T_{04}$ вертикалда $\Gamma_0$ ёрдамчи нуқта	$B_{с.1} - B_{л.т}$	—	—	14,3	14,5	—	14
$\Gamma_0\Gamma_{01}$	Вертикалдан олд утар чизиқнинг оғиши ( $T_{04}\Gamma_{01}$ олд утар чизиқ)	$0,5 [(d_{п.э.т} + \Gamma_{т1}) - d_{п.э.г}]$	—	—	0,4	1,1	—	0,5
$T_{04}T_6$	$T_6$ нуқтанинг ҳолати	$Ц_{г} + П_{ц.г.}$	10,9	11	12,2	13,6	11,1	12,2
$T_6T_4$	Размери $> 104$ буюмлар учун $T_4$ нуқтанинг ҳолати	$T_6T_4 \perp \Gamma_{01}T_{04}$	—	—	—	—	—	—
$T_4T_3$	Размери $< 104$ буюмлар учун олд кенглигининг чизиги	$T_3$ нуқта орқали олд утар чизиққа параллел туғри чизиқ	—	—	—	—	—	—
$T_{04}B_2$	Кичик размерли буюмлар учун букса чизигининг олд булакдаги ҳолати	$0,5 D_{т.с}$	19,6	19,6	—	—	19,5	—
$T_4B_2$	Катта размерлар учун ўшанинг ўзи	$0,5 D_{т.с}$	—	—	20,3	20,7	—	20,3
$T_{04}\Gamma$	Кичик размерли буюмлар учун бел чизигига	$(D_{т.п} - B_{г}) + 0,5$	18,5	18,2	—	—	17,9	—

Чизмадаги белгилар	Конструктив участка	Ҳисоблаш формуласи	Тилик фигуралар учун ҳисоблар натижалари, см					
			158—96— —100	158—96— —104	164—112— —120	164—128— —136	158—96— —136	164—112— —124
$T_4\Gamma$	нисбатан кўкрак чизигининг сатҳи	$П_{д.т.п} + Ур$	—	—	18	16,7	—	—
$\Gamma\Gamma_1$	Катта размерлар учун ўшанинг ўзи	$Ц_{г} + П_{ц.г.}$	10,9	11	12,2	13,6	11,1	12,2
$T_6\Gamma_1A_3$	Кўкрак энг юқори нуқтасининг маркази	$Ц_{г} + П_{ц.г.}$	10,9	11	12,2	13,6	11,1	12,2
$T_6\Gamma_1A_3$	Олд ёқа ўмизи юқори нуқтасининг ҳолати	$D_{т.п1} + [D_{т.с1} - (D_{т.с1ф} - P_{д.т.с} - U_{р.с})] + P_{д.т.п} + U_{р.п}$	45,6	45,2	48,6	50,9	44,9	48,4
$A_3A_4$	Олд ёқа ўмизининг кенглиги	$A_3A_4 \perp T_{04}\Gamma$	—	—	—	—	—	—
$A_4A_5$	Олд ёқа ўмизининг чуқурлиги	$(A_3A_4 \perp T_4\Gamma_{01}) 0,45$	8,2	8,3	8,9	9,6	8,4	9
$T_6\Gamma_1A_{31}$	$A_{31}$ нуқтанинг ҳолати	$D_{т.п1} + P_{д.т.п} + U_{р}$	45,8	45,5	48,5	50,4	45,2	48,3
$A_{31}A_{30}$	Кўкрак витачка ёпиқлигида олд елка нуқтасининг сатҳи	$(B_{т.о.ш.} - B_{п.т.}) + (P_{д.д.п.} - P_{п.п.}) - 0,5$	5	4,9	5	4,6	4,8	4,9
$A_{31}P_3$	Олд елка нуқтасининг	$P_{у.п} - 1,5$ $Ш_{п}$	13,1	13,1	13,6	13,9	13,1	13,6

$A_3A_6$	ҳолати ( $A_3P_3$ — витачка ёпиқлиги ҳолатида елка қирқимининг ҳолати) Елка қирқимида витачканинг унғ томони ҳолати	$(\frac{1}{4} - \frac{1}{3}) A_3P_3$	3,3— —4,3	3,3— —4,3	3,4— —4,5	3,5— —4,6	3,3— —4,3	3,4— —4,5
$\Gamma_1\Gamma_2$	Кукрак нуқтасига нисбатан витачка кенглигининг сатҳи	$B_{\Gamma} - B_{\text{пр.п}}$	10,5	10,5	12,7	14,8	10,5	12,6
$\Gamma_1\Gamma_{21}$	Витачканинг кенглиги	$(C_{\Gamma_{11}} - C_{\Gamma_1}) - 0,5$	4,2	4,2	6	8,2	4,2	6
$\Gamma_7P_4$ $\Gamma_1P_4$	$P_4$ нуқтанинг ҳолати	$A_6P_3; \Gamma_1P_3$ чизмадан	—	—	—	—	—	—
$ТП_0$	Бел чизиғига нисбатан орт елка нуқтасининг сатҳи	$(B_{\text{ш.т}} - B_{\text{л.т}}) + P_{\text{д.т.с.}} + 0,5$ $P_{\text{у.п}} - 1,5 + Ур$	37,7	37,6	38,9	39,0	37,4	38,2
$A_3P$	Орт елка қирқимининг узунлиги	$A_3P_3$	Олд булак чизмасидан					
$T_2P_5$	Бел чизиғига нисбатан ёрдамчи горизонталнинг сатҳи	25 — 30	25—30	25—30	25—30	25—30	25—30	25—30
$P_2P_5$	$P_6$ нуқтанинг ҳолати	—	Олд булак кенглигини аниқлайдиган тўғри чизиқ билан $P_5$ горизонтал кесишган нуқта $P_6$ билан белгиланади					
$P_1P_5P_5$	Буюм ўмизининг чуқурлиги ( $\Gamma_5\Gamma_6$ — ўмиз чуқурлигининг чизиғи)	0,56 $D_{\text{пр}} - 0,5$ $Ш_{\text{пр}} + \Delta l$ ; бу ерда $\Delta l = 0,5 (P_2P_5 -$	22,71 + + $\Delta l$	23 + $\Delta l$	24,8 + $\Delta l$	26,4 + $\Delta l$	23,3 + $\Delta l$	25 + $\Delta l$

Чизмадаги белгилар	Конструктив участка	Ҳисоблаш формуласи	Типик фигуралар учун ҳисоблар натижалари, см					
			158—96— —100	158—96— —104	164—112— —120	164—128— —136	158—96— —136	164—112— —124
$\Gamma_5\Gamma_8$	$\Gamma_8$ нуқтанинг ҳолати	— $P_4P_6$ — чизмадан аниқланадиган ўмизнинг чуқурлашиши	8,6	8,8	9,5	10,4	8,8	9,6
$\Gamma_6\Gamma_8$	Ўшанинг узи	0,5 $Ш_{\text{пр}} + 1$ (орт булак учун)	6,6	6,8	7,5	8,4	6,8	7,6
$\Gamma_51$	1 нуқтанинг ҳолати	0,5 $Ш_{\text{пр}} - 1$ (олд булак учун)	3,7	3,8	4	4,3	3,8	4,1
$\Gamma_62$	2 нуқтанинг ҳолати	0,15 $Ш_{\text{пр}}$	2,2	2,3	2,5	2,8	2,3	2,6
$\Gamma_6P_7$ 3—4	$P_7$ нуқтанинг ҳолати 3—4 нуқталарнинг ҳолати	5,5—6 3—4   $P_7P_4$	0,5—0,8	0,5—0,8	—	—	0,5—0,8	—
$P_1P_8$	Ўмизни кириштириб дазмоллаш қўшимчаси	$P_1P_8 = 0,5 - 0,8$	0,5—0,8	0,5—0,8	0,8—1,2	0,8—1,2	0,5—0,8	0,8—1,2
$A_2a_1$	Орт булакда чап витачканинг ҳолати	$(\frac{1}{3} - \frac{1}{3}) A_2P$	3,3—4,3	3,3—4,3	3,4—4,5	3,5—4,6	3,3—4,3	3,4—4,5
$a_2a_1$	Витачка кенглиги	$\Gamma$ авда тузилишига ва газлама структурасига боғлиқ	2—3,5	2—3,5	2—3,5	2—3,5	2—3,5	2—3,5
$УИ$	Курак чиққан нуқтасининг ҳолати	0,4 $Ш_c$	7,3	7,3	8	8,8	7,4	8,1

		7—8	7—8	7—8	7—8	7—8	7—8	
$a_1 I_1$ $A_2 P_{81}$	Витачка узунлиги $P_{81}$ нуқтанинг ҳолати	$R_1 = A_2 P = A_3 P_2$	7—8   7—8   7—8   7—8   7—8   7—8 $A, P$ ва $I_1 P_1$ қийматлар орт булак чизмасидан олинади					
$I_1 a_4$	Витачканинг чап томони	$R_2 = I_1 P_2$ $I_1 a_3$	—	—	—	—	—	
$G_5 G_{10}$	Орт булак ён қирқимининг ҳолати	Моделга мувофиқ	4	4	4	4	4	
$G_{10} G_{11}$	Орт булак ён қирқими учининг ҳолати	$G_{10}$ вертикалнинг умиз чизиги билан кесишган нуқтаси	—	—	—	—	—	
—	$T_8$ нуқтанинг ҳолати	$G_{10}$ вертикалнинг горизонтал $T T_{04}$ билан кесишган нуқтаси	—	—	—	—	—	
$G_8 G_7$ $B_1 B_3$	$G_7$ нуқтанинг ҳолати Орт булакнинг букса чизигидаги эни	$\Pi_{пр} - G_5 G_{10}$ $T_1 T_8$	—	—	13	14,4	—	13,3
$B_2 B_6$	Олд булакнинг букса чизигидаги эни	$(C_6 + P_6) - B_1 B_3$ бу ерда $P_6 = 6$ см	21,8	21,9	23,7	25,6	22	23,8
$T_{11} T_{04}$ $(T_{11} T_4)$	Олд булакнинг бел чизиги	$G_{10} B_6 (G_7 B_6)$ туғри чизик бел чизиги билан кесишган нуқта $T_{11}$ билан белгиланади	34,2	36,1	42,3	48,4	38	44,2
$T_{11} G_{13}$	Олд булак ён қирқимининг бел чизигидан учигача кесмаси	$T_8 G_{11}$	—	—	—	—	—	—
$\Sigma B$	Бел чизигидаги витачкалар йиғиндиси	$(T_1 T_8 + T_{11} T_{04}) - (C_T + P_T)$ , бу ер	—	—	—	—	—	—

Чизмадаги белгилар	Конструктив участка	Ҳисоблаш формуласи	Типик фигуралар учун ҳисоблар натижалари, см					
			158—96—100	158—96—104	164—112—120	164—128—136	158—96—136	164—112—124
$T_1 T_{13}$	Орт булак бел чизигидаги витачканинг ҳолати	да $T_1 T_8$ ва $T_{11} T_{04}$ ( $T_{11} T_4$ ) — чизмадан улчаб олинади $0,4 Aa$	8,1	8,2	8,9	9,7	8,2	8,9
—	Орт булак витачкасининг кенглиги	$(0,15 - 0,2) \Sigma B$	—	—	—	—	—	—
$T_8 T_9 = T_{11} T_{12}$	Ён қирқимлар витачкасининг кенглиги	$0,2 \Sigma B$	—	—	—	—	—	—
$B_2 B_7 = B_6 B_8$	$B_7$ ва $B_8$ нуқталарнинг ҳолати	10	10	10	10	10	10	10
$B_8 B_{10} = B_7 B_9$	$B_8$ ва $B_{10}$ нуқталарнинг ҳолати	0—1	—	—	—	—	—	—
$T_{04} H_5 T_4 H_5$	Олд ўрта чизик буйлаб этакнинг ҳолати	$T_1 H + 1,5 + U p$ , бу ерда $T_1 H$ — орт булак чизмасидан	+	+	—	—	+	—
$T_3 K$	Чунтак чизигининг ҳолати	$\frac{1}{4} D_{т.с} - 6$	3,8	3,8	—	—	3,8	—
		$\frac{1}{4} D_{т.с} - 5$	—	—	5,2	5,4	—	5,1
$K_4 K_{41}$	Чунтак оғзининг узунлиги	$0,15 C_{T11} + 8$	15,5	15,5	16,7	17,9	15,6	16,8

$KK_{41}$	Чунтакнинг учларини ҳолати	$\frac{1}{4} K_4 K_{41}$	3,9	3,9	4,2	4,5	3,9	4,2
$KK_4$ $T_6 K_5$	$K_5$ нуқтанинг ҳолати	$\frac{3}{4} K_4 K_{41}$ $T_6 K_5 / T_{04} \Gamma(T_4 \Gamma_{01})$	11,6	11,6	12,5	13,4	11,7	12,6
Утқазма енг (3.9- расмга қаранг)								
$OP$	Енг қиямасининг ба- ландлиги	$V_{пр}(1+H) + P_{в.ок}$ (дастлабки ҳисоб- дан)	20,4	20,6	21,8	22,8	20,7	21,9
$OL$	Тирсак чизигининг ҳо- лати	$D_{р.лок} + P_{в.ок} +$ $+ P_{пл} + Uр$	32,8	32,8	34,6	35,1	32,8	34,6
$OH$	Енг учининг ҳолати	$D_{рук} - 1,5 + Uр.$ бу ерда $D_{рук}$ — мо- мелга мувофиқ	—	—	—	—	—	—
$OO_1$	Икки букланган енг- нинг кенглиги	$0,5 Ш_{рук}$ , бу ерда $Ш_{рук}$ — дастлабки ҳисобдан	21	21,25	23,6	24,9	21,6	23,9
$PP_1 = P_л P_2 =$ $= P_л P_3$	$P_1, P_2$ ва $P_3$ нуқталар- нинг ҳолати	$0,5 (0,5 Ш_{рук} -$ $- Ш_{пр})$	3	2,9	3,3	3	3	3,3
$P_1 P_4$	$P_4$ нуқтанинг ҳолати	$0,25 Ш_{рук}$	10,5	10,6	11,8	22,5	10,8	12
$PP_5$	$P_5$ нуқтанинг ҳолати	$PP_4$	7,5	7,7	8,5	9,5	7,8	8,7
$P_л P_6$	$P_6$ нуқтанинг ҳолати	$P_л P_5$	13,5	13,5	15,1	15,4	13,8	15,2
$P_6 P_7$	$P_7$ нуқтанинг ҳолати	$0,5 Ш_{рук}$	21	21,25	23,6	24,9	21,6	23,9
$P_7 O_2$	$OO_1$ кесмага $P_7$ нуқта- дан перпендикуляр	—	—	—	—	—	—	—
$P_1 O_3$	$P_1$ нуқтадан кўтарил- ган — перпендикуляр	—	—	—	—	—	—	—

Чизмадаги белгилар	Конструктив участка	Ҳисоблаш форму- ласи	Типик фигуралар учун ҳисоблар натижалари, см					
			158—96— —100	158—96— —104	164—112— —120	164—128— —136	158—96— —136	164—112— —124
$O_1 O_6$	нинг $O_2 P_4$ кесма билан кесишган нуқтаси	—	—	—	—	—	—	—
$ЛЛ_1$	$O_2 P_6$ ва $O_1 P_л$ кесмалар кесишган нуқта $P_8$ би- лан белгиланади	2—3	2—3	2—3	2—3	2—3	2—3	2—3
$НН_1$	$O_6$ нуқтанинг ҳолати	1—1,5	1—1,5	1—1,5	1—1,5	1—1,5	1—1,5	1—1,5
$Н_1 Н_2$	Олд ўтар чизиқнинг эгилиши	15	15	15	15	15	15	15
$НН_2$	Енг учи қиялигининг ҳолати	2	2	2	2	2	2	2
$Н_3 Н_8 = Н_3 Н_9$	$H_2$ нуқтанинг ҳолати	0,5 $Ш_{рук} + 10$ , бу ерда $Ш_{рук}$ — дастлаб- ки ҳисоблашлардан олинади	31	31,25	33,6	34,9	31,6	33,9
$P_л P_{15} =$ $= P_л P_{14} =$ $= L_1 L_2 =$ $= L_1 L_3 =$ $= НН_4 = НН_5$	Енг учида тирсак ўтар чизигининг ҳолати	0,5 $Ш_{рук}$	15,5	15,6	16,8	17,5	15,8	17
	Енг учи тирсак ўтар қисмининг кенглиги	0 ёки > 1	Енг шаклига ва газлама хусусиятига боғлиқ					
	Олд ўтар қисмининг кенглиги	2 — 2,5	2—2,5	2—2,5	2—2,5	2—2,5	2—2,5	2—2,5

$P_{15}P_{16}$ $L_4L_5$	$P_{16}$ нуктанинг ҳолати Тирсак қисмида тир- сак ўтар қисмининг ҳолати	$P_{15}P_{16} - P_{15}L_7$ 1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2
$L_5L_6 = L_6L_7$	Тирсак қисмида тир- сак ўтар қисмининг эни	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2	1,5-2

Эслатма. Ушбу конструкция чизмасида ишланган моделлар вариантларининг ени 5,19 ва 5,20-расмларда келтирилган.

### 3.6. ҲАР ХИЛ БИЧИМЛИ АЁЛЛАР УСТ КИЙИМИ КОНСТРУКЦИЯСИНИНГ ЧИЗМАСИНИ ҚУРИШ

#### 3.6.1. Реглан бичимли аёллар уст кийимини конструкциялаш хусусиятлари

Бу бичимдаги буюмларнинг ўзига хос хусусияти ёқа ўмизидан бошланадиган енг ўмизидир, шу сабабдан енг буюмнинг юқори қисми билан бирга бичилади.

Реглан бичимли буюмларда ўмиз чизигининг конфигурацияси буюм елка поясининг шакли ва гавда тузилиши билан узвий боғлиқ. Агар енг ва ўмиз чизиқларининг конфигурацияси ўзгартирилса, фигурадаги камчиликларни кўзга кўринмайдиган даражада осон бартараф қилиш мумкин (тор елкалар ёки, аксинча, кенгайган; кенг ёки тор орт бўлак ёки кўкрак ва ҳ.к. 3.21-расм).

Ушбу бичимли буюмларнинг конструкцияси бевоқифа чизманинг базис сеткасида ёки икки чокли ўтқазма энгли буюмларнинг асосий чизмасидан фойдаланиб олиниши мумкин.

Чизма қуришнинг биринчи усули елка пояси ва узунлиги бўйича ҳажми катталашган, шакллари етарли даражада хилма-хил, енг ва ўмиз тузилиши ҳар хил бўлган реглан енг олишга имкон беради.

Қуришнинг иккинчи усули шакллар хилма-хиллигини бир оз чегаралаб қўяди, чунки у икки вариантдаги шакли шоқул енг чизмаси асосида бажарилади: олд ва тирсак қисмлардан иборат икки чокли енг ҳамда остки, устки қисмлардан тузилган икки чокли енг.

Чизманинг базис сеткасидан фойдаланиб реглан бичимли енг конструкциясини ишлаб чиққанда енгнинг шаклини билиш жуда муҳим. Агар енг юмшоқ шаклда бўлса, унинг устки қирқими елка қирқимининг давомида жойлашади, агар енг шоқул шаклида бўлса, унинг устки қирқими елка қирқими давомининг чизигига нисбатан етарли даражада катта бурчак остида жойлаштирилади.

Енг устки қирқимининг йўналиши унинг ўмиз остидаги кенглигига, енг қиямасининг баландлигига ва шундай қилиб, унинг шаклига таъсир этади. Ундан ташқари енгнинг шакли остки ва устки қирқимларнинг



3. 21-расм. Реглан бичимли ва унинг модификацияларига оид уст ки-  
йим ва моделларнинг эскизлари.

шаклига боғлиқ. Енгнинг устки қирқими елка қирқимининг давомида жойлашганда, реглан енгнинг энг юмшоқ шакли ҳосил бўлиши мумкин. Бунда енгнинг остки қирқими узунроқ ва юмшоқроқ бўлади. Айни ҳолда енг ўмиз остида ва учида энг катта кенгликка эга бўлади.

Елка қирқими давомининг чизиги ва енгнинг устки қирқими орасидаги бурчак катталашган сари қуйидаги ўзгаришлар юз беради: ўмиз остида енг кенглиги кичираяди, енг қиямасининг баландлиги катталашади; остки қирқимнинг узунлиги қияма баландлиги ошган миқдорга кичираяди ва натижада, ўмиз остида енгнинг равонлиги камаяди; енг эса кичик ҳажмли, вертикалга яқин шаклланиб боради.

Реглан бичимли буюмлар асосий чизмасини чизиш ўтқазма энгли буюмлар асосий чизмасини чизишга ўхшаш.

Силуэти бир хил, лекин бичими ҳар хил бўлган буюмнинг кўринишидан муайян таассурот қолдириш мақсадида, ўтқазма энгли буюмларнинг қўшимчаларига нисбатан, мазкур бичимли буюмларда кўкрак чизиги бўйича қўшимча  $P_r$ , ўмиз тўқислигига  $P_{c,пр}$  ва елка айланасига  $P_{o,п}$  қўшимчалар 1 — 2 см катталаштирилади.

Шакли юмшоқ реглан бичимли буюмлар чизмаси  $P_r$  қийматни катталаштирмасдан, лекин шоқул шаклидаги ўтқазма энгли буюмларнинг қўшимчаларига нисбатан  $P_{c,пр}$  ва  $P_{o,п}$  қўшимчаларнинг каттароқ қийматлари орқали, ўтқазма энгли буюм чизмаси асосида қурилади.

Конструкция чизмасининг участкалари орасида  $P_r$  нинг тақсимоли қуйидагича: орт бўлак кенглигига (0,2 — 0,25)  $P_r$ ; олд бўлак кенглигига (0,1 — 0,2)  $P_r$ ; ўмиз кенглигига (0,7 — 0,55)  $P_r$ ; айни пайтда ўмиз кенглиги тахминан  $O_{п}/3 + 3$  см га тенг.

Конструкция чизмасининг бошқа участкалари бўйича қўшимчалар қиймати худди ўтқазма энгли буюмлар конструкциясига ўхшаш олинади (1.13-жадвал).

Орт бўлак чизмасини чизишнинг ўзига хос хусусиятлари (3.22-расм, а).  $A_0$  нуқтадан тепага 1 — 1,5 см тенг  $A_0A'_0$  кесма ўлчаб қўйилади. Орт бўлак ёқа ўмизининг бу кўтарилиши тайёр буюмда кенгайтирилган орт ёқа ўмизига ( $A_2A'_2$  кесма) ёқа ўрнатилган чизигининг сатҳини сақлаш мақсади-

да зарур бўлади.  $A_2A'_2 \approx A_0A'_0 = 1 - 1,5$  см;  $A_2A'_2 \perp A_2P$ .  $A_0$  ва  $A'_2$  нуқталар равои чизиқ орқали туташтирилиб орт бўлак ўмиз чизиғи ҳосил қилинади.

$A'_2$  нуқтадан ўмиз чизиғи бўйлаб моделга мувофиқ  $1 - 5$  см га тенг  $A'_2g$  кесма қўйилади.  $A'_2g$  кесма катталашган сари орт бўлак кенглиги торроқ, кичрайган сари эса кенгроқ кўринади.

Агар ўмиз чизиғи бўртган бўлса, у кўпинча  $P_3$  нуқта билан туташтирилади. Бу ҳолда  $g$  ва  $P_3$  нуқталар тўғри чизиқ орқали туташтирилади ва  $g$   $P_3$  кесманинг ўртасидан ўнг томонга  $5 - 6$  перпендикуляр кўтарилади. Унинг катталиғи ўмиз чизиғининг конфигурациясига боғлиқ ҳолда аниқланади. Кесма  $5 - 6 = 1$  см. Бу қийматдан ошган ҳолда ўмиз елка пояси кўринишини ростлашга ёрдам беради. Равои чизиқ орқали  $g$ ,  $6$ ,  $P_3$ ,  $1$  ва  $G_2$  нуқталар туташтирилиб орт ўмиз чизиғи ҳосил қилинади. Бунда  $G_1$   $1 - 0,2$  Ш<sub>пр</sub> + (0,7 - 1);  $G_2G'_2 = GG'$ .

Ушбу бичимли буюмларда орт бўлак ён чизиғи  $G'_2$  ва  $H_2$  нуқталардан моделга мувофиқ тўғри ёки мураккаб эгри чизиқ орқали ўтказилади. Бунда орт бўлак этагининг кенглигига қараб мўлжалланади:  $H_1H_2 = G'_2G'_2 + (2 - 5)$ . Орт бўлак этаги деталларни конуссимон ёйиш ҳисобига янада кенгайтирилади.

Бу бичимли буюмларда орт бўлакда ўрта чок бўлганда ўмиз бўйлаб кириштириб дазмоллаш ўрнига ўрта чок узайтирилади. Бу мақсадда  $I$  нуқтадан чапга горизонтал чизиқ ва  $11$  см радиусли ёй ўтказилади, улар кесишган нуқта  $I_7$  билан белгиланади.  $I_1$  нуқтадан тепага ёй бўйича  $0,5$  см қўйилади (яъни куракларга мос чиқиқ ҳосил қилиш мақсадида орт бўлакни кириштириб дазмоллаш ҳақининг  $\frac{1}{4} - \frac{1}{3}$

қисми) ва  $I_2$  нуқта олинади.  $I$  ва  $I_2$  нуқталар тўғри чизиқ орқали туташтирилади ва унинг  $АН$  чизиқ билан кесишган нуқтаси  $y'$  билан белгиланади.  $y'$  нуқтадан  $ИИ_2$  тўғри чизиққа орт бўлак ўрта чокининг  $yA'_0$  кесмасига тенг перпендикуляр кўтарилади ва  $A'_0$  нуқта олинади.

Орт бўлак ёқа ўмизининг чизиғи  $y'A'_0$  кесмага перпендикуляр қилиб қурилади. Бунда орт бўлакнинг юқори қисми ўнг томонга ўрта чок узайтирилган қийматга бурилади ва  $A_0$  нуқта ҳосил бўлади.

Тайёр кийимда  $A''_0$  нуқта  $A'_0$  нуқта сингари фигуранинг бўйин нуқтасига тўғри келишини ҳисобга олиб (ўмиз кириш-

тириб дазмолланмасдан буюмнинг ўмиз соҳасида арқоқ иплар йўналишини сақлаган ҳолда) орт булакнинг юқори қисмини ўннга томон ўтқазмасдан энгнинг тирсак қисми унинг контурида бажарилади.

**Энг тирсак қисмининг чизмасини қуриш.** Елка соҳасида энг ҳажмини катталаштириш мақсадида энг тирсак қисмининг чизмасини қуриш пайтида чизманинг тузилиш схемасида орт елка қирқим кўтарилади. Кўтарилиш қиймати буюмнинг турига ва буюмнинг елка пояси шаклига боғлиқ:  $ПП' = 1,5 - 2$  см.  $A_2'$  ва  $P'$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади ва  $A_2'P'$  кесманинг узунлиги аниқланади, бу қиймат уст кийимлар учун  $Ш_n + (0,7 - 1)$  бўлиши мумкин, бу ерда  $0,7 - 1$  см — елкадан энгга равои ўтиш мақсадида елка қирқимининг узайиши.

Энгнинг юмшоқ шаклини таъминлаш мақсадида устки қирқим  $A_2'P'$  елка қирқимининг давомида жойлаштирилади. Айни ҳолда энг узунлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:  $P'O = D_{p.зам} \pm m$  (бу ерда  $m$  — мода талабларига боғлиқ қиймат).  $O$  нуқтадан энгнинг устки қирқими  $A_2'O$  га перпендикуляр кўтарилади.

Кейин ўмиз чуқурлигининг чизиғида  $O_1$  нуқтанинг ҳолати аниқланади, у орқали ўмиз остида энг кенглиги аниқланади. У  $\Gamma_1$  нуқтадан ўнг томонда буюмнинг тури ва унинг ҳажмига боғлиқ ҳолда  $\frac{1}{8}$  дан  $\frac{1}{4}$   $\Gamma_1\Gamma_4$  гача масофада жойлаштирилади. Буюмнинг ҳажми қанчалик кичик бўлса, кесма  $\Gamma_1O_1$  ҳам шунчалик кичради ва аксинча, буюмнинг ҳажми катталашган сари ушбу кесманинг қиймати  $\frac{1}{4}$   $\Gamma_1\Gamma_4$  қийматга яқинлашаверади. Ўмиз остида энг кенглигини чизиғи  $O_1$  нуқта орқали энгнинг устки қирқимига перпендикуляр ўтқазилади ва у билан кесишган нуқта  $P$  белгиланади.

$P_3$  нуқтадан чапга  $gP_3$  кесмага перпендикуляр кўтарилади ва унда юмшоқ бўйлама тахлама ҳосил қилиш мақсадида энг ҳажмини катталаштириш билан боғлиқ бўлган қўшимчага тенг кесма ўлчаб қўйилади. Бу қиймат энг шаклига боғлиқ ва 0 дан 2 см гача қилиб олинади (оддий ўмиз чуқурлигида). Ўмиз чуқурлашганда ёки юқори қисмининг конфигурацияси ўзгарганда бу тахламанинг кенглиги ҳам ўзгаради. Энг шакли юмшоқлигида  $P_3P_3'$  нолга яқинроқ ( $0 - 0,5$  см), шоқул шаклида эса максимал қийматга яқинроқ бўлади. Ушбу бичимни ўмиз чизиғининг  $P_3$  нуқтадан юко-

риси ўтқазма энгли буюмнинг ўмиз конфигурациясини тақ-  
дорласа кесма  $P_3P'_3 = 0$  (реглан — погон, кокетка билан ях-  
лит бичилган реглан ва бошқа шунга ўхшаш вариантлар).  $P'_3$   
нуқтадан  $PO_1$  чизиқнинг давомида  $P_3\Gamma'_2$  кесмага тенг радиус-  
ли ёй чизилади ва  $O_2$  нуқта белгиланади.

Шакли юмшоқ энгларда пастки қирқимнинг чизи-  
ғи  $O_2$  нуқтадан устки қирқимга параллел ўтказилади  
ва энг учи чизиғи билан кесишган нуқта  $O_3$  билан бел-  
гиланади. Энгнинг шундай шаклида пастки қирқим энг  
катта узунликка эга. Елка чизиғининг давомига нис-  
батан устки қирқимнинг қиялик бурчаги катталашган  
сари энг қиямаси кутарилган қиймат катталигига ост-  
ки қирқимнинг узунлиги камаяди. Шоқул шаклли энг  
қиямасининг баландлиги ўтқазма энгникига ўхшаш,  
(чизмада аниқланган ёпиқ ўмизнинг)  $O_1O_2$  вертикал  
диаметридан фойдаланиб аниқланиши мумкин.

Энглари тик шаклдаги уст кийимларда энг қия-  
масининг баландлиги (чизмадан олинган)  $P_5\Gamma_2$  кесма-  
га тенг бўлиши мумкин.

Бу шаклдаги энг чизмасида  $P'$  нуқтадан энг қия-  
масининг баландлигига тенг радиус орқали пастга ёй  
ўтказилади ва  $O_1$  нуқта орқали ўтказилган ёйга урин-  
тириб ўмиз остидаги энг кенглигининг чизиғи ўткази-  
лади, унга  $P'$  нуқтадан перпендикуляр тушириб ( $P$  нуқ-  
та)  $P'P$  чизиқ  $O$  нуқтагача пастга давом эттирилади  
( $P'PO$  — энг узунлиги),  $O$  нуқтадан  $P'O$  кесмага пер-  
пендикуляр туширилади.

Реглан бичимли буюмларда асос чизмаси қурил-  
гандан сўнг энг узунлиги ўтқазма энг узунлигига нис-  
батан катталаштирилади (1—2 см), натижада буюм  
маълум даражада энгилроқ кўринади.

Энгга вертикал шаклни бериш мақсадида  $P'_3$  ва  $O_2$  нуқ-  
талар ҳолати юмшоқ шаклли энгга ўхшаш аниқланади, ле-  
кин  $P_3P'_3$  кесманинг максимал қийматида.  $P'_3$  ва  $O_2$  нуқта-  
лар тўғри чизиқ билан туташтирилади ва энг ўмизга ўрна-  
тиладиган бу қисм ўмизнинг кўзгудаги аксидек ўтказилади,  
яъни  $P'_3O_2$  сегмент  $P_3\Gamma'_2$  сегментга тенг.

2. 6'  $P'_3$  ва  $O_2$  нуқталар равон туташтирилади ва энг ўми-  
зига ўтказиладиган чизиқ ҳосил қилинади. Шу пайтда кес-  
ма  $6 - 6' = 0,4 - 0,5$  см — юмшоқ шаклли астарсиз буюм-  
лар учун; 0,6 — 0,8 см пальто ассортименти учун.

Енг учининг кенглиги моделга боғлиқ, лекин умумий ҳолда вертикал шаклдаги енг учун  $OO_3 = 0,5 (O_{зап} + P_{о.зап}) + 1$ . Енг тирсак қисми пастки чизиғи  $OO_3$  кесмасининг ўртаси бир оз чиқариб ўтказилади ( $\approx 1$  см).

Агар реглан енг тирсак соҳасида қўл контурини бир оз айириб кўрсатмоқчи бўлса, тирсак қисмининг пастки қирқимида витачка лойиҳаланади. Бу мақсадда тирсак чизиғи  $PL = 0,5PO - 2$  формула бўйича аниқланади.  $L$  нуқтадан  $P'O$  кесмага  $O_2O_3$  пастки қирқим билан  $L_1$  нуқтадан кесишгунча перпендикуляр кўтарилади. Витачканинг кенглиги  $L_1L_2 = 2 - 2,5$  см.  $L$  ва  $L_2$  нуқталар тўғри чизиқ билан туташтирилади.


Тирсак қисми пастки қирқимининг тўғри чизиғини сақлаб қолиш мақсадида витачка ёпиқ ҳолида витачка томонларининг сатҳида бир оз чиқик кўзда тутилади:  $L_1L'_1 = L_2L'_2 = 1,5$  см. Витачканинг учи бурчакнинг ўртасида жойлашади.  $L'_1L'_3 = L_3L'_2 \approx 7 - 8$  см ( $L$  нуқта енгнинг букланиш чизиғидан  $1 - 2$  см чапроқда жойлаштирилади).

Енгнинг устки қирқими тирсак сатҳидан  $L$  нуқтадан  $L_3L$  кесмага перпендикуляр тарзда ўтказилади, тор енг эса —  $L_3L_2$  кесмага перпендикуляр. Енгнинг устки қирқими  $P'$ ,  $P'$  ва  $O'$  нуқталардан раван чизиқ орқали ўтказилади.  $PP'$  кесма елка айланаси соҳасида енг шаклини аниқлайди. Устки қирқимни шакллантиришда буюмнинг елка пояси енг ҳисобига кенгайган ва тўлароқ қилиб мўлжалланиши мумкин (3.22-расм, а штрих чизиқ).

Бу вариантдаги енг учининг чизиғи қуйидагича ўтказилади:  $L_2$  нуқтадан пастга  $L_1O'_3$  радиусли ёй чизилади,  $O'$  нуқтадан эса тирсак қисмининг учи кенглигига тенг иккинчи ёй ўтказилади ва бу ёйлар кесишган нуқта  $O'_3$  билан белгиланади;  $O'O'_3 = OO'_3$ . Енг учининг чизиғи бу бичимдаги енгнинг аввал ифодаланган вариантнинг чизмасида кўрсатилгандек шаклланади (3.22-расм, а икки штрихли штрих—пунктир чизиқ).

Олд бўлак чизмасини қуриш (3.22-расм, б). Юмшоқ шаклли олд бўлак чизмасини қуришда кўкрак витачкаси  $2 - 3$  см кичрайтирилиши мумкин. Вертикал енг ҳосил қилиш мақсадида кўкрак витачкаси бу бичимда сақланиши керак (елка ёстиқчасиз буюмларда).

Ўмиз ва енг чизмаларини қулайроқ қуриш мақсадида кўкрак витачкасини график усуллардан бири орқали олд ёқа ўмизига ўтказган маъқулроқ. Бу мақсадда



3. 22-рәсм. Реглан би-  
чмәли пәлтә чизмәси:  
а — орг булак; б — олд  
булак.

витачка ўтказиладиган чизиқ —  $\Gamma_{7в}$  белгиланади.  $\Gamma_7$  нуқтадан  $в$  нуқта орқали чапга витачка томонлари билан кесишгунча ( $B_1$  ва  $B_2$  нуқталар) ёй ўтказилади. Кўкрак витачкасининг кенглиги  $в_1в_2в$  — нуқтадан ёй бўйича чапга қўйилади ва шундай қилиб ёқа ўмизига ўтказилган. ( $вв_3$ ) витачка олинади.  $в_3$  — нуқтани ёқа ўмизининг юқори нуқтаси билан ( $A_9$  нуқта) бирлаштириб елка қирқимиغا кўкрак витачкаси ёпиқ ҳолда ёқа ўмизининг қисми олинади.  $A_9C = 2-4$  см (моделга мувофиқ бошқа қиймат ҳам бўлиши мумкин).

Тўғри чизиқ орқали  $C$  ва  $P_6$  нуқталар туташтирилади, унинг ўртасидан перпендикуляр кўтарилади ва унда кесма  $C_1C_2 = 1-2$  см (моделга мувофиқ бошқа қиймат ҳам бўлиши мумкин) қўйилади.  $C_1C_2$  кесма ўмиз шаклини аниқлайди:  $C_1C_2$ ,  $P_6$ ,  $2$  ва  $\Gamma_2$  нуқталарни раво туташтириб олд бўлак ўмиз чизиғи аниқланади. Бунда  $\Gamma_2 = 0,2 Ш_{пр} + 0,2$  см.

Енг ўмизи қурилгандан сўнг витачкани елка қирқимида қолдирса ҳам бўлади. Бунда  $A_4C' = A_9C$ ;  $A_{10}C_3 = P_7C_4$ ;  $C_3\Gamma_7 = \Gamma_7C_3$ .

Олд бўлакнинг ён қирқими орт бўлак ён қирқимиغا тўғри келиши керак.

**Енгнинг олд қисми чизмасини қуриш.** (3.22-расм, б) Енгнинг шакли юмшоқ бўлса юқори қирқим чизиғи  $A_9P_5$  елка қирқимининг давомидек ўтказилади ва унда  $P_1$  ва  $C_4$  нуқталарнинг ҳолати аниқланади;  $P_5P_1 = P'P$  ( $P'P$  — орт бўлак чизмасидан).  $P_1$  нуқтанинг ҳолати шундай ҳам аниқланиши мумкин. Ўмиз бурчагининг учидан ( $\Gamma_4$  нуқта) енгнинг устки қирқимига перпендикуляр туширилади ва устки қирқим билан кесишган нуқтаси  $P_1$  билан белгиланади. Енг олд қисми қиямасининг баландлиги (шакли юмшоқ бўлса)  $P_1$  нуқтадан  $P_5$  нуқта томонга қўйилади ва  $P_5$  нуқта олинади (чизмада кўрсатилмаган), яъни  $P_1P'_5 = PP'$  (орт бўлак чизмасидан). Шу билан бирга елка қирқимининг кенглиги кўкрак витачкаси кенглигининг ўзгариши ҳисобига аниқланади.  $P_5$  ( $P'_5$ ) нуқтадан пастга енг узунлиги  $P_5$  ( $P'_5$ )  $C_4 = D_{р.зап} \pm m$  ўлчам қўйилади.

$C_4$  ва  $P_1$  нуқталардан  $P_5$  ( $P'_5$ )  $C_4$  чизиққа перпендикулярлар кўтарилади.  $P_6$  нуқтадан ўнг томонга  $SP_6$  кесмага узунлиги  $0-2$  см ( $C_5$  нуқта) перпендикуляр кўтарилади. Енг шакли юмшоқ бўлса,  $P_6C_5$  нолга яқин ( $0-0,5$  см). Шоқул енг учун  $P_6C_5 = 2$  см. Лекин ўмизнинг конфигурацияси ўтказма енг ўмизининг контурини ( $P_6$  нуқтадан тепа.

сини) такрорласа,  $P_6C_5 = 0$ . Енг устки қирқим ҳисобига  $P_1$  ва  $C_4$  нуқталардан чапга кенгайтирилади (3.22- расм, б, штрих-пунктир чизиқ).

$C_5C_6 = P_6\Gamma_2$ . Устки қирқимга параллел  $C_6$  нуқта орқали енг учи чизиғи билан  $C_7$  нуқтада кесишгунча енг остки қирқимнинг чизиғи ўтказилади.

Юмшоқ шаклли енг ҳосил қилиш мақсадида устки қирқим қўйидагича қурилади.  $P_5$  нуқтадан  $PP'$  кесмага тенг (орт булак чизмасидан) радиусли ёй пастга ўтказилади. Бу ёйга уринтириб  $\Gamma_4$  нуқта орқали ўмиз остидаги тенг кенглигининг чизиғи ўтказилади ва унга  $P_5$  нуқтадан перпендикуляр туширилади. Кесишган нуқтаси  $P_1$  билан белгиланади. Устки қирқимнинг узунлиги  $P_6$  нуқтадан  $P_5P_1$  чизиқнинг давомида қўйилади ва  $C_4$  нуқта олинади:  $P_5C_4 = P'O$ ;  $P_6C_5 = 2$  см;  $C_5C_6 = P_6\Gamma_2$ ;  $C_5C_6$  ва  $P_6\Gamma_2$  сегментлар тенг. Ўмизга енг ўтқозиш чизиғи  $C, C', C_5, C_6$  нуқталар орқали раван ўтказилади.  $C_2C'_2 = 0,2 - 0,4$  см.

Енгнинг устки қирқими  $P_5, P'_1, C_4$  нуқталарни раван чизиқ билан туташтириб ҳосил қилинади. Бунда  $P_5P'_1$  кесма  $PP'$  кесмага тенг бўлиб, елка айланаси соҳасида енг шаклини аниқлайди.


Енг учининг чизиғи  $P_5C_4$  кесмага перпендикуляр ўтказилади ва унда  $C_4C_7 = 0,5 (O_{\text{пан}} + P_{\text{о.зап}}) - 1$  формула бўйича аниқланган енг учининг кенглиги улчаб қўйилади.  $C_6$  ва  $C_7$  нуқталар ўртаси бир оз ўйиқли ботиқ чизиқ орқали туташтирилади  $L_4L'_4 = 0,5 - 0,7$  см.

Енг учи  $C_4C_7$  кесманинг ўртасида бир оз ўйиқли (1 см) ботиқ чизиқ орқали шаклланади. Агар енг тирсак витачқали бўлса,  $C_4C'_4 = C_7C'_7 = 1 - 2$  см (қўл ҳаракати йўналишида енг айланиши).

### 3.6.2. Ярим реглан бичимли буюмлар конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Буюмнинг ярим реглан енги ўтқазма енгга қараганда ўмизга ўтқозиш чизиғи бўйича камроқ кириштириш ҳақиға эга, реглан енгга нисбатан эса — кўпроқ (ўтқозиш чизиғи бўйича енгнинг шаклига ва газлама-лар хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўмизнинг бутун периметри бўйича 1—2 см).

Енги реглан бичимли буюмлар билан конструктив характеристикаларнинг етарли даражада умумийлиги-



3.23- расм. Яримреглан бичимли аёллар пальтосининг чизмаси.

ни ҳисобга олган ҳолда конструкциянинг ушбу варианти реглан бичимли буюмлар конструкциясини ишлаш принциплари, яъни чизма қуришнинг структурали схемаси ёрдамида ишлаб чиқиш мумкин.

Конструкцияни қуриш хусусиятлари қуйдагилардан иборат (3. 23- расм): орт булак витачкали қирқимининг кенглиги  $Ш_n - A_3P'_2 = A_2P_1$ ;  $P_3P'_3 = 1 - 2$  см;  $P'_1И - \frac{1}{3} A_2P'_1$  ва ундан кўпроқ (моделга мувофиқ);  $И_1И_3 = 0,7 - 1,2$  см енг қиямасининг киритиш ҳақи;  $И_1И_2 = 2 - 3$  см<sup>2</sup> — витачка кенглиги;  $P_6C = P'_1И_1$ ;  $CC' = И_1И_3$ ;  $P_6C_5 = 1 - 2$  см.

### Текшириш учун саволлар

1. Реглан бичимли буюмлар конструкциясининг ўзига хос томони нимада?
2. Үмиз билан елка поясининг шакли орасида қандай боғланиш бор?
3. Енг қиялик бурчаги билан қиямасининг баландлиги орасида қандай боғланиш бор?
4. Реглан бичимли енг тирсак қисмидаги юмшоқ бўйлама тахланнинг кенглиги билан енг шакли орасида қандай боғланиш бор?
5. Реглан енгда тирсак қисми учининг кенглиги қандай аниқланади?
6. Реглан енгда олд қисми учининг кенглиги қандай аниқланади?
7. Реглан бичимли енг ўмизи ости кенглигига  $O_1$  нуқтанинг ҳолати қандай таъсир этади?
8. Ярим реглан бичимли енгларга нима хос? Ушбу бичимли енгларнинг қандай вариантларини биласиз?
9. Ярим реглан бичимли буюмларда енг қиямаси бўйича кириштириш ҳақи қандай?
10. Ярим реглан енг қиямасининг кириштириш ҳақи билан ғазламанинг тузилиши орасида қандай боғланиш бор?
11. Реглан бичимли енгга нисбатан ярим реглан енг тирсак қисмини шакллантиришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
12. Реглан бичимли енглар устки қирқимининг шакли билан елка поясининг шакли орасида қандай боғланиш бор?
13. Ушбу бичимли енг кийим стилига қандай таъсир этади?

### 3.6.3. Яхлит бичилган энгли буюмлар конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Энги яхлит бичилган буюмларнинг ўзига хос хусусияти енг орт ва олд булақлар билан бирга мўлжалланган ўмиз чизиги бўйича чоксиз яхлит бичилишидadir, бундай бичим буюмларга елка поясида юмшоқ пластик чизиқ беради (3.24-расм).

Бундай бичимли уст кийимлар шакли хилма-хил бўлиши мумкин: юмшоқ етарли даражада катта ҳажмдан классик ўтқазма енг шаклига ўхшаш ҳажми катта бўлмаган шоқул шаклидаги енггача. Бунда елка қирқими давомининг чизигига нисбатан енг устки қирқимининг қиялиги катта аҳамиятга эга.

Енг устки қирқими йўналишининг чизиги бу бичимда қирқиш нуқтаси сатҳида енг кенглигига ва енг қиямасига\* таъсир этади, демак бутунлай буюм шак-

---

\* Ушбу бичимли буюмлар енг қиямасининг баландлиги сифатида елка нуқталаридан ( $P_1$  ва  $P_5$ ) қирқиш нуқталарининг сатҳида енг кенглигининг чизигигача булган масофа қабул қилинади.



3.24- расм. Ҳар хил шаклдаги яхлит бичилган енгли аёллар уст кийими моделларининг эскизлари.

лини аниқлайдиган энг шаклига ҳам. Бундан ташқари, энг шакли устки ва остки қирқимларнинг шаклига ҳам боғлиқ. Агар энг устки қирқими чизигининг қиялик бурчагини буюмнинг юқори қисми шаклига бўлган таъсирини кўриб чиқсак, елка қирқимининг давомига нисбатан кичикроқ қиялик бурчаги буюмнинг юқори қисмининг шаклини юмшоқроқ кўрсатганини, каттароғи эса — ҳам ўмиз, ҳам елка поясининг сатҳида сипо, аниқ шаклда ва энг классик шаклидаги шоқул ўтказма энг ҳолатига яқинлашганини таъкидлаш мумкин.


Бу бичимли энглар кенглиги устки қирқимнинг қиялик бурчаги ва ўмиз чуқурлиги билан узвий боғлиқ. Энгнинг энг катта кенглиги устки қирқимнинг минимал қиялик бурчагида ва чуқурлашган ўмизда ҳосил бўлиши мумкин. Агар устки қирқимнинг қиялик бурчаги анча катта бўлса, ўмизнинг қўшимча чуқурланиши қўл кўтаришни қийинлаштиради. Устки қирқимнинг қиялиги катта бўлса, энг кенглигини хиштакни узайтириш, энгнинг остки қисмини қўллаш, энгнинг остки қисми ёки хиштак билан яхлит бичилган қирқма ён бўлак ҳисобига катталаштириш мумкин. Тайёр буюмда энг шоқул шаклида бўлса, энгни бир оз кенгайтириш мақсадида елка айланаси доирасида энгни чўзиб дазмоллаб олд конструкциясининг чизмаси устки қирқимнинг қиялик бурчаги кичрайтириб чизилади. Қирқма ён бўлак, кокеткали ва энглари остки қисми буюмларда чўзиб дазмоллаш аҳамиятли эмас.

Яхлит бичилган энгли буюмларнинг чизмаси зарур тўлдирмалар ва ўзгаришлар киритиб ўтқазма энгли асос чизмасида қурилади.

Бундай бичимли кийимлар шаклларининг кўплигини ҳисобга олиб, айтиш мумкин ҳолда ҳар хил силуэт ва шакллар учун ўзгармасдан қоладиган битта конструкция билан қониқиб бўлмайди.

**Юмшоқ шакли яхлит бичилган энгли аёллар пальтоси.** Ушбу пальто чизмаси ўтқазма энгли буюмлар чизмасида кўрак чизиги бўйича қабул қилинган қўшимча ёрдамида қурилади. Чизманинг тузилиш схемаси қурилишида қўшимчанинг тақсимоти худди ўтқазма энгли буюм асосининг чизмаси қурилишидек: орт бўлак кенглигига —  $0,2 P_2$ ; олд бўлак кенглигига —  $(0 - 0,1) P_1$ ; ўмиз кенглигига —  $(0,7 - 0,8) P_1$ .

Ундан ташқари куйидаги қўшимчалар берилади:  $P_{ш.г.с.} =$



3.25. рәсм. Юмшоқ шәк-  
лді яхлит бичылган эн-  
ли аёллар пильтосиниг  
чизмеси.

$= 1 - 1,5$  см;  $П_{в.г.с.} = 0,2 - 0,4$  см;  $П_{д.т.с} = 1 - 1,5$  см;  
 $П_{с.пр} = 3 - 4$  см.

Орт бўлак чизмасини қуриш (3.25-расм). Бу бичимли уст кийимларда албатта кириштириб дазмоллаш қий-матининг қисми (0,5 — 0,6 см) орт бўлакнинг ўрта қирқими-га ўтказиш орқали орт ёқа ўмизининг кўтарилиши кўзда тути-лади (ўрта қирқим узайтирилади). Бунда  $УИ_5 = 0,4$   $Ш_с, И_3, И_4 = 11$  см,  $И_6, И_7 = 0,5 - 0,6$  см;  $У'А'_0 = УА'_0$ . Ёқа ўмизи кенглигининг чизиги  $У'А'_0$  кесмага перпендикуляр ўтқазилади.

Ўрта қирқим чизиги  $А'_a, У', У, Т_1$  нуқталарни тўғри чи-зиқлар орқали бирлаштириб ва  $У'$  ( $У$ ) нуқтадаги бурчакни силлиқлаб ўтқазилади.

Енгнинг устки қирқими  $И_4, О_1$  ва  $О_2$  нуқталар орқали ўтқазилади. Бунда  $ОО_1 \approx 1,5$  см;  $П_1О_2 = Д_{р.зап.} \mp m$  (бу ер-да  $m$  — мода талабларига мувофиқ аниқланади).

Енг тирсак қисмининг учи  $О_2, О_3$  нуқталар орқали  $О_2О_3$  кесманинг ўртасида 1 см чиқариб ўтқазилади.

Енгнинг остки қирқимига ўтадиган ён қирқим  $О_3, 2, Т_3$   $Б_2$  ва  $Н_2$  нуқталарни раvon бирлаштириб ўтқазилади. Бунда  $Б_1Б_2 = ГГ_1$ ;  $Н_1Н_2 = Б_1Б_2$  ёки  $Б_1Б_2 + (2 - 3)$ .  $Б_1, Б_2, Н_1$  ва  $Н_2$  нуқталар расмда кўрсатилмаган.

Олд бўлак чизмасини қуриш (3.25-расм) Кўкрак витачкасининг кенглиги қуйидаги формула бўйича аниқлана-ди:  $А_8П'_7 = 2(C_{r11} - C_{r1}) - 1$ .

Кўкрак витачкали шакли юмшоқ орт бўлак чизмасини қуришда енг устки чизигининг йўналиши қуйидагича аниқла-нади.  $Г'_2$  нуқтадан  $П'_1О_2$  чизиққа перпендикуляр туширилади ва  $Р$  нуқта олинади.  $П_5$  нуқтадан чап томонга  $П_1Р$  кесмага тенг радиус орқали ёй ўтқазилади ва  $Г'_2$  нуқта орқали ёйга уринтириб  $А_0$  нуқтадан перпендикуляр туширилган чизиқ ўт-қазилади ва ҳосил бўлган нуқта  $Р_1$  билан белгиланади,  $А_9Р_1$  чизиқ чап томонга давом эттирилади ва унда  $А_9С = П'_1О_2 + Ш_n$  ўлчаб қўйилади.

Агар бу шаклдаги ва бичимдаги буюм кўкрак ва орт бў-лакда елка витачкаларсиз лойиҳаланса, олд бўлак енги уст-ки қирқимининг йўналиши қуйидагича аниқланади.  $А'_4$  нуқ-тадан  $А_2Р'$  кесмага тенг радиус орқали чап томонга ёй ўт-қазилади ва  $Г'_2$  нуқта орқали ёйга уринтириб чизиқ ўтқази-лади, бу чизиққа  $А'_4$  нуқтадан перпендикуляр туширилади ва уринма билан кесишган нуқта  $Р'_1$  билан белгиланади.

Бунда  $A_3A'_1 = A'_1A_1 + 1$  см;  $A'_4C' = A_2O_2'$  (расмда штрих чизик).

$C(C')$  нуқтадан пастга устки қирқимга перпендикуляр туширилади —  $A_2C(A'_4C')$ .  $\Gamma_2$  нуқта орқали устки қирқимга параллел тўғри чизик ўтказилади ва енг учининг чизиғи билан  $C_1(C'_1)$  нуқтада кесишади. Олд бўлакнинг остки қирқими  $C_1(C'_1)$ ,  $z_1$ ,  $T_4$  нуқталарни раvon чизик орқали бирлаштириб ён чизикка ўтиб кетади.

Енг учининг қирқими  $C(C')$  ва  $C_1(C'_1)$  нуқталарни бирлаштириб раvon ботиқ чизик орқали ўтказилади.  $CC_1(C'C'_1)$  кесма ўртасидаги ботиқлик 1 см. Остки қирқимларнинг  $z$  ва  $z_1$  нуқталар атрофи сал чўзилтирилади (қирқимларни куп узайтирмасдан).

Қуқрак витачкасиз буюмларда енгнинг олд қисми, қуқрак витачкали буюмлардан фарқли равишда, тирсак қисмидан кенгроқ бўлиши мумкин.

Агар шакли юмшоқ яхлит бичилган енгли буюмларда (хиштаксиз) енгни маълум кенглигини сақлаб, лекин бел ва пастки қирқимлар атрофида бўшлиқни камайтириш зарур бўлса, юқорида келтирилган чизмага қуйидаги ўзгаришлар киритилади (штрих пунктир чизиклар):  $\Gamma_2$  нуқта сатҳида қирқимлар қилинади (қирқимлар елка чизикдаги витачкаларни ўз ичига олган рельефларга айланиши мумкин); енгнинг остки қирқимларини бир оз қисқартириш мақсадида устки қирқимларни тикроқ қилиш мумкин; бел чизигида витачкалар лойиҳалаш мумкин.

Ушбу буюмнинг чизмаси куйидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда олдинги вариант чизмасига ўхшаш курилади:  $\Gamma_2\Gamma_2' = 8$  см — дан  $0,5\Gamma_2T_3$  гача;  $A_2H_3 = A_1A_8$ ;  $TT_1 = 1 - 1,5$  см;  $O_2O_2'' = CC'' = 4 - 6$  см.

Орт енг учининг чизиғи  $O_2$  нуқта орқали  $P_1'O_2''$  кесмага перпендикуляр ўтказилади. Орт бўлак енгининг устки қирқими га параллел бўлган остки қирқими  $\Gamma_2$  нуқта орқали енг учи билан  $O_3$  нуқтада кесишгунча ўтказилади. Енг учининг чизиғи аввалги вариантдек шаклланади.

Олд бўлак енг учининг чизиғи  $A_9C''$  кесмага перпендикуляр ўтказилади. Устки  $A_9C''$  қирқимга параллел бўлган енгнинг остки қирқими  $\Gamma_2$  нуқта орқали енг учи билан  $C_1$  нуқтада кесишгунча давом эттирилади. Конструкциянинг ушбу вариантыда енг айрим деталь бўлиши мумкин ( $H_4O_2$  ва  $P_7C''$ ) (устки қирқимлар устма-уст туширилганда ўртаси

яхлит бўлади) ва ўмизнинг тўғри бурчак шакли принципти бўйича олд ва орт бўлақлар билан бирлашган бўлиши ҳам мумкин.

**Шакли тик яхлит бичилган энгли аёллар пальтоси.** Яхлит бичилган тик шаклли энг классик шаклдаги ўтқазма энгни тақлид қилади. Шунинг учун бир хил силуэтли, лекин ҳар хил бичимли буюмларнинг кўринишидан муайян таассурот қолдириш учун тик шаклли яхлит бичилган энгли буюмларнинг тўқислик қўшимчаси ўтқазма энгли буюмларникига нисбатан 1,5 — 2 см катталаштирилади.  $P_{с.р.п}$  катталашганда  $P_{с.п}$  ҳам катталашади ва аксинча.

Чизманинг участкалари бўйича  $P_r$  қўйидагича тақсимланади: орт бўлақ кенглигига  $0,2 P_r$ ; олд бўлақ кенглигига  $(0 - 0,1) P_r$ ; ўмиз кенглигига  $(0,8 - 0,7) P_r$  қўшимчанинг қиймати ва унинг чизма участкалариаро тақсимланиши кандай бўлмасин ўмиз кенглиги  $aa_2 \approx O_n / 3 + 3$  см (3.26- расм).

Ундан ташқари қўшимчалар қуйидаги участкаларга берилади: орт ёқа ўмизининг кенглигига  $P_{ш.г.с.} = 1 - 1,5$  см; орт ёқа ўмизининг баландлигига  $P_{в.г.с.} = 0,2 - 0,4$  см; орт бўлагининг бел чизигигача узунлигига  $P_{д.г.с.} = 1 - 1,5$  см; эркин ҳаракат қилиш учун ўмиз чуқурлигига  $P_{с.пр} = 3,5 - 4,5$  см.

Энги яхлит бичилган буюмлар энгининг узунлиги чизмаси қурилгандан сўнг классик шаклдаги ўтқазма энгнинг узунлигидан 2 см камроқ олинади. Ушанда буюм назокатли ва энгилроқ кўринади.

Бу бичимнинг юмшоқлигини ҳисобга олган ҳолда, тик шаклидаги энгли буюмларда энг қиямасининг баландлиги ( $P_1P$  кесма) классик шаклдаги ўтқазма энг қиямасининг баландлигидан тахминан 2 — 4 см пастроқ. Ва фақат комбинациялашган бичимли буюмларда, реглан энгнинг олд қисми тик шаклда бўлган, орт энг устки қирқимининг қиялигини аниқлайдиган  $P_1P$  кесма  $P_2Г_2$  кесмага тенг бўлиши мумкин, бу ерда  $P_2Г_2$  — олд бўлақ чизмасидан. Қолган ҳамма ҳолларда энг устки қирқимининг йўналиши қуйидагича аниқланади.

Орт бўлақ чизмасини қуриш (3.26- расм). Кесма  $OO_1 \approx 1,5$  см.  $H_4$  ва  $O_1$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади ва унда  $H_4P'_1 = H_4P_1$  кесма белгиланади.

Энгнинг устки қирқими  $P'_1$  нуқтадан  $P_1Г$  кесмага перпендикуляр ўтқазилади ва унда энг узунлигини ўлчаб  $O_3$

нуқта олинади;  $P_1'O_2 = D_{р. зап} \pm m$  (м модага мувофиқ аниқланади).

Қирқим нуқтаси сатҳида энг кенглигига қирқим нуқтасининг ўрни ва ушбу бичимли буюм конструкцияси ечимининг варианты (хиштакли; хиштакка ўтадиган энгнинг остки булаклари бор; қирқим ён булакли) таъсир этади.

3. 26-расмда хиштакли энги яхлит бичилган пальто конструкциясининг чизмаси келтирилган. Конструкциянинг бу вариантыда  $O_3$  қирқим нуқтаси  $\Gamma_1$  нуқтадан 2—2,5 см ўнг томонга жойлаштирилади. Хиштакнинг тахминий кенглиги—қирқим нуқталарининг орасидаги масофа  $O_n/3 + 1$  формула бўйича аниқланади.

Ён қирқим ўмиз ўртасидан ( $\Gamma_2$  нуқта) олд булак томонга 1,5—2 см сурилган  $\Gamma_5$  нуқтадан ўтқазилади. Ён қирқимнинг бу сурилиши ва олд булак қирқимининг нуқтасини бир оз сурилиши олд булак энгини бир оз кенгайтиришга имкон яратади.

$O_3$  нуқтадан  $P_1'O_2$  чизиққа перпендикуляр қирқим нуқтасининг сатҳида энг кенглигининг чизиғи ўтказилади ва  $P_1'O_2$  чизиқ билан кесишган жойда  $P$  нуқта ҳосил бўлади. Орт булак энгининг кенглиги қирқим нуқтасининг сатҳида қўйидаги формула бўйича аниқланади:  $Ш_{рук} = P_3 + O_3O_4$  (хиштакли буюмларда  $O_3O_4 = O_3\Gamma_5$ ).  $O_2$  нуқтадан  $P_1'O_2$  кесмага перпендикуляр учининг чизиғи ўтқазилади, унда кесма белгиланади:  $O_2O_5 = Ш_{рук, вн} + 1$ , бу ерда  $Ш_{рук, вн} = 0,5$ . ( $O_{зап} + P_{о. зап}$ ); 1 см — орт булак энгининг олд булак энгига нисбатан кенгайиши.

Агар энг оддий шакли қурилишининг бу вариантыда тирсак чизиғида ва елка айланасининг сатҳида ортиқча ҳажмийликка эга бўлмаса, остки қирқим  $O_4$  ва  $O_5$  нуқталар орқали ўтқазилади.

Елка поясининг атрофида, елка айланаси ва тирсак чизиғидаги ҳажмийлик қўйидагича катталаштирилади: остки қирқим  $O_4$  нуқтадан устки қирқимга параллел ўтқазилади ва учининг чизиғи билан кесишган нуқта  $O_5$  билан белгиланади (3. 27-расм). Ёнг учининг исталган кенглиги  $O_5$  нуқтадан учи чизиғи бўйича қўйиб  $O'_2$  нуқта олинади. Кейин елка поясининг ва елка айланасининг атрофида энгнинг шакли аниқланади ва эскизга мос  $H_3$ ,  $P'$  ва  $O'_2$  нуқталарни бирлаштириб, энгнинг устки қирқими шаклланади.

Агар энгнинг остки қирқими витачкали бўлса,  $L_1$  нуқтадан (3. 26-расм) пастга  $L_1O_5$  чизиқ бўйича витачканинг

кенглигини кўйиб  $L_4$ ,  $L_1 L_4 = 2 - 2,5$  см нуқталар олинади.  $L_4$  ва  $L$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади. Витачка ёпиқ ҳолда остки чокни тўғрилаш мақсадида витачка томонлари чапга тахминан 1 см сурилади ва  $L'_1$  ва  $L'_4$  нуқталар ҳосил бўлади.  $L_1 L'_1 = L_4 L'_4 \approx 1$  см.

Витачканинг узунлиги  $L'_1 L'_5 = L'_4 L'_5 = (3 - 4) L_1 L_4$ , лекин ҳар қандай ҳолда витачканинг учи ( $L_5$  нуқта) енгнинг ўртасигача (букланган жойгача) 1 — 2 см етказилмайди. Бунда  $L_5$  нуқта  $L'_1 L'_4$  бурчакнинг ўртасида жойлаштирилади. Енгнинг тирсак чизигидан учигача бўлган устки қирқимини  $L L_5$  кесмага  $L$  нуқтадан кўтарилган перпендикулярда жойлаштириб, енгнинг пастки қисми унг томонга сурилади.

$LO'_2 \perp LL_5$ ;  $LO'_2 = LO_2$ ;  $O'_5$  нуқтанинг ҳолатини икки кесишиб ўтган ёй аниқлайди:  $O'_2 O'_5 = O_2 O_5$  ва  $L_4 O'_5 = L_1 O_5$ .

Енг учи равон чиққан чизиқ билан  $O'_2$  ва  $O'_5$  нуқталар орқали шаклланади.  $O'_2 O'_5$  кесманинг ўртасидаги чиқиқ 1 см. Енгнинг остки қирқими  $O_4 L'_1$  ён қирқим  $\Gamma_5 H_2$  кесма билан кесишган нуқтаси  $O_6$  нуқта белгиланади.

Орт бўлакнинг контури ён ва енгнинг пастки қирқимлари томонидан  $H_2$ ,  $O_6$ ,  $O_3$ ,  $L'_1$  ва  $L'_4$ ,  $O'_5$  нуқталарни тўғри чизиқ орқали бирлаштириб ўтқазилади. Устки қирқимнинг шакли елка айланасининг атрофидаги енг шаклига ( $P$  нуқтанинг ҳолати) ва учининг чизигига боғлиқ.

Ушбу вариантда устки қирқим катта тўлиқликка эга эмас, чунки остки қирқими бўйига витачкали енг одатда тирсак атрофида қўлни ифодалаб туради.


Олд бўлак чизмасини қуриш. Кўкрак витачкасининг кенглиги  $A_8 P'_7 = \Gamma(C_{r, II} - C_{r, I})$  формула бўйича аниқланади (3. 26- расмга қаранг).

Енг ҳажмини катталаштириш мақсадида қирқим нуқтасининг сатҳида елка нуқтасининг атрофида олд бўлакнинг енгги чўзиб дазмолланади;  $P_5 P_1$  кесманинг узунлиги  $P_5 P_1 = P'_1 P - (1 - 1,5)$  формула бўйича аниқланади, бу ерда 1 — 1,5 см елка нуқтасининг атрофида чўзиб дазмолланган қиймати.

$P_5$  нуқтадан  $P'_1 P$  минус чўзиб дазмолланган қийматга тенг радиус билан ёй чизилади ва  $C$  қирқим нуқтаси орқали ёйга уринтириб қирқим нуқтаси сатҳида енг кенглигининг чизиги ўтқазилади. Айни пайтда  $C$  нуқтанинг ҳолати катта аҳамиятга эга. У қанча-


лик  $\Gamma_4$  нуктага яқин бўлса, энг шунчалик кенгайди, лекин қирқим кўриниб қолиши эҳтимоли ҳам ошади.  $C$  нуктанинг ҳолати уст кийимларнинг эргономик кўрсаткичларига таъсир этади. Ҳамма кўрсаткичлар олд булакнинг қирқим нуктасини  $\Gamma_4$  нукта томонига бир оз сурилишига ёрдам беради:  $\Gamma_4 C = \Gamma_1 O_3 - I$ .

$I_5$  нуктадан энг кенглигининг чизигигача перпендикуляр туширилади ( $P_1$  нукта) ва қирқим нуктасининг сатҳида энг кенглиги аниқланади:  $P_1 C_1 = P_1 C + C C_1$  ( $C C_1 = C \Gamma_5$ ).



3. 26-расм. Хиштакли тик шаклдаги яхлит бичилган энгли аёллар пальтосининг чизмаси:

$a$  — пальто;  $b$  — хиштак.



3. 27-расм. Хиштакли ҳажмий шакллаг яхлит бичилган энгли аёллар пальтоси энглариининг устки қирқимларини шакллантириш.

$P_5$  нуқтадан пастга  $P_5P_1$  чизиқнинг давомида энг узунлиги ўлчаб қўйилади ва  $C_2$  нуқта ҳосил бўлади;  $P_5C_2 = P_1O_3 - (1 - 1,5)$ , (бу ерда 1 — 1,5 см энгнинг дазмолланганда чўзилиш қиймати).

$C_2$  нуқтадан ўнгга  $P_5C_2$  чизиққа перпендикуляр энг учининг чизиғи ўтказилади.

Энг учининг кенглиги  $C_2C_3$  қуйидагича аниқланади:  $C_2C_3 = 0,5 (O_{зап} + P_{о. зап}) - 1$ , бу ерда 1 см — орг бўлак энги кенгайиши ҳисобига олд бўлак энгининг торайиши.

$C_1$  ва  $C_3$  нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади ва ён қирқим билан кесишган нуқта  $C_4$  билан белгиланади. Агар  $C_4$  нуқта  $O_6$  нуқтанинг сатҳидан тепароқ жойлашган бўлса, олд бўлак қирқими  $O_6$  нуқ-

та сатҳигача туширилади, агар пастроқ бўлса  $O_6$  нуқта  $C_4$  нуқтанинг сатҳигача туширилади.

Олд бўлакнинг ён ва энгнинг остки қирқимларининг контури  $H_5$ ,  $C_4(O_6)$ ,  $C$ ,  $L_2$  ва  $L_2$ ,  $C_3$  нуқталарни тўғри чизиқ орқали бирлаштириб ўтқазилади. Устки қирқимнинг шакли елка айланаси атрофидаги ( $P_1$  нуқта) энгнинг шаклига ва учининг чизиғига боғлиқ. Олд бўлак энгининг устки қирқимини контури орт бўлак энги (тирсак сатҳигача) устки қирқимининг контурига мувофиқ бўлиши керак.

Агар орт бўлак энгининг остки қирқими витачкали бўлса ва энг тирсак сатҳидан учигача олд томонга айланган бўлса, олд бўлак энгининг устки қирқимини шакллантирганда ҳам энги тирсакдан учигача бир оз ўннга суриш мўлжалланади. Сурилиш киймати  $C_2C_2' = C_3C_3' = O_2O_2'$ , бу ерда  $O_2O_2'$  — орт бўлак энгининг чизмасидан. Олд бўлак энгининг учи  $C_2C_3$  ( $C_2' C_3'$ ) кесманинг ўр асида бир оз эгиб ( $\approx 1$  см) ўтқазилади.

Хиштак чизмасини қуриш. Хиштакнинг кенглиги  $O_3C$  кесма орқали аниқланади (3. 26-расм *a* ва *b* лар).  $O_3$  ва  $C$  нуқталар орқали  $O_3O_6$  ва  $CC_1(O_6)$  га тенг радиуслар билан пастга ёй ўтқазилади ва  $O_6'$  ( $C_4'$ ) нуқта ҳосил қилинади.

$O_3$  ва  $C$  нуқталардан  $O_3L_1'$  ва  $CL_2$  кесмаларга тенг радиуслар орқали тепага ёйлар ўтқазилади ва  $L_1''(L_2')$  нуқта олинади.

Хиштакнинг бурчаклари аниқ ёки равон юмалоқланган бўлиши мумкин. Бунда хиштакнинг ҳам, қирқимнинг ҳам бурчаги юмалоқланади (3.26-расм, *в*).

Энг учининг кенглиги торайганда унинг хиштаги катталашади.

**Қирқма ён бўлакли ва яхлит бичилган энгли аёллар пальтоси конструкциясининг ишланиш хусусиятлари.**

Олд ва орт бўлаklar чизмасининг тузилиши аввалги вариантга ўхшаш. Бундан  $C$ ,  $O_4$  ва  $C_1$  нуқталарнинг ҳолати истисно (3.28-расм).

Қирқим нуқталарининг сатҳида маълум даражада энгнинг кенглигини аниқлайдиган кесмалар қуйидагича олинади:  $\Gamma_4C = \Gamma_1O_3$ ;  $O_3O_4 = O_3\Gamma_4$ ;  $CC_1 = C\Gamma_2$ .

Вертикал қирқимлар. Энгнинг  $O_3$  ва  $C$  қирқим нуқталаридан пастга бел чизиғи билан кесишгунча вертикал чизиқлар ўтқазилади ва  $T_2$  ҳамда  $T_4$  нуқталар олинади.

Ўмиз ўртасидан пастга вертикал чизиқ ўтқазилади ва бел чизиғи билан кесишган нуқта  $T'_2$  билан, бўкса чизиғи билан —  $b$ , этак чизиғи билан —  $H'$  белгиланади. Кейин бел, бўкса, этак соҳасида қирқимлар шакли қандай бўлиши ҳал қилинади.

Тўғри силуэтли буюмларда вертикал қирқимлар ҳам бел сатҳида ёки ундан сал юқорироқда тўғри ёки сал ботиқ чизиқлар орқали шаклланиши мумкин. Лекин қирқма ён бўлақлар мавжуд бўлса, қомат нафислиги ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун бел чизиғида витачкалар лойиҳаланиши керак. Витачкаларнинг шакли буюм фигурага ёпишиб туриш даражасига боғлиқ.

Буюм белга сал ёпишиб турса витачкалар йиғиндиси иккига тақсимланади. Орт ўрта чизиққа ёки олд бўлақ рельефига (агар модель бўйича бошқа витачкалар кўзда тутилмаган бўлса). Витачкалар кенглиги  $T_2$  ва  $T_4$  нуқталарга нисбатан қуйидагича тақсимланади:

$$T_2T_3 = T_4T_5 = 2/3 v; \quad T_2T'_3 = T_4T'_5 = 1/3 v,$$

бу ерда  $v$  — 2 см дан кенг витачка.

Агар  $v \leq 2$  см, у бир маромда олинади, яъни  $T_2T_3 = T_2T'_3 = T_4T_5 = T_4T'_5 = 0,5 v$ .

Бўкса сатҳида орт бўлакнинг кенглиги  $B_1B_2 = \Gamma'O_3$ .

Олд бўлакнинг бўкса сатҳида кенглиги  $B_3B_4 = \Gamma_3C$ .

Қирқма ён бўлакнинг кенглиги бўкса сатҳида  $b$  нуқтага нисбатан симметрик белгиланади.

Ён бўлакнинг кенглиги  $b_1b_2 = (C_5 + P_5) - (B_1B_2 + B_3B_4)$ . Олд, орт ва ён бўлақларнинг кенглиги бўкса чизигидан этаккача моделга мувофиқ аниқланади. Орт, олд ва ён бўлақлар ён қирқимларининг контур чизиқлари (бўкса чизигидан этаккача) ўзаро боғлиқ ва моделга мувофиқ аниқланади.

Агар ён бўлакнинг қирқимлари мураккаб эгри чизиқ шаклида бўлса,  $K$  нуқта атрофида намлаб иситиб ишлов беришни қўллаб буюмнинг этаги бўйича кенгайиш йўналишини ўзгартиш мумкин бўлади.

Қирқма ён бўлак мавжудлигида енг хиштагининг узунлигини кичрайтириш мумкин. Орт бўлак енг хиштагининг узунлиги қуйидагича аниқланади. Енгнинг остки қирқими орт бўлак ён чизиғи билан кесишган нуқтаси  $O_6$  билан белгиланади. Ундан ўнг томонга горизонтал чизиқ тортилади ва бу чизиқда  $O_6O_7 = 2 - 2,5$  см кесма белгиланади.  $O_3$  ва  $O_7$  нуқталар тўғри чизиқ билан

бирлаштирилади ва пастга  $O_4O_5$  чизик билан  $O_8$  нуқтада кесишгунча давом эттирилади.  $O_3O_8$ — орт бўлак енг хиштагининг узунлиги. Лекин, газламага қараб, енгнинг  $O_3O_8$  участкаси тахминан 1,5—2 см кириштириб дазмолланса, енг бу жойда етарли даражада юмшоқ ҳажмли шаклга эга бўлади, хиштак эса кириштирилган қийматга узунлиги бўйича калталашиб орт томонга бир оз сурилган кўринишга эга бўлади (штрих пунктир чизик).

Орт бўлак деталининг контури ён ва енгнинг остки чизик томонидан  $H_2, K_1, B_2, T_3, O_3, O_8, L_1$  ва  $L_4, O_5$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштириб ўтказилади.

Олд бўлак деталининг контури ён ва енгнинг остки қирқим томонидан  $H_5, K_2, B_1, T_5, C, C_4, L_2$  ва  $C_3$  нуқталарни тўғри чизик орқали бирлаштириб ўтказилади. Бунда  $C_3C_4 = O_5L_1 + L_1O_8$ ;  $C_2C_2' = C_3C_3' = O_2O_2'$ .

Қирқма ён бўлак контури  $H_2', K_3, b_1, T_3', O_3, O_8'$  ( $C_1$ ),  $C, T_5, b_2, K_4, H_5$  ва  $H_2'$  нуқталарни бирлаштириб ўтказилади (3. 28- расм).


Остки қисмлари хиштакка ўтган яхлит бичилган энгли буюмларда ён қирқимлари ва энглар остки қирқимлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Яхлит бичилган энгли буюмларнинг бу вариантида ён чизикнинг учи  $\Gamma_2$  нуқтада жойлаштирилади (3. 29- расм). Орт бўлакнинг ён қирқими  $\Gamma_2$  ва  $H_2$  нуқталар орқали ўтказилади. Бунда  $H_1H_2 = \Gamma\Gamma_2 + (0 - 2)$ .

Буюм конструкциясининг ушбу вариантида тик турадиган енг ва унинг тузилиши қирқма ён бўлакли буюмлар енгининг тузилишига ўхшаш.


$C_3$  ва  $O_5'$  нуқталардан устки қирқимлар томонга  $C_3B = O_5'B_1 = 3 - 3,5$  см кесмалар олиб қўйилади.

$B$  ва  $C$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштирилади ва енг учи чизиги билан кесишган нуқта  $B'$  билан, тирсак чизиги билан туташган нуқта эса  $L_2'$  билан белгиланади. Кейин тирсак чизигидан учигача бўлган енгнинг қисми ўнг томонга сурилади ва  $C_2$  ва  $C_3'$  нуқталар олинади;  $C_2C_2' = B'C_3' = O_2O_2'$ .

$O_3$  ва  $B_1$  нуқталар ёрдамчи тўғри чизик, кейин эса бўртган эгри чизик орқали туташтирилади. Бўртиқлик тирсак сатҳида 1 см. Бу чизикнинг ён чизик билан кесишган нуқтаси  $O_6$  билан белгиланади.  $O_6$  нуқтадан



3.28-расм. Хиштак билан яллит бичилган қирқма ён бўлакли ва яллит бичилган энгли вальто чизмаси.



3.29- расм. Ост бўлаги хиштак билан қўшилган яхлит бичилган энгли пальто чизмаси.

чап томонга горизонтал чизиқ ўтказилади, унда 2—2,5 см олиб қўйилади ва  $O_7$  нуқта ҳосил бўлади.  $O_3$  ва  $O_7$  нуқталарни тўғри чизиқ орқали бирлаштириб ён қирқим билан  $O_8$  нуқтада кесишгунча пастга давом эттирилади.

$O_3$  ва  $C$  нуқталар  $O_8$  нуқта билан тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилади.

Орт бўлак деталининг контури ён қирқим ва енгнинг остки қирқими томонидан  $H_2$ ,  $O_8$ ,  $O_3$ ,  $O_6$  ва  $B_1$  нуқталар орқали 3.29-расм, а да кўрсатилгандек ўтказилади.

Олд бўлак деталининг контури ён қирқим ва енгнинг остки қирқими томонидан  $H_5$ ,  $O_8$ ,  $C$ ,  $L'_2$  ва  $C_3$  нуқталар орқали 3.29-расм, а да кўрсатилгандек ўтказилади.

Шиштакка ўтадиган енгнинг остки қисми. Енг остки қисмининг кенглиги (қирқим нуқтасининг сатҳида)  $O_3C$  кесмага тенг (3.29-расм, а ва б лар) ёки  $O_3O_4 + CC_1$ .

$C'$  нуқтадан пастга вертикал чизиқ ўтказилади ва унда кесма  $CB'' = CB'$  олиб қўйилади, бу ерда  $CB'$  — олд бўлак енгининг чизмасидан. Кейин тирсак чизигининг ҳолати —  $L_6$  нуқта аниқланади.  $C'L_6 = CL'_2$ , бу ерда  $CL'_2$  — олд бўлак енгининг чизмасидан.

$L_6$  ва  $B''$  нуқталардан чап томонга горизонтал чизиқлар ўтказилади ва  $B''$  нуқтадан чапга енг остки қисми учининг кенглиги олиб қўйилади.  $B''B'_1 = C_3B + O'_3B_1$ .

Енгнинг остки қисмини олд қирқими тирсак сатҳида 1 см эгиклик билан ўтказилади, яъни  $L_6L_7 = 1$  см.

$O_3$  ва  $B'_1$  нуқталарни тўғри чизиқ орқали бирлаштириб, тирсак чизиги билан кесишган нуқта  $L_8$  билан белгиланади. Енгнинг остки қисмини тирсак чизиги  $O'_3$ ,  $L_9$ ,  $B'_1$  нуқталар орқали ўтиб, пастга  $B'_1$  нуқтадан 1 см ошириб давом эттирилади ( $B''_1$  нуқта).  $B'_1B''_1 = 1$  см;  $L_8L_9 = 1$  см.  $O'_3$ ,  $L_9$ ,  $B'_1$ ,  $B''_1$  чизиқ  $O_3B_1$  чизиқдан газламанинг хусусиятига ва тузилишига боғлиқ ҳолда 1 — 1,5 см кичикроқ бўлишини ҳисобга олмоқ даркор.

Шиштак. Шиштак чизмаси қуйидагича қурилади:  $O'_3$  ва  $C'$  нуқталардан радиуслари  $O_3O_8$  ва  $CO_8$  кесмаларга тенг бўлган тепага ёйлар ўтказилади ва уларнинг кесишган нуқтаси  $O_3$  тўғри чизиқлар орқали  $O'_3$  ва  $C'$  нуқталар билан таштирилади.

Енгнинг остки қисми шиштак билан яхлит бичилган ҳам,

О'С' чизиқ бўйича қирқма ҳам бўлиши мумкин. Охириги ҳолда қирқиш чизиги бўйича 1 — 2 см кенгликда витачка лойиҳаланади (З. 29- расм, б).

### 3.6.4. Комбинацияланган бичимли аёллар кийимини конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Комбинацияланган бичимли буюм қолдирадиган таассурот энглар комбинациясининг варианты қанчалик соз танланганлигига боғлиқ. Энг мақбули қуйидагилардир: орт бўлак билан яхлит бичилган энг, олд бўлак эса — ўтқазма энгли, реглан ёки ярим реглан.

Комбинацияланган энгнинг конструктив ечими ҳар хил. Бу газламанинг тузилиши билан энгнинг шаклига боғлиқ. Агар газламанинг тузилиши силжувчан ва энг учи торроқ бўлса, энг икки қисм қилиб лойиҳаланади — тирсак ва олд қисмлар. Бунда энг олд қисми орт бўлак энгининг хиштаги билан қўшиб бичилади, лекин тирсак атрофи чўзиб дазмолланиши кўзда тутилади.

Агар газлама қаттиқ бўлиб, энг эса узунлиги бўйича ва учида кенг бўлмаса, бу ҳолда ҳам одатда, энг икки қисм қилиб бичилади, лекин хиштак айрим деталдек бичилади.

Уч чокли энг тирсак, олд ва остки қисмлардан иборат. Бу вариант намлаб иситиб ишлаш таъсир қилмайдиган газламалардан буюм тайёрлашда ёки энг учи ва бутун узунлиги бўйича кенг бўлганда тавсия этилади. Айни ҳолда намлаб-иситиб ишлов бериш усуллари қўлламасдан энгнинг ўтар чизиқлари бўйича аниқроқ шакллар ҳосил қилиш мумкин.

Комбинацияланган бичимли буюмлар тайёрлашда энг олд қисмининг бичилишига аҳамият берилади. Сидирға газламадан тикиладиган буюмларда энгнинг олд қисмида танда ипи устки қирқим бўйича жойланади. Газламанинг гули муайян йўналишли бўлса (катак, йўл-йўл), энгнинг орт бўлаги қандай бурчак остида бичилган бўлса, олд қисми ҳам шундай бичилади. Агар энгнинг олд қисми танда ипининг ипи йўналишига  $45^\circ$  бурчак остида бичилса, танда ипи энг учининг ўнг бурчагидан тепага устки қирқим томонга ўтиши керак (энг қиямасининг олд қисмига параллел ўтиши лозим). Агар энгнинг олд қисми орт бўлак энги билан яхлит

бичилса (устки чоксиз), олд қисмида танда ипининг йўналиши орт бўлак танда ипларининг йўналиши билан устма-уст тушади.

Енгларнинг истаган комбинациясида, олд ва орт бўлақларнинг ўмиз остида кенглигининг чизиқлари, тирсак ва учининг чизиқлари тўғри ҳолатдалигини ва устма-уст тушганлигини кузатмоқ лозим.

Бу бичимли буюмларда орт бўлак чизма асосининг қуриш яхлит бичилган энгли буюмлар чизмасининг асосига ўхшаш, олд бўлак асосининг чизмаси эса энги реглан бичимли буюмлар чизмасини қуришга ўхшаш. Лекин  $P_r$  тахминан 1 см катталаштирилади,  $P_{c,пр}$  ва  $P_{o,п}$  ўтқазма энгли буюмлар қўшимчаларига нисбатан 1—2 см катталаштирилади, лекин бошқача ечимлар ҳам бўлиши мумкин.

**Энги, комбинацияланган бичимли буюмлар конструкциясини тик шаклдаги энгли буюмлар конструкцияси асосида қуриш вариантлари.** Орт бўлак чизмаси энгининг остки қирқими витачкали тик шаклдаги яхлит бичилган энгли буюмлар конструкцияси асосида қурилади. Ҳажми катта бўлмаган уст кийимларда реглан энгининг олд қисмининг энг тик шакли қиямасининг баландлиги  $P_5\Gamma_2$  кесмага тенглашганда бўлади (3.30-расм, а). Энг устки қирқими ўмиз чуқурлигининг чизигидан пастга вертикал ўтқазилади ва бунга мувофиқ орт бўлак энги устки қирқимининг йўналиши ўзгартирилади (расмда кўрсатилмаган).

Ўртача ва катта ҳажмли буюмларда энг қиямасининг баландлиги  $P_1P$  кесмага тенг олинади,  $P_1P$  кесма  $\Gamma P_1$  тўғри чизиққа тўғри бурчак остида қурилган.

Ушбу бичимли буюмларда хиштак конструкциясининг тузилиши муҳим аҳамиятга эга. У ҳар хил бўлиши мумкин. Биринчидан, орт энгининг хиштаги энг олд қисми билан яхлит бичилган, орт ён қисмининг хиштаги эса — устки қирқимининг шакли орт бўлак ўмизининг контурига мос олд бўлак билан яхлит бичилган бўлиши мумкин. Ушбу вариантда қирқим нуқтаси тепага горизонтал чизиққа нисбатан орт қирқим бурчакнинг давомида ўмиз кенглигига боғлиқ ҳолда 1—1,5 см сурилади ва  $O_3'$  нуқта ҳосил бўлади (3.30-расм, а).

Иккинчидан, орт бўлак ён қисмининг ва орт бўлак энгининг ярми хиштаги айрим деталь бўлиши ҳам мумкин. Бу вариантда  $O_3$  нуқта (3.29-расм, а) ўз жо-

йида қолдирилади ва  $O_3\Gamma_2$  участка олд булакка қўшилмайди. Бунда олд ён қирқимининг учи ўмиз ўртасида жойланади.

Олд булак чизмаси реглан бичимли буюм чизмаси асосида қурилади. Ушбу қуриш газламанинг хусусиятларига узвий боғлиқ. Агар газлама енгнинг олд қисмини тирсак атрофида ва олд булак ён қирқимини чўзиб дазмоллашга имкон берса, ён чизиқ ўмиз ўртасида жойлашган ҳолдаги хиштак қуришнинг биринчи варианты ишлатилади. Бунда хиштак олд булак ва енгнинг олд қисми билан яхлит лойиҳаланади.

Орт булакнинг ён чизиғи  $O'_3$ ,  $O_6$  ва  $H_2$  нуқталар орқали (3.30-расм, *a* да узлуксиз чизиқ) орт этак кенглигини мўлжаллаб ўтқазилади.

Олд булакнинг ён чизиғи  $O'_3$ ,  $O_6$  ва  $H_5$  нуқталар орқали олд этак кенглигини мўлжаллаб ўтқазилади. Олд булак  $O_6$  нуқта атрофида ён қирқимни узайтирмасдан сал чўзиб дазмолланади.

Реглан бичимли олд булакнинг ўмизи  $C$ ,  $C_3$ ,  $C_2$ ,  $L_6$ ,  $2$ ,  $\Gamma_2$  ва  $O_3$  нуқталар орқали раvon чизиқ орқали ўтқазилади.

Агар ярим хиштак айрим деталдек бичилса, олд булакнинг ён қирқими  $\Gamma_2$  ва  $H_5$  нуқталар орқали ўтқазилади. Бу вариантда олд булак ўмизи аввалги вариантдек  $\Gamma_2$  нуқтагача ўтқазилади.


Енг олд қисмининг чизмасини қуриш. Орт булак енгнинг хиштаги енгнинг олд қисми билан яхлит бичилади. Бу мақсадда  $C_6$  нуқтадан  $P_1C_6$  чизиқнинг давомида  $O_3O_4$  кесмага тенг кесма олиб қўйилади ва  $C_8$  нуқта олинади.  $C_6$  ва  $L_2$  нуқталар тўғри чизиқ билан туташтирилади ва тепага давом эттирилади.

Енгни ўмизга ўтқазиниш чизиғи  $C$ ,  $C_3$ ,  $C_5$ ,  $C_6$ ,  $C'_8$  нуқталар орқали ўтқазилади. Бунда  $L_2C'_8 = L'_1O'_3$ .

Енгнинг олд қирқими  $C'_8$ ,  $C_8$ ,  $L_2$ ,  $C_7$  нуқталар орқали,  $L_2$  нуқта атрофида чўзиб дазмоллашни кўзда тутиб, раvon чизиқ орқали ўтқазилади.

Агар моделнинг комбинациялашган енги ярим хиштакли қилиб лойиҳаланган бўлса, енгнинг олд қирқими  $C_6$ ,  $L_1$ ,  $C_7$  нуқталардан ўтқазилади.

Агар газлама етарли даражада зич бўлса ёки орт булак томонидан буюмнинг яссиланиши, енгнинг узунлиги бўйича ҳажмини ошириш, тирсак қисмида бир оз



3.30- расм. Тик шаклдаги энгли буюм чизмаси асосида комбинацияланган бичимли пальто чизмаси.

ифодали кўрсатиш керак бўлса, конструкцияга қатор ўзгаришлар киритилади.

Ён чизик орт хиштак ўрнининг қирқими томонга сурилади ва  $O'_3, H'_2$  (орт бўлак),  $O'_3, H'_5$  (олд бўлак) нуқталар орқали тўғри чизиклар билан ўтказилади.

Агар олд бўлак ўтқазма энгли бўлса, олд ўмиз бир оз тўғрироқ бўлиши, демак орт бўлак елка чизиги қисқариши мақсадга мувофиқдир, яъни  $P_5P'_5 = P'_1P''_2 = 1 - 1,5$  см.

Олд бўлак ўмизи  $P'_5, P_2, 2, \Gamma_2$ , ва  $O'_3$  нуқталар орқали равои ўтказилади.

Ёнг олд қисмининг қиямаси  $P'_5, C'_5, C'_6$  нуқталар орқали равои ўтказилади. Бунда  $P_6C'_5 = 1$  см;  $C'_5C'_6 = P_6\Gamma_2$ .

$C_9$  ва  $C'_8$  нуқталарнинг ҳолати аввалги вариантни қуришдек аниқланади.

Орт бўлак энгида  $O'_5$  нуқтадан  $O'_2$  нуқта томонга 3 — 4 см олиб қўйилади ва  $B$  нуқта ҳосил бўлади (уч қисмдан тузилган ёнг вариантыни қуришда: тирсак қисми, олд ва остки қисмлар).  $O'_3$  ва  $B$  нуқталар тўғри чизик орқали бирлаштирилади (расмда штрих-пунктир чизик), кейин эса равои чиққан чизик ўтказилади.  $O'_3B$  кесманинг ўртасидаги чиқик 1 — 1,5 см.

Орт бўлак энгининг  $O'_5 B$  кесмаси  $C_7$  нуқтадан ўнг томонга ёнг учининг давомида олиб қўйилади ва  $C_9$  нуқта олинади. Ёнг учининг кенглиги моделга мувофиқ бошқача бўлиши ҳам мумкин.  $C'_8$  ва  $C_9$  нуқталарни тўғри чизик орқали бирлаштириб,  $C_9$  нуқтадан пастга 1 см давом этиб,  $C_9$  нуқта олинади.

Устки кийимларда ён чизик  $O_3$  қирқим нуқтаси томонга сурилган бўлса ва ёнгнинг устки қирқими  $\Gamma P'_1$  кесмага перпендикуляр ўтган бўлса, ёнгнинг  $O_3O_8$  кесмаси (3.30-расм, в) бир оз чиққан бўлиши мумкин, лекин у албатта уқага ўтқазиб кириштириб дазмолланади. Уқага ( $O_3$  нуқтага яқинроқ) кириштириб дазмоллаш ҳақи тахминан 1,5 — 2 см. Натижада ёнг орт томондан елка айланасининг атрофида маълум ҳажмийликка ва юмшоқликка эга бўлади. Айни пайтда хиштак кириштириш ҳақида кичрайтирилади.  $O'_6, O'_7$  ва  $O_8$  нуқталарнинг ҳолати қирқма ён бўлакли буюмлар конструкциясидек аниқланади (3.29-расм, а).

Агар комбинацияланган ёнгли буюм конструкциясининг ушбу вариантыда икки қисмли ёнг ишлатилса, орт бўлак ёнгнинг хиштагини, биринчи вариантдек, ёнгнинг олд қисми-

га қуриш мумкин, лекин дастлаб узунлиги аниқланади. Бу мақсадда  $C_7$  нуқтадан юкорига орт енг остки қирқимининг узунлигига тенг ( $O'_5, L'_4$  плюс  $L'_1 O_8$ ) кесма ўлчаб қўйилади ва  $L'_2$  нуқта олинади.  $L'_2$  ва  $C_8$  нуқталар хиштак узунлигига тенг туғри чизиқ орқали бирлаштирилади, яъни  $O'_3 O_8$  минус кириштириб дазмоллаш ҳақиға тенг.

### Текшириш учун саволлар

1. Енг устки қирқимининг қиялик бурчаги унинг шаклиға қандай таъсир этади?
2. Яхлит бичилган енгли буюмлар учун нима хос?
3. Сиз яхлит бичилган енгли аёллар устки кийими конструкциясининг қандай вариантларини биласиз?
4. Яхлит бичилган енг остки ва устки қирқимларининг шаклида қандай боғланиш кузатилади?
5. Хиштакли яхлит бичилган енгли буюмларда ён қирқимнинг учи қандай жойланади?
6. Қирқим нуқтаси билан қирқим нуқтаси сатҳида енгнинг кенглиги орасида қандай боғланиш бор?
7. Енг учининг кенглиги хиштак узунлигига таъсир этадими?
8. Сиз комбинацияланган бичимли буюмларнинг қандай вариантларини биласиз?
9. Комбинацияланган буюм конструкцияси билан газлама орасида қандай боғланиш бор?
10. Комбинацияланган бичимли буюмлар олд енгининг конструкциясига газламаларнинг ёки бошқа материалларнинг хусусиятлари қандай таъсир этади?
11. Комбинацияланган бичимли буюмда енг қисмларини бирлаштиришда қандай талабларга риоя қилмоқ даркор?

## 3.7. АЁЛЛАР БЕЛЛИ БУЮМЛАРИНИ ҚОНСТРУКЦИЯЛАШ

### 3.7.1. Умумий маълумотлар

Белли буюмлар қаторига юбкалар, шим ва юбка-шимларнинг ҳар хил модификациялари қиради.

Юбка аёллар асосий белли буюмидир.

Аёллар гардеробида юбка кийимнинг мустақил тури ва кўйлак, костюм ҳамда ансамблларнинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Ансамблларда юбканинг шакли костюмнинг умумий композициясига бўйсунди.

Юбкалар хилма-хиллиги асосан айрим элементлар ва конструктив чизиқларни ҳар хил жойланишидан фойдаланиб ички конструктив шаклларни ишлаш ҳисобига яратилади. Шу билан бирга юбканинг шакли аёл фигурасининг тузилиши (конституцияси) ва юбка-ни тайёрлашга мўлжалланган газламаға боғлиқ.

Юбкалар хилма-хиллиги икки конструктив асослар туфайли олиниши мумкин: тўғри ва конуссимон.

Икки букланган юбка этагининг кенглиги билан бел ярим айланасининг фарқи  $\frac{2}{3}$  узунликдан катта бўлмаган юбкалар тўғри юбкаларга киради:  $Ш_n - C_T \leq \frac{2}{3} D_{ю}$ . Бунда юбка-

нинг узунлиги бўйича бир текисда кенгайиши кўзда тутилади.

Юбканинг классик шакли — тўғри. Орт ва олд бўлаклардан иборат икки ён чокли ва бел чизиги бўйлаб витачкалар мавжуд юбка тўғри юбкалар асоси ҳисобланади.

Бел бўйлаб витачкалар сони ва уларнинг жойланиши бўкса шаклига боғлиқ.

Бир чокли (ён чокларисиз) юбка тўғри классик шаклидаги юбка асосининг вариантыдек бўлиши мумкин. Аини пайтда бир чокли юбка кўзга сал торайган кўринади. Ҳаракатда қулайлиқ таъминлаш мақсадида юбка бундай вариантнинг этагида қирқим шаклланиши мумкин.

Тўғри юбканинг асосида ҳар хил тахламали (олд ва орт бўлақлар ўртасига нисбатан симметрик жойланган, ёнида бўкса айланаси бўйлаб бир текисда) ва ҳар хил миқдорли бўлаклардан (тўрт, олти, саккиз ва ҳ.к.) юбкалар конструкцияси ишланади.

Бўксаларни ифодали кўрсатиш мақсадида тўғри юбкаларнинг силуэт шакли бўксада етарли даражада ёнишиб турадиган ва бўйлама қирқимлари мураккаб эгри чизиқ шаклида годесимон пастга кенгайган шаклда тузилади. Бундан ташқари, ҳар хил шаклда кокеткалар вариантлари ишлатилади.

Конуссимон юбкаларга маълум даражада кенгайган этаклар ва одатда бел чизигида витачкалар йўқлиги хос. Шу билан бирга  $Ш_n - C_T > \frac{2}{3} D_{ю}$  ва юбка узунлиги бўйича бир текисда кенгайган, лекин годесимон эмас.

Юбкаларнинг бу шаклини 3 ва 4-тўлалик гуруҳидаги аёлларга ( $C_6 - C_T > 15$  см бўлса) тавсия қилиш мумкин.

Юбканинг юқори қисми ва витачкалар шакли юбканинг шаклига ва аёллар фигурасининг тузилишига боғлиқ.

Шим — эркалар кийимининг доимий анъанавий тури.

Ешлар модаси пайдо бўлиши билан (60-йиллар) аёллар кийим-кечагида ҳам шимлар муҳим ўринни эгаллади.

Шимнинг ташқи кўриниши, шакли, узунлиги, айрим

элементларининг композицияси нуқтаи назардан шим доим мода талабларига мос бўлиши керак.

Шимнинг узунлиги ва букса, тизза ҳамда почасининг сатҳидаги ҳажми унинг шаклининг муҳим хусусиятидир. Бу хусусиятлар узгарган сари шимнинг шакли ҳам вақт давомида мода талабларига мувофиқ ўзгаради.

Шимлар асосан конструкция асосининг умумий чизмасига эга. Лекин вазифасига ва газламанинг хусусиятларига қараб улар қуйидагича фарқланиши мумкин:

тепа қисми ва почасининг ҳажми бўйича;

почасининг кенглиги бўйича;

тақилмасининг жойлашиши бўйича (марказда, ёнида ва б.);

почасининг шакли бўйича (қайтармали, қайтармасиз ва б.);

узунлиги бўйича — классик узун ва калталанган — голф (тиззада эластик тасма, патага терилган); бермудлар (кенг, ҳар хил узунликда — тиззадан пастроқ, юқорироқ, почаси қайтармали вариантлар бўлиши мумкин) з у а в л а р (кенг, бўксадан бурмали ёки тахламали, тизза остида тор манжетга бурмаланган), узунлиги ва ҳажми ҳар хил ш о р т и л а р.

Классик шаклдаги шимнинг узунлигини аниқлашда полдан поча чизигигача масофа доимий эмаслигини унутмаслик даркор. У шим почасининг кенглигига боғлиқ. Саноат корхоналарида тайёрланадиган шимлар почасининг кенглиги 20 дан 32 см гача (модага ва фигура тузилишига боғлиқ).

Шим почасининг кенглиги 20—23 см бўлса, полдан шимнинг почасигача бўлган масофа 7—8 см, шим почасининг кенглиги 24—27 см бўлганда полдан шимнинг почасигача бўлган масофа 5—6 см, шим почасининг кенглиги 28—32 см бўлса, полдан поча учигача бўлган масофа—3—4 см бўлади.

Бундан келиб чиқадики, шимнинг почаси қанчалик тор бўлса, у шунчалик калтароқ (полдан почагача масофа 7—8 см).

Ю б к а - ш и м и к к и х и л б у ю м : ш и м в а ю б к а н и н г с и н т е з и .

Юбка-шим контрукциясининг чизмаси айрим участкалар параметри бир оз узгарган тўғри юбка чизмаси асосида қурилади.

Агар юбка-шим буксага ёпишиб турса, у шаклан шимга яқинроқ бўлиши мумкин, агар буксага сал ёпишиб турса, лекин почагача кенглиги маромида бўлса, бу ҳолда шаклан юбкага яқинлашади.

Бундан ташқари юбка-шим узунлиги ва силуэт шаклининг ички ечимига кўра фарқланади.

### 3.7.2. Тўғри юбка конструкциясининг чизмасини қуриш


Тўғри юбка конструкциясининг чизмасини қуриш мақсадида дастлабки маълумотлар сифатида  $B_{л.т.}$ ,  $C_т$ ,  $C_б$ ,  $D_{сб}$ ,  $D_{сп}$ ,  $D_{т.к.}$  ўлчамлар зарур.

Ўлчамлар қиймати ССТ 17-326 — 81 га мувофиқ «Тикув, трикотаж ва мўйна буюмлар. Аёллар типавий фигуралари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчамлар» дан олинади.

Белли буюмнинг ушбу тури учун букса ярим айланасига  $P_б$  ва бел ярим айланасига  $P_т$  конструктив қўшимчалар назарда тутилади. Юбканинг шаклини аниқлайдиган асосий қўшимча  $P_б$ . Бел чизгида витачкали юбка конструкциясининг чизмасини қуришда  $P_б = 2 - 4$  см қилиб олинади. Бел ярим айланасининг қўшимчаси анча доимий бўлиб, одатда 1 см олинади.

Тўғри юбка конструкциясининг асосий ўлчамлари буюм асосининг чизмасини қуришда аниқланади.

Вертикал  $T$  (3.31-расм, а) юбка орт бўлаги ўрта чизги-



3. 31- расм. Ён чокли тўғри юбка чизмаси:

а — бел чизги бўйлаб икки витачкали; б — бел чизги бўйлаб тўрт витачкали.

нинг ҳолатини аниқлайди, горизонтал  $T$  эса — бел чизиғининг сатҳини.

Бўкса ва бел чизиқларининг ҳолати бел чизиғига нисбатан аниқланади:  $TБ = 0,5 D_{т.с.}$ ;  $ТН = D_{т.к.} + м$  (бу ерда  $м$  — мода талабларига, фигура тузилишига ва ёшга оид хусусиятларга биноан тиззага нисбатан юбканинг этаги сатҳини аниқлайдиган қўймат).

Бўкса чизиғи бўйича юбка кенглиги — юбканинг асосий ўлчамига тенг:  $ББ_1 = C_6 + П_6$ .

$B_1$  вертикал юбка олд бўлаги ўрта чизиғининг ҳолатини аниқлайди. Бу вертикалнинг горизонтал  $T$  билан кесишган нуқтаси  $T$  билан белгиланади, этак чизиғи билан кесишган нуқтаси эса —  $H_1$ .

Юбкаларда ён чоклар юбка кенглигининг ўртасида (агар юбка олти ёки кўпроқ бўлақлардан тузилган бўлса) ёки орт бўлақнинг ўрта чизиғи томонга бир оз сурилган бўлиши мумкин (тахминан 2 см).

Агар юбка костюмнинг таркибий қисми бўлса, ён чоклар, витачкалар, тахламаларнинг жойланиши жакетнинг конструктив чизиқларига ва чокларнинг жойлашишига боғлиқ.

Буюмнинг мустақил тури сифатидаги юбкада ён чоклари ҳолати  $ББ_2 = 0,5 (C_6 + П_6) - 1$  формула бўйича бўкса чизиғи сатҳида орт бўлақ кенглигининг ҳисоби орқали аниқланади.

$B_2$  вертикалнинг  $T$  горизонтал билан кесишган нуқтаси  $T_2$  билан белгиланади, этак чизиғи билан эса —  $H_2$ .

Кейин  $T'_2$  ва  $T'_1$  нуқталарнинг ҳолати қуйидаги формулалардан аниқланади:  $T_2 T'_2 = D_{сб} - B_{л.т.}$ ;  $T_1 T'_1 = D_{сб} - B_{л.т.}$ .

Витачкалар кенглигининг йиғиндиси  $\sum B = (C_6 + П_6) - (C_7 + P_1)$

Ён витачканинг кенглиги:  $0,5 \sum B \leq 7$  см. Агар ён витачканинг кенглиги 7 см дан каттароқ бўлса, уни тахминан 6,5 см гача кичрайтириб, олд бўлақда кўшимча витачка лойиҳаланади. Ён витачканинг кенглиги  $T'_2$  нуқтага нисбатан симметрик кўчирилади.

Витачканинг орт бўлақда жойланиши:  $ББ_3 = 0,4 ББ_2$ . Бўкса чизиғига  $B_2$  нуқтадан кўтарилган перпендикуляр бел чизиғи билан кесишган нуқтаси  $T_3$  билан белгиланади. Орт бўлақда витачканинг кенглиги  $0,35 \sum B \leq 5$  см, акс ҳолда иккита витачка лойиҳаланади. Витачканинг кенглиги  $T_3$  нуқтага нисбатан бел чизиғи бўйича симметрик равишда қўйилади.

Юбка олд бўлағида витачкаларнинг ҳолати:  $B_1 B_4 = 0,4 B_1 B_2$ .

Бўкса чизигига  $B_4$  нуқтадан кўтарилган перпендикулярнинг бел чизиги билан кесишган нуқтаси  $T_4$  билан белгиланади.

Олд витачканинг кенглиги  $0,15 \sum B \leq 2,5$  см; акс ҳолда ён чизиқлар томонига сурилган иккита кичик витачкалар лойиҳаланади. Витачканинг кенглиги бел чизиги бўйича  $T_4$  нуқтага нисбатан симметрик кўчирилади.

Юбка орт бўлагида витачканинг узунлиги 15 — 17 см, ён витачка — 17 — 20 см, олд бўлакда эса — 10 — 12 см.

Витачкалар томони катта томони бўйича тенглаштирилади ва ён витачка равои чизиқлар орқали, олд ва орт бўлаклар витачкалари эса — тўғри чизиқлар орқали шакллантирилади. Юбканинг юқори қирқими витачкалар ёпиқ ҳолда узил-кесил аниқланади.

Агар витачкалар кенглигининг йиғиндиси 15 см дан катта бўлса, юбканинг олд ва орт бўлакларида иккитадан витачка лойиҳаланади (3.31-расм, б).

Агар тўғри юбка олд ва орт бўлаклари ўртасида чок ёки тахлама лойиҳаланса, орт бўлакнинг ўрта қирқими  $T'$  ва  $B$  нуқталар орқали (3.31-расм, а) тўғри чизиқ бўйича этак чизиги билан  $H'$  нуқтада кесишгунча, олд бўлак қирқими эса  $T'_1$  ва  $B_1$  нуқталар орқали тўғри чизиқ бўйича этак чизиги билан  $H'_1$  нуқтада кесишгунча ўтказилади. Бунда  $BH' = BH$ ;  $B_1H'_1 = B_1H_1$ ;  $TT' = T_1T'_1 \approx 0,5 - 1$  см.

Икки чокли тўғри юбка этак томонга (бўкса чизигидан) бир текисда кенгайса  $H_2H'_2 = 10$  см кесмага эга бўлиши мумкин. Агар тўғри юбканинг этак томонга кенгайиши мурракба эгри чизиқ бўйича амалга ошса (годесимон),  $H_2H'_2$  кесма каттароқ бўлиши ҳам мумкин.

Икки чокли тўғри юбка асосининг чизмасида кўп бўлак-ли (кўп чокли) юбкалар чизмасини қуриш мумкин.

### 3.7.3. Конуссимон шаклли юбкалар конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Тўғри юбкалардан фарқли равишда конуссимон шаклли юбкаларни бўкса ва бел ярим айланаларида катта ( $C_6 - C_7 > 15$  см) фарқ бўлган 3 ва 4 — тўлалик гуруҳига мансуб аёлларга тавсия этиш мумкин. Акс ҳолда конуссимон шаклли юбкалардан керакли даражада таассурот олинмайди.

Одатда, конуссимон шаклли юбкалар учун бел чизигида витачкалар йўқлиги ва этак чизиги бўйича маълум даражада кенглиги хосдир.


Конуссимон юбкаларнинг чизмаси қирқилган конуснинг ён юзасини ёйиш принципи бўйича қурилади. Бу қирқилган конусда ясовчи  $TN$  юбканинг узунлигига тенг (3.32-расм); устки асос ёйининг узунлиги белнинг ярим айланаси  $C_1$  га тенг; остки асос ёйи узунлиги  $NN_1$  юбканинг узунлигига  $TN$ , белнинг ярим айланаси  $C_1$  ва коэффициент  $K$  га боғлиқ, ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланиши мумкин:  $NN_1 = TN/K + C_1$ .

Коэффициент  $K$  бир маъноли эмас. У юбканинг шаклига боғлиқ ва клёш юбка учун — 1,4; катта клёшли юбка учун — 1,2; «кичик» қўнғироқ шаклидаги юбкага — 1; «ўртача» қўнғироқ юбкага — 0,9; «катта» қўнғироқ юбкага — 0,8, «ярим қуёшсимон» юбка учун 0,64; ва «қуёшсимон» юбка учун 0,32 қилиб олинади.

Конуссимон икки чокли юбка чизмасини қуришда дастлабки нуқта (конус учи)  $O$  нуқтадир. Ундан пастга вертикал чизиқ бўйлаб кесма  $OT = C_1 K$  олиб қўйилади.

$T$  нуқтадан пастга белдан бўксагача ( $TБ$ ) бўлган масофа ва юбканинг узунлиги ( $TN$ ) ўлчаб қўйилади.

$O$  нуқтадан марказдан  $OT$ ,  $OB$ , ва  $ON$  кесмаларга тенг радиус билан ёйлар ўтказилади.  $OT$  радиус ёйида  $C_1$  ўлчамни қўйиб  $T_1$  нуқта олинади.  $O$  ва  $T_1$  нуқталарни тўғри чи-



3. 32-расм. Конуссимон шаклдаги икки чокли юбка чизмаси.

зиқ орқали бирлаштириб этак чизигача давом эттирилади. Бўкса чизиги билан кесишган нуқта  $B_1$  билан белгиланади, этак чизиги билан кесишгани эса —  $H_1$ .

Кейин бўкса чизиги бўйлаб юбка кенглиги текширилади:  $BB_1 = C_6 + P_6$ .

Кейин бўкса чизиги бўйлаб юбка кенглиги текширилади  $BB_1 = C_6 + P_6$ .

Агар  $BB_1 < (C_6 + P_6)$  бўлса, у  $C_6 + P_6$  га тенг бўлгунча катталаштирилади, ва ҳосил бўлган  $B_1$  нуқ-

та орқали олд ўрта чизиғи ўтказилади, бел чизиғи билан кесишган нуқта  $T'_1$ , этак чизиғи билан кесишгани  $H'_1$  билан белгиланади.

Бел чизиғининг ортиқча қисми ( $T_1 T'_1$ ) витачкага олинади, у  $BB_2 = 0,5 BB'_1$  — 1 масофада лойиҳаланади. Зарур бўлса орт витачка  $BB_4 = 0,4 BB_2$  масофада жойланади.


$B_2$  ёки  $B_3$  нуқталар  $O$  нуқта билан бирлаштириб витачкаларнинг ўрта чизиғи ўтказилади. Витачкалар кенглиги бел чизиғи бўйича ўтказилган чизикларга симметрик ҳолда олиб кўйилади. Витачкалар узунлиги уларнинг кенглигига биноан белгиланади.

Агар конуссимон асосда қурилган юбка бир неча бўлақлардан иборат бўлса, бўкса чизиғидаги бўлақларнинг кенглиги аниқланади ва бўкса чизиғида ҳосил бўлган  $b, b_1$  ва ҳ. к. нуқталар (3.33-расм)  $O$  нуқта билан тўғри чизиклар орқали туташтирилади ва этак чизиғигача давом эттирилади.

Агар конуссимон юбка этак чизиғи бўйича маромдаги кенгликка эга бўлса ( $K = 1,4$  ёки  $1,2$ ), у ҳолда юбка ўтказма ёки яхлит бичилган понасимон «годе» ёрдамида кўшимча кенгайтирилади.

Агар этак чизиғи бўйича кенглиги маълум бўлган конуссимон шаклдаги юбка бел чизиғи бўйича бир текисда бурмали бўлса, бурма учун кўшимча бурма қийматига қараб унинг ҳамма бўлақларига бир хилда берилади.

Агар бурмалар бел айланаси бўйлаб бир текисда бўлмай қандайдир муайян жойда йиғилган бўлса, бурма учун кўшимча фақат шу жойда кўзда тутилади.



3.33-расм. Конуссимон шаклдаги куп-клинли юбка чизмаси.

«Ярим қуёш» юбка (3.34-расм). Ушбу шаклдаги юбкани конструкциялашда чокларнинг жойлашиши аҳамиятга эга. Бундай юбка бир чокли (орқада) ёки икки ён чокли бўлиши мумкин.

Орқа чокли юбканинг чизмаси қуйидагича қурилади. Учи  $O$  нуқтада жойлашган тўғри бурчак қурилади.  $O$  нуқтадан паства  $OT = C_T \cdot 0,64$  ва  $TN = D_{T.K.} + m$  кесмалар ўлчаб қўйилади.

Кейин  $O$  нуқтадан  $OT$  ва  $ON$  кесмаларга тенг радиуслар орқали ёйлар ўтказилади ва тўғри бурчакнинг иккинчи томони билан кесишган жойларда  $T_1$  ва  $H_1$  нуқталар белгиланади. Бу вариантда олд булак ўртаси ( $TN$ ) яхлит бичилган, ва у арқоқ ипи бўйича жойлашади (узлуксиз чизиққа қаранг).

Юбканинг иккинчи вариантда ён чоклар орт булакка бир оз сурилади ва шундай қилиб, чизмада икки букланган орт булак бўкса бўйича 2 см тораяди. Юбканинг бу вариантда олд ва орт булакларнинг чизмаси тўла ўлчамларда қурилади, демак, кенлиги бўйича фарқи икки барабар ошади (4 см). Бу бичимли юбканинг бел чизмида витачкалар йўқлигини ҳисобга олиб, олд ва орт булакларнинг бел чизми бўйича кенлигининг фарқи ўшандайлигича қолади (4 см). Шунинг учун орт булак чизмасини қуришда кесма  $OT = K(C_T - 2)$ , олд булакники эса —  $OT = K(C_T + 2)$ . Бунда бўлаклар ўртаси  $T_2H_2$  чизиқ бўйича, ён қирқимлар эса  $TN$  ва  $T_1H_1$  чизиқлар бўйича жойлашади.

Орт булакнинг устки ва этак қирқимлари 4.34-расмда



штрих чизиқ орқали кўрсатилган, олд булакники эса — штрих-пунктир чизиқ.

«Қуёш симон» юбка (3.34-расм) эни 140—150 см бўлган газламадан бичилса чоксиз бўлиши мумкин, агар газлама торроқ бўлса, юбкага улоқ солиниши мумкин, лекин газламани гулига аҳамият бериш шарт. Агар газламанинг кенлиги етарли бўлмаса, бундай юбкалар икки чокли бўлиши мумкин.

3.34-расм. «Ярим қуёш» ва «қуёш» юбка чизмаси.

Агар юбка чокли бўлса, унинг чизмаси орқаси чокли

«яримкүёш» юбка чизмасига ўхшаш қурилади.  $OT' = 0,32 C_r$   
 $OT' = OT'$ ;  $T'H' = D_{т.к.} \pm m$ ;  $T_1H_1 = T'H'$

Агар «күёшсимон» вариантли юбка икки ёни чокли бўлса, орт булакнинг  $OT'$  радиуси (штрихли чизик)  $0,32 (C_r - 2)$  га; олд булакники эса  $OT' = 0,32 (C_r + 2)$  (штрих-пунктир чизик) га тенг.

Ён қирқимлар  $T'H'$  ва  $T_1H_1$  чизиклардан ўтади (3.34-расмда  $H_1$  нуқта кўрсатилмаган).

### 3.7.4. Шимлар конструкциясининг чизмасини қуриш

Шимлар конструкцияси чизмасининг схемаси асосан бир хил.

Шимлар конструкцияси чизмасини қуриш методикасига кўра номи ва сони ҳар хил булган ўлчамлар кўзда тутилади.

Масалан, НИИШП методикаси бўйича [6,9] аёллар шими конструкциясининг чизмасини қуришда қуйидаги ўлчамлар ишлатилади:

$$\begin{array}{ccc} C_{г III} & D_{с.б} & D_{сбт.к} \\ C_r & D_{сп} & D_c \\ C_6 & D_{пс} & \Gamma_{г II} \end{array}$$

[16] маълумотларга кўра қуйидаги ўлчамлар қабул қилинган:

$$\begin{array}{cccc} C_{г II} & D_{с.б} & D_{т.к} & O_{п} \\ C_r & D_{сп} & O_{бед} & O_{ш} \\ C_6 & D_c & O_k & P \text{ ва } P_{п.н}^* \end{array}$$

Оёқларга ёпишиб турадиган шимлар конструкцияси чизмасини қуришда сон, тизза, болдир, тўпиқ айланаларининг ўлчамларидан фойдаланилади.

Аёллар шими конструкциясининг чизмасини қуришда ўлчамлар қиймати ОСТ 17—326—81 «Тикув, трикотаж, мўйна буюмлар. Аёллар типавий фигуралари. Қийим лойиҳалаш учун ўлчамлар» дан олинади.

Шим асосининг чизмасини қуришда бўкса айланасининг қўшимчаси 2 — 4 см қилиб олинади.

Шим конструкциясининг чизмаси икки босқичда қурилади. Аввал чизманинг базис сеткаси қурилади. Унинг асосий вертикали шим булаklarининг букла-ниш чизигидир, асосий горизонталлар эса — бел, бук-

$P_{п.н.}$  Шим почасининг кенлигига боғлиқ полдан шим почасининг чизигигача булган масофа.


са, тизза ва поча чизиқлари. Шундай қилиб, шим чизмасининг базис сеткаси асосан шимнинг бўйлама размерларини аниқлайди.

Кейин шимнинг эни бўйича размерлари ва чизма қуриш мақсадида қатор ёрдамчи нуқталарнинг ҳолати аниқланади.


Шимнинг олд бўлак контурлари қурилгандан сўнг шим бўлакларини ён ва қадам қирқимларни бўйича узаро боғланишини сақлаган ҳолда олд бўлак размерларига мос орт бўлак контурлари қурилади.

Ҳар хил адабий манбалар бўйича қурилган шим чизмаларининг белгилари бир хил.

3.35 ва 3.36-расмларда кўрсатилган шимлар чизмасини қуришга керакли ҳисоблар 3.7-жадвалда келтирилган.



3. 35- расм. [6,9] методикалари бўйича аёллар шими асосининг чизмаси.



3. 36- расм. [16] методикаси бўйича аёллар шими асосининг чизмаси.

3.7. Ҳар хил адабий манбалар буйича аёллар шими конструкциясининг чизмасини қуриш учун ҳисоблар

Чизмадаги конструктив бўлак ёки нуқта	Шартли белгилар	Манбалар буйича ҳисоблаш формуллари	
		[6.9] (3.35- расм)	[16] (3.36- расм)
Бел чизигига нисбатан ўтириш баландлигининг ҳолати	$TЯ$	$D_c - (1-2)$	$D_c - (2-3)$
Бўкса чизигининг ҳолати	$ЯБ$	6	$1/3 TЯ$
Поча чизигининг ҳолати	$T_0H$	$D_{6p} + Ур$	$\frac{—}{D_{сп} - P_{п.н.}}$
	$TН$	—	—
Тизза чизигининг ҳолати ( $T_0$ нуқта пастроқдан топилади)	$T_0K$	$D_{т.к.} + Ур$	—
Ўрта олд чизикнинг ҳолати	$ТК$	—	$D_{т.к.}$
	$ББ_1$	$0,15 C_6 + 1/4 \times$ $\times (П_6 + Ур) + 1,4$	$0,4 B_1 B_2, B_1 B_2 =$ $= 0,47 \times (C + П_6)$
$T_1$ нуқтанинг ҳолати	$ТТ_1$	$ББ_1 = ЯЯ_1$	$ББ_1 = ЯЯ_1$
$T_2$ нуқтанинг ҳолати	$T_1 T_2$	0,7	0—2
$B_2$ нуқтанинг ҳолати	$B_1 B_2$	0	—
	$ББ_2$	—	0,6 $B_1 B_2$
$T_3$ нуқтанинг ҳолати	$T_2 T_3$	$0,5 C_T + (2-$ $-2,5) + 0,5 Ур$	$0,5 (C_T + П_T) -$ $-1 + (2-2,5)$
$T_4$ нуқтанинг ҳолати	$T_3 T_4$	$(D_{сб} - D_{сп}) + 0,3$	$D_{сб} - D_{сп}$
		Олд булак юқори чизиги олд булак $TН$ ўрта чизиги билан кесишган нуқтаси $T_0$ билан белгиланади.	
Олд булак почасининг кенглиги	$H_1 H_2$	$Ш_n - 2$	$Ш_n - 2$
$H_1$ ва $H_2$ нуқталарнинг ҳолати	$HH_1 = HH_2$	$0,5 Ш_n - 2$	$0,5 (Ш_n - 2)$
Орт булак почасининг кенглиги	$H_3 H_4$	$Ш_n + 2$	$Ш_n + 2$
$H_3$ ва $H_4$ нуқталарнинг ҳолати	$HH_3 =$ $HH_4$	$0,5 (Ш_k + 2)$	$0,5 (Ш_n + 2)$
$H_5$ нуқтанинг ҳолати	$HH_5$	0,7	0,5—1,5 (шаклига қараб)
Тизза сатҳида олд булак ён ва қадам қирқимларининг ҳолати	$KK_1 =$ $KK_2$	$0,5 [Ш_n - (2-$ $-2,5)]$	$0,5 [Ш_k - (2-$ $-2,5)]$
Орт булак $K_3$ ва $K_4$ нуқталарининг ҳолати	$K_1 K_3 =$ $K_2 K_4$	2—2,5	2—2,5
$B_3$ нуқтанинг ҳолати	$B_1 B_3$	$0,3 (0,4 C_0 -$ $-1,5)$	—
$Я_2$ нуқтанинг ҳолати	—	$B_3 B_2$ тўғри чизик горизонтал $Я$ билан кесишган	$ЯЯ_2 = ББ_2$

Чизмадаги конструктив булак ёки нуқта	Шартли белгилар	Манбалар бўйича ҳисоблаш формулалари	
		[6.9] (3.35- расм)	[16] (3.36- расм)
Я <sub>3</sub> нуқтанинг ҳолати	Я <sub>1</sub> Я <sub>3</sub>	нуқта Я билан белгиланади 2.8	0,1 (C <sub>6</sub> +П <sub>6</sub> ) Я <sub>1</sub> нуқтадан ўнга
1 нуқтанинг ҳолати	—	—	Я <sub>1</sub> Я <sub>3</sub> кесма Н <sub>1</sub> К <sub>1</sub> тўғри чизиқ билан кесишган нуқта
Б <sub>4</sub> нуқтанинг ҳолати	ББ <sub>4</sub>	ББ <sub>4</sub>	—
Нуқталарнинг ҳолати 2	—	—	0,5 Б <sub>1</sub> Б <sub>3</sub>
3	—	—	0,5 Я <sub>1</sub> 2
Б <sub>5</sub> нуқтанинг ҳолати	ББ <sub>5</sub>	0,5 [(1,4C <sub>6</sub> + +П <sub>6</sub> +Ур— 1,5)—Б <sub>3</sub> Б <sub>1</sub> ]+ +0,5. Б ва К нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади.	—
Я <sub>4</sub> нуқтанинг ҳолати	Я <sub>1</sub> Я <sub>4</sub>	—	0,2(C <sub>5</sub> +П <sub>5</sub> )+ +(1—1,5)
Я <sub>4</sub> нуқтанинг ҳолати	К <sub>4</sub> Я <sub>4</sub>	К <sub>3</sub> Я <sub>2</sub>	—
Б <sub>6</sub> нуқтанинг ҳолати	К <sub>3</sub> Я <sub>4</sub> Б <sub>5</sub> Б <sub>6</sub>	0,7(0,4C <sub>6</sub> —1,5) Б <sub>6</sub> вертикал ЯЯ <sub>4</sub> горизонтал билан кесишган нуқта Б <sub>5</sub> билан белгиланади, ТТ <sub>1</sub> горизонтал билан кесишгани эса—Т <sub>5</sub> нуқта	К <sub>1</sub> К <sub>3</sub> —0:0
Т <sub>3</sub> нуқтанинг ҳолати	ТТ <sub>5</sub>	—	0,1C <sub>7</sub> +(0,5— —1); Я <sub>1</sub> ва Т <sub>5</sub> нуқталар тўғри чизиқ билан тугаштирилади, бу чизиқнинг Б <sub>1</sub> Б <sub>2</sub> чизиқ билан кесишган жойи Б <sub>3</sub> нуқта билан белгиланади.
Т <sub>6</sub> нуқтанинг ҳолати	Т <sub>5</sub> Т <sub>6</sub>	Т <sub>7</sub> —Т нуқтадан ўнга. Т <sub>6</sub> ва Б <sub>6</sub> нуқталар тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади	0,1C <sub>6</sub> —(1—2)— Я <sub>1</sub> Т <sub>5</sub> чизиқ давомида Т <sub>6</sub> нуқтадан тепага

Чизмадаги конструктив бўлак ёки нуқта	Шартли белгилар	Манбалар бўйича ҳисоблаш формулалар	
		[6.9] (3.35- расм)	[16] (3.36- расм)
$T_7$ нуқтанинг ҳолати	$T_0 T_7$	$(D_{сп} - B_{пс}) - D_c \cdot T_7$ нуқтадан $B_0 T_0$ давомига перпендикуляр туширилади ва $T_8$ нуқта белгиланади.	
	$T_6 T_7$	—	$0,5(C_7 + P_7) + 1 + P_p$ , бу ерда $P_p = 3 - 6$ см витачка учун қўшимчага; $T_6 T_7 - T_6$ нуқтадан чиқарилган ёй; $B_5 T_7 = B_2 T_4 - B_5$ нуқтадан ёй. $T_1 B_1$
Орт бўлак бўкса чизгининг ҳолати	$T_6 B_3$	—	
Бўкса чизиги бўйича орт бўлак кенлиги	$T_4 B_5$	—	$(C_6 + P_6) - B_1 B_2 \cdot B_5$ ва $K_4$ нуқталар туғри чизик орқали бирлаштирилади ва $Я$ нуқтадан ўтган горизонтал билан кесилган нуқта $Я$ билан белгиланади
$T T_1$ горизонталда орт бўлак ён қирқимининг ҳолати	$T_8 T_9$	$0,5C_7 + 4 + 0,5 + U_p$	—
Бўкса чизигида орт бўлак ён қирқимининг ҳолати	$B B_7$	$0,5[(1,4C_6 + P_6 + U_p) - 1,5] - B_2 B_4 - 0,5$	—
$B_8$ нуқтанинг ҳолати	$B_6 B_8$	$T_6 T_8$	—
Нуқталарнинг ҳолати:	$Я_5 Я_6$	$3 - 3,5$	—
$Я$	$3 - 4$	—	$1$
Урта орқа қирқимнинг шакли	—	$T_8 T_6, B_8; Я_6, Я_4,$	$T_6, T_5, B_4, B_3, 4, Я, Я$
Ён қирқимлар узунлигини тенглаштиниш	—	$K_3 B_8 T_8 T_{10} = K_1 B_4 T_3 T_4$	—

Орт бўлак чизмасида битта ёки иккита витачка қурилади. Витачкалар ўрта чизиғи  $T_8T_{10}$  ёки  $T_6T_7$  тўғри чизиққа перпендикуляр жойланади. Орт бўлак бел чизиғи витачкалар ёниқ ҳолда равои чизиқ шаклида ўтказилади.

**Шортилар конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари** (3.36-расм). Шортилар, одатда, ип газламалар, чарм ва намлаб-иситиб ишлов беришни инкор этадиган бошқа материаллардан тикилади, шунинг учун улар конструкцияси шу шартга мос ишланади. Шортилар шимлар конструкциясига ўхшаш қурилади, лекин баъзи кесмалари аниқлаштирилади;

$$T_5T_6 = 0,1 C_6 - 2;$$

$$Я_1Я_4' = 0,2 (C_6 + П_6);$$

$ТН_{ш} = D_{ш}$  ёки  $D_{кн}$  (тиззадан шорти почасигача бўлган масофа);

$ТН_{ш}H_{1ш} = H_{ш}H_{2ш} = 0,5 (Ш_n - 5)$ , бу ерда  $Ш_n$   $0,5 (O_{бед} + П_{о.бед})$  га тенг шорти почасининг кенглиги;

$$П_{б.бед} \geq 4 - 5 \text{ см};$$

$$П_{3ш}H_{4ш} = Ш_n + 5;$$

$$H_{ш}H_{3ш} = H_{ш}H_{4ш} = 0,5 H_{3ш}H_{ш}.$$

Шортининг қадам қирқимлари: олд бўлакники  $Я_3$  ва  $H_{1ш}$  нуқталардан ўтади; орт бўлакники эса  $Я_4'$  ва  $H_{3ш}$  нуқталар орқали.

Шортининг ён қирқимлари: олд бўлакники  $T_4$ ,  $B_2$ ,  $Я_2$  ва  $H_{2ш}$  нуқталардан; орт бўлакники эса  $T_7$ ,  $B_5$  ва  $H_{4ш}$  нуқталар орқали ўтади. Олд бўлак почасининг чизиғи ўртасини бир оз кўтариб ўтказилади:  $H_{ш}H'_{ш} = 0,4 - 0,7$  см.

Шорти орт бўлак почасининг чизиғи тўғри чизиқ тарзида ўтказилади ва шортини фигурага яқинлаштириш мақсадда бу чизиқ ўртасида кенглиги 1 — 1,5 см, узунлиги 4,5 — 6 см га тенг витачка лойиҳаланади.

#### Текшириш учун саволлар

1. Аёллар уст кийимларининг ассортиментида қандай белли бўюмлар бўлиши мумкин?
2. Аёллар юбкасининг қанақаси тўғри дейилади?
3. Тўғри юбкалар конструкциясининг чизмасини ҳисоблашда ва қуришда қандай ўлчамлардан фойдаланилади?
4. Тўғри юбка ён қирқимининг ҳолати қандай аниқланади?
5. Ён витачканин кенглигига нима таъсир этади?
6. Юбка орт бўлак кенглиги билан унда витачка жойланиши орасида қандай боғланиш кўзатилади?

7. Орт булак витачкасининг энг катта қиймати қандай бўлиши мумкин ва юбка конструктив ечимига қандай таъсир қилади?
8. Қандай шаклли юбкалар конуссимон дейилади?
9. Конуссимон юбкаларга нималар хос?
10. Конуссимон юбка этак кенглиги ўзгаришига нима таъсир этади?
11. Коэффициент  $K$  нинг қандай қийматларини биласиз? Коэффициентнинг қандай қийматида юбка этагининг кенглиги энг катта?
12. Шим конструкциясининг чизмасини ҳисоблашга ва қуришга қандай размерли улчамлар ва конструктив қўшимчалар зарур?
13. Шимнинг узунлиги билан почасининг кенглиги орасида қандай боғланиш бор?
14. Узун шимлардан шортилар конструкцияси нимаси билан фарқланади?
15. Шимларнинг қандай шаклларини биласиз?

### 3.8. ҚИЗЛАР КИЙИМИ

#### 3.8.1. Умумий маълумотлар

Болалар кийимини лойиҳалаш — мураккаб ижодий жараёндир, чунки у болалар ривожига онд билимлар комплексини, уларни модага нисбатан психологик ва ахлоқий ҳолатини талаб қилади.

Бундан ташқари, кийим болалар учун катта тарбиявий воситадир. Чиройли, қулай ва енгил кийим яхши дид ривожлантиради, кайфиятни кутаради, бағартиб бўлишга ўргатади ва ҳ.к. Бунда газлама танлашга катта аҳамият берилади. Газламанинг тузилиши қатор гигиеник талабларга жавоб бериши керак: иссиқ ва гигроскопик бўлиши, яхши тозаланиши, ювилиши, дазмолланиши керак.

Қизлар учун уст кийимлар конструкцияси мураккаб бўлмаслиги керак. Бу кийимлар тайёрлаш жараёнида ишлов беришга қулайлик талабларига мослиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни оширишга таъсир этади.

Енгил саноат ходимларининг барчаси олдига, хусусан, чиройли, қулай ва амалий жиҳатдан маъқул бўлган болалар кийимини кенг ассортиментда лойиҳалайдиган ташкилотлар олдига қўйилган масала муҳим ва масъулиятлидир.

Бола вояга етган сари кийимининг композицион ечимлари, безатиш усуллари ва комплектланиши ўзгариб туради.

Болалар кийимининг шакли катталар кийимининг нусхаси бўлмаслигини ва барча ёшдаги гуруҳларга бир

хил бўлолмаслигини ҳисобга олган ҳолда саноат ша-  
ронтида болалар кийими ёш хусусиятларига мос беш  
гуруҳ учун лойиҳаланади.

Қуйида ёшга оид гуруҳлар бўйича қизлар типавий  
фигураларининг таснифи келтирилган.

Ёш гуруҳлари	Гуруҳларнинг тахминий чегараси
Ясли ёшидаги	3 ёшгача
Мактабгача ёшдаги	3 ёшдан 7 ёшгача
Кичик мактаб ёшидаги	7 дан 11 гача
Юқори мактаб ёшидаги	11 дан 14,5 гача
Ўсмирлар	14,5 дан 18 гача

Ёш гуруҳларининг ҳаммасида болалар кийими  
учун спорт стили хосдир. Шунинг ҳам ҳисобга олиш ке-  
ракки, болалар вояга етган сари, кийимда спорт услу-  
би ошаверади (3.37-расм).

Биринчи ва иккинчи ёш гуруҳларга мансуб кийим-  
нинг ансамблга оид ечимлари образли ёки услубий бир-  
лигига асосланибгина эмас, балки мақсадга мослик,  
амалий жиҳатдан маъқуллик ва қулайлик талаблари  
асосида қурилади.

Ясли ва мактабгача ёшдаги болалар кийими ай-  
ниқса бу ёшда серғайрат болаларнинг ҳаракатини  
чекламайдиган даражада тула-тўқис шаклга эга бў-  
лиши керак. Бу ёш гуруҳлардаги қизларга кокеткалар  
орқали ҳар хил шаклда бўлинган трапециясимон си-  
луэт маъқулроқдир. Болалар кийими тула-тўқис, ен-  
гил, ихчам, гавданинг ўсиши ҳисобга олинмаган бўли-  
ши керак. Мактабгача ёшдаги қизлар пальтоси кўпин-  
ча анъанавий кичик ўтқазма ёқали шаклга эга бўла-  
ди. Безаклари мағиз ва аппликациялар кўринишида.

Кузги-баҳорги пальтоларга қишки пальтоларга қа-  
раганда пишиқроқ газламалар ишлатилади.

Чаққон ҳаракатлар учун комбинезон, яримкомбине-  
зон, курткалар тавсия этилади.

Ўқувчининг гардеробига махсус буюмлар ҳам ки-  
ради, булар мактаб формаси, меҳнат машғулотларига,  
спортга ва ҳ.к. мўлжалланган кийимлардир. Бу ёш  
гуруҳидаги болалар кийимининг ассортименти мактаб-  
гача ёшдаги ассортиментга нисбатан анча кенг.

Кичик мактаб ёшидаги қизлар пальтоси асосан тўғ-  
ри ёки этаги сал кенгайган бўлади. Баланд бўйли қиз-  
лар пальтоси бел чизиғи қирқмали, этаги кенгайган,



3.37- расм. Болалар уст қийими моделларини тузиш намуналари

одатда, чўнтакли бўлиши мумкин. Кузги-баҳорги пальтолар беаги ҳар хил қавиққаторлар, ўзига хос фурнитура ва тақилмалар шаклида бўлиши мумкин. Қишқи пальтолар беаги сифатида табиий ва сунъий мўналар ишлатилади.

Ёқалари кўпинча кичик размерли ўтқазма ва капюшон-ёқалардир.

Катта ёшдаги ўқувчиларга фигурасининг жадал шаклланиши ва бўйларининг тез ўсиши хосдир. Бу ёшдаги болалар фигураси мутаносиблиги бўйича долихоморф типга яқинроқ. Улар етарли даражада коматли. Қизларда бу ёшда назокат пайдо бўлади — кўкраги, бўксаси шаклланади. Болаларнинг ёшига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кийим лойиҳаланади.

Катта ёшдаги қизлар елкали буюмлари (пальто, калта пальто) иккита силуэт шаклида лойиҳаланади: сал ёпишиб турадиган ва тўғри.

Сал ёпишиб турадиган кийим аниқроқ, фигуранинг асосий контурларини белгилаб туради. Бел чизиғи белбанд, бахяқатор, қирқим, тақилманинг жойланиши орқали таъкидланади. Буюм деталлари (ёқа, қопқоқлар, борт қайтармаси) модага мувофиқ шакллантирилади, лекин кўпинча равон чизиқли бўлади. Ёқалар: тик, хомут, қайтарма.

Тўғри силуэтли кийимлар, одатда, спорт услубига эга. Бундай пальто, калта пальтоларда кўпинча оддий шаклдаги қайтарма ёқалар, капюшон-ёқалар, кокеткалар, қопқоқлар, белбандлар ёки белбоғлар, погонлар ишлатилади. Енглари ўтқазма ёки реглан.

Ўсмир қизларга фигура ва бўйларининг қатъий шаклланиши хосдир. Бу ёшдаги қизлар спорт билан актив шуғулланади ва жуда ғайратли. Уларнинг модага муносабати тез-тез ўзгариб туради. Улар қандайдир даражада катталарга тақлид қиладилар ва шу билан бирга ўз шахсини намоён қилиш мақсадида ажралиб туришни истайдилар.

Ўсмирлар кийими ёшлар кийимининг биринчи гуруҳига киради ва улар учун ёшлар модасининг асосий қонун-қоидалари тўғри келади.

Ўсмир қизлар елкали буюмлари уч асосий силуэт шаклида лойиҳаланади: ёпишиб турадиган (ҳажми катта бўлмаган буюмлар), тўғри (ҳажми ҳар хил) ва енглари ҳар хил бичимдаги (ўтқазма, реглан, яхлит би-

чилган комбинацияланган ва эркаклар куйлагининг енигига ўхшаш) трапециясимон.

Ёпишиб турадиган силуэт шакл, қизлар қоматини таъкидлашга имкон беради ва тақилма жойланиши, белбоғлар, қирқимлар, юбканинг шакли ва ҳ.к. орқали хипча белларини кўрсатишга имкон беради. Ушбу силуэт шакл классик моделлар ва фольклор моделлар ёчимида қўлланади.

Ҳар хил ҳажмли тўғри силуэт шакл ифодали спорт услубига эга.

Трапециясимон силуэт шакл башанг турдаги ўткирроқ моделлар лойиҳалашда ишлатилади.

Ушбу ёш гуруҳидаги кийимлар учун ансамбллик ечим хосдир. Ёшлар костюмининг комплектлилиги ва кўп қаватлилиги принципи ҳар хил кийимлардан ансамбль тузишга имкон яратади. Бу принципга риоя қилмасдан мода ўзгаришларини ҳар доим ҳисобга олган ҳолда кийимнинг энг муҳим сифатлари бўлган қулайликларни, универсалликни, мақсадга мувофиқликни, комфортликни таъминлаш мумкин эмас.

Умуман олганда болалар кийимининг асосий стили — бу спорт стилидир.

Қундалик ва башанг кийимларда фольклор ва классик стиллар элементлари ишлатилади.

### 3.8.2. Қизлар кийимини конструкциялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Саноат шароитида болалар кийимини лойиҳалаш мақсадида, яъни буюмнинг модели ва конструкцияси ишланадиган, қизларнинг ёшига оид ҳар бир гуруҳ учун типавий фигуралар аниқланган. Қуйида шу қизлар фигураларининг размерлари келтирилган.

Ёш гуруҳлари	Тапаннинг узунлиги ва учинчи кўрак айланаси бўйича типавий фигуралар размерлари
Ясли ёшидаги	86—52
Мактабгача тарбия ёшидаги	110—56
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари	134—68
Ўрта ёшдаги ўқувчилар	152—76
Ёспиринлар	
I гуруҳ	164—88
II гуруҳ	164—96

Болалар пальтоси конструкциясининг чизмасини қуриш мақсадида дастлабки маълумотлар сифатида фигу-

ра ўлчамлари ва кийимнинг керакли тўқислигини таъминлайдиган қўшимчалар керак. Ҳар хил ёш гуруҳидаги қизлар фигурасининг ўлчамлари ОСТ 17—66—77 «Тикилган, трикотаж ва мўйна кийимлар. Қизларнинг типавий фигуралари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчам белгилари»дан олинади.

Болалар кийимини конструкциялашда кийим тўқислигини таъминлайдиган қўшимчаларни танлаш ва уларни конструкциянинг орт, ўмиз ва олд участкалари бўйича тақсимлаш катта аҳамиятга эга.

Қўшимчалар қийматининг ўзгариш кўлами жуда кенг ва кийим тури билан ёш гуруҳига боғлиқ.

Қизлар елкали устки кийимининг кўкрак чизиғи бўйича тўқислик қўшимчаси  $P_r = 9 - 18$  см. Болалар ёш гуруҳи кичрайган сари кийимнинг ҳажмийлиги катталашади ва  $P_r$  каттароқ қийматга эга бўлади ва аксинча, боланинг ёши катталашган сари, кийимнинг ҳажми кичради ва  $P_r$  кичикроқ қийматга эга бўлади. Ўрта ёшли ва ўсмир қизлар учун ҳажми катта буюмларда  $P_r$  каттароқ қийматга эга бўлиши мумкин.

Конструкция чизмасининг участкалари бўйича  $P_r$  қийматининг тақсимланиши, одатда, доимий эмас ва кийимнинг шаклига узвий боғлиқ (ўрта ёшдаги ўқувчилар ва ўсмирлар кийими).

Биринчи уч ёш гуруҳ (ясли ёшидаги, мактабгача ёшдаги ва кичик ёшдаги ўқувчилар) кийимининг шаклига келганда, улар кўпинча ўзгармас ва вақт сайин кам ўзгаради. Шунинг учун орт ва олд бўлақлар қўшимчалари маълум даражада сақланиб туриши мумкин.


Болалар кийимини НИИШП методикаси бўйича конструкциялашда кўкрак чизиғи бўйича  $P_r$  қўшимчанинг ўзгаришига кийимнинг силуэт шакли ва ўмизнинг параметрлари таъсир этади. Шаклан, бир хил силуэтлар чегарасида биринчи тўртта ёш гуруҳнинг буюмлари учун конструктив участкаларда (орт ва олд) бир хил қўшимчалар тавсия этилади. Шунинг учун бола улғайган сари НИИШП методикаси бўйича тўқислик қўшимчасининг умумий қиймати катталашаверади, чунки енг ҳажмининг қиймати ва ўмизнинг кенглиги ҳам катталашади. Бу бир оз қарама-қарши ва мунозарали масала, чунки бола улғайган сари кийимининг шакли аниқлашган пайтда, ҳажми камая бошлайди, албатта, агар модага мувофиқ кийим шаклининг катталашган ҳажми кўзда тутилган бўлса.

Қизлар уст кийими конструкциясининг ҳисоби ва тузилиши аёллар уст кийими конструкциясининг ҳисоби ва чизмасига ўхшайди.

Қизлар гавда тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисоблаш формулаларининг баъзи коэффицент ва эркин ҳадлариди ўз аксини топади.

Уст кийим конструкциясининг чизмасини ҳисоблаш ва қуриш учун қизлар типавий фигуралари зарур ўлчамларининг абсолют қиймати ОСТ 17-66—77 ёки ЦНИИШП «Қизлар кийимини конструкциялаш методикаси»дан олинади (3.8-жадвал).

Қизлар уст кийимининг тўқислиги учун қўшимчалар 1.9, 1.11—1.13-жадвалларда келтирилган.



3. 38-расм. Қиз болалар учун пальто чизмаси:

а — 1—3 ёш гуруҳларининг сал ёпишиб турадиган силуэти; б — ўрта ёшдаги ўқувчилар ва ўспиринлар гуруҳларининг буюмларида кўкрак витачкасини қуриш; в — ўрта ёшдаги ўқувчилар ва ўспиринлар гуруҳлари учун қирқма адиёли олд бўлақ чизмасини қуриш.

### 3.8. Қизлар типавий фигураларининг ўлчамлари

Ўлчамларнинг шартли белгиси	Еш гуруҳлари учун типавий фигуралар ўлчамларининг қийматлари, см					
	ясли ёшида (86—52)	мактабгача ёшида (110—56)	кичик ёшдаги ўқувчилар (134—89)	ўрта ёшдаги ўқувчилар (152—76)	Ўспирин	
					164—88	164—96
$V_{т.о.ш.}$	67,8	89,6	112,2	128,6	139,6	139,9
$V_{п.т.}$	—	85,8	107,7	123,6	134,4	134,7
$B_{с.т.}$	58,4	77,9	97,4	111,3	120,4	120
$V_{л.т.}$	46,7	65,5	83,7	95,7	103,4	103,5
$V_{ш.т.}$	68,7	—	—	—	—	—
$V_x$	22,8	28,8	37,3	42,5	45,3	45,3
$C_{ш.}$	12,1	12,8	14,7	16	16,8	17,4
$C_{гI}$	—	28,9	34,7	37,9	42,5	45,6
$C_{гII}$	—	29,3	35,5	39,8	45,8	49,6
$C_{гIII}$	26	28	34	38	44	48
$C_t$	25,6	25,8	29,6	30,7	33,8	36,8
$C_b$	28,5	31,5	38,4	42,6	48,1	51,2
$D_{сб}$	46,7	66,6	85,1	97,6	105,7	106
$D_n$	33,7	48,8	62,8	72,2	77,6	77
$O_n$	17,5	18,2	22,3	23,9	27,2	29,8
$O_{зап}$	—	12,3	13,8	14,6	15,7	16,3
$Ш_n$	6,7	8,8	10,9	12,1	13,3	13,5
$V_r$	18	21,3	25,7	29,3	32,7	34,5
$D_{т.п.}$	30,6	34,1	39,7	45,4	51,1	53
$D_{т.с.}$	23,8	26,8	31,5	38,4	40,1	40,3
$D_{т.сI.}$	25,2	28,4	33,4	38,2	42,3	42,8
$D_{т.пI.}$	25,4	26,7	31,6	37,2	41,8	43,8
$Ш_r$	10,6	11,1	13,2	14,6	16,4	17,2
$Ц_r$	6	6,1	7,8	8,8	10,1	10,4
$Ш_c$	10,1	12,5	14,7	15,7	17	17,9
$D_{р.лок}$	15,4	19,3	24,2	28,1	30,8	31,2
$d_{в.р.}$	5,5	7,1	8,6	9,5	10,3	10,7
$V_n$	4	—	—	—	—	—
$Г_{тI}$	1,3	3,4	3,9	3,8	4,5	4,3
$Г_{тII}$	2,8	2,7	3,3	3,9	5,7	5,7
$d_{п.э.г.}$	12,9	14,2	17,8	20,5	23,8	26,1
$d_{п.э.т.}$	15,3	14,2	15,6	15,9	17,5	18,4

Эслатма.  $V_{шт}$  ва  $V_n$  ўлчамлар фақат ясли ёшидаги қизлар бўюмлари конструкциясининг чизмасини тузишда ишлатилади.

Қизлар уст қийими конструкцияларининг ҳамма чизмалари ҳамма ёшларга оид гуруҳларда чоклар ва букланишлар ҳисобга олимай қурилади. Дастлабки ҳисоблаш босқичида энгнинг исталган кенглиги аниқланади ва унга мувофиқ ўмизнинг исталган кенглиги ҳисобланади: орт ва олд бўлақлар кенглиги исталган қўшимчаларга мувофиқ ҳисобланади.

Энг юқори қисмининг кенглиги елка айланасининг ўлчами  $O_n$  ва энг тулалигига қўшимча  $P_{o,n}$  асосида аниқланади (1.13-жадвалдан олинган).

Энг юқори қисмининг кенглиги қизлар ёш гуруҳига боғлиқ ҳолда формулалар бўйича аниқланади:

$Ш_{рук} = 0,90 O_n + P_{o,n} + 1,7$  — ясли ёшидаги ва мактабга-ча ёшдаги қизлар буюмида;

$Ш_{рук} = O_n + P_{o,n}$  — кичик ёшдаги ўқувчилар ва ўспиринлар гуруҳидаги болалар буюмлари;

$Ш_{рук} = 1,2 O_n + P_{o,n} - 4,6$  ўрта ёшдаги қизлар буюмларида.

Ёпиқ ўмизнинг баландлиги ўлчам  $d_{в.р}$  ва ўмиз чуқурлигининг бемалоллик қўшимчаси  $P_{с.пр}$  ҳамда елка ёстиқчасининг қалинлиги (агар модада кўзда тутилган бўлса) бўйича аниқланади:

$$B_{пр} = d_{в.р} + P_{с.пр} + P_{пл} + 1.$$

Энг қиямасининг баландлиги  $H$  кириштириш нормаси ҳисобга олинган ҳолда ёпиқ ўмизнинг баландлиги  $B_{пр}$  бўйича аниқланади:

$$B_{ок} = B_{пр} (1 + H) + P_{в.ок}$$

Энг қиямасининг узунлиги энг кенглиги  $Ш_{рук}$  ва энг қиямасининг баландлиги  $B_{ок}$  орқали ҳисобланади:

$$D_{ок} = 1,51 (0,5 Ш_{рук} + B_{ок}).$$

Энг ўмизининг узунлиги энг қиямасининг узунлигидан кириштириш қийматига кичикроқ ва қўйидагича аниқланади:

$$D_{пр} = D_{ок} / (1 + H).$$

Ўмиз кенглиги ўмизнинг баландлиги ва узунлиги туфайли ҳамда бу участкалардаги қўшимчалар орқали аниқланади:

$$Ш_{пр} = 0,6 * (D_{пр} - P_{у.п.}) - (B_{пр} - P_{пл}).$$

Орт бўлак кенглиги тўқислик қўшимчаси ва ишлов беришга қўшимчани ҳисобга олиб аниқланади:

$$Ш_{пс} = Ш_c + P_c + (0 - 0,5) + У_p,$$

бу ерда 0 — 0,5 озод ҳад. У ўрта чизиқ ўтказилганда орт бўлак кенглиги камайганини қоплашни ҳисобга олади.

Олд бўлак кенглиги тўқислик ва ишлов қўшимчалари орқали аниқланади:

$Ш_{пол} = Ш_r + P_r + У_p$  — ясли ёшидаги болалар буюмларида;

$Ш_{пол} = Ш_r + 0,8 (C_{гII} - C_{гI}) + P_p + У_p$  — ясли ёшидаги, мактабгача ёшдаги, ўрта ёшдаги ўқувчилар ва ўспиринлар гуруҳидаги болалар буюмларида.

**Қизлар уст кийими конструкциясининг чизмаси** аёллар уст кийимига мувофиқ қурилади.

3.38-расмда қизлар уст кийими конструкциясининг чизмаси, 3.9-расмда енг конструкциясининг чизмаси келтирилган.

#### 4. АНДАЗАЛАР ҚОНСТРУКЦИЯСИНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИ ТЕХНИҚ ҚУПАЙТИРИШ

##### 4.1. АНДАЗАЛАР ТАЙЁРЛАШГА НИСБАТАН ҚУЙИЛАДИГАН ТЕХНИҚ ТАЛАБЛАР

Андазалар тайёрлашдан аввал буюм деталларининг чизмасида витачкаларнинг ҳамма ўтмас бурчаклари (агар конструкцияда мавжуд бўлса), ён қирқимлар, орт бўлак ўрта қирқими, енг қирқимлари, юбка ва шим қирқимлари бурчаклар учидан мумкин қадар кам четга чиқиш билан силлиқланади.

Кейин орт ва олд бўлаклар деталларининг, енг бўлакларининг юбканинг олд ва орт бўлакларининг ва шим бўлакларининг бир-бири билан бириктирилган чизиқ ва қирқимларининг туташмаси текширилади.

Буюм конструкциясининг чизмалари бўйича асосий

\*  $D_{пр}$  олдидаги коэффициент 0,58 дан 0,62 гача ўзгариши мумкин. Айни пайтда коэффициент катталашган сари ўмиз кенглиги катталашади, лекин баландлиги камаяди. Ўмиз кенглиги 0,01  $D_{пр}$  га ўзгарганда ўмиз баландлиги 0,5 см га ўзгаради.

ва ҳосила андазаларнинг асл нухаси тайёрланади, уларда чок ва букиш қўйим ҳақлари кўрсатилади.

Бу андазалар техник усулларда қўпайтирилгандан кейин асосий ҳосила ва ёрдамчи эталон-андазалар ва ҳамма буй ҳамда размерларда иш андазалари тайёрланади.

Асосий ва ҳосила эталон-андазаларда ва иш андазаларида деталларни бичиш учун техник талабларга кўра қуйидаги белгилар кўрсатилади:

танда ипининг йўналиш чизиги;

танда ипидан йўл қўйилган четга чиқишлар;

буюмларнинг тармоқ стандартлари буйича улоқларнинг жойлашган чизиқларида максимал ва минимал эни;

назорат белгилари — кертиклар (деталларни улашда бир-бирига мослаш учун).

Ёрдамчи андазаларда чўнтаклар витачкалар, тахламалар, измалар, тугмалар ва ҳ.к. ўрни белгиланади.

Эталон-андазалар иш андазаларини вақт-вақтида текшириб туришда ишлатилади. Улар экспериментал цехда сақланади ва ўлчамлар жадвали буйича камида чоракда бир марта текширилади.

Иш андазалари бевосита саноатда ишлатилади (бичишда, бичиқларни текширишда ва ҳ.к.). Улар эталон-андазалар буйича камида бир ойда бир марта текширилади.

Ёрдамчи андазалар бевосита буюм тайёрлаш жараёнида конструктив элемент ва деталларни ҳамда букиш чизиқларини қўшимча белгилаш учун ишлатилади.


Андазалар қалинлиги 0,9—1,62 мм картондан тайёрланади. Ҳаво нисбий намлиги 60—65% бўлганда картоннинг намлиги 8% дан ошмаслиги керак.

Иш андазаларининг хизмат муддатини узайтириш мақсадида уларнинг чети темир билан мағизланади ёки махсус эритма билан елимланади.

#### 4.1.1. Асосий андазалар

Асосий газламадан бичиладиган деталлар андазалари асосий андазаларга киритилади: олд бўлак, орт бўлак, енг, юбканинг олд ва орт бўлаклари, шимнинг олд ва орт бўлаклари, юбка ва шимнинг белбоғлари.

Қуйида мисол тариқасида тўғри силуэтли, олд ва тирсак қисмларидан иборат ўтказма энгли аёллар куз-



4. 1-расм. Тўғри силуэтли аёллар кузги-баҳорги пальтоси устки деталларининг асосий андазалари.

ги-баҳорги пальтоси деталлари асосий андазаларининг тузилиши келтирилган.

ГОСТ 12807-79 «Тикув буюмлари. Қавиқ бахяқатор ва чоклар таснифи»га мувофиқ 4.1-расмда орт ва олд булақлар, энг деталларининг чок ва букиш ҳақлари (см да) келтирилган.

Аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича кийим тикишда чок учун қўйим, букиш ва захира (запас) ҳақларисиз конструкцияларнинг база андазалари ишлатилади. Бичишда чоклар ва захира ҳақлари қолдирилади. Чоклар ва захира ҳақлари қиймати 4.1-жадвалда келтирилган.

Андаза тайёрлаш жараёнида деталларни бир-бирига аниқ улаш учун андазалар қирқими бўйлаб назорат белгилари (кертиклар) қўйилади.

Энгнинг ўмизи ва қиямаси бўйлаб назорат белгиларининг жойлашиши тўғрисида юқорида айтилган эди (3.10-расмда НИИШП методикаси бўйича энг чизмасини тузишга қаранг).

Ўтказма энгли буюмларда кертиклар қуйидагича қўйилади: орт булақ урта қирқимида — бел чизиғи сатҳида; олд ва орт булақларнинг ён қирқими-

да — бел ва бўкса қирқимларнинг сатҳида; энгнинг устки ва остки қисмларининг олд қирқимларида — энг учини ва тепасидаги қирқимларидан 7—8 см масофада; энгнинг устки ва остки қисмларининг тирсак қирқимларида, тирсак қирқимининг учидан ва энг учидан 9—10 см масофада.

**Чок ҳақи ва юбка деталларида қолдириладиган қўйим (захира), см**

Ён қирқим	3
Тепа қирқим	1,5
Юбка булаклари қирқимлари	1,5—2
Этак қирқими	
тўғри юбкада	7
конуссимон шаклдаги юбкада	4
Модель қирқимлари	
чок ҳақи ва шим деталларига қолдириладиган қўйим (захира) см	3
Ён қирқим	1
Қадам қирқими	
орт булакда	3
олд булакда	1
Тақилма қирқими	1
Орт булак тепа қисмининг ўрта қирқими	3
Тепа қирқими	1
Шьмининг қайтармасиз почаси	6

**4.1. Аёллар уст кийимларининг деталлар қирқимига бериладиган қўйим ва чок ҳақлари (ОТШЛ маълумотлари бўйича)**

Буюм уча сткаси ва дега ли	Қўйим қиймати, см		Буюм участкаси ва детали	Қўйим қиймати, см	
	пальто, калта, пальто, плаш	жакет		пальто, калта, пальто, плаш	жакет
	<i>Орт булак</i>				
Ўрта қирқим	3	3	Буюмнинг этак қирқими		
Ёқа ўмизи	2	2	тўғри силуэтда	6	4—5
Елка қирқими	3	3	кенгайган юбкали	3—4	—
Ўмиз чизиғи			Модель чизиқлари қирқимлари	3	3
юқори қисми	2,5	2,5	Яхлит бичилган	3	3
ён қирқимининг учини	2	2	енгларнинг елка		
Ён қирқим	3	3			

Буюм участкаси ва детали	Қўйим қиймати, см		Буюм участкаси ва детали	Қўйим қиймати, см	
	Пальто, калта пальто, плаш	Жакет		пальто, калта пальто, плаш	жакет
Этак қирқими			устки қирқимла- ри		
туғри силу- этли	6	4 — 5	Яхлит бичилган енгларнинг остки қирқимлари	2	2
кенгайган юб- кали	3 — 4	—	Хиштак	2	2
Модель чизиқла- ри қирқимлари	3	3	<i>Енг</i>		
Яхлит бичилган енгли буюмларда елка ва устки қирқимлар	3	3	Қияма қирқими устки қисми остки қисми тирсак чизи- гининг учида	1	1
Яхлит бичилган енгли буюмларда остки қирқимлар	2	2	Олд қирқими Тирсак қирқими	1	1
		<i>Олд булак</i>			
Еқа ўмизи			енгнинг устки қисми	3	3
учида	2	2	пастки қисми	3	3
асосида	1	1	Икки чокли енг- нинг устки қир- қими		
Елка қирқими	3	3	утказма енг- ники	2	2
тепа қисмида	2,5	2,5	реглан бичим- лисиники	3	3
олд булак			Енгнинг остки қирқими		
кенглиги сат- ҳиди	2	2	бир чокли	3	3
Ен қирқим	3	3	икки чокли	2	2
			Реглан енг ўми- зининг қирқими	2,5	2,5
			Реглан енг ёқа ўмизининг қир- қими	2	2
			Енг учининг қир- қими	5	5

Реглан бичимли буюмларда кертиклар қуйидагича қўйилади: орт ўрта қирқими бўйича — бел чизиғида; орт ва олд булакларнинг ён қирқимида — бел ва букса чизиқларининг сатҳида; орт булакнинг ўмиз

чизигида — ёқа ўмизининг чизигидан 7—8 см масофада биринчи керттик қўйилади, иккинчиси — тирсак ўтар чизигининг учида; олд бўлак ўмизининг учидан 6—7 см масофада биринчи керттик қўйилади, иккинчиси — олд ўтар чизик учида.

Енг ўмизга ўтказиладиган чизиқлар бўйлаб тўртта керттик қўйилади: олд қисмда — ёқа ўмизининг бурчагидан 6—7 см масофада, тирсак қисмда — орт ёқа ўмизидан 7—8 см масофада; олд қисмда — олд ўтар чизиқнинг учида; тўртинчи керттик енгнинг тирсак қисмида тирсак ўтар чизигининг учида қўйилади.

Енгнинг олд ва тирсак қисмларининг тепа қирқимларида учта керттик қўйилади: елка нуқтасининг сатҳида; ўмиз чуқурлигининг сатҳида ва енг учининг чизигидан 7—8 см масофада.

Енгнинг олд ва тирсак қисмларининг пастки қирқимларида битта керттик қирқим тепа учидан 6—7 см масофада қўйилади, иккинчиси — учининг қирқимидан 7—8 см масофада.

Яхлит бичилган енгли буюмларда керттиклар қуйидагича қўйилади: орт бўлак ўрта қирқими бўйлаб — бел чизигининг сатҳида; орт ва олд бўлақларнинг ён қирқимида — бел ва бўкса чизиқлари сатҳида; олд ва орт бўлақлар енгларининг устки қирқимида: биринчиси — елка нуқтасининг сатҳида, иккинчиси — енг кенглигини аниқлайдиган қирқим нуқтасининг сатҳида, учинчиси — енг учи қирқимидан 7—8 см масофада. Олд ва орт бўлақлар енгларининг остки қирқимларида: биринчи керттик қирқим бурчагидан 8 см масофада қўйилади; иккинчиси — енг учидан 7—8 см масофада.

#### 4.1.2. Ҳосила андазалар

Ҳосила андазалар асосий андазалар ёрдамида қурилади. Қуйидаги деталлар андазалари ҳосила андазаларга киради:

асосий газламадан — борт адипи ва устки ёқа андазалари;

астарбоп газламадан — орт бўлак, олд бўлак, енг қисмлари ва бошқа деталлар астарининг андазалари;

қотирмабоп газламалардан — олд бўлак қотирмасининг андазалари; ҳар хил деталлар ва уларнинг баъзи


жойларига қўйиладиган қаватловчи қотирмалар андазалари.

Олд бўлак астарини тузиш борт адипини ички қирқими билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, аввал борт адипи, кейин эса олд бўлак астари қурилади. Борт адипининг шакли бирдек эмас, у бортнинг шакли билан узвий боғлиқ (қайтарма адипли буюмлар; тақилмаси юқоригача етадиган буюмлар; олд бўлак билан яхлит бичилган адип; ёқа билан яхлит бичилган адип). Газламанинг гули ҳам аҳамиятга эга. Адипнинг ички қирқими типик ечимга эга.

**Адип андазаси.** Уст кийим адипининг андазаси олд бўлак асосий андазаси бўйича, лекин кийдириб кўришдаги аниқлашлар ва қирқиб ташлашларни ҳисобга олмай тузилади.

Мисол тариқасида 4.2-расмда қайтарма адипли аёллар пальтосининг адипи андазаси келтирилган.

**Астар деталларининг андазалари.** Астар андазалари асосий андазалар бўйича қурилади.



4. 2-расм. Ўтказма энгли пальто устки деталларига астар деталлари андазалари.

Астар андазаларини қуриш учун зарур бўлган қўйим ҳақлари асосий ва астарбоп газламаларнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ (кийим тайёрлаш жараёнида киришиши, кийиш даврида чўзилиши ва ҳ.к.). Чизмада астар андазаларининг контурлари штрих чизиқ орқали кўрсатилган.

Ўтказма энгли аёллар пальтосининг астарлари андазалари олд бўлакни эни ва узунлиги бўйича, астарни аниқлаш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда қурилган.

Орт бўлак астарининг андазаси (4.2-расм, а) ўртасида чокли қилиб лойиҳаланади. Астар елка витачкасининг кенглиги асосий андаза витачкасининг кенглигига тенг. Орт бўлак асосий андазасини ён чизигига бериладиган қўйим ҳақи вертикал бўйича ён чокнинг жойланишига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин\*. Олд бўлак астарининг андазаси қурилгандан сўнг, бел чизигидаги кертиклар устма-уст туширилиб бу қўйим ҳақи аниқланади.

Олд бўлак андазаси (4.2 расм, б) елка қирқимидан ёки ўмиздан йўналган кўкрак витачкали қилиб қурилади. Биринчи ҳолда кўкрак витачкасининг кенглиги 1 см торайтирилади, узунлиги эса — 1,5 см катталаштирилади. Иккинчи ҳолда эса олд бўлак асосий андазасидан астарга ўзгармай ўтказилади.

Олд ва орт бўлақлар елка қирқимларининг узунлиги аниқланади, лекин орт бўлак елка қирқими  $\frac{1}{2}$  кириштириш ҳақига камайиш ҳисобга олинади.

Этаги уланмаган (ҳоли) астарнинг этак кенглиги буюм шу сатҳидаги кенглигидан торроқ: тўғри буюмларда — 1,5—2 см (ён ва борт қирқимлари ҳисобига); этаги кенгайган буюмларда — 3 см (ён қирқимлари, рельефлар ва борт қирқими ҳисобига); этаги жуда кенгайган буюмларда — асосий андазаларни этаги бўйича бўш тахламаларнинг ярмига тенг. Уланадиган астарнинг кенглиги асосий андазаларнинг уланиш чизигига тенг. Айни пайтда асосий андазаларда этак букилиш ҳақи 3 см, астарнинг этак қирқими асосий андазалар қирқимидан 1 см тепароқ жойланади.

4.2.- расм, в, г ларда энглар тирсак ва олд қисмлари андазаларининг тузилиши кўрсатилган.

\* Агар ён чок чизиги ўмиз ўртасида жойлашса, вертикал бўйича қўйим ҳақи 1 см га тенг, агар ўмиз ўртасига нисбатан орт бўлак томонга сурилган бўлса, қўйим ҳақи 1,5 см га тенг.

Енг қисмлари астарининг учи енг учининг букланиш чизигидан 2 см пастроқ жойланиши керак.

Астар деталларининг андазаларини аниқлаш. Астар деталларининг андазалари асосий деталлар андазалари билан қирқимларини устма-уст қўйиб аниқланади. Аини пайтда орт булак астарининг ёқа ўмизи асосий андазалардан 0,5—0,6 см узунроқ; орт булак астарининг елка қирқими асосий андазанинг елка қирқимидан 0,6—0,8 см узунроқ; астар андазаларида орт ва олд булакларнинг енг ўмизи асосий андазалар ўмизидан 0,8—1,3 см узунроқ; астарнинг енг қиямаси ўмиз узунлиги плюс кириштириш ҳақи 2,5—3 см га тенг.

Эслатма: 1. Гулли газламадан орт булак астари бичилаётганда ўрта чок мўлжалланмайди.

2. Ёпишиб турадиган ва сал ёпишиб турадиган силуэтли буюмларда астар деталларининг андазаларини қуриш учун қўйимлар ҳақи ҳамма нуқталари бўйича туғри силуэтли буюмлар деталларининг ҳақларига мос келади. Ён қирқимлар тепасидаги қўйим бел чизигига яқин йўққа чиқиб кетади. Бел чизигидаги витачкалар асосий андазалардан астар деталларининг андазаларига кўчирилади. Олд витачканинг кенглиги ён витачка билан ён қирқим ўртасида тақсимланади.

3. Енг астарининг андазаларини енг пастки қисмидан қуриш тавсия этилади. Бу маълум даражада енг қирқимларини аниқлашга ёрдам беради.

4. Орта булак астаридан танда иплари деталь бўйламасига ўртасидан ўтказилган чизикқа параллел жойлашиши керак: олд булакда— борт қирқимининг пастки қисмига параллел; енгнинг устки ва остки булакларида— олд қирқимнинг юқори ва пастки нуқталарини бирлаштирадиган чизикқа параллел.

5. Бир чокли енгдан танда иплари деталь бўйлаб ўртасига параллел; тирсак ва олд қисмлардан тузилган енгдан— ўмиз чуқурлиги сатҳидан учигача устки қирқим чизикларига параллел ўтиши керак.

6. Деталлар қирқимини бирлаштириш учун барча назорат белгилари асосий андазалардан астар андазаларига кўчирилади. Енгнинг устки қисмида олд қирқимни чўзиб дазмоллаш 0,4—0,5 см гача камайтиради, тирсак қирқимида тирсак сатҳида кириштириб дазмоллаш асосий андаза кириштириш ҳақининг ярмисига камайтиради. Бир чокли енглар ҳамда тирсак ва олд қисмлардан тузилган енглар астарларининг андазаларида тирсак қирқимидаги кириштириш ҳақи тирсак сатҳида жойлашган витачкага алмаштирилади.

**Реглан бичимли буюмларга мос астар деталларининг андазаларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари.** Ушбу бичимли буюмлар астар деталларининг андазалари, ўтқазма енгли буюмларники каби асосий андазалар бўйича қурилади. Асосий андазалар контурига қўйимлар қийматидаги баъзи ўзгаришлар бичим хусусиятларига боғлиқ. Реглан бичимли кузги-баҳорги пальто учун астар


деталлари андазаларининг қурилиши 4.3-расмда штрих чизиқда кўрсатилган.

Агар орт бўлакнинг асосий андазасида ўрта чок назарда тутилган бўлса орт бўлак астар андазасида ўрта чокка қўйим (0,3 см) фақат ўмиз асосининг сатҳида берилади (4.3- расм, а). Агар орт бўлак асосий андазаси ўрта чоксиз бўлса, астарда 1 см га тенг бўйлама чок назарда тутилади.

Ушбу бичимли (4.3- расм б) олд бўлак астарининг андазасида кўкрак витачкаси ўмиздан лойиҳаланади. Айни пайтда унинг кенглиги асосий андазадаги витачканинг кенглигига тенг. Астардаги витачканинг узунлиги 1,5 см кичрайтирилади.

Реглан бичимли енг астарининг андазаси (4.3- расм, в, г) асосий андазалар олд ва тирсак қисmlарининг андазалари бўйича қурилади. Енг қисmlари асосий андазаларининг контурига қўйимлар ҳақининг қиймати шу расмда келтирилган.

Реглан бичимли енгга астар андазаларини қуриш натижасида астарнинг ўмизи шу бичимдаги асосий андазага нисбатан қисқаради. Уларни қирқимлари бўйича



4. 3- расм. Реглан бичимли аёллар кузги-бахорги пальтоси астар деталларининг андазалари.

тенглаштириш мақсадида, астар андазалари қирқилади ва макет ёки график усулда елка нуқтасининг сатҳида тепа қирқим томонга асосий андаза ва астар ўмизларининг фарқига кенгайтирилади. Кенгайтирилган жойларда раvon чизиқлар тортилади.

Эслатма: Енг астарининг олд ва тирсак қисмида танда иплари енгнинг ўмиз чуқурлиги сатҳидан учигача устки қирқимга параллел ўтади.

2. Енг тирсак қисмининг тирсак қирқимидаги кириштириш қиймати ўрнига тирсак чизигида жойлашган вьтачка қуриш мумкин.

3. Енгнинг олд қисмида чўзиб дазмоллаш қисқартирилганини ҳисобга олган ҳолда асосий андазаларга биноан олд қисмининг олд қирқимида ва тирсак қисмининг тирсак қирқимида назорат белгилари қўйилади.

**Яхлит бичилган энгли буюм астар деталларининг андазаларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари.** Ушбу бичимдаги буюмларга мосланган астар деталларининг андазалари остки қисми хиштакка ўтган яхлит бичилган энгли буюмлар конструкциясининг асосий андазаларига биноан қурилади. Енги яхлит бичилган буюмлар астарининг андазаларини қуришда қўйимлар қийматлари ўтқазма энгли буюмлар қийматларига ўхшаш. Лекин орт бўлак ўрта чокининг қўйими (2 см) бундан мустасно, чунки у тукислик қўшимчаси билан астар қисмларини бирлаштирувчи (ўрта чок) чок ҳақини ўз ичига олади. Асосий андазага нисбатан ён қирқимнинг тепаси ўзгармайди. Астарда қирқимнинг узунлиги 1 см узайтирилади.

Енги яхлит бичилган буюмларда ўтказма энгли астар андазалари ҳам қўлланади (4.4-расм). Астарбоп газламаларни тежаш мақсадида астарнинг бундай конструкцияси оқилонадир. Бу усул бўйича астар деталларининг андазаларини қуришда елка нуқтасини хиштак учун мўлжалланган қирқим нуқтаси билан бирлаштирадиган ўтқазма енг қирқими белгиланади, хиштак андазасининг қисми (4.4-расм, *д*) орт бўлак (4.4-расм, *а, б* лар) ва олд бўлак (4.4-расм, *в, г* лар) ва асосий андазаларига қўшилади. Қирқиш чизиқлари бўйлаб орт ва олд бўлакларга, енг қиямасига ва остки қисмининг тепасига 1 см чок ҳақи қўшилади, булардан сўнг орт ва олд бўлаклар астарларининг андазалари ўтқазма энгли буюмлар астарининг андазасига ўхшаш тузилади.

Енг қиямасининг тукислигига қўшимча 1 см га катталаштирилади, остки бўлагининг тепасида эса 1 см га



Астарбоп газламадан бичишга мўлжалланган андаза асосий андазанинг контурларига қўйидаги қўйимларни ҳисобга олинган ҳолда қурилади: олд қирқимнинг тепасига 1,2 см; ён қирқимнинг тепасига 1 см; қадам қирқимининг учига вертикал бўйича 0,8 см; горизонтал бўйича 0,7 см. Астарнинг қолган контурлари асосий андаза контурлари билан устма-уст тушади. Шим олд бўлагининг астари асосий андазадан 20—25 см калтароқ.

Трикотаж полотнодан бичиладиган олд бўлак астарининг андазаси ҳам асосий андазага биноан тузилади. Астар контури асосий андаза контуридан (ичкарига) (0,5 см масофада жойлашган, яъни трикотаж полотнодан бичилган астар ҳам торроқ, ҳам тепаси калтароқ. Астарнинг узунлиги олдинги вариант зайлида аниқланади, яъни асосий андазанинг поча чизигидан 20—25 см юқорида.

#### 4.2. АНДАЗАЛАРНИ ТЕХНИК КЎПАЙТИРИШ


Андазаларни техник кўпайтиришдан мақсад база типавий фигураларга тайёрланган модель конструкцияси деталларининг андазалари бўйича ёш ва тўлалик гуруҳининг чегарасида ҳамма размер ва ростларнинг андазалар комплектини тузишдан иборат.

Андазаларни техник кўпайтириш ишлари моделлаштириш ташкилотларида, экспериментал цехларда ва тикувчилик корхоналарининг лабораторияларида, конструкторлик бюроларида олиб борилади.

Андазаларни қўлда техник кўпайтиришнинг бир неча усуллари (нур ёрдамида гуруҳлаш, пропорционал ҳисоблаш) ва ЭҲМ орқали кўпайтириш усули мавжуд.

Андазаларни нур ёрдамида техник кўпайтириш (4.5-расм, а) қўйидагилардан иборат: конструкция андазасининг ҳар бир деталида марказ — фокус танланади ва ундан деталь контурини аниқлайдиган нуқталар орқали нурлар ўтказилади. Бу нуқталардан ўтказилган нурларда ёндош размерлар учун олдиндан ҳисобланган орттирмалар қиймати олиб қўйилади.

Бу усул тўғри, геометрик шаклга яқин бўлган деталларда аниқ натижа беради, шунинг учун кўпроқ бош кийим ва аёллар ички кийимининг андазаларини техник кўпайтиришда ишлатилади.



4. 5- расм. Андазаларни техник кўпайтириш усуллари:

*a* — нур ёрдамида; *б* — гуруҳлаш усули; *в* — пропорционал-ҳисоблаш усули

Гуруҳлаш усули (4.5- расм, б) икки комплект андазалар ишлатишдан иборат: база андазалар ва энг четдаги катта ёки кичик ёхуд икки энг четдаги андазалар комплекти. Айрим деталлар андазалари базис горизонтал ва вертикал чизиқлари бўйича устма-уст ёт-қизилади. Бир номли конструктив нуқталар тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилади ва ҳосил бўлган кесмалар оралиқдаги размерлар (бўйлар) сони плюс бир ( $P+1$ ) га бўлинади, бу ерда  $P$ —оралиқдаги размерлар ёки бўйлар сони.

Ушбу усул энг аниқ бўлгани учун, у ҳар қандай шаклдаги андаза деталини техник кўпайтиришда ишлатилиши мумкин.

Бу усулнинг асосий камчилиги кўп меҳнат ва хом ашё талаб қилади.

#### 4. 2. Конструктив нуқталарнинг кўчишини белгилаш системаси

Иш- ра	Горизонтал бўйича		Вертикал бўйича	
	размер ёки рост (бўй) катталашганда	размер ёки рост (бўй) кичрайганда	размер ёки рост (бўй) катталашганда	размер ёки рост (бўй) кичрайганда
+	Ўннга	Чанга	Тенага	Пастга
-	Чанга	Ўннга	Пастга	Тенага

Пропорционал-ҳисобли усул (4.5-расм, в) улчамлар размердан размерга ўзгаришига биноан детал контурини аниқлайдиган ҳар бир конструктив нуқта горизонтал ва вертикал бўйича кўчишига асосланган.

Ҳар бир конструктив нуқтанинг кўчиши 4.2-жадвалда плюс (+) ёки минус (—) орқали белгиланган.

Пропорционал ҳисобли усулда андазаларни техник кўпайтириш ЦНИИШП кийим конструкциялаш методикасига биноан амалга оширилади.

Ҳар бир конструктив гуруҳга оид орттирмалар қиймати техник кўпайтириш турини қуриш билан ҳисоблаш жадвалини тузиш орқали аниқланади.

Моделнинг шакли ва унинг конструкцияси аёлнинг ёши ва қадди-қоматига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда аёллар кийими деталларининг андазаларини техник кўпайтириш муайян тўлалик гуруҳи чегарасида бажарилади.

Қизлар кийимига келганда, техник кўпайтириш қизларнинг муайян ёш гуруҳи чегарасида база типавий размер асосида бажарилиши лозим.

Андазаларни техник кўпайтириш жараёни кўп меҳнат ва вақт талаб қиладиган иш. Сарфланадиган вақтни қисқартириш мақсадида бурчак ўлчагичлар ва «қаддалмалар» зайлида (орттирмаларга тенг масофада игналар маҳкамланган мослама) ҳар хил мосламалар ишлатилади.

Ҳозирги пайтда андазаларни техник кўпайтириш ишлари машиналар ёрдамида амалга оширилмоқда — ЭҲМ, графоқургич ва қирқувчи асбоблар ёрдамида (техник кўпайтириш турини тузмасдан) андазалар чизилади ва қирқилади.

#### Текшириш учун саволлар

1. Андазалар нима? Улар кийим конструкциясининг чизмасидан нимаси билан фарқланади?
2. Андазаларнинг қандай турларини биласиз?
3. Эталон-андазалар нима ва уларнинг вазифаси қандай?
4. Иш андазалари нима ва улар қаерда ишлатилади?
5. Андазалар одатда қандай материалдан тайёрланади?
6. Қандай андазалар асосий дейилади?
7. Андазалар тузишда қўйимлар қийматига кийим тайёрлаш усули қандай таъсир этади?
8. Ўтқазма энгли буюмларда орт ва олд бўлак андазаларида назорат белгилари қандай жойланади?
9. Реглан бичиман буюмларда назорат белгилари қандай жойланади?

10. Яхлит бичилган енгли буюмларда назорат белгилари қандай жойланади?

11. Қандай андазалар ҳосила андазалар дейилади ва нима учун?

12. Қандай андазалар ёрдамчи дейилади ва улар қачон ишлатилади?

13. Вақт ўтган сари ҳар хил андазаларнинг сифати қандай назорат қилинади?

14. Нима мақсадда андазалар техник кўпайтирилади?

15. Саноатда андазаларни қўлда техник кўпайтиришнинг қандай усуллари мавжуд ва улар қачон ишлатилади?

16. Андазаларни техник кўпайтиришнинг қандай усули гуруҳлаш усули дейилади? Унинг афзаллиги ва камчиликлари нимадан иборат?

17. Андазалар техник кўпайтириш жараёнининг мукамаллаштириш истиқболи қандай?

## 5. КИЙИМНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БЕЗАТИШ АСОСЛАРИ

### 5.1. Стилъ ва мода

Кийим шаклининг ривожланиши даврнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари, ижтимоий ҳаётнинг эстетик ва маънавий талаблари ва санъатда ҳукмрон бўлган бадий стилъ билан боғлиқ.

Стилъ — ғоявий мазмуни бир хил бўлган воситалар образли системаси ва бадий ифода усулларининг бирлиги.

Костюмда умумий стилъ йўналиши асосий шакл ва мутаносибликда, кийиш услубида, ишлатилган муайян газламада ва ансамблнинг танланган рангларида ифодаланади.

Давр бадий стилининг умумий ўзгаришлари ҳам ҳар доим узоқ давомли тарихий босқичларда бўлиб ўтган катта ғоявий ва ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ. Лекин ҳар бир стилъ ичида ҳар соҳадаги фаолиятга таъсир қилувчи серҳаракат ва қисқа муддатли ҳодиса — мода бор.

Мода — инсон эҳтиёжининг атрофдаги шароитнинг турланиши ва доимий янгиланиши билан боғлиқ бўлган муайян шаклларнинг қисқа муддатли ҳукмронлиги. Мода актив ва кўзга ташланадиган даражада, айниқса шакллари тез ўзгариб турадиган кийимда намоён бўлади.

Мода кийимда — қизиқарли ва етарли даражада мураккаб ҳодиса. Жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва психологик жараёнлар кийимда ўз аксини топади. Умуман мода даражада шахснинг ҳаёт услубини, ахлоқини

мужассамлайди, яъни кишини ўз-ўзига ва бошқаларга муносабат стилини ифодалайди.

Биз модага қайси муносабатда қарамайлик, бизга биринчи навбатда ташқи кўриниши таъсир кўрсатади, кейин, табиийки, психологик ва баҳолагандек, айни пайтда, информатив таъсирланиш, ўхшатишга, инкор қилишга ёки танқидий англашга ва ўзига мослашга олиб келади [18].

Ҳар бир давр, стиль, маданият, шароит ва костюм, скульптура ва маданият орасидаги боғланишни қатъий шарт деб билишган. Костюм атрофдаги предметлар олами ва архитектура билан узвий боғлиқлиги муайян тарихий босқич маданиятининг белгисидир. Албатта, улар орасида бевосита боғланишни аниқлаш қийин. Бу боғланиш жуда бевосита ифодаланади.

Материаллар, масалалар, масштаблар фарқига қарамай, архитектура, скульптура ва костюм умумий қуриш принципларига ва рамзий ишораларга (Миср, Греция ва х.к. костюми) бўйсуниб ўхшаш шаклланиш қонунларига амал қилади.

Ишлаб чиқариш билан костюм орасида, гузаллик, эстетик идеали билан костюм шакли орасидаги боғланиш анча аниқ. Биринчи ҳолда, газламаларнинг толалари таркиби, улар тузилиши, эни, ишлов бериш усуллари ва пардозлаш йўллари аниқланади, иккинчи ҳолда эса кийимнинг идеал образи, унинг ташқи маълумотлар билан сунъий яратилган костюм шакли орасида ажойиб монандликка эришилади [17].

Эстетик идеал ҳар қайси даврда синфий жамиятда синфий руҳда бўлади. Кийимда бу энг аввало, синфий бўлинишда кузатилади. Костюм ҳар доим кишининг ижтимоий ўрнини ва унинг поғонасини аниқлаган. Ҳукмрон синфлар модани ўз манфаатлари учун яратганлар, улар костюм ёрдамида ижтимоий табақага мансубликларини кўрсатганлар. Шунинг учун ўтган даврлар модаси учун «иш костюми» характерли эмас эди [19].

Киши шахси жамият билан солиштира бошлангандан қадим замонда мода бунёдга келган ва унинг фавқулоддалиги ҳукмронларга боғланиб қолган. Улар, кўпинча ҳукмрон оилалар вакиллари, уларнинг маҳбублари ва яқин кишилари бўлган. Ана шунинг учун ўтган даврлар модаси бежамдор, баландпарвоз ва ғайриоддий бўлган.

Костюм шаклларининг стиль ечимлари 1.1-расмда кўрсатилган.

## 5.2. КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Костюм композицияси ўз воситаларига кўра хилма-хил ва мураккаб ҳодисадир.

Композиция — элементларни бирлаштириш воситаси. Бунда костюм элементлари бир-бирига бўйсунган ва бир-бирига мос тушган, қандайдир гармоник яхлитлик сифатида тасаввур қилинишини ҳисобга олиш керак. Костюмда асосий ва иккинчи даражали элементлар бўлса, улар орасида бўйсунуш кузатилади. Шаклнинг асосий элементи танага мўлжалланган костюмнинг қисми (танаси). Тана — кийимнинг асосий қисми. У билан ҳамма деталлар — костюмни ташкил этувчи элементлар бирлашади [18].

Костюм шакли эстетик жиҳатдан саводли ечим топса (силуэтлари аниқ, қисмлар мутаносиблиги тўғри, деталларнинг ритмик тузилиши бир-бирига мос, танланган ранглар костюм вазифасига мос), у мақсадга мувофиқ ва ифодали кўринади [20].

Костюм шаклини унинг силуэти характерлайди.

Силуэт деб шакл кўриниши эътиборлигини таъкидловчи ҳажмийликнинг текисликдаги ифодасига айтилади. Кийимдаги мода йўналишлари силуэтлар ўзгариши билан характерланиши тасодифий эмас.

Костюм силуэти елка чизиқлари билан тананинг характерига, ёнгининг юқори қисмига, бел ва этак чизиқларининг жойига боғлиқ (5.1-расм).



5.1-расм. Аёллар уст кийимининг силуэт шакллари.

мужассамлайди, яъни кишини ўз-ўзига ва бошқаларга муносабат стилини ифодалайди.

Биз модага қайси муносабатда қарамайлик, бизга биринчи навбатда ташқи кўриниши таъсир кўрсатади, кейин, табиийки, психологик ва баҳолагандек, айни пайтда, информатив таъсирланиш, ўхшатишга, инкор қилишга ёки танқидий англашга ва ўзига мослашга олиб келади [18].

Ҳар бир давр, стиль, маданият, шароит ва костюм, скульптура ва маданият орасидаги боғланишни қатъий шарт деб билишган. Костюм атрофдаги предметлар олами ва архитектура билан узвий боғлиқлиги муайян тарихий босқич маданиятининг белгисидир. Албатта, улар орасида бевосита боғланишни аниқлаш қийин. Бу боғланиш жуда бевосита ифодаланади.

Материаллар, масалалар, масштаблар фарқига қарамай, архитектура, скульптура ва костюм умумий қуриш принципларига ва рамзий ишораларга (Миср, Греция ва ҳ.к. костюми) бўйсуниб ўхшаш шаклланиш қонунларига амал қилади.

Ишлаб чиқариш билан костюм орасида, гузаллик, эстетик идеали билан костюм шакли орасидаги боғланиш анча аниқ. Биринчи ҳолда, газламаларнинг толалари таркиби, улар тузилиши, эни, ишлов бериш усуллари ва пардозлаш йўллари аниқланади, иккинчи ҳолда эса кийимнинг идеал образи, унинг ташқи маълумотлар билан сунъий яратилган костюм шакли орасида ажойиб монандликка эришилади [17].

Эстетик идеал ҳар қайси даврда синфий жамиятда синфий руҳда бўлади. Кийимда бу энг аввало, синфий бўлинишда кузатилади. Костюм ҳар доим кишининг ижтимоий ўрнини ва унинг поғонасини аниқлаган. Ҳукмрон синфлар модани ўз манфаатлари учун яратганлар, улар костюм ёрдамида ижтимоий табақага мансубликларини кўрсатганлар. Шунинг учун ўтган даврлар модаси учун «иш костюми» характерли эмас эди [19].

Киши шахси жамият билан солиштира бошлангандан қадим замонда мода бунёдга келган ва унинг фавқулоддалиги ҳукмронларга боғланиб қолган. Улар, кўпинча ҳукмрон оилалар вакиллари, уларнинг маҳбублари ва яқин кишилари бўлган. Ана шунинг учун ўтган даврлар модаси бежамдор, баландпарвоз ва ғайриоддий бўлган.

Костюм шаклларининг стиль ечимлари 1.1-расмда курсатилган.

## 5.2. КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Костюм композицияси ўз воситаларига кўра хилма-хил ва мураккаб ҳодисадир.

Композиция — элементларни бирлаштириш воситаси. Бунда костюм элементлари бир-бирига бўйсунган ва бир-бирига мос тушган, қандайдир гармоник яхлитлик сифатида тасаввур қилинишини ҳисобга олиш керак. Костюмда асосий ва иккинчи даражали элементлар бўлса, улар орасида бўйсунуш кузатилади. Шаклнинг асосий элементи танага мулжалланган костюмнинг қисми (танаси). Тана — кийимнинг асосий қисми. У билан ҳамма деталлар — костюмни ташкил этувчи элементлар бирлашади [18].

Костюм шакли эстетик жиҳатдан саводли ечим топса (силуэтлари аниқ, қисмлар мутаносиблиги тўғри, деталларнинг ритмик тузилиши бир-бирига мос, танланган ранглар костюм вазифасига мос), у мақсадга мувофиқ ва ифодали кўринади [20].

Костюм шаклининг унинг силуэти характерлайди.

Силуэт деб шакл кўриниши эътиборлигини таъкидловчи ҳажмийликнинг текисликдаги ифодасига айтилади. Кийимдаги мода йўналишлари силуэтлар ўзгариши билан характерланиши тасодифий эмас.

Костюм силуэти елка чизиқлари билан тананинг характерига, енгнинг юқори қисмига, бел ва этак чизиқларининг жойига боғлиқ (5.1-расм).



5.1-расм. Аёллар уст кийимининг силуэт шакллари.

Костюм шакли конструктив йўллар билан айрим ҳажмлар ва костюм қисмларининг туташмаси орқали яратилади. Бу туташмалар чизиқлари конструктив чизиқлар дейилади. Улар ичига юклаш, рельефлар, шаклнинг бўлиниш чизиқлари ва шаклнинг ҳажмини ўзгартирадиган кесик ва витачкалар киради. Агар бу чизиқлар декоратив безатилса (чок, бадий чоклар, шнур, тасма билан ва ҳ.к.) улар конструктив-декоратив чизиқлар дейилади. Бу ҳолда конструкциянинг ўзи эстетик функцияни бажаради. Декоратив чизиқлар деталлар устига тикилган тасмалар ва чармдан бичилган тўғри чизиқли безаклар бўлиши мумкин.

Силуэтлар қўйдаги белгилар бўйича таснифланади: фигурада жойланиши бўйича (сал ёпишиб турадиган, ёпишиб турадиган, бемалол, кенгайган, пастга торайган) ва геометрик шакли бўйича (тўғри, трапециясимон, овал, учи кесилган икки учбурчак кўринишида ва Х-симон).

Мода ўзгаришида силуэт асосий воситадир. Геометрик шаклнинг кўринишидаги ўзгариш силуётдаги ўзгаришнинг белгисидир. Силуэт ўзгаришининг белгиси бўлган шаклнинг геометрик кўриниши ўзгарганда фақат конфигурацияси эмас, балки массаси ҳам ўзгаради.

М а с с а — кийим шаклининг яхлитлигига ёки унинг алоҳида қисмларининг (тана, енг, ёқа ва ҳ.к.) кўз билан кўринган сони.


**Кийимдаги мутаносиблик.** Кийимнинг шакли ҳар хил бўлинишларга эга бўлиши мумкин, буни одам танаси шаклига, материал структурасига ва тикув буюмининг технологиясига, кийимнинг вазифасига ва унга қўйилдиган талабларга боғлиқлиги билан тушунтириш мумкин.

*Пропорция* **Мутаносиблик** — икки нисбатнинг тенглиги. Икки солиштирма миқдорнинг ижобий таассуроти уларни бир-бирига мослигини билдиради. Солиштирма миқдорларнинг бир-бирига қонуний мослигини таъминлайдиган нисбатлар бор. Улар оддий ва иррационал турларга бўлинади.


Оддий нисбатлар (5.2.-расм, б) — бу бутун сонларнинг нисбати (пальто  $\frac{7}{8}$ ; енг  $\frac{3}{4}$  ва ҳ.к.).

Иррационал нисбатлар (5.2.-расм, а) — бу каср сонлар нисбати. Улар геометрик тузилма ёрдамида топилади ва нисбатлар тузилади.

Деталлар размерларини, кийим қисмларининг аниқ нисбатларини ва унинг образли ечимини аниқлашда асо-




a



b

Б, 2-расм. Костюмнинг пропорционал бўлиниши:

а — геометрик қуриш орқали олинган нисбатларда асосланган; б — соғда сонлар нисбатида асосланган.



5. 3- расм. Фигуранинг конструктив пояслари.

сий конструктив пояслар жойи билан боғлиқ бўлган аёллар фигурасининг мутаносиблиги ва қизлар танаси тузилишининг ёшга онд хусусиятлари муҳим роль ўйнайди (5.3- расм).

**Аёллар фигурасининг конструктив пояслари.** Кийимлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги конструктив пояслар (5.3- расмга қаранг) қабул қилинган:

Бош пояси 1, у одам бошини бекитадиган кийим ва бош кийимлар моделлаштирилганда ҳисобга олинади;

бўйин пояси 2, конструкция чизмасида бўйин ҳолатини аниқлайди ва ёқани шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди;

елка пояси 3, қоматлари, елка поясларининг нисбатлари ва шакллари ҳар хил бўлган фигураларга елкали кийим лойиҳалашда ҳисобланади. У елка поясида кийимнинг умумий кенглигини аниқлайди;

кўкрак пояси 4, у кийим кенглигини ва унинг участкаларининг (олд, орт, ўмиз) характерини аниқлашда ҳисобга олинади;

бел пояси 5, бел чизиғи бўйича кийим кенглигини аниқлашда ҳисобга олинади; белда турадиган кийимларни лойиҳалашда бу пояс асосий ҳисобланади;

таз пояси 6, фигуранинг шу чизиқ сатҳида кийимнинг ҳажми, кенлиги, бўлиниш мутаносибликларини аниқлашда ҳисобга олинади;

тоз пояси 6, фигуранинг шу чизиқ сатҳида кийимнинг ҳажми ва кенглигини аниқлашда, айниқса шим, юбка ва бошқа белда турадиган кийимларнинг чизмасини тузишда ҳисобга олинади;

тизза пояси 8, у кийимнинг узунлиги бўйича мутаносибликларини аниқлашда ишлатилади;

болдир пояси 9, елкада ва белда турадиган кийимларнинг ҳажмини этак кенлиги бўйича мутаносибликларини танлашда ҳисобга олинади;

билак пояси 10, енгнинг узунлиги ва кенлиги бўйича мутаносиблигини аниқлайди ва енг қиямаси, учи ва тирсак қисмларини қуришда аҳамиятга эга.



5. 4-расм. Қизлар га дасининг гузлишидаги узаро мутаносиб нисбатлар (а); қизларнинг хар хил ёш гуруҳларига онд кийимларнинг конструктив шакли (б).

Конструктив поясларнинг горизонтал сатҳи одам фигурасининг мутаносиблиги билан узвий боғланган.

Болалар фигурасига келганда, болалар бир текис ривожланмайди. Уларнинг қўл, оёқ ва бош узунликларининг нисбати ёшининг хусусиятларини аниқлайди (5.5-расм, а). Болалар ёши бўйича бешта гуруҳга бўлинади (22-бетга қаранг). Ҳар бир ёш гуруҳига мансуб бўлган кийим мутаносиблиги ва ҳажми бўйича ўз хоссасига эга (5.4-расм, б).

Ўсмирлар костюмига келганда, унинг мутаносиблик ечими ва композицион тузилиши асосан катталар костюмига ўхшаш. Ўсмирнинг шаклланган фигураси кийимда ҳар хил (лекин унинг ёшига монанд) конструктив чизиқлар ва мураккаблашган бичимлар қўллашга рухсат беради.

Кийимнинг шакли горизонтал ва вертикал чизиқлар бўйича бўлиниши фигуранинг конструктив поясларига ва марказий вертикал чизиғига нисбатан бажарилади. Бу чизиқлар костюм мутаносиблигини излаш жараёнида назорат чизиқлари функциясини бажаради.



5. 5-расм. Аёллар кийимида ритм намоёни:

а — деталлар размери ва жойланиши; б — фактурали нисбатлар.

**Кийимдаги маромлилик.** Маромлилик тушунчаси умуман олганда вақт давомида ёки фазода элементларнинг муайян такроридир. Маромлиликнинг энг оддийси — бу бир элементнинг тенг оралиқларда такрорланиши. Маромлиликнинг бу хили метрик такрорланиш дейилади.

Элементнинг ўзини ёки элементлар орасидаги масофанинг орта бориши ёки камая бориши мутаносибли кетма-кет маромлиликни характерлайди. Маромлилик асосига мутаносибли нисбатлар қўйилган.

Қўйидаги маромлилик чизиқлар (конструктив ва декоратив), декоратив деталлар (чўнтаклар, қопқоқлар, белбандлар, тугмалар, безак баҳяқаторлар ва ҳ.к., 5.6-расм, а), газлама фактураси (икки-уч хил фактуралар бирикмаси, 5, 6-расм, б), ранглар (костюмда икки-уч хил ранглар бирикмаси), безак шакли каби элементлар ёрдамида яратилади.

**Костюмда симметрия ва асимметрия.** Костюм композициясида симметрия масалалари катта аҳамиятга эга.

Костюмда симметрия шаклининг барча хусусиятлари бўйича намоён бўлиши мумкин: симметрик жойлашган деталлар, фурнитура, безаклар ва ҳ.к. Ранг ҳам буюмнинг симметриклигини тасдиқлайди.

Костюмнинг симметрик шаклига асимметриклик киритилса одам фигурасининг мувозанатига етишмоқ мумкин. Масалан, япон кимоноларининг расми доим асимметрик жойлашган. Демак, унинг рангли композицияси ҳам асимметрик. Лекин бичими симметрик ҳолда қолади. Масалан, олд бўлак ўтар қисмининг кенлиги туғналган ҳолда четида аниқ



5. 6-расм. Аёллар уст кийимининг тузилишида асимметрия (а) ва симметрия (б) намоён.

асимметрик чизиқ ҳосил қилади. Костюмнинг симметрик шаклида асимметрик бошланиши пафақат асимметрик деталлар туфайли, балки кўпинча асимметрик бичиқ натижасида намоён бўлади. Костюмдаги асимметрия мустақкам симметрия асосида мавжуд. 5.6-расмда деталлар ташкилида ва шаклнинг конструктив ечимидаги асимметрия ва симметрияга мисоллар келтирилган.

**Кийимдаги чизиқлар.** Кийим шаклининг конструкциясида асосий чизиқлар: елка чизиқлари, умиз чуқурлиги, бўкса ва этак чизиқлари. Елка чизиғини буюм елка поясининг шакли аниқлайди.

Буюмнинг елка пояси конструкциянинг асосий шакл ҳосил қилувчи элементларидан бири. Унда елка қиялиги табиий бўлиши мумкин ва ўтмас бурчакка фаразий ички чизилган бўлиши мумкин (50-йиллар модаси); елка чизиқлари табиий қиялигида ва узунлиги сал қисқарганда елка пояси тўғриланиш тенденциясига эга бўлиши мумкин ва табиий елка узунлиги билан тўғри бўлиб тўғри бурчакка фаразий ички чизилган бўлиши мумкин (60—70-йиллар модаси); елка чизиғи ва енг қиямасининг юқори қисми ҳажми ҳисобига кенгайган бўлиши ва ўткир бурчакка фаразий ички чизилиши мумкин.

Биринчи вариантдаги елка пояси шаклининг ечими (5.7-расм, б) елка ёстиқчасиз узунлиги табиий бўлган ва енг қиямаси минимал баландликдаги тикув буюмларига хос  $O_1O_2 = OO_1 = (2,5—3,5)$ .

Елка пояси ечимининг иккинчи варианты (5.7-расм, б) елка чизиқлари аниқроқ, ростланганроқ тикув буюмларига хос. Ёстиқчасиз ростланган елка чизиқларини таъминлаш мақсадида  $P_1$  ва  $P_2$  умиз нуқталари тахминан 1 см юқорига кўтарилади ва елка чизиқлари шу нуқталарга келтирилади. Шу билан бирга елкалар узунлиги табиий ҳолда сақланади ёки сал камайди.

Елка поясининг ростланишига елка ёстиқчаси ёрдамида ҳам эришиш мумкин. Бу ҳолда агар елкадан енга ўтар чизиқ акромиал ўсимтадан бошланса, енг қиямасининг баландлиги елка чизиғининг узунлиги қисқарган масофага кўтарилади.

Агар тикув буюмида елка чизиғи енг қиямасининг юқори қисми ҳисобига ростланган бўлса, 3.13-расмда келтирилган ўзгаришларга ўхшаш ўзгаришлар енг қиямасига киритилади.

Елка пояси шакли ечимининг учинчи варианты (5.7-расм, в) ҳажми бир оз катталаштирилган тикув буюм-

ларига хос, шу билан бирга енг қиямасининг ҳажми катталашган (витачкалар, тахламалар ва бошқа конструктив усуллар ёрдамида) ва елка кенгайтирилган. Елка пояси ечимининг бу вариантда елка ёстиқчалари, елка чизиқларининг узайиши ва 3.13-расмда келтирилган чизмага ўхшаш қурилган енг қиямаси билан қўлланиши мумкин.

Яхлит бичилган энгли тикув буюмларида ва реглан бичимли энгларда елка поясининг шаклан ўзгариши энгнинг юқори қисмлари ўзгариши, тахламали кесиклар ва бошқа конструктив усуллар туфайли қурилади.


Конструкция чизмасида ўмиз чуқурлигининг чизиғи конструкциянинг асосий чизмаси бўлиб хаёлий кўкрак чизиғи деб ҳисобланади. Бу чизиқда ҳам кийимнинг тўлиқ ҳажми ҳам айрим конструктив участкаларнинг (орт бўлак, олд бўлак, ўмиз) кенглиги аниқланади. Кийим ҳажми эркинликка бериладиган қўшимча  $P_7$  билан аниқланади, лекин бир хил  $P_7$  миқдорининг ичида кийимнинг шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Кийимларнинг модага мос шакллари ва муайян муддатга мўлжалланган моделлаш ташкилотларининг тавсиялари бу ҳодисага дахлдор. Шунинг учун ёпишиб, сал ёпишиб ва тўғри силуэтли кийимлар ҳар хил йилларда бир хил ёки миқдори жихатдан яқин бўлган эркинлик бериладиган қўшимчага эга бўлиши мумкин бўлган.

Тикув буюмларининг модага мос ҳажми ва уларни таъминловчи қўшимчалар миқдори ҳар йили моделлаш ташкилотлари томонидан чиқарилади.

Конструкцияда ўмиз чуқурлигининг чизиғи ўзгармас миқдор эмас. Унинг сатҳи умумий ҳажми билан буюм бичимига боғлиқ. Ўмиз чуқурлигининг чизиғи: табиий ўрнида ( $P_{с. пр.} = 3 - 4$  см кузги-баҳорги пальтолар учун); бичимига қараб табиий ўридан кўтарилган ёки туширилган бўлиши мумкин. Тикув буюмининг ҳажми қанча кичик бўлса, ўмиз чуқурлиги шунча кам бўлади, кийим хушбичимроқ кўринади, ва аксинча, кийимни юшоқ шакли ва катта ҳажми ўмиз чуқурлигини катталаштиради.

Ўмиз чуқурлиги чизиғи хаёлий кўкрак чизиғи дейилганда, унинг ўрни жуда ўзгариши мақсадга мувофиқ эмас, шунинг учун ҳажми катта буюмларда ўмиз қўшимча чуқурлаштирилади. Агар ўмиз чуқурлиги бўйича эркинлиги 6 см дан ошса юқоридаги усул қўлланади.

Ўмиз конфигурацияси елка шаклининг ечими билан узвий боғланган (5.7-расм).



5. 7-расм. Буюм елка пояси шакли билан енг орасидаги боғланиш.

Бел чизиғи тикув буюми силуэтини шакллашда етакчи чизиқлардан бири ҳисобланади. Бел чизиғида кийимнинг зич ёпишиб тургани ёпишиб турувчи силуэтни; ўртача ёпишиб тургани — сал ёпишиб турадиган силуэтни, бел чизиғидаги кийимнинг кенглиги кўкрақ чизиғидаги кенгликка деярли тенг бўлса — тўғри силуэтни, жуда бемалоли — кенгайган силуэтни ҳосил қилади.

Ёпишиб турадиган силуэтнинг бел чизиғи раvon бўлиб кўринади. Витачкалар рельефлар, ён чизиқлар раvon эгри чизиқлар шаклида ўтказилади.

Сал ёпишиб турадиган силуэтнинг пластик шакли бел чизиғини билдирмай салгина белгилайди. Кузги-ба-

ҳорги пальтоларда бел чизиғида эркинлик даражаси 6 дан 8 см оралиғида жойлашган.

Сал ёпишиб турадиган силуэтнинг ифодали конструкциясини яратиш учун мода йўналишида ўз аксини топган витачка ва ён чизиқлар ўрнини ва улар чизиқларининг шаклини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри ва кенгайган силуэтли тикув буюмларида бел чизиғи бўрттирилмайди ва бу чизиқ чизманинг конструктив турини қуришда одатда ёрдамчи роль ўйнайди.

Бел чизиғининг сатҳи модага кўра табиий ўз ўрнида пастлашган ёки кўтарилган бўлиши мумкин. Бу асосан ёпишиб ва сал ёпишиб турадиган силуэтларга тааллуқли.

Ёпишиб турадиган, сал ёпишиб турадиган тўғри юбкали ҳажми кичик тўғри силуэтли тикув буюмларида, бўкса чизиғи ўзгариш чизиғидек, ундан пастроқ моделга мувофиқ тўғри, кенгайган ёки торайган шакл ишланади. Шу билан бирга кийимнинг бўкса чизиғи бўйича кенглиги мода талабларига кўра олинади ва аёллар уст кийимида  $C_6 + (5 - 6)$  дан кам бўлмаслиги керак (елка кийимларда). Беллик буюмларда (юбка, шим)  $P_6$  миқдори ноль ( $P_6 = 0$ ) бўлиши мумкин.

Тўғри ҳажмли, кенгайган ва этаги пастга жуда кенгайиб кетган ёпишиб турадиган силуётларда бўкса чизиғидаги кенглик ҳисобланмайди, чунки кийимнинг эркинлиги этак пастга кенгайиши билан таъминланади.

Бўкса чизиғининг сатҳи табиий вазиятга нисбатан модага мос бир қанча юқорига ёки пастга силжиши мумкин. Бу эффект нафақат конструктив чизиқлар ёрдамида, балки деталлар жойланиши ёрдамида (чўнтаклар, белбандлар ва ҳ.к.) ҳосил қилиниши мумкин.

Э т а к ч и з и ғ и — тикув буюмининг силуэт шаклини яратувчи асосий чизиқлардан бири. Қийимнинг этаги торайган, тўғри ва кенгайган бўлиши мумкин. Тўғри силуётда этак кенглиги кўкрак чизиғи кенглиги плюс 4—6 см га тенг; 1—2 см орт бўлакка ва 3—4 см олд бўлакка этаги торайган силуёт яратганда орт бўлакни 0 дан 2 см гача торайтириш мумкин.

Этак чизиғининг сатҳи кийимнинг мутаносиблиги ва мода йўналишига боғлиқ.

Горизонтал йўлли газламадан тайёрланган буюмларда этак чизиғи бўйича газлама йўли сақланса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда олд бўлакнинг этаги ўрта чизиқ бўйича туширилмайди ва йўли бўйича бичилади. Тайёр кийимда этак чизиғининг горизонтал

Агар бу рангларнинг ҳар бирига қора ва оқ ранг қўшса, бир хил тусдаги\*, лекин очлиги ва тўқлиги ҳар хил бўлган чексиз ранглар қатори ҳосил бўлади.

Рангнинг тўқлиги рангда асосий ранг туси мавжудлиги ва унинг оқишланганлик даражаси билан аниқланади. Очлик рангда қора ранг мавжудлиги билан аниқланади: қора ранг ранг туси ўзгаришига актив таъсир кўрсатади. Сариқ рангга қора ранг аралашмаси жигар рангнинг ҳар хил вариацияларини беради, қизилга қора қўшилса — уни хиралаштириб жигарранг тус беради.

Ранг қора ёки оққа яқинлашган сари хроматик ва ахроматик ранглар ҳосил бўлади.

Хроматик ранг деб («хромос» грекча ранг сўздан) асосий рангларнинг аралашмасини ўз ичига олган барча ранглар дейилади, ахроматик — бошқа рангларни ўз ичига киритмаган, очлиги ҳар хил даражада бўлган фақат оқ ва қора ранглар.

Бизга ранг илиқ ва совуқ туюлиши, предмет фаразий яқинлашиши ёки узоқлашиши мумкин. Рангда сариқ ёки қизил «ёнадиган» (унда предмет яқинлашгандек кўринади) ранг, ёки кўк (унда предмет узоқлашади) ранг мавжудлиги бу ҳодисани вужудга келтиради.

Ранг — костюм шаклининг ажралмас қисми. Унинг ифодали кўриниши костюмда ишлатилган ранглар гаммасига боғлиқ.

Хаёлий ранглар доирасидан фойдаланиб бир-бирига мос тушадиган шундай ранглар жуфтани топиш мумкинки, улар хусусиятларидан фойдаланиб яқин ёки контраст принципи бўйича бир-бирини тўлдириб туриши мумкин [21].

Агар бир-бирига яқин ранглар бирикмасига қаралса, бу ранглар ранглар доирасида бир-бирига яқин жойлашган икки ихтиёрий ранг бўлади.

Ранглар доирасининг асосий чораклари ичида жойлашган ранглар бир-бирига яқин ҳисобланади. Асосий рангларнинг фақат тўрт хил бирикмаси бор: сариқ-қизил, сариқ-яшил, кўк-қизил, кўк-яшил.

Контраст (яъни қарама-қарши) ранглар бирикмаси — динамика, драматизм, санъат асарининг идрок таъсирини кучайтирадиган композициянинг асосий воси-

---

\* Ранг туси — очлигига қўра рангнинг ўзига тенг кул рангдан фарқланиш хусусияти.

таларидан бири. Контраст ҳар қандай шаклни активлаштиради.

Оқ-қора рангларнинг (яъни ахроматик) қарама-қаршилик тусида қурилган костюм шаклини хроматик гаммада ҳам бажариш мумкин. Бир хил хроматик ранг оқишлигига кўра бир-биридан фарқланиши, лекин тўқликда бир хил бўлиши мумкин. Бу ранглардан тузилган композиция шубҳасиз фақат тоза оч контрастлардан иборат. Бу ҳолда контраст ва тўқ ранглар мустасно қилинади. Шунга ўхшаш композициялар бир рангли ёки монохром кўпинча пастель туслар дейилади. Бу ранглар ахроматик туслар аралашмаси билан заифлашгани сабабли улар колоритига юмшоқлик мансуб. Бундай туслар композициясида қурилган костюм, одатда, юқори даражали улугворликка эга. Юмшоқ ранглар гаммасида яратилган костюм ҳар қандай кишига — оч малла, қора ва ҳ.к. ярашади.

Костюмлар монанд ранглар композицияси кўпинча кишининг образига, унинг индивидуал колористик хусусиятларига боғлиқ (кўзи, териси, сочларининг ранги). Костюмнинг ранги албатта бу нозик фарқларни ҳисобга олиб, у билан ўхшаш ва контраст принципда мосланган бўлиши керак.

Одамларнинг ёши бўйича фарқланишида кийим рангининг аҳамияти катта. Болалар кийимига нозик ва оч юмшоқ туслар хос, ўсмирлар контраст рангларни афзалроқ кўради, катталар — чуқур тусли рангларни.

**Ранглар иллюзияси.** Ранглар ва ранглар бирикмаларининг хусусиятлари кийим моделлаштиришда ишлатиладиган иллюзиялар комплексини бунёд этади. Битта ранг қайси рангнинг фонида туришига қараб ҳар хил кўриниши мумкин. Масалан, кичик кулранг квадрат қора қоғоз фонида оқ қоғоз фонига нисбатан бирмунча очроқ кўринади. Оқ предметлар тўқ фонда нафақат оқроқ, балки яссироқ кўринади, худди шундай тўқ предметлар оч фонда тўқроқ ва яссироқ бўлиб қолади.

Кулранг кичик квадрат катта қизил қоғоз устида яшил тусли кулранг кўринади, кўк рангли қоғозда сариқ-кулранг, яшил ранг устида — қизғиш-кулранг, тўқ сариқ ранг устида — кўкимтир кулранг. Келтирилган мисолдан кулранг фон рангидан кўшимча тус олиб ўз рангини ўзгартиргани кўришиб турибди. Бу ҳодиса хроматик контраст дейилади.

Кийимда тоза ранглар ишлатилганда хроматик контрастлар таъсирининг олдини олиш учун контурлаш усулидан фойдаланилади. Унинг ролини нейтрал кўпроқ қора рангли безак (мағиз) бажаради.

Барча тўқ ранглар очларга нисбатан «огир» ранг дейилади, очлари эса «енгил». Агар оғир ранглар енгил ранглар устига жойлаштирилса, бу ҳодиса айниқса намоён бўлади.

Рангларнинг фазовий хусусиятлари орасида рангли юзаларни хаёлан узоқлашгани ёки яқинлашгани кузатилади. Кўрингандан келган туйғу ҳамма кишиларда бир хил эмас, лекин бу ҳодисанинг қандайдир қонуниятини чиқариш мумкин.

Шунингдек, оч ахроматик ранглар, одатда, предмет шаклини аниқлашга кўмаклашади, қора ранг эса ёруғ сояларни бўғиб, шаклни тўғри уйғунлаштирмайди. Бўялган юзани яқинлаштириш қобилияти иссиқ ва оч рангларда (сарик, тўқ сарик, қизил) кучлироқ.

Бўялган юзани узоқлаштириш қобилиятига совуқ ва тўқ ранглар (бинафша, кўк, зангори-яшил) эга.

Иссиқ рангларни туртиб чиққан ранг, совуқларни эса чекинган ранг дейилади. Ранг предметнинг шаклини ва ўлчамини фаразий ўзгартира олганини ҳисобга олиб, тўла ва гавдали кишилар кийимида шаклларни фаразий кичрайтирадиган ранг ва туслардан фойдаланган маъқул. Тўла ва баланд бўйли аёлларга газлама рангини танлашда совуқ чекинадиган рангларни (кўк, зангори-яшил, феруза, зумрад, бинафша, кул ранг-кўк, антрацит) тавсия қилиш мумкин.

Қора ранг, бир тарафдан, тўла фигурани фаразий сипороқ ва келишганроқ кўрсатади, лекин иккинчи тарафдан тўла думалоқ елкаларни ва йўғон белни аниқ кўрсатади.

Озғин, баланд бўйли аёлларга иссиқ рангли (оч жигарранг, тамаки ранг, фил суягининг ранги, очиқ-шоколад ранг, асал ранги, терракота ранги, тўқ қизил, банан ранг) газламалар тавсия қилиш мумкин.

Унчалик баланд бўлмаган озғин аёллар учун ўз кийимларида мураккаб ранглар гармониясини ишлатмасликлари керак, чунки улар шундай ҳам кичик фигурани яхлитлигини бузишади. Бу нозик фигураларга энг содда икки рангли гармониялар ярашади.

**Рангларнинг ёритилганликдан ўзгариши.** Қуёш ёруғида деярли ҳамма ранглар оқаради ёки сал сарғаяди.

Кундузи сариқ сарғиш-яшил энг ёруғ ранг бўлиб кўринади, кечқурун эса — зангори. Қош қорайган пайтда энг биринчи қизил ранглар йўқолади, тонготарда ҳам улар энг кеч кўринади, лекин зангори ранглар узоқ вақт яхши кўринади. Тарқоқ кундузги ёруғликда кўк, бинафша, зангори, кўк-яшил ранглар ёрқин кўринади, Кечқурун электр ёруғида ранглар сарғиш тусга эга бўлади ёки хиралашади, ёки аксинча, ёрқин бўлиб чуқурлашади. Масалан, ҳамма қизил ранглар ёрқинлашади, кўк сариқлар — очиқ олтин ранг, сариқлар — оқаради, илиқ яшил — тўқроқ кўриниб ёрқинлашади, совуқ яшил ранглар — хиралашиб тўқроқ кўринади, оч зангори кул ранг ёки кул ранг зангорига ўхшаб қолади, тўқ кўк қорамтир кўринади, бинафша ёки қизғиш бинафша, ёки кирроқ хира кўринади.

Аёллар уст кийими учун газлама танлаганда ёритилганлик кундузги бўлиши керак.

Кўёш ёруғлигида қора ва тўқ жигарранг ранглар кўримсиз кўринади (чангли ва эскироқ).


Костюмда фаразий кўринишлар ранглар бирикмаларини идрок қилишда, айниқса кучлироқ намоён бўлади.

Юзанинг ҳар хил эгриликлари ранг идрок қилишни кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин. Бу одам фигурасидаги костюмнинг айрим участкалари ёритилганлик даражасига боғлиқ. Рангларнинг бир-бирига нозик ўтиши предметнинг жойланиши ва ёритилганлик хилига боғлиқ ҳолда кўзга кўриниши мумкин.

Костюм шакли геометрик ҳажмлар бирикмасини ифодалагани учун оптик фаразийликлар муҳим аҳамиятга эга.

Икки тенг квадрат (оқ ва қора) ўлчамлари бўйича ҳар хил кўринади (5.9-расм, а). Агар шу квадратларни вертикал ва горизонтал чизиқлар билан бўлинса, биринчи ҳолда квадрат чўзиқроқ кўринади, иккинчисида эса — кенгроқ кўринади (5.9-расм, б). Лекин бу иллюзияларнинг намоён бўлиш чегараси бор. Масалан, агар ўша квадратларнинг ораси кам масофали чизиқлар билан бўлинса, қарама-қарши иллюзия ҳосил бўлади (5.9-расм, в). Худди шундай воқеалар костюмда кузатилади.

**Костюмдаги (фаразий) иллюзия.** Костюм шакли чизиқлар ёки бўлиниш чизиқлари билан тўлдирилганда иллюзиянинг бошқача хили пайдо бўлади. У тўлдирил-



5. 9-расм. Текисликдаги тулдирилган орилиқни идрок қилишдаги иллюзия (алданиш).

ган текислик орилиқ иллюзияси дейилади. Гап шундаки, бу иллюзия икки хил ва юзаки бўлган чизиқлар сонига боғлиқ.

Шаклни қисмларга бўлганда бўлиниш характери, ҳосил бўлган ҳажмларнинг ўлчамлари, улар нисбатлари аҳамиятга эга. Бўлинишлар маромда ёки тенгсиз бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда кетма-кет равон ўтишлар баландлик таассуротини яратади, иккинчи ҳолда— фигура калтароқ кўринади.

Кийим лойиҳалашда қўлланадиган иллюзиялар хилдан муҳимроғи, бу контраст ва текислаш иллюзияси, яъни қарама-қаршилиқ бўйича кучайтириш, чунки бизнинг психикамизга контрастлар актив таъсир қилади. Контраст билан қўшниликда предмет яна кўпроқ бошқача бўлиб кўринади: кичкина каттани ёнида яна кичикроқ кўринади; бурчакнинг учида жойлашган доира бурчакнинг учидан узоқроқда жойлашган худди шунақа доирадан каттароқ кўринади (5.10-расм); битта бош катта бош кийимда кичикроқ кўринади (5.11-расм).



5. 10-расм. Контраст ва уткир бурчакни идрок қилишдаги иллюзия.



5. 11-расм. Бош кийимлардаги контрастларни идрок қилишдаги иллюзия.

Умуман олганда айтиш мумкинки, биз ажратиб кўрсатмоқчи бўлган фигура хусусиятларини такрорлайдиган ва катталаштирадиган ўхшаш фигура яратгандан ҳар доим текислик иллюзияси пайдо бўлади. Масалан, тўла фигура кенг кўйлак, пальтода яна тўлароқ кўрилади.

Текислаш контраст таъсирини ички конструктив ва силуэт чизиқлар ёрдамида бир оз кучайтириш ёки заифлаш мумкин.

#### 5.4 ОДАМ ФИГУРАСИДА КИЙИМ АСОСИЙ ДЕТАЛЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ

Деталлар конструкциясини одам фигурасида ёки манекенда нина қадаб олиш мумкин. Бунинг учун ижрочи конструкциялаш мақсадида одам фигурасининг ўлчамларини олиш, берилган шаклга боғлиқ ҳолда тўқисликка бериладиган қўшимчалар танлаш ва буюмнинг узел ҳамда деталлари контурини аниқлашга оид юксак амалий кўникмага эга бўлиши керак.

Қуйида лиф билан юбканинг қадалмаси кўрилади. Қадаш усули ёрдамида деталлар конструкциясини ишлаб чиқишда муайян тартиб кўзда тутилади. Бу талабларни бажармаслик ижобий натижа бермайди: қадаш ишларига манекен ва макет газламасини тайёрлаш, қадаш ишларини ўтказиш, деталлар конструкциясини тайёрлаш.

**Манекенни қадалмага тайёрлаш.** Манекенда қадалманинг асосий ориентир чизиқлари бўлган фигуранинг ўлчамлари, симметрия ва конструктив чизиқларини аниқлаш мақсадида, қуйидаги чизиқлар бўйича тасма ўтқазилади (5.12-расм):

*I—I*— орт бўлак ўртаси (еттинчи умуртқа поғона сатҳидан манекен тагигача);

*II—II*— олд бўлак ўртаси (ўмров нуқтасидан манекен тагигача);

*III*— бўйин чизиғи (бўйин пояси);

*IV*— кўкрак чизиғи (кўкракнинг туртиброқ чиққан нуқталаридан горизонтал бўйича кўкрак пояси);

*V*— бел чизиғи (тананинг ёнларидан энг кирган жойлардан горизонтал бўйича —бел пояси);

*VI*— бўкса чизиғи (20 см бел чизиғидан пастроқ унга параллел тос пояси).

Ўмиз контурини аниқлаш учун қуйидаги ўлчамлар аниқланади:

кўкрак кенглиги, (тахминан 10 см кўкрак чизиғидан юқори ва унга параллел VII—VII кесим Ш<sub>г</sub> ўлчамга тенг);

орт бўлак кенглиги (тахминан 10 см кўкрак чизиғидан юқори ва унга параллел, кесим VIII—VIII Ш<sub>г</sub> ўлчамга тенг);

елка чок кесими —IX—IX' (бўйин асосида елка нуқта-тасигача);

ён чок кесими X'—X (ён чизиғи бўйича елка чоки сатҳида пастки вертикал манекен тагигача);


ёпиқ ўмизнинг вертикал диаметри IX'—X' (96 размерли манекен учун бўйи III—IV. Бу ўлчам тахминан 16 см га тенг).

Эслатма: Агар лиф қадалмаси типавий фигурадан анча фарқ қилса, манекенга фигурага мос ўзгаришлар киритилади.

**Лиф қадалмаси.** Макет газламанни тайёрлаш. Лиф қадалмаси учун размерлари манекенга мос, лиф бўлиниш чизиқларини ва эркинликка бериладиган қўшимчаларни ҳисобга олган тўртбурчакли газлама бўлақлари бичилади. Лиф ён чоклари, олд ва орт бўлақларда жойлашган чоклар бўйича бўлақларга (олд бўлақ ва орт бўлақ) бўлиниши мумкин. Лиф яхлит бўлиши ҳам мумкин, яъни бир чокли — олдда ёки ортда. Лифнинг энг ўмизидан туширилган ён чоклар бўйича бўлиниши типик ҳисобланади.

Олд бўлақ учун мўлжалланган газлама бўлагининг узунлиги (5.13-расм, а) манекеннинг олд белгача бўлган узунлиги ўлчами қўшув 8 см, кенглиги — манекеннинг кўкрак чизиғи бўйича олд бўлақ ўртасидаги ён чизиғигача (ёки лифнинг бошқа бўлиниш чизиғигача) ўлчами қўшув 1—3 см эркинликка, 2 см чок ҳақи ва 2—2,5 см олд бўлақ ўтар қисми учун миқдорларга тенг. Орт бўлақ учун газлама бўлаги (5.13-расм, б) юқоридагига ўхшаш бичилади. Бир чокли (олд ёки орт бўлақда) лиф қадалмаси учун мўлжалланган газлама бўлагининг эни кўкрак чизиғи бўйича орт бўлақ ўртасидан олд бўлақ ўртасигача бўлган ўлчам плюс 2—5 см эркинлик учун қўшимча, 2 см чок ҳақи ва 2 см олд ёки орт бўлақ ўртасининг ўтар қисми миқдорларига тенг. Бир чокли қадалманинг узунлиги ва энига 10—12 см қўшилади, чунки лиф участкаларидан бирининг йўналиши танда ипларига бурчак остида бўлиши мумкин.

Газлама бўлақлари қатъий равишда танда ва арқоқ иплари бўйича бичилади. Танда ва арқоқ ипларининг



5.12-расм. Манекенни қадалмага тайёрлаш.



5.13-расм. Газламани қадалмага тайёрлаш.

қатъий йўналишини таъминлаш учун қадаладиган газлама бўлаклари рангли ип билан чоқланади. Улар газламани манекен тесмасига қўйганда асосий мўлжал бўлади.

Олд бўлак учун мўлжалланган газлама бўлаги танда ипи йўналиши бўйича чоқлар ўтказилади: олд бўлак ўртасида — милкидан 2—2,5 см масофада; бу чоқдан 10 см қочириб кўкрак учлари нуқтасидан. Арқоқ иплари йўналишида бел чизиғи ва кўкрак чизиғи бўйича чоқлар ўтказилади. Орт бўлакда танда ипи йўналиши бўйича ўртасида — газлама милкидан 2 см масофада ва кураклар энг чиққан нуқтасидан чизиклар ўтказилади. Арқоқ иплари йўналиши бўйича чизиклар олд бўлак чизиқларига ўхшаш ўтказилади.


Қадалма, худди аёллар кўйлагини ўлчаб кўргандай, аёллар кийимида тақилма ўнгдан чапга жойлашганини ҳисобга олиб, ўнг томонда бажарилади. Макет газлама танда иплари вертикал жойлаштирилади. Макет газлама эса — горизонтал. Газлама манекенга шундай қўйилади, ки, олд бўлак ўртасида ўтказилган ип манекен ўртаси билан устма-уст тушсин, кўкрак чизиғи бўйича ўтказилган ип — манекен кўкрак чизиғи билан ва тўғнағичлар аввал орт бўлак ўртасига, кейин кўкрак чизиғи бўйича қадалади (5.14-расм, а).

Олд бўлак қадалмаси қуйидагича бажарилади: тўғнағич 1—бўйин чизиғида, 2—кўкрак чизиғида, 3—бел чизиғида, 4—олд ёқа ўмизининг тепасида (бундан аввал газлама бўйин чизиғи бўйича қирқилади ва

кертилади), 5— кўкракнинг туртиб чиққан нуқтасида, 6— тўғнағич 5 дан 10 см ўмиз тарафга қадалади, лекин шу билан бирга, танда ипи қатъий вертикал жойлашган бўлиши керак (ўмизнинг юқори қисмида — унга уринма), 7— ён чокнинг тепасида. Шу билан бирга арқоқ ипи қатъий горизонтал жойлашган бўлиши керак, эркинлик бериладиган қўшимча микдори 1—1,5 см (лекин моделга мувофиқ бошқача бўлиши ҳам мумкин).

Газлама ўмиз бўйлаб кертилади ва елка тарафга олинади (5.14-рasm, б). Қадалма натижасида ҳосил бўлган газламанинг ортиқчаси елка чизигидан витачкагача киритилади. У одатда ёқа ўмизининг тепасидан 4—5 см масофада бошланади ва кўкрак нуқтасига йўналади ва унга 1,5—2 см етмайди. Витачка учта тўғнағич билан маҳкамланади (8, 9, 10). Кейин тўғнағич 11 билан ўмизга уринма чизигида бел чизигида газлама маҳкамланади. Бел чизигида тўғнағичлар 3 ва 11 орасидаги газлама ортиқчаси витачка кенглигини аниқлайди. Агар витачка унча катта бўлмаса (3 см гача), унинг ўртаси танда ипида жойлашиб, тепа витачканинг учи томон йўналади. Агар витачка кенлиги 3 см дан ошса, унинг ўртаси ён чок томон сурилади, демак, тепа витачканинг пастки учига нисбатан ҳам сурилади. Витачка тўғнағичлар 12, 13 ва 14 билан маҳкамланади.

Орт бўлак қадалмаси олд бўлак қадалмасига ўхшаш (5.14-рasm, в). Тўғнағич 1 орт бўлак ёқа ўмизидида жойлашади, 2— кўкрак чизигида, 3— бел чи-



5. 14-рasm. Лиф қадалмаси:  
а б — олд бўлак қадалмаси; в, г — орт бўлак қадалмаси

зигида, 4— ёқа ўмизининг тепасида (олдиндан газлама бўйича қирқилади ва кертилади), 5— кўкрак чизигида ўмизга уринади. Кейин газламанинг ортиқчаси ўмиздан елка тарафга йиғилиб витачкага тахланади (5.14-расм, 2). Витачка курак чиқиғи нуқтасига йўналади ва икки тўғнағич — 6, 7 билан маҳкамланади, тўғнағич 8 бел чизигида ўмизга уринмада жойлашади, яъни танда ипи тўғнағичлар 5 ва 8 дан ўтади, арқоқ ипи эса 3 ва 8 тўғнағичлар бўйича ўтади. 3—8 кесимдаги газламанинг ортиқча қисмини витачканинг кенглиги аниқлайди. Витачканинг ўртаси танда ипи бўйича жойлашади ва елка витачка учига йўналади. Витачка учта тўғнағич билан маҳкамланади (9, 10 ва 11). Олд ва орт бўлақлардаги ортиқча газлама елка ва ён чок томонларда қирқилади, лекин чокда 1,5—2 см қолдирилади.

Елка ва ён қирқимлари букланади ва олд бўлақ устига букланган зий манекен тасмаси бўйича жойлашадиган қилиб тўғналади. Манекен тасмаси бўйича қадалмада бўйин ва ўмиз чизиқлари белгиланади. Газлама ортиқчаси ўмизлар бўйлаб чокка 1,5 см қолдириб қирқиб ташланади.

**Конструкция тайёрлаш.** Лиф қадалмаси манекендан олинади. Олд ва орт бўлақларнинг ён ва елка чоклари чизигидан иплар ўтказилади. Ён чок чизиқларига назорат белгилари қўйилади. Витачкалар устидан ҳам иплар ўтказилади. Тўғнағичлар лиф қадалмасидан олинади. Олд ва орт бўлақлар столда текисланади, ён ва елка чоклар контурлари, витачкалар, ёқа ва енг ўмизлари аниқланади. Ҳамма конструктив чизиқларнинг узил-кесил контурлари ип билан белгиланади, газлама ортиқчаси қирқиб ташланади, лекин қирқимлар бўйича чок ҳақи қолдирилади: 1,5 см ёнига, елкага ва ўмизга; 0,7—0,8 см ёқа ўмизига.

Лифнинг аниқланган деталларини қоғоз устида текислаб кескич ёрдамида деталлар, назорат белгилари ва деталлар ўрта чизиқлари ўтказилади. Лиф деталларидан танда ипининг йўналиши, деталлар ўртаси, бел чизиғи ва лиф деталларини бирлаштиришда зарур назорат белгилари кўрсатилади. Конструкциянинг тўғрилиги деталлар контур чизиқларининг туташмаси орқали текширилади. Лиф асоси макети тикилиб, одам фигурасида ёки манекенда кўрилади.

**Ўтқазма енгнинг қадалмаси.** Макет газламани тайёрлаш (5.15-расм, а). Макет газлама қуйидагича

тайёрланади. Лиф қадалмасида ёпиқ ўмизнинг узунлиги ва вертикал диаметри ўлчанади. Енг учун мўлжалланган тўғри бурчак макет газламанинг узунлиги енг узунлиги ўлчамига ўмиз чоки ҳақи билан енг учи букланишига 5—6 см қўшилган миқдорга тенг, кенглиги эса елка айланасига қўшимча  $P_{о п} = 6 - 8$  см ва чок ҳақи учун 3—4 см қўшилган миқдорга тенг. Газлама танда ипи ўртасидан ўтадиган қилиб букланади. Газлама бўлагининг тепа четидан енг қиямасининг баландлиги плюс енг ўмизига 1,5 см га тенг ўтказма енг чок ҳақи қўшилган миқдорга тенг масофа қўйилади. Кейин тахминий енг қиямаси бичилади ва унинг пастки қирқимлари тўғналади.


**Енгни қадаш.** Енг қиямаси бўйлаб чок ҳақи 1,5 см букланиб лиф ўмизга қадалади. Тўғнағич 1 билан (5.15-расм, б) енг қиямасининг юқори нуқтаси лифнинг елка чокига, тўғнағич 2 олд ўтар чизиғи нуқтасига, лекин енг осилиб туриши лозим. Тўғнағич 3 енгнинг етарли ҳажмийлигини ва арқоқ ипларининг горизонтал ҳолатини сақлаб тирсак ўтар чизиғи нуқтасига, тахминан орт бўлак кенглиги сатҳида қадалади. Кейин қияманинг юқори қисми бир оз терилиб тўғнағичлар 2—3 оралиғи маҳкамлаб қадалади.

Кейин енг қиямасининг пастки қисми ён чокининг тепасига қадалади. Енг узунлиги ва учининг чизиғи аниқланади. Қадалма манекендан олинади ва енгнинг пастки қисми лиф билан бирлаштирилади. Енга ва лиф ўмизига назорат белгилари қўйилади (тўғнағичлар 1, 2, 3 бўйича). Қияма, ўмиз, пастки чоклар ва енг учлари бўйича ип кўклаб ўтқазилади. Енгни ўмизга қадаган нина ечилади, столда текисланади ва енг контурининг пастки чоклари, қиямаси ва учи аниқланади.

Енг қиямасида ва бўйлама қирқимларда 1,5 см, енг учи букланишига 4 см қолдириб газламанинг ортиқчаси қирқиб ташланади.

Кейин енг чоклари бириктириб кўклаб уланади, ўмизга зийи кўкланади ва фигура ёки манекенда текширилади.

**Юбка қадалмаси.** Қадаш усули ёрдамида олд ва орт бўлақлардан иборат юбканинг икки чокли ва яхлит олд ва орт бўлақларидан иборат бўлган бир чокли конструкциясини олиш мумкин.



5. 15-расм. Енг қадалмаси.

5. 16-расм. Юбка қадалмаси.

Икки чокли юбкага макет газламаси ни тайёрлаш. Тўғри юбка асосининг қадалмасига размерлари манекен ўлчамларига мос бўлган ён чоклари, тайёр ҳолда юбканинг узунлиги ва бўкса айланаси бўйича эркинлик бериладиган қўшимча миқдорини ҳисобга олган ҳолда иккита тўғри бурчакли газлама бўлаклари олинади.

Юбканинг олд бўлаги учун узунлиги юбканинг узунлиги плюс 2 см, кенглиги олд бўлак ўртасидан ён чизиғигача бўкса чизиғидан ўлчанган масофа плюс 5 см (чок ҳақи, қадалма олд чизиқдан ошиб ўтишига ва эркинлик қўшимчаси)га тенг газлама бўлаги олинади. Макет газламаси иккинчи бўлагининг размери (орт бўлак учун) биринчисига ўхшаш аниқланади.

Кейин газламанинг четидан ёки милкидан 2 см масофа олд ва орт бўлақларнинг ўртасига мос бўлган танда ипларининг йўналиши бўйича иплар ўтказилади, арқоқ ипи йўналиши бўйича эса (бел чизиғида) — газламанинг юқори қирқимидан 2 см ва бел чизиғидан 20 см масофада бўкса чизиғи бўйича ўтказилади.

Қадаш ишлари манекеннинг ўнг томонида бажарилади. Бунда танда иплари вертикал жойлаштирилади, арқоқ иплари эса — горизонтал.

Юбканинг олд бўлагини қадаш учун (5.16-расм, а) макет газламанинг биринчи бўлаги манекенга олд бўлакнинг ва манекеннинг ўрта чизиқларини, бўкса чизиғи бўйча арқоқ ипларини устма-уст тушириб газлама ўртасидан қадалади. Бунда тўғнағич 1 бел чизиғига, 2— бўкса чизиғига қадалади.

Кейин газлама текисланади, бўкса чизиғида ўтказилган ипни манекен тасмаси билан устма-уст тушириб ён чизиғига яқинроқ бўкса қирқимига тўғнағич 3 қадалади, лекин эркин ҳаракат учун 0,5—1 см қолдирилади. Тўғнағич 4 қўлтиқнинг олд бурчагидан ўтган вертикалнинг давомида бел чизиғига қадалади, 5 ҳам бел чизиғида ён қирқим сатҳида қадалади. Лекин бу пайтда танда ипларининг йўналиши кузатиб турилади. Бел чизиғида ҳосил бўлган газламанинг ортиқчаси битта ёки иккита (агар битта витачканинг кенглиги 2,5 см дан ошса) витачкага олинади.

Юбка олд бўлаги конструкцияси асосида витачканинг ўртаси деталнинг ўртасидан 10—12 см масофада жойлаштирилади ва иккита тўғнағич билан маҳкамланади. Олд витачканинг узунлиги тахминан 8—11 см. Агар юбка калта жакетнинг давоми бўлса, витачкаларнинг йўналиши ва жойлашиши жакет витачкаларига мосланади.

Юбка орт бўлагини қадаш учун (5.16-расм, б) макет газламанинг иккинчи бўлаги манекен устига орт бўлакнинг ва манекеннинг ўрта чизиқларини устма-уст тушириб, бўкса чизиғидаги арқоқ ипини эса манекеннинг бўкса чизиғи билан устма-уст тушириб газлама ўрта чизиғидан қадалади. Бунда тўғнағич 6 бел чизиғига, тўғнағич 7 бўкса чизиғига қадалади.

Кейин газлама текисланади, бўкса чизиғидаги ип манекен тасмаси билан устма-уст туширилади ва эркин ҳаракат учун 0,5—1 см қўшимча ташлаб ён қирқимига яқинроқ бўкса чизиғига тўғнағич 8 қадалади. Тўғнағич 9 қўлтиқ чуқурлигининг орт бурчагидан туширилган вертикал чизиқнинг давомига қадалади, 10 танда ипнинг йўналишига қараб бел чизиғига ён қирқимининг сатҳида қадалади.

Бел чизиғида ҳосил бўлган газламанинг ортиқчаси битта ёки иккита (агар витачка кенглиги 5 см дан ошса) витачкага олинади. Орт бўлак витачкасининг узунлиги юбкада 15—17 см. Агар юбка костюмнинг қисми

булса, витачкалар йўналиши ва жойлашиши жакетнинг витачкаларига мосланади.

Орт ва олд булаklar ён қисмларидаги газламанинг ортиқчаси (бел чизиғидан буксагача) булаklarни бирлаштириш учун 1,5—2 см чок ҳақи қолдириб қирқиб ташланади. Орт булакнинг ён қирқими букланади, букланган зий манекенда ён чокнинг ўрнини белгиловчи тасманинг ўртаси билан устма-уст туширилади. Кейин қалам ёки ип билан бел чизиғи белгиланади.


**Конструкцияни тайёрлаш.** Юбканинг қадалмаси манекендан олинади. Олд ва орт булаklarнинг ён чоклари бўйича иплар ўтказилади, бел ва букса чизиқлар сатҳида назорат белгилари қўйилади, витачкалар бўйича иплар ўтказилади. Қадалмадан тўғнағичлар олинади, юбканинг деталлари столда текисланади, ён чизиқлар, витачкалар ва бел чизиғи аниқланади. Ён ва бел қирқимлари бўйича 1,5 см чок ҳақи қолдириб ҳамма конструктив чизиқларнинг аниқланган контурлари кўрсатилади. Юбканинг ярим макетини тикиб яна бир марта манекеннинг ўнг томонига қадалади, шу билан бирга унинг конструкцияси ва мувозанати манекенда текширилади.

**Реглан бичимли энгнинг қадалмаси.** Реглан энгли қадалма тайёрланганда реглан энг ўмизи ўтқазма энгга қараганда 1—2 см чуқурроқ бўлишини ҳисобга олиб манекеннинг олд ва орт булаklarларида эскизга мослаб тасма билан реглан энгнинг ўмизлари қўшимча белгиланади. Манекенга қўл маҳкамланади ва унда елка чизиғининг давомида энг ўрта чоки жойлашадиган чизиғи белгиланади.

Берилган бичимнинг лиф қадалмасига газлама тайёрлаш олдинги вариантга ўхшаш бажарилади. Лекин реглан бичимли энг қадалмасига мўлжалланган газламанинг узунлиги елка кенглиги  $Ш_n$  га катталаштирилади, кенглиги эса елка айланаси плюс 7—8 см га тенг.

**Лиф қадалмаси (5.17-расм, а)** ўтқазма энгли лиф қадалмасига ўхшаш бажарилади. Лекин бу бичимда кўкрак витачкаси одатда ёқа ўмизига олд булак ўртасига ёки лифнинг бошқа жойларига ўтказилади. Эскизга мос олдиндан манекенда ўтказилган тасма бўйича реглан ўмизининг чизиқлари ўтказилади.

Реглан энгнинг (5.17-расм, б) пастки чоклари тепа қирқимга 25—30 см етмасдан, тирсак сатҳида кириштириб олдиндан тўғналади. Энг ўртасини энгнинг



5.17- расм. Реглан бичимли  
лиф қадалмаси.

5.18- расм. Яхлит бичилган  
енгли лиф қадалмаси.

белгиланган ўрта чокига тўғрилаб энг манекен қўлига кийгизилади; олд утар чизиқнинг учига (нуқта 1) ва тирсак утар чизиғига (нуқта 2, 5.17- расм, в) 1—2 оралиқда арқоқ ипнинг горизонтал ҳолатини сақлаб ўмизга тўғналади. 1 ва 2 нуқталардан бошлаб тепа ва детал ўртаси томонга қараб газлама текисланади ҳамда елкада тўғналади. Кейин энг ўмизи қирқимлари бўйича қирқилади, букланади ва ўмизга белгиланган чизиқлар бўйича тўғналади. Елка чизиғида газламанинг ортиқчиси айни вақтда елка чоки бўлган витачкага олинади.

Қадалма ёрдамида тайёрланадиган реглан бичимли макет ва конструкция умумий қоида бўйича бажарилади.

**Яхлит бичилган енгли лифнинг қадалмаси.** Манекенга қўл маҳкамланади ва реглан енгли лиф қадалмасидек ўрта чок чизиғи бўйича тасма ўтқазилади. Ундан

ташқари, қўлнинг тагида енг чоки белгиланади ва ўмиздан бошлаб тасма ўтказилади.

Олд ва орт бўлақлар учун газлама бўлақлари бичилади. Олд бўлақ газламасининг узунлиги олд белгача бўлган узунлик ўлчами плюс 8 см, кенлиги эса — манекеннинг олд ўрта чизиғидан қўл узатилган ҳолда енг учининг чизиғигача плюс 4 см ўлчамга тенг. Орт бўлақ газламаси юқоридек бичилади.

Ишлар аввалги вариантларга ўхшаш ўтказилади (умумий қоидага мувофиқ).

Манекенга газламанинг олд бўлақ (5.18- расм, а) учун мулжалланган бўлаги аввал олд ўрта чизиқ бўйича ва эркин ҳаракат учун бериладиган қўшимчани ҳисобга олган ҳолда кўкрак чизиғи бўйича қадалади. Кўкрак витачкасини бел чизиғидаги витачкага ўтказиш мумкин. Ён чоклари йўналишида тахминан ён чокига тенг масофада 1—2 см чок ҳақи қолдириб ўмиз таги қирқилади; газлама қўл устида текисланади, олд ўтар чизиғи аниқланади ва қўлнинг ўрта чизиғи бўйича туғналади (5.18- расм, б).

Бу участкада газламанинг ҳолати ўмиз атрофидаги енг шаклини ва унинг юмшоқлигини аниқлайди. Газламанинг ортиқчаси юқори қирқим бўйича 4—5 см қўшимча қолдириб қирқиб ташланади.

Орт бўлақ олд бўлаққа ўхшаш қадалади (5.18- расм, в). Енгнинг юқори чоки қадалади. Олд ва орт бўлақлар эркин ҳаракат қилишини таъминлаш мақсадида ўмиз соҳасида хиштак учун қирқилади: енгнинг пастки чоки ва енгнинг ён чоклари қадалади. Хиштак бичилади. Хиштак ўлчамлари кесик нуқталарнинг ўрини ва енг учи кенлиги билан аниқланади. Хиштак ўртасидан букланади ва енг, олд ва орт бўлақларга уланади.

Қадалма бўйича яхлит бичилган енгли лиф макети ва унинг конструкцияси умумий қоида бўйича бажарилади.

##### **5.5. ТЕХНИҚ МОДЕЛЛАШ УСУЛИ БИЛАН ТЕКИСЛИКДА КИЙИМ ДЕТАЛЛАРИНИНГ ШАКЛИНИ ЯРАТИШ**

Тикув буюмининг конструкциясини ишлашда ҳамма конструктив воситалар бир вақтда декоратив, бадий ва конструктив роль бажаришини билиш керак. Бунда уларнинг ичидан буюмга юқори даражали бадий ечим таъминлайдиганларини ажрата олмақ муҳим аҳамиятга эга.

Ҳажми ўртача ва катта бўлмаган қатъий ва аниқ шаклдаги буюмларни лойиҳалашда витачкалар, рельефлар, кокетка ва безатувчи чоклар ишлатилади, шакли юмшоқ, ҳажми бир оз каттароқ бўлган буюмларни лойиҳалашда эса юмшоқ тахламалар, витачкасимон майда тахламалар, бурма ва ҳ.к. қўлланади.

Рельеф, кокетка, қирқма ён булак ва ҳ.к.ларга кўчадиган конструктив — декоратив чизиқларни ишлатиш буюмлар ечимига ва улар хилларини кўпайтиришга ижодий қарашга имкон беради (5.19—5.22-расмлар). Бунда витачкалар ва уларнинг ўрнига катта роль ажратилади.

**Витачкалар.** Конструкциянинг бу асосий элементи туфайли кийимнинг ҳажми шакли ва белга ҳар хил даражада ёпишиб туриши таъминланади. Тикув буюмида витачкалар мавжудлиги кўпинча деталлар айрим жойларидан (орт булакнинг елка қирқимини ишлаш, бортларни кириштириб дазмоллаш ва ҳ.к.) намлаб иситиб ишлашни мустасно қилишга ёрдам беради.

Агар буюмнинг ҳажми катта бўлмаса ва елка ёстиқчасиз бўлса, витачкалар бўлиши шарт.

Буюмнинг ҳажми катталашган сари витачкалар тораяди ва шакл юмшоқлашади. Ҳажми етарли даражада катта бўлган аёллар буюмида ( $P_r = 13 - 15$  см) витачка конструктив элемент сифатида йўқолади ва уларнинг ўрнини безатувчи элементлар — бурмалар, юмшоқ тахламалар, витачкасимон майда тахламалар ва ҳ.к. эгаллайди.

Ҳажмининг катталаниши одатда енг кенглигини ва ўмиз чуқурлигини катталаштиради, демак, буюмнинг шакли ва унинг бичими ўзгаради.

Ҳажми катта бўлмаган тикув буюмларининг конструкциясини ишлашда одатда витачкалари олд ва орт булакларнинг елка қирқимларида ва бел чизигида жойлашган буюмнинг асосий конструкцияси қўлланади.

Буюмнинг конструктив-декоратив элементларини қуришдан аввал эскизда ёки журнал расмида кўрсатилган витачкани кўчириш усули, декоратив-конструктив чизиқлар ва витачкаларни бир-бирининг устига тушириш усули (рельефлар, кокеткалар, қирқимлар ва ҳ.к.), бурма ва бошқа элементлар билан витачкалар ўрнини бошиш усулларини кўриб чиқиш лозим.

Витачкаларни кўчириш усуллари ҳар хил. Кийим конструкциялаш амалиётида кўкрак витачкасини кон-

струкциядаги асосий ўрни эскизга мувофиқ олд бўлак деталининг исталган жойига кўчиришда макет ва график усуллардан фойдаланилади.

Кўкрак витачкасини макет усулида кўчириш қуйидагича амалга оширилади. Витачкалари белгиланган олд бўлак конструкцияси манекенга қўйилади, тўғнагич билан маҳкамланади ва витачканинг янги йўналиши белгиланади (деталь контуридан кўкрак нуқтасигача). Бу йўналиш эскиз бўйича аниқланади. Витачканинг янги чизиги тўғри ёки мураккаб эгри чизиқ бўлиши мумкин. Асос манекендан олинади ва витачканинг янги йўналиши текисликда аввал аниқланиб кейин кесилади.

Ҳосил бўлган янги витачкали асосий конструкция тоза қоғозга туширилади. Витачка учигаги бурчак иккига бўлинади ва бурчак биссектрисасида витачка учини белгилайдиган 2—4,5 см кесим ўлчаб қўйилади.


Агар витачка бел чизигига ўтказилса (бел қирқма буюмларда), лиф эса ёпишиб турадиган силуэтли бўлса, кўчирилган витачка бел витачкаси билан бирлаштирилади. Бел чизигида иккала витачка аввал бирлаштирилади, лекин улар ўртаси ён чок томонга бир витачканинг ярмисига силжишини ҳисобга олмоқ лозим.

**Рельефлар.** Агар кўкрак витачкаси ва бел чизигидаги витачкани битта чизиқ бирлаштира, ҳосил бўлган конструктив чизиқ рельеф дейилади. Рельеф одатда шакл ҳосил қилувчи элемент, лекин у баҳаяқатор билан безатилса декоратив хусусиятга эга бўлади. Рельеф деталнинг икки қирқимидан ўтса, витачка исталган қирқимга ўтказилиши мумкин (5.19-расм).

Фигурага зич ёпишган буюмларда рельеф одатда кўкрак ва куракларнинг энг чиққан нуқталаридан ўтади, сал ёпишиб турадиган буюмларда у бир оз (2—3 см) ўмиз томонга силжийди. Агар рельеф ўмиз томонга кўпроқ силжиса, буюм олд ва орт томондан яссироқ кўринади. Бу кичик ҳажмли буюмлар учун хос.

Рельеф витачка каби тўғри ёки мураккаб эгри чизиқлар шаклида бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда буюмнинг шакли бир оз бурчаксимон, иккинчисида — юмшоқроқ кўринади.

Рельеф буюм шаклининг конструктив элементи сифатида одатда кўкрак витачкасининг давомида макет ёки график усулда бажарилади.



5. 19-расм. Вертикал рельеф ва чоклари ҳар хил шакллангиритган сал ёпишиб турадиган пальто конструкциясининг чизмаси.

Макет усулида рельеф қуйидагича қурилади. Олд булак детали манекенга қадалади ва модель эскизига мос рельеф чизиғи белгиланади. Асос олинади, белгиланган чизиқ қирқилади, кўкрак витачкаси бекитилади ва улар рельефда очилади. Рельеф чизиқлари аниқланади. Рельефнинг йўналишини ёки бошқа декоратив-конструктив чизиқни олд ёки орт булакнинг ўрта чизиғига яқинроқ жойлашган рельеф томони аниқлайди, иккинчи томони эса шаклни яхшироқ кўрсатишга ёрдам беради.

Агар витачка яхлитлигича рельефга кўчиш имкониغا эга бўлмаса, олд булак рельеф чизиғи бўйича қирқилади ва рельефнинг  $G_1$  нуқтага яқинроқ жойлашган қирқимидан кесилади, унга витачканинг қисми ўтказилади.

Рельефларни график усулда қуриш кўкрак витачкаси эскизга мос кўчирилишида ва витачка давонида рельеф қуришга асосланган.

**Кокеткалар.** Кокеткалар асосан буюм шаклининг декоратив элементидир, лекин улар кўпинча конструктив роль уйнайди. Улар буюмнинг юқори қисмида кўкрак чизиғигача (5.20-расм) ва буюмнинг пастки қисмида бўкса чизиғигача (юбкада) жойлашиши мумкин.

Кийим узунаси бўйича кокетка размери катта аҳамиятга эга. Шунингдек, кокетканинг кичик размери фигурани узунроқ кўрсатади, ва аксинча, кокетканинг катта размери фигуранинг бўйини ва белгача узунликни бир оз қисқартириб кўрсатади. Кокетка уланиш чизиғининг йўналиши елка пояс шаклига боғлиқ.


Агар кокетка қирқими тўғри бўлса, ўмиз ҳам бир оз тўғри бўлса, елка чизиғи ҳам тўғри бўлади, агар кокетка ўмизга бир оз қияроқ бўлса, кийимнинг шакли юмшоқроқ кўринадиди ва елка пояси қияроқ бичилади.

Кокетка чизиғи орт булакнинг елка витачкаси ва олд булакнинг кўкрак витачкасига мос бўлиши керак. Мумкин қадар бу витачкалар кокетка чизиғига кўчирилиши лозим. Агар кокетка чизиғи кўкрак нуқтасидан ўтса, витачка бутунлигича кесилган чизиққа кўчирилади. Агар кокетка кўкрак чизиғидан пастроқ жойлашган бўлса, витачканинг бир қисми қолдирилади ва у моделга мос шаклга (кичик витачка, витачкасимон тахлама, рельеф ва ҳ.к.) келтирилади.

Агар кокетка узунлиги кураклар чиққан нуқтасидан ошмаса (15—15,5 см) орт булак елка витачкаси бутун-



5.20- расм. Сал ёпишиб турадиган силуэт пальто конструкцияси асосида тузилган пальтолар моделларининг Вариантлари.



521- расм. Борт чизиқлари ва ён қирқимлари ҳар хил шакллангир-илган тўғри силуэтли пальто чизмаси (ЦНИИШП методикаси).

лигича қирқилиш чизигига ўтказилади. Агар кокетка бу миқдордан узунроқ бўлса, витачка кокетка чизигига қисман ўтади ёки ўз ўрнида қолдирилади.

Буюм узунлиги бўйича кокетка ўлчами муҳим катталик. У буюмнинг умумий узунлиги билан кокетка узунлиги нисбати орқали аниқланади. Агар кокетка юбкада жойлашган бўлса, унинг узунлиги албатта юбка узунлиги билан ўзаро боғланади. Кокеткалар чизиги юбкада кўпинча мураккаб конфигурацияли. Қирқилиш чизиги витачкалар учидан ўтса мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар кокетка узунроқ лойиҳаланса (қирқилиш чизиги витачкалар учидан бир оз пастроқ ўтса), витачкалар учи қирқилиш чизигигача узайтирилади. Агар кокетка витачкалар учидан юқорироқ жойлашган бўлса, витачкалар юқори қисми бекилади, қолган қисми эса (кокетка қирқилиш чизигидан пастроқ) рельефга, тахламага ёки бошқа конструктив чизиққа киради.


Шундай қилиб, кокетка қирқилиш чизигининг конфигурацияси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин у ҳар доим модель ва кийим композицияси билан узвий боғланган бўлиши керак.

Модель эскизи ва унинг конструкцияси муайян фигурага ишланишини ҳисобга олиб кокетка жойлашган деталлар билан кийимнинг узвий узунлиги пропорционал нисбатда кокетка размери ва шакли эскиздан асосий конструкцияга кўчирилади.

Кокетка мураккаб қирқилиш чизигига эга бўлганда, одатда у асосий деталь устига бостириб тикилади.

Овалсимон витачкаларни (агар фигуранинг тузилиш хусусияти уларни талаб қилса) амалий жиҳатдан тўлиқ ёпиб бўлмайди. Бу ҳолда витачка ён чизиқлар томонга бир оз сурилади ва қисман ёпилади, витачканинг қолган қисми кокеткага киради.

**Қирқимлар.** Қирқимлар бурма, тахлама ва бошқа конструктив-декоратив элементлар орқали кийимда ва деталлар айрим участкаларида мураккаб ҳажмий шакл ҳосил қилишга имкон беради. Юқори қисмлари қирқимлар билан безатилган буюм ёки юбка кичик ҳажмли белга ёпишиб турадиган буюмларда ифодалироқ кўринади. Қирқим чизиқларининг шакли моделга боғлиқ. Қирқим чизиқлари асосий конструкцияга туширилади, лекин қирқим витачкалар учига етмаслиги мумкин. Бу ҳолда олд бўлак ёки юбка конструкцияси витачкалар учига томон қирқилади, витачка қирқимга очилади.



5.22-расм. Тўғри силуетли пальто конструкцияси асосида ишланган пальто моделлари.

Агар витачка миқдори бурмани ёки тахламани таъминлай олмаса, тахлама ёки бурма лойиҳаланаётган қирқимнинг тарафи қирқилади ва буюмнинг шаклини таъминлайдиган миқдорга икки томонга сурилади.

Аёллар кийимининг композициясида елка поясига нисбатан узунлиги бўйича, ўртасига нисбатан эни бўйича қирқим эгаллаган жой аҳамиятга эга.

Қирқими елка поясига яқинроқ жойлашган буюм қоматни келишган кўрсатади, елка поясидан узоқроқ жойлашган қирқим фигурани қисқартиради, паст бўйли қилиб кўрсатади. Деталь эни бўйича, ўмиздан чиққан қирқим кўкрак нуқтасидан олд бўлак ўртаси томон ўтмаслиги керак. Акс ҳолда фигуранинг кўкраги фаразий тор кўринади. Шунинг учун, айниқса, аёллар уст кийимида қирқимли буюмлардан кучли таассурот қолдириш учун пухта ўйлаш керак.

#### 5.6. ЭСКИЗ ЕКИ ЖУРНАЛ РАСМИ БУЙИЧА АЁЛЛАР КИЙИМИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТУЗИШ

Эскиз бўйича модель конструкциясини тузиш ишлари одатда эскизни пухта таҳлил қилишдан бошланади. Шу мақсадда эскизда конструктив пояслар белгиланади (5.3-расмга қаранг). Кейин фигурада марказий чизиқ ўтказилади (ўмров нуқтасидан ва кўкрак учи нуқталари ўртасидан). Агар фигуранинг эскизли кўриниши қатъий горизонтал бўлмаса, марказий чизиқни аниқлаш учун қўшимча вертикал рельефлар орасидаги ёки симметрик жойлашган чўнтаклар қопқоқлари орасидаги масофадан ва ҳ.к. фойдаланиш мумкин.

Ёқа шаклини ва ўмиз қирқимини аниқлаш учун эскизда ўмров нуқтасининг ўрни аниқланади (тахминан кўкрак чизиғи билан енгак ўртасида жойлашган).

Агар фигура эскизда қия ёки бурилган бўлса, ўтказилган конструктив пояслар ўзаро параллел бўлмайди. Бу ҳолда улар доим марказий чизиққа перпендикуляр жойлашганини унутмаслик керак.

Енгнинг узунлиги ва шаклини аниқлашда тирсак чизиғи бел чизиғининг сатҳида ўтишини билмоқ фойдали.

Агар қўл четга бурилган бўлса, тирсак чизиғи эскизда кўринмаса, елкадан белгача масофани ўлчаб қўлда белгиланади.

Тирсак чизиғининг ўрнини аниқлаш мураккаб шаклдаги енг конструкциясининг тўғрироқ ечимини топишга имкон беради.

Модель эскизида конструктив поясларни ва марказий чизиқни белгилаш фигурага нисбатан буюм шаклини, нисбатларини, бел чизигининг шаклини аниқлашга ёрдам беради. Айни шу нисбатлар асосида кийим конструкцияси бунёд этилади. Тўр ҳам кийим шаклини аниқлашга ёрдам беради.

Горизонтал ва вертикал чизиқларни ўтказиб муайян деталь фигурада қандай ўрин эгаллашини ва марказий чизиқ ҳамда горизонтал билан чегараланган фазонинг қайси қисмини эгаллаганини осон аниқлаш мумкин.

Кийимнинг ҳажми ва фигурага яқинлик даражаси нисбатларини аниқлаш бирмунча мураккаб масала.

Эскизда ориентир сифатида бел ва бўкса чизиқлари сатҳидаги буюм кенглигининг нисбатларини кўриш мумкин. Пропорционал тузилган аёл фигурасининг елка кенлиги бўкса кенлигига тенг. Мода ҳукмронлиги билан бу қоидадан оғишлар буюм конструкциясига ўзгаришлар киритишни талаб қилади.

Чизма тури белгиланганда кийимнинг елка ва бўкса нуқталарини бирлаштирувчи чизиқларни ўтказиш мумкин. Шу билан бирга ҳосил бўлган геометрик фигура буюмнинг силуэт шаклини аниқлайди.

Комплекциялари, размерлари ва бўйлари ҳар хил бўлган фигураларга эскиз ишлашни ёки журнал расмини танлашда жакет ва юбкалардан тузилган уст кийимларга кўпроқ тааллуқли бўлган баъзи талабларни ҳисобга олмоқ лозим.

Шундай қилиб, кичик размерли ва паст бўйли аёлларга узун ёпишиб турадиган жакетлар тавсия этилмайди — уларга калта бироз ёпишиб турадиган жакетлар кўпроқ ярашади.

Тўла, бўйлари паст аёлларга горизонтал жойлашган бўлинмали қирқимлар ва ҳ.к. тавсия этилмайди, улар белбанд баҳридан кечмоқлари дурустроқ. Жакетнинг этаги кўзга ташланмайдиган бўлиб, эътиборни бар чизиғи билан ёқа ўмизига қаратиш керак. Марказий тақилма афзалроқ.

Баланд ва ўрта бўйли тўла аёлларга горизонтал деталь ва қирқимлар тавсия этилади, лекин кам миқдорда ва композицион зарурликда.

Қомати келишган баланд бўйли аёллар кийим шаклиги горизонтал бўлинишлари билан ингичка белини ва нозик пропорцияларини таъкидлаши мумкин.

Тузилиши маромда бўлган, лекин тор елкали аёлларга кокеткалар, қопқоқлар ва бошқа кийимнинг елка поясини ростлайдиган горизонтал йўналишдаги деталлар тавсия этиш мумкин.

Фаразий иллюзиялар қонунларини ишлатиб горизонтал бўлинишлари бор кийимда фигурани бир оз кенгайтириш ёки вертикал бўлиниш билан узайтириш мумкин. Уст кийимида конструктив чизиқлар етарли даражада ифодали бўлиб декоратив вазифани бажариш керак.

Лекин кийим шаклининг ҳар қандай ечимида доим маром туйғусини эсда тутмоқ лозим.

## АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

1. Дунаевская Т. Н. ва б. Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии / Т. Н. Дунаевская, Е. Б. Коблякова, Г. С. Ивлева. М., 1980.
2. Размерная типология населения стран. / Ю. С. Куршакова, Т. Н. Дунаевская, П. И. Зенкевич ва б. М., 1974.
3. Козлова Т. В. Художественное проектирование костюма, М., 1982.
4. Кибалова Л., Гербенцова О., Ламарова М. Иллюстрированная энциклопедия моды. Прага, 1986.
5. Дзеконьска-Козловска А. Женская мода XX века: Польякчандан таржима. М., 1977.
6. Справочник по конструированию одежды / В. М. Медведков, Л. П. Боронина, Т. Ф. Дурьнина ва б. М., 1982.
7. Тер-Овакимян И. А. Конструирование основы верхней одежды. М., 1956.
8. Матузова Е. М., Гонларук Н. С., Соколова Р. И. Разработка конструкций женских швейных изделий по моделям. М., 1983.
9. Методика конструирования женской верхней одежды. ЦНИИШП. М., 1980.
10. Методика конструирования одежды для девочек. ЦНИИШП. М., 1982.
11. Единый метод конструирования женской одежды, изготавливаемой по индивидуальным заказам населения. ЦОТШЛ. М., 1974.
12. Янчевская Е. А. Конструирование верхней женской одежды. М., 1977.
13. Основы конструирования одежды / Е. Б. Коблякова, А. В. Савостицкий, Г. С. Ивлева ва О. М., 1980.
14. Кузнецова Н. Д. О перестройке процесса конструирования одежды с использованием ЭВМ / Изв. вузов. Технология легкой промышленности. 1978. № 6. С. 92—96.
15. Зуйкова В. Н., Янчевская Е. А. Перекрой одежды для детей. М., 1969.
16. Янчевская Е. А., Тимашева З. Н. Конструирование поясных изделий. М., 1979.
17. Каминская Н. М. История костюма. М., 1986.
18. Горина Г. С. Моделирование формы одежды. М., 1981.
19. Киреева Е. В. История костюма. М., 1976.
20. Козлова Т. В., Рывинская Л. Б., Тимашева З. Н. Основы моделирования и художественного оформления одежды. М., 1979.
21. Шугаев В. М. Орнамент на ткани. М., 1969.

## МУНДАРИЖА

Суз боши . . . . .	3
<b>1. Кийимни конструкциялаш мақсадида олинadиган умумий маълумотлар . . . . .</b>	<b>5</b>
1.1. Кийим тўғрисида умумий маълумотлар . . . . .	5
1.2. Одам танасининг тузилиши тўғрисида қисқача маълумотлар . . . . .	18
1.3. Одам танасининг ўлчов белгиларини олиш методикаси . . . . .	27
1.4. Размерли типология ва размерли антрометрик стандартларни тузиш принциплари . . . . .	40
Текшириш учун саволлар . . . . .	50
1.5. Кийимдаги қўшимчалар . . . . .	53
<b>2. Кийим деталларининг ёйилмасини олиш усуллари . . . . .</b>	<b>62</b>
2.1. Якка тартибда ва оммавий тарзда кийим ишлаб чиқишда кийимни конструкциялаш . . . . .	63
2.2. Кийим конструкциялаш системалари ва усулларининг қисқача характеристикаси . . . . .	65
2.3. Модель намуналари бўйича кийим деталларининг ёйилмасини лойиҳалаш методлари . . . . .	70
2.4. Ёрдамчи тур усулида кийим деталларининг ёйилмасини қуриш . . . . .	72
2.5. Ёрдамчи ёйилиш чизиқлари усули . . . . .	76
2.6. ЭЎМ дан фойдаланиб кийим деталларини лойиҳалаш . . . . .	78
Текшириш учун саволлар . . . . .	80
<b>3. Аёллар уст кийими конструкциясининг чизмасини ишлаш . . . . .</b>	<b>81</b>
3.1. Кийимнинг деталь ва узелларининг конструктив унификацияси . . . . .	81
3.2. Орт ва олд булаклар конструкцияларининг чизмасини қуриш . . . . .	85
3.3. Енгларни конструкциялаш . . . . .	116
Текшириш учун саволлар . . . . .	132
3.4. Ёқаларни конструкциялаш . . . . .	143
Текшириш учун саволлар . . . . .	156

3.5. ЦНИИШП методикаси бўйича сал ёпишиб турадиган аёллар кузги-баҳорги пальтоси конструкциясининг чизмасини қуриш учун ҳисоблар . . . . .	157
3.6. Ҳар хил бичимли аёллар уст кийими конструкциясининг чизмасини қуриш . . . . .	171
Текшириш учун саволлар . . . . .	181
3.7. Аёллар белли буюмларини конструкциялаш . . . . .	204
3.8. Қизлар кийими . . . . .	219
<b>4. Андазалар конструкциясини тузиш ва уларни техник кўпайтириш . . . . .</b>	<b>228</b>
4.1. Андазалар тайёрлашга нисбатан қўйиладиган техник талаблар . . . . .	228
Текшириш учун саволлар . . . . .	242
<b>5. Кийимни моделлаштириш ва безатиш асослари . . . . .</b>	<b>243</b>
5.1. Стил ва мода . . . . .	243
5.2. Костюм композициясининг асосий принциплари . . . . .	245
5.3. Кийимда рангнинг роли . . . . .	248
5.4. Одам фигурасида кийим асосий деталларини шакллантириш . . . . .	263
5.5. Техник моделлаш усули билан текисликда кийим деталларининг шаклини яратиш . . . . .	273
5.6. Эскиз ёки журнал расми бўйича аёллар кийимининг конструкциясини тузиш . . . . .	282
Адабиётлар рўйхати . . . . .	285

ЕКАТЕРИНА АЛЕКСАНДРОВНА ЯНЧЕВСКАЯ  
АЁЛЛАР УСТ ҚИЙМИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таржимон *Н. Ҳамроева*  
Муҳаррир *Д. Аббосова*  
Расмлар муҳаррири *Ф. Некқадамбоев*  
Техник муҳаррир *С. Турсунова*  
Мусахҳиҳ *М. Иброҳимова*

ИБ № 6906

Теришга берилди 25.02.97. Босишга рухсат этилди 10.11.97. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 15,12. Шартли кр.- отг. 16,17. Наshr. л. 16,49. 1000 нусхада. Буюртма № Д 2899.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 11-215-95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1998.